

АКБАР МИРЗО

АЖАЛ БИЛАН
ЮЗМА-ЮЗ

Роман

509 Яқин аф ақс
нашрият

Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2013

84(59)7 - 930. ағад.

УУК 821.512.133.3
КБК 84(59)6
М 54

*Ватан мустақиллигини сақлаш йўлида жонини
фидо қилган Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар
органлари ходимларига бағишланади.*

Маъсул муҳаррир
Лазиз Тангриев.

Маслаҳатчи
Аҳад Содиқбеков, истеъфодаги полковник.

Тақризчилар:
М. Йўлдошев — психология фанлари номзоди;
З. Исмаилов — филология фанлари номзоди.

80-йиллар охири — 90-йиллар бошидаги таҳликали вазият, турли экстремистик гуруҳларнинг қабих хуружлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Намангандаги ҳокимият биносида қаҳр-ғазабга тулган оломон билан юзма-юз келиши ва истиқлолнинг дастлабки йилларидаги суронли воқеалар муаллиф томонидан илк бора бадий тасвирга кучирилган. Асарда, шунингдек, ҳар куни ажал билан юзма-юз келаётган юрт посбонларининг мардлик ва жасорати кенг ёритилган.

Ю 41582
291

© Акбар Мирзо
© Гафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2013

ISBN 978-9943-03-492-1

2013/107 A 8/48	Афшар Навоий номидagi O'zbekiston MK
--------------------	--

НАШРИЁТДАН

Азиз замондош!

Эрта тонгда туриб, оламни мунаввар этувчи бобо қуёшга боқасиз. Тинч ва осуда кўчалар, лабида табассум, қалбида яхши ниятлар билан юмушга шошаётган, юзларида ажиб хотиржамлик ўз мужассамини топган одамлар, бир-бирига тинчлик тиламоққа ошиққан кишиларимизнинг самимий саломаликлари, албатта Сизни қувонтиради. Болаларнинг шодон кулгилари, ораста хиёбонлару бог-роғлар, гўзал ва маҳобатли бинолар, ойнадек текис асфальт йўллари тўлдириб юрган ўзбегим машиналари...

Бу, Аллоҳга шукрлар бўлсинким, обод ва озод юртимизнинг бутунги куни.

Мана шундай саодатли дамларга қандай эришдик? Ўтган асримизнинг 80-йиллар охири — 90-йиллар бошидаги мамлакатимиздаги огир иқтисодий танглик, сиёсий беқарорлик ёдингиздами?

Ҳа, айнан “ёдингиздами?” деб сўрадик. Чунки Сиз ва Биз мустақиллик учун кураш тарихини ҳужжатхоналарда чанг босган қўлёзмалар орқали ўқиб ўрганмадик, балки ўз кўзимиз билан кўриб, унга гувоҳ бўлдик. 1991 йилда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритди ва миллий давлатчилигини тиклади. Халқимизнинг иродаси, ўзбек миллати ҳақ-ҳуқуқи, унинг дунё тамаддунига қўшган ва қўшаётган ҳиссаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Истиқлол деб аталмиш азиз неъмат туфайли ўзбек тилимизга давлат тили мақоми берилди, халқимизнинг тарихи қайта тикланиб, улуғ аجدодларимиз қолдирган бой ва бебаҳо мерос дилларимизни ёритди. Улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди: шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси, аҳолининг онги ва тафаккури, турмуш тарзи тубдан ўзгара бошлади.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Мустақиллик меъмори, Ўзбекистон учун ўта мураккаб вазиятда давлат раҳбари сифатида тарих саҳнасига чиққан Ислом Каримов халқимизнинг асрий орзусининг ушалишида ўзининг тенгсиз жасорати, букилмас иродаси, қатъиятлилигини намойиш эта олди.

Юртбошимизнинг тарих зарварақаларига абадий муҳрландиган бу матонати бир неча сиёсий публицистик китобларда ўз ифодасини топган. Бироқ, истиқлолнинг дастлабки йиллари, эндигина тетапоя бўла бошлаган мамлакатда кечган суронли давр воқеалари, эришилган зафарларни мустаҳкамлаш йўлидаги сатъ-ҳаракатлар, бу йўлда чекилган заҳмат ва машаққатлар ўзининг бадий талқинини топган асарлар деярли йўқ ҳисоби. Бугунга келиб, бундай асарларнинг яратилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқдаки, ана шу кемтик жойларни тўлдириш мақсадида, эзгу ният билан нашриётимиз истеъдодли ёзувчи Акбар Мирзога мавзунини қаламга олиш таклифини берган эди ва мана шу ҳамкорлик натижасида қўлингиздаги китоб дунёга келди.

Детектив жанрида ёзилган мазкур романда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Намангандаги ҳокимият биносида қаҳр-газабга тўлган оломон билан юзма-юз келиши, ашаддий бузгунчилар қаршисига кўрқмасдан чиқиши, уларнинг талаб-истакларини эшитиб, музокара олиб бориши, ашаддий экстремистик гуруҳ бошлиқларининг саволларига муносиб жавоб берганлиги Сизни бефарқ қолдирмайдиган даражада ёрқин тасвирлаб берилган.

Шу билан бирга асарда Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ходимларининг мамлакатимиз мустақиллигига раҳна солувчи, халқимиз осойишталигини бузувчи террорчи каззобларга қарши курашларда кўрсатган мардлик ва жасоратлари ўзининг илк бадий ифодасини топган. Таҳликали воқеалар, қалтис вазиятлар, мустақил юртимизга кўз олайтирган ёвуз кучларнинг қабих қилмишлари, фидойин Ватан посбонларининг шахсий ҳаёти, уй-кечинмалари ҳам ушбу асарда маҳорат билан очиб берилган.

МУҚАДДИМА

Ёз бошларида кунлар бирдан исиб кетди. Совуққа ҳам, иссиққа ҳам кўнмайдиган одамларнинг оғзидан “Ҳали чилла кирмай шунақа исиса, кейин нима бўларкин?”, — деган хавотирли гап аримай қолди. Салом-алиқдан сўнг албатта шу савол бериларди. Аммо мулоҳазали, сабр-тоқатли ўзбекнинг жавоби тайин: “Шу кунларга етказганига шукр!” Албатта. Қишнинг қаттиқ қаҳридан, айниқса, баҳорга ўтиб чўзилиб кетадиган аёздан иссиқ яхши-да! Бир асрдан кўпроқ чўзилган аёзнинг энди ортда қолгани рост бўлсин. Эҳ-ҳе, бу аёз не-не мевали дарахтларни, навниҳолларни, баҳор келишини интиқлик билан кутган кўркам боғ-роғларни қуритмади? Лекин Аллоҳга шукрлар бўлсинким, бир вақтлар гуллаган, мевасини дунё татиган дарахтларнинг, боғларнинг илдири бақувват экан, уларга унчалик зиён-заҳмат етмабди.

Юрт осмонидаги қора булутлар тарқаб, сахий қуёш ҳаётбахш заррин нурларини соча бошлагач, илдиэрдан ниҳоллар униб чиқди. Икки-уч йиллик мурғак ниҳоллар, буни қарангки, гулга кирибди. Ранго-ранг гулларнинг муаттар ҳиди бир зумда атрофни тутди. Қаердандир муборак асалари пайдо бўлди. Асалари. Демакки, гуллар мева тугиши, ўз таъми ва чиройи билан бу куҳна дунёни яна забт этиши муқаррар!

Энди бу ниҳолларни асрамоқ керак. Уларга кўз тегмаслиги, қаерлардадир изғиб юрган аёз майин шабада ортига яшириниб келиб қолмаслиги учун огоҳ бўлиш лозим.

Боғлар ишончли Боғбон кўлига ўтди. Қора совуқнинг аёзини кўп кўрган, унинг ситамларига дош берган Боғбон

енг шимариб ишга киришаркан, бу ниҳолларни росмана униб-ўсиши, шигил-шигил ҳосил бериши учун ҳали кўп тер тукиши кераклигини юрак-юракдан ҳис этди. Аммо унинг азми қатъий эди. Богларга меҳр курсатса, қалб қўри билан парвариш этса, улар албатта яйраб-яшнаб кетади, бир-биридан тотли мевалар беради. Мевалар эса она-юрт довругини оламга таратади.

* * *

Енг шимариб ишга киришган Богбон икки суҳбатни бот-бот эслаб туради:

Махфий суҳбатдан:

— Сизнинг номзодингизни бу ниятда қўллаб-қувватламаган эдик. Катта хатога йўл қўйяпсиз! Ўзбекистон ҳеч қачон мустақил мамлакат сифатида фаолият юрита олмайди!

— Мен Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонаман!

* * *

Ундан кейинги суҳбатдан:

— Қайсар экансиз. Хўш, мустақилликка эришиб, нима каромат кўрсатяпсиз? Билиб қўйинг, эртами-кечми яна иттифоққа қайтмоқчи бўлсангиз, сизнинг номзодингизни жиддий ўйлаб кўрамай!

— Ўзбекистон ҳеч қачон ўзи танлаган йўлдан воз кечмайди!

БИРИНЧИ ҚИСМ

I. МАҚСАД САРИ ЙЎЛ

— Хуш, хизмат?

Элёр спорт кийимидаги кишининг совуқ муомаласига эътибор қилмай салом берди. Мураббий истамайгина алик олди. Буни кўриб йигит қўлини узатишдан ўзини тийди.

— Мен Элёрман!

— Элёр? Қайси Элёр?

— Шогирдингиз Ботирнинг тутинган укаси.

— Қўқонлик Ботирними? — деди хиёл ўйга толган мураббий.

— Ҳа.

— Хуш, нима гапинг бор? — Нотаниш йигитнинг жавобидан мураббийнинг пешанаси тиришди.

— Мени шогирдликка олсангиз. Шунини илтимос қилиб келдим, — деди Элёр бир оз дадиллашиб.

— Сени бу ерга Ботир юбордими?

Элёр қаршисида турган кишининг кўзларига тикилди. “Наҳот, эшитмаган бўлса?” деган фикр ўтди хаёлидан ва юраги титраб, томогига нимадир тиқилгандай бўлди. “Шогирдининг ўлиmidан хабар топмаган бўлса, бу инсон қанақа устоз бўлди? Ёки уша охири учрашувдан ҳафсаласи пир бўлган Ботир акам ҳам хайр-хўшни насия қилиб жўнаб қолганмикан? Ҳа, шундай бўлса керак. Кейин эса устоз-шогирднинг алоқалари узилган. Бўлмаса, бахтсиз фожиани албатта эшитган буларди”.

— Ҳм, тинчликми? Намунча тикилиб қолдинг?

Элёр хаёлини жамлади: биринчи учрашувдаёқ иродаси бўш одамдай таассурот қолдиришни истамади. Дарҳол ўзини қўлга олиб, аввалги саволга “ҳа” деб жавоб қилди.

— Ёшинг нечада?

— Йигирма тўртда.

— Йигирма тўрт ёшингда бокс билан шугулланмоқчимисан? — кўзлари катталашган мураббий таажжубга тушганини яшириб ўтирмади.

— Нима бўпти? — деди Элёр ажабланган мураббийнинг кўзларига тик боқиб.

— Сендан боксчи чиқмайди!

— Нима учун? — сўради Элёр ҳам бўш келмай.

— Буни тутинган аканг айтмаганми? — деди мураббий оқ оралай бошлаган қошларини уюб.

— Йўқ!

— Унда, Ботир билан шугулланавер.

— Сизнинг қўл остингизда шугулланмоқчиман!

— Гапимни тушунмадингми? — энди ортига бурилган мураббий бир зум жойида тўхтади.

— Шогирдликка олмайсизми? — сўров қатъий чиқди.

— Йўқ! — жавоб ҳам шунга яраша бўлди.

— Сабабини айтинг, ҳеч бўлмаса?

— Жудаям билгинг келяптими? Унда, эшит. Биринчидан, сен умуман бокс билан жиддий шугулланмагансан. Кўча-кўйда бир-икки марта муштлашган бўлишинг мумкин. Бироқ бокснинг яқинигаям йўламагансан. Сен ё оддий мактаб ўқитувчиси ёки артист бўлсанг керак. Иккинчидан, мен шогирдликка энг кам ун тўрт-ун беш ёшдан танлайман. Учинчидан, аканг қобилиятли боксчи бўлгани билан масъулиятни ҳис этмаган. Боксдан кўра ўткинчи ҳиссиётларни юқори қўйди ва оқибатда ҳеч нарсага эришолмади. Энди тушунгандирсан, гапимга?

— Сен ҳам шунақасан, демоқчимисиз?

— Ҳа. Бўпти, омон бўл, йигит.

Мураббий шундай деб бутунлай ортига бурилди ва рингда машқ қилаётган ўсмир йигитларнинг ёнига қайтди. Элёр залга кирган жойида туриб қолди. У нотаниш мураббийдан бундай муомалани кутган эди. Иш осонлик билан ҳал бўлмаслигига ўзини тайёрлаганди. Аммо бошданок Ботир аканинг фожиали ўлими ҳақида гапириб, мураббийнинг раҳмини келтираман, шогирдликка олишга кўндираман, деб ўйлаганди. Гапни шундан бошламаганига афсусланди.

Залга тикилди. Иккита йигит рингда, қолган унга яқин болалар эса пастда машқ қиляпти. Шугулланаётганларнинг ёшлари ҳар хиллигига эътибор қаратган Элёр ўзи тенгқур боксчиларни қидирди. Янглишмаса, тўртта йигитнинг ёши бошқаларникига қараганда каттароқ эди.

— Алишер ака, илтимос, мени шогирдликка олинг!

Исмини эшитган мураббий орқасига ўтирилиб, нотаниш йигитга “Ҳалиям шу ердამисан?” дегандай қараш қилди. Сўнг: — Аввал нима иш билан шуғуллангансан? — деди йигитнинг қайсарлик қилиб кетмаганининг тагига етмоқчи бўлиб.

— Рассом эдим.

— Ҳа, қўлларинг қаламдан бошқа нарса ушламагани кўриниб турибди. Ҳозир-чи?

— Уч ойдан бери боксни машқ қиляпман.

— Қимда?

— Ўзим, уйда.

— Мақсадинг нима?

— Сўз берганман, — дея Элёр бир қадам олдинга юрди.

— Ботиргами?

— Шундай деса ҳам бўлади.

— Унда, акангга айт, бошқа мураббий топиб берсин. Ёки ўзи ўргатсин.

— Мен эса сиздан бошқасини истамайман!

— Нима учун? — Элёр беихтиёр яна қадам ташлади.

— Ботир акамнинг ушалмаган орзуларини рўёбга чиқариш учун!

— Ботир, Ботир... Ўзинг ўхшамасанг ҳам, қайсарлигинг ўхшар экан. Бироқ боксда қайсарлик кетмайди. Яхшиси, суратингни чизиб юравер, ука.

— Рингда синаб ҳам кўрмайсизми?

— Синаб? Э, йўқ, — деди мураббий қўл силтаб.

— Истаган шогирдингиз билан тушириб кўринг.

— Бошимни қотирма! Тинчгина кетақол.

— Мени аядингизми ёки шогирдларингизни!

— Сурбет бола экансан.

— Боксёр бўлмоқчиман, дедим-ку!

— Ростданми?

— Ҳа.

— Яхши. Ке, синаб курганим булсин. Йигитнинг сазаси ўлгунча... Лекин жангдан сўнг Қўқоннинг қаердалигини унутиб қўймасанг, бўлди.

Бу ҳодисани кўз қири билан кузатиб турганлар беихтиёр кулиб юборишди. Элёрнинг қўллари мушт бўлиб тугилди.

— Хавотир олманг, мен Тошкентда яшайман, — деди жаҳлини босиб. Аммо шу тобда уни бутунлай ўзини қўлга олди, деб бўлмасди: тишлаган пастки лабини ҳали қўйиб юбормаган эди.

— Шундайми? Ҳа, яхши.

Мураббий қарсак чалиб, шогирдларини ёнига чорлади. Кейин “Рустам” деб йигитларнинг бирига куз ташлади ва уни рингга имлади. Суяги боксда қотгани кўриниб турган, буйи Элёр қатори, сочлари калта, оқ-сарикдан келган йигит рингга ошиқди. Кейин нотаниш йигитни тепага чиқиб, ринг ўртасига келгунча зимдан кузатиб турди. Нимадандир кўнгли хотиржам бўлди чоғи, устозининг “Бокс!” деган буйруғидан кейин ҳам рақибини ўткир нигоҳлари ила таъқиб этишда давом этди. Афтидан, биринчи раундни меҳмонга қўйиб бермоқчи бўлдими ёки охириги дақиқаларда ўзини кўрсатишни ният қилдими, хуллас, фақат ҳимоялана бошлади. Элёр эса ўзини катта бир нуфузли мусобақада ҳис

этди ва пастда Ботир ака кузатиб тургандай, асло кутмаган ҳолатни бошидан кечира бошлади: “Элёр, вақтни утказма!” деган таниш овоз қулогига кирган заҳоти (бу ҳайқириқни эса чинакамига эшитгандай бўлди), унги юзи салгина ҳимоясиз қолган рақибига йўлбарсдек ташланди; тўсатдан берилган зарба уч ойлик машқининг илк натижаси эди, “Қани, бўшашма, дадилроқ ҳаракат қилсанг-чи!” дегандай қўллари билан имлаётган Рустам “Синамаган отнинг сиртидан ўтма”, деган мақолга бутунлай амал қилмаган ёки ўтган йилги республика чемпионатидаги юқори кўрсаткичларидан бир оз кибрга кетган, ёхуд устозининг “Қўқоннинг қаердалигини унутиб қўймасанг бўлди”, деган гапидан сўнг нотаниш рақибини даярли менсимаганди; хуллас, доғда қолди: гандираклаб рингга йиқилганда ҳамманинг дами ичига тушиб кетди.

Элёр рингдан тушишга шошилмади. Кутилмаган ҳодисадан нима дейишини билмай турган Алишер акага “Бунга нима дейсиз?” дегандай нигоҳ ташлади.

— Барибир сандан боксёр чиқмайди, — мураббий шундай деб шогирдларига машқни давом эттиришни кўрсатма берди-да, зал четидаги хонаси томон кета бошлади.

— Нима учун? — турган жойида бақирди Элёр.

— Сен кимдандир қасос олиш учун боксни ўрганмоқчисан? Мақсадинг шуми? Аслида, акангдан фарқинг йўқ экан. Ҳа, айтгандай, унга салом айтиб қўй, — гап орасида тухтаб, ортига бурилган мураббий яна йулида давом этди.

— Агар сиздан аввал кўрсам... албатта етказаман.

— Бу нима деганинг? — мураббий бирдан тухтаб нота-ниш йигитга юзланди.

— Балки сиз уларни мендан бурун кўрарсиз?

— Тушунмадим?

— Улганини... эшитмаганмисиз?

— Улганини дейсанми? Ботир...

— Ҳа, Ботир акам вафот этганлар.

— Нима? Ростданми?

Мураббий қулоқларига ишонмай қайта сўради. Кейин ринг олдига аста юриб келди. Элёр бир сакраб пастга тушди.

— Унинг қамалиб кетганини эшитган эдим, аммо улганини... уэр, бундан мутлақо хабарим йўқлигини қара. Қачон, нима бўлди, ўзи?

Элёрнинг кўзлари ёшланганини кўрган мураббий “Қани, бундоқ юр-чи”, деб хонаси томон етаклади...

* * *

Элёр биринчи қадамни ташлаган эди. Шу бугун унинг юзида анчадан бери илк бор хурсандчилик аломатлари зоҳир бўлди. Буни кўриб Муҳаббатнинг ҳам чеҳрасига табас-сум югурди. Айтишга осонми, ахир улар сал кам тўрт ой-дан бери кулиш тугул, бир-бирига ҳазиллашиб, жилмайиб ҳам қўйишмаганди-да. Худди ўз жигаридан, сўз жоиз бўлса, ундан ҳам яқин бир инсондан жудо бўлганди. Айрилгандаям бу оилани сақлаб қолиш, унинг аъзоларига зиён-заҳмат етказаетган бир муттаҳамнинг йўлини тўсиш, беғуноҳ норасиданинг хунини олиш учун ўзини қурбон қилган эди. Шуларни деярли ҳар он ўйлаб турган кўнгилларга хурсандчилик сигмаганди.

Айниқса, Элёр эзилиб кетди. Хотини ёнига қайтганидан кўнгли ёришган бўлса-да, Ботирнинг бевақт, бунинг устига фожиали ўлими ҳақидаги аёвсиз уйлар ҳаргиз унинг хаёлидан нари кетмас, фикру зикрини банд этган, ҳатто машқ қилаётганида ҳам тарк қилмасди. “Нега бундай қилди? Ҳаётини сақлаб қолса бўларди-ку? Ахир, у аблаҳ дўхтирни мен, мен ўлдиришим керак эди! Қасосга мен ҳақли эдим. Нотўғри иш қилдингиз, Ботир ака. Мени бир умрга виждон азобига солиб кетдингиз. Бундан кўра у ишни ўзим қилганимда бунчалар қийналмасдим”. Саволлар ўзидан-ўзи ёғилаверади. Жавоб эса йўқ. Лоақал кўнгилга таскин берувчи сабаб топилмасди.

Бунинг устига Зулфиянинг мунгли қиёфаси, орзу юлдузи энди порлай деганда яна умидсизлик, айтолмаган дардлари, қоттан маъюс нигоҳлари, титраган бармоқлари-

ни салгина силкиб хайрлашгани ҳали-ҳамон Элёрнинг кўз ўнгидан кетмас, буларнинг барча-барчаси юрагини шундай сиқар, шундай эзгилар эдики, бу кўринмас азоб-уқубатдан қутулишнинг бирдан-бир йўли сурат чизиш эмас, аксинча, кум тўлдирилган чарм қопни аямасдан уриш, дўппослаш, ўйлаб ўтирмасдан, шарт тепиб-тепиб юбориш эди. Шундагина у бир оз ҳовуридан тушарди, қалбига найзадек санчилган оғриқнинг захрини салгина кесгандай буларди. Бора-бора чизгиларига қарай олмайдиган бўлиб қолди. Қайси юз билан Зулфиянинг суратига нигоҳ ташлайди? Нима дейди? Қани энди уксик юрагига малҳам топа олганида? Чилпарчин булган аёл қалбини даволашга шифо борми ўзи бу дунёда?

Алаmidан яна қопни муштлайди.

Ишдан ҳам кўнгли совиди, бутун фикрини энди ягона мақсад: марҳум тутинган акасининг ушалмаган орзусини рўёбга чиқариш режаси қамраб олди. Ботир ўз жонини қурбон қилишгача борибдики, нега у рассомликни ташлолмайди, нима учун боксни ўрганиб марҳумнинг руҳини шод этолмайди. Ботир чемпион буламан, ўзбек йигитининг ҳали нималарга қодир эканлигини бугун оламга кўрсатиб қўяман деган, балки бу ёруғ дунёни эрта тарк этмаганида ниятига етарди ҳам. Ўзи айтганидай ватан байрогининг энг баланд кўтарилиб, мағрур ҳилпирашини кўрган, ёш тўла кўзлари ила кузатган бўларди. Ҳа, ана шунда севингдан ҳайқириб юборарди!

Бироқ энди бу мақсадни ким рўёбга чиқаради?

Аслида марҳумнинг орзу-умидларини Элёрдан бошқа яна ким ҳам яхшироқ биларди, теранроқ тушунарди, юрак-юракдан ҳис қиларди? Элёр ана шулар ҳақида тинимсиз ўйлагани учунми, яқинда бўлиб ўтган маросим куни кечаси тушига Ботир кирибди. Ё, алҳазар! Элёр тоғдан ағдарилиб тушган машина олдида пайдо бўлиб қолибди. Бутун бада-ни титилиб, қон оқиб ётган Ботир ҳали ўлмаган, хириллаб зўрға нафас олармиш. Элёр жароҳат оғригидан кўзларини оча олмайётган Ботирнинг қонга беланган бошини аста

кўтариб тиззаси устига қўйибди. Кейин нима қилишни билмай, атрофга умид билан кўз тикибди ва баланд овозда йўл четида ишлаб юрган одамларни ёрдамга чақирибди. Бироқ овози чиқмасмиш. Бир маҳал Ботир бир кўзини салгина очиб: “Сенмисан, ука?” дебди.

— Ҳа, Элёрман!

— Мен, уляпманми?

— Нималар деяпсиз? Сиз... сиз... фақат йиқилиб тушган-сиз, холос, — овози титраб жавоб қилибди Элёр.

— Қаттиқ йиқилибман, шекилли?

— Унчалик эмас. Ҳозир дўхтирлар етиб келишади. Кейин сизни... — Элёр гапини давом эттира олмай қийналибди.

— Қаердан йиқилдим, ўзи?

Элёр “тепадан” дегандай баланд тоққа нигоҳ ташлабди.

— Тоғдан... йиқилдимми? Биз... Тошкентга қайтаётганмидик? Зулфия... йўғмиди ёнимда? — Ботир инқиллаб зўрға гапираркан, атрофга алангламоқчи бўлибди, аммо қаёқда, бошини сал бўлса-да, кўтариш тугул қовоқларига қон уюлаётган кўзларини росмана очолмабди.

Элёр Ботирнинг кўнглини тинчлантириш учун Зулфиянинг ўз уйида қолганини айтибди. Дастрўмолини олиб, ҳаммаёғи зирқираб оғриётгани шундоқ билиниб турган Ботирнинг юз-кўзларини аста артибди. Аммо қон баттар ёйилибди.

— Анави дўхтир... ўлдими... ё тирикми?

— Улибди, Ботир ака, улибди.

— Ҳа, у ўлиши керак эди. Бу дунёда битта муттаҳам камайибди-да?

— Эҳ, нималар қилиб қўйдингиз?

— Сен ташвиш қилма. Фақат... ростини айт, оёқ-қўлларим... синибдими?

— Синмаган, Ботир ака, синмаган.

— Алдама. Қара, умуман қимирлата олмаяпман-у, — дебди Ботир ногоҳ пайдо бўлган оғриқдан пешанасини тириштириб.

— Илтимос, қимирламанг.

Тишларини тишларига босган Ботир чидолмай, инграб юборибди. Нима қиларини билмай атрофга аланглаган Элёр сўз топишга ҳам қийналар эмиш:

— Бир-икки ойда тузалиб кетасиз. Ҳозир дўхтирлар етиб келишади. Оэгина сабр қилинг.

— Бокс... наҳот, тугаган бўлса, Элёр? — дебди Ботир базур.

— Бокс энди бошланади, Ботир ака. Сиз албатта чемпион бўласиз! Зулфия опани ҳам Тошкентга олиб келасиз. У сизни кутиб турибди, Ботир ака!

— Зулфия... Зулфияжон.

Ботир жилмайишга ҳаракат қилибди, аммо на лаби, на юзини қимирлата олибди. Салдан кейин Ботирнинг кўз қорачиги тепага тортилганда Элёрнинг эхонаси чиқиб кетибди. Теваракка аланглаб одамларни ёрдамга чақирибди. Лекин унинг овозини ҳеч ким эшитмас эмиш. Шунда ётган жойида зўрға тилга кирган Ботир бир нималар деб пичирлай бошлабди. Қулогини тутган Элёр узук-юлуқ гаплардан баъзиларини англабди: Зулфияни ёлғизлатиб қўй...ма. У сенга... омонат. Энди... чемпион бўлиш пешанамга ёзилмаган экан. Аммо сен... дан чиқади.

— Йўқ, сиз ўлмайсиз. Ўзингиз чемпион бўласиз, Ботир ака. Кўзингизни очинг, ухламанг, ухлаб қолманг, — Элёр базур нафас олаётган Ботирнинг бошини қимирлатишга қўрқиб, аста овозини кўтара бошлабди. — Сиз Зулфия опа учун яшашингиз керак. Сиз уни бахтли қилишингиз шарт! Шундай ташлаб кетолмайсиз, ахир. Ботир ака, кўзингизни очинг! Мен... мен ҳозир одамларни бошлаб келаман. Сиз фақат ухлаб қолманг, хўпми?

— Сўзларимни.. унутма. Ҳалиги, нимаиди... ўлаётганда ўқи...ладиган. Шунини... айт.

Элёр бирдан ҳушини йиғибди. Аммо калима қайтариш учун нима дейишни кераклигини дарров эслолмабди. Юрак-

багри эзилиб, йигламоқдан бери бўлиб турганда, ё, тавба, наҳот, унинг ҳам ёдига келмаса? Аллоҳ, жаннат, дўзах... Ҳа, булди... Бутун диққатини жамлаб, ла илаҳа... деганда Ботирнинг боши бир томонга оғиб тушибди.

Элёр жонсиз танани бағрига босиб, ҳайқирганда атрофдаги тоғлар ларзага келибди. Аламли ўкирик овози қояларга урилиб, акс-садо берганда эса ногоҳ уйғониб кетди...”

Шундан кейин аввалгидай тинчгина кун кечиршига кўниколмади. Офисга борарди-ю, ярим соатдан ортиқ утиролмайдиган бўлиб қолди. У ҳатто ходимлари билан ҳам тузук-қуруқ иши бўлмай қолди. Айниқса, кейинги пайтларда қадам олиши бир оз ўзгариб қолган Азизнинг юриштуришини ҳам эътиборсиз қолдирди. Офисга келганда у қандайдир нотаниш одам билан суҳбатлашиб ўтирган бўлар, аммо сал ўтмай биргалашиб чиқиб кетишарди. Буюртмачи бўлса керак, деб ўйлаган Элёр яна марҳум Ботир ҳақида уйга толар, чуқур қайғуга ботарди.

Ҳа, Ботир ўлди, аммо у ушалмаган режаларини ўзи билан қабрга олиб кетмади, гўё барчасини Элёрга қолдирди. Тушига кириб бўлса-да, аён берди. Демак, Ботир ўша пайтда дарров ўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Анча пайтгача ёрдам келишини кутиб ётдимикин? Кейин... нажот бўлмагач, тушда айтилган гапларни кўнглидан кечирган. Элёр ёнимда бўлганда айтардим, деб ўйлаган. Бироқ... Элёр буни тушунди. Нега тушунмасин? Агар Ботирнинг олдида бўлганида тушидаги гапларни албатта эшитган бўларди. Ботир балки бу гапларини васиятим дермиди? Дерди, бўлмаса, тушига кирмасди.

Элёр ўз мақсадларини унутишга қарор қилди. Ҳозирча кўрган тушини ҳам, ниятини ҳам Муҳаббатга айтмади, айтолмади. Кейинроқ ошкор қилишни кўнглига тугди, балки бокс оламига кириб, илк натижаларни қўлга киритганда айтсам, яхшироқ бўлади, деб ўйлади ва ортга сурди. Боксни ўрганади, Ботирнинг ниятини амалга оширади. Бу йўлда неки қийинчилик бўлса, барчасини мардонавор енгади;

машқ давомидаги машаққатлар нима бўлибди, рақиб зарбалари тугул, бевафо дунёнинг борлиқ азобларига, синовларига чидайди. Негаки, у Ботирнинг руҳи покини хотирлаб ўтказилган эҳсон маросимида бу ишни кўнглидан ўтказган бўлса, кўрган тушидан сўнг ўзига қатъий сўз берди. Ўзбекининг яхши бир нақли бор: ваъдага вафо — марднинг иши. Мардлик эса ҳақиқий эркакка хос фазилат.

Ҳамма замонларга ҳам инсон берган лафзига, унга нечоғлик содиқ қолишига қараб улуғланган. Ичган онтидан, берган ваъдасидан тонганлар ҳеч қачон обрў-эътибор топмаган, эл орасида сариқ чақалик қадр-қиммати бўлмаган. Буни ҳис қилган Элёр ўзича машқ қилишни тўхтатиб, кеча Ботирга устозлик қилган одамни излаб борганди. Негадир ҳамон мураббийлик касбидан воз кечолмаган Алишер аканинг нотаниш йигитни қандай кутиб олганини кўрдингиз. Бироқ қаҳрамонимиз ҳам бўш келмади. Биринчи учрашувда ёмон таассурот қолдирмаслик учун ўйлаб қўйганларининг барини қўлади. Яхшики, қамоқда Ботирдан кўп нарсаларни сўраб, билиб олгани, бўлмаса мураббий билан тил топишиш осон бўлмаслиги аниқ экан. Аммо элади. Кўринишидан негадир ўзи ҳам аламзада бўлиб юрган мураббийнинг юрагига йўл топди. Шогирдини енгди, Ботирнинг ўлимини ошкор қилди. Биринчи кундан бўш қайтмади: Алишер аканинг мактабига аъзо бўлди. Муҳими ана шу эди.


Шу куни Элёрнинг юраги ёришди, шу оқшом Муҳаббат бағрини тўлдирди, ширин суҳбатлари анчагача давом этди...

* * *

Бироқ шу кечаси қаердадир телефон жиринглади: Элёрнинг исми тилга олинди, мураббий биринчи марта кўриб туришига қарамай, уни бокс клубига қабул қилгани ҳақида айтилди.

Айтувчи ичидагини кимгадир етказганидан енгил тортди.

Эшитувчи уни алқаб қўйди.



II. ВА НИҲОЯТ РИНГ

Эрталаб эрининг режасидан хабар топган Муҳаббат аччиқланди. Бир зумда ширин кайфиятидан асар қолмади.

— Боксни деб тайёр ишингизни ташлайсизми? — сўради Муҳаббат нонуштага ўтирган эрининг жиддий боқаётган кўзларига тикилиб.

— Бу борада сен билан тортишишни истамайман.

— Ёдингизда бўлса, Ботир ака сен чизган суратларинг билан дунёни забт этишинг керак деганди. Сиз у кишининг мана шу гапларига амал қилсангиз яхши бўларди.

— Улар энди йўқ. Улган одам армон бўлиб қолган орзу-сини ортида қолган кимдир рўёбга чиқаришини истайди. Амалга ошган ниятини кўрса, безовта руҳи таскин топиб, шод бўлади. Шундай экан, бу менинг бурчим. Агар билсанг, мен марҳумнинг олдида қарздорман.

— Тугри, қарздормиз. Лекин ҳар ким қўлидан келган ишни қилиши лозим, Элёр ака. Ахир чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин, деган мақол бекорга айтилмаган. Ундан кейин, Ботир аканинг пешанасига шунақа тақдир ёзилган экан, иложимиз қанча? — Муҳаббат бошини қуйи эгди.

— Аслида унинг шундай ўлим топишига кўпроқ биз сабабчимиз! — деди Элёр қўлларини мушт қилиб, кўксига бир тушираркан. Унинг жаҳли чиққанича ҳам бор, “Аслида сен сабабчисан!” деб айтмоқчи бўлди, бироқ эрталабдан Муҳаббатнинг кайфиятини бузишни истамади.

— Бокс... сизнинг қўлингиздан келмайди, ахир.

— Келади.

— Хато қиялпсиз, Элёр ака. Узингиздан кичик болаларга ютқазиб, шарманда бўлсангиз, бу ердаги қўни-қўшнилари, қишлоқдаги таниш-билишларингиз олдида қандай бош кутариб юрасиз? Ундан кейин ота-онангиз эшитсалар ҳам бу ишингизни маъқулламайдилар. Қариганда уларнинг қалбига озор бериб нима қиласиз? — Муҳаббат педагоглигига бориб, чертиб-чертиб гапирганди.

— Қарорим қатъий, Муҳаббат. Ундан кўра мени руҳлан-тириб, кайфиятимни кўтариб тур. Худо хоҳласа, чемпион-лик камарини, албатта, юртимизга олиб келасиз, де. Уни Зулфия опага кўрсатамиз, деб айт. Мен бу камарни Ботир акамнинг қabri устига, бир зум бўлса-да, қўйишим керак. Шундагина қалбим ором топиши, унинг олдидаги қарзим-ни узишим мумкин. Бунинг учун ҳар қандай қийинчиликни енгишга тайёрман. Майли, бошқалар устимдан кулишсин, масхара қилишсин. Лекин сен мени йўлдан қайтарма! Агар юрагимда Муҳаббатнинг далдаси ва алангаси бўлса, мен бу ишни ҳеч иккиланмай амалга ошираман. Мана, кўрасан! — қайсар Элёр “педагог”га муносиб жавоб қайтара олганди. У бунчалар гапга уста эмасди, аммо ҳозир юрагидан отилиб чиқаётган сўзларни қайтариб ўтирмади.

— Лекин сизнинг калтак еганингизни кўрсам... йўқ, бунга чидай олмасам керак. Бурнингиз қийшайиб, кўзингиз кўкариб келса...

— Шуми, далданг? Буридан қўрққан овга чиқмайди. — Муҳаббатнинг гапини бўлди Элёр.

— Ахир, боксда аяб ўтиришмайди-ку.

— Шунинг учун ҳам бокс-да!

— Одамнинг мияси чайқалса... ногирон бўлиб қолиши... Зулфия опанинг эри Ботир аканинг зарбидан не кўйларга тушганини ўзингиз яхши биласиз. Бечора бир умр аравачага миҳланиб қолди. Мен... сизни соғ-саломат ёнимда юришингизни истайман. — Гапидан ўзи чўчиб кетган Муҳаббат қўллари билан юзини яширди.

— Об-бо! Бўлди-да, энди. Катта раҳмат сенга, эрталабдан жуда кайфиятимни кўтардинг. Айтгандай, мактабдан кеч қолмаяпсанми, ишқилиб? Иккинчи соат, дейсанми? Хўп, унда мен кетдим. Қани, омин, ризқимиз бундан-да улуг, бошлаган ишларимиз эса хайрли бўлсин. Менгаям қиздир, ўгилдир фарзанд ато этгин, эй Худо!

— Жуда қайсар булиб кетибсиз. Билганингиздан қолмоқчи эмассиз-а? — Муҳаббат дастурхонга дуо қилиб ўрнидан тураётган эрига гина аралаш нигоҳ ташлади.

— Эртадан таътилга чиқасанми? — деди Элёр бу гапга деярли эътибор қилмай.

— Ҳа.

— Яхши, унда мен ҳам уйга эртароқ келаман.

Элёр шундай деб тезда кийинди-да, эшик олдидаги илгичда осиглиқ турган қўлқопни сумкага солди. Муҳаббат “қўйлагингизни алмаштириб олинг”, деб танбеҳ бермоқчи бўлиб турганди, эрининг оташ лаби бирдан лабларига чирмашди. Бу авваллари ҳар кунги одатий ҳолат: ишга кетиш пайтида олинадиган ўпичга ўхшамас эди. Хаёли бир зумда алғов-далғов бўлиб, қалбига ҳузур бахш этса-да, ўзини қўлга олди.

— Булди, ҳаддингиздан ошманг, — деди Муҳаббат қизариб кетган лабларини яшириб.

— Хайр.

— Бўпти, яхши бориб келинг. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, Элёр ака.

* * *

Алишер ака янги шоғирдининг машқини анча кузатиб турди-да, бирдан рингга чиқишни буюрди. Машқ қилаётган катталар бир зум тўхтаб кўз уриштириб олишди. Шу тобда уларнинг ҳар бири нотаниш йигит билан куч синашишга тайёр эди. Бироқ кечаги ҳолатта тушиб қолмаслик учунми ёки адабсизлик қилишдан ўзларини тийибми жим эдилар. Ким ўзи бу йигит? Уч ойлик машқ билан шундай Рустамни бир уриб йиқитса-я? Йўқ, бу тасодиф булди. Мураббий рост айтди, ундан боксчи чиқмайди. Бир-икки марта яхшилаб калтак еса ўз-ўзидан келмай қўяди. Қариганда боксёр бўлармиш. Ол-а!

Купчиликнинг кўнглидан шундай хаёл утди чоғи, бир оз жонланиб қолишди. Кучига ишонганлар мураббийнинг

қўзига боқди, ишонмаганлар Элёрдан нигоҳини олмади. Залда “Рустам!” деган овоз янгради. Ҳамма бирдан кеча-ги мағлубиятни тан олмай пешанасини тириштириб юрган клубдошига ўгирилди. Рустам худди шуни кутиб тургандай бир зумда рингга кўтарилди.

Элёр уни зимдан кузатиб тураркан, яна бир марта куч синашиб кўришни сабрсизлик билан кутаётганини дарров пайқади. Қовоғи осилган, нигоҳи жиддий. Пастки лабини қимтиб олганига қараганда, бу гал фақат ютишни мақсад қилган кўринади. Шу пайт Элёрнинг ёдига нимадир тушди. Ҳа, бўлди, Ботир унга бокс сирларини ўргатишдан аввал анча насиҳат қилганди:

— Агар рингга чиқиш насиб этса, ҳеч қачон жаҳл, газаб ва алам билан кўтарилма. Ҳаммасини унутиб, пок юрак билан чиқ. Аммо қалбингда шижоат бўлсин. Фақат галаба қилишни ўйла. Рақибингнинг каттагина гавдаси, жиддий қарашларидан асло қўрқма. Ташқи кўриниш ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Юрагингга асло қўрқув тушмасин. Жанг пайтида рақибнинг ҳар хил бачкана қилиқлари газабингни қўзғатмасин. Парво қилмасанг, ўтиб кетади. Хаёлингни бўлсанг, ютуқни бой бердим деявер. Гапларимни тушундингми? Унда, етти марта такрорла.

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўрагани ушанда Элёр.

— Нега бўларди, ёдингдан чиқмаслиги учун-да.

Элёр яна савол беришдан ўзини тийиб туролмади:

— Нима учун етти марта? Беш ёки ўн марта эмас. Буни бирор сири борми?

— Сен аввал етти марта қайтар. Кейин нима сири борлигини билиб оласан.

Элёр айтилган насиҳатларни талаб қилингандай такрорлади. Бироқ ҳеч қанақа сирни билмади. Ботир ҳам гапирмади. Кейинчалик ҳам айтмади. Элёр қайта-қайта сўраганда ҳам “ўзинг билиб оласан”дан бошқага ўтмади.

Элёр мана энди рингга кўтарилганда у гапнинг маъносини англагандай бўлди: сир айтилмагани учун ҳам ёдидан

чиқмаган, нега энди етти марта деб ўйлайвергани боис ҳам онгига қаттиқ урнашиб қолган. Балки умуман ҳеч қанақа сирини йўқдир. Бу боксчининг биринчи шогирдига қилган ўзига хос услубидир. Лекин айтилмаганининг узи сирли бўлиб, уни қайта-қайта ўйлашга мажбур этган ва мана худди кечагидай эслаб турибди.

— Барча қоидаларга амал қилинган ҳолда уч раундлик жанг. Қани, тайёرمىсизлар. Бокс!

Мураббийнинг буйруғи янграши билан жанг бошланиб кетди. Бир оз ҳимояланиб турган Рустам бирдан ҳужумга ўтди, Элёрга кетма-кет зарба тушира бошлади. Афтидан, у кечаси мағлубият аламини олишни, ўйинни шу биринчи раунддаёқ тугатишни мақсад қилган кўринади.

Рустамнинг зарбалари эса анча жиддий эди. Республикада кучли ўнликдан ўрин эгаллагани бекорга эмаслиги сезилиб турарди. Бироқ у бугун ҳақиқий бокс кўрсатмаётган эди. Тўкилган обрўсини тиклаш учун жон-жаҳди билан олдинга ташланарди. Элёрни гоҳ бурчакка қисиб олар, гоҳ ринг ўртасида ҳам таъқиб қилиб, аёвсиз мушт туширарди. Кечаги кўнгилсиз ҳолат тасодиф эди, унинг назарида. Мураббийи айтгандай менсимаганидан эмас. Лекин ичида тан олди, ростдан ҳам сал кибрга кетганди: ўн икки ёшдан бокс билан шуғулланиб келган у қайда-ю, йигирма тўрт ёшигача сурат чизишдан нарига ўтмаган, фақат икки-уч ойгина устоз кўрмай ўзича машқ қилган рассом қайда?

Мағлубият алами кетмаган эди: мураббий яна уни рингга чақириб яхши қилди. Демак, мураббий ҳам ўйлаган: унинг энгилганини тасодиф бўлиши мумкин, деган хаёлга борган. Шогирдининг биринчи раунддаёқ йиқилиши унга ҳам ёмон таъсир қилган. Шунинг учун эрталабки чигалёзди машқларидан кейин яна синаб кўрмоқчи. Бўлди, энди ўзини кўрсатмаса бўлмайди: мураббийнинг ишончини оқлаш керак. Қолаверса, ўч олиш учун қулай пайт. Рассом сурат чизиши керак, унинг ўрни боксда эмас. Клубга адашиб

келиб қолганини исботлаши учун бундан ортиқ имконият бўладими? Яна уч-турт зарба билан рақибини анчагача ўрnidан тура олмайдиган қилиб қўяди. Ана шунда мураббий уни танлаб янглишмаганига, кечаги мағлубият ростдан ҳам тасодиф эканига ишонади ва шундоқ ҳам хоҳламай турган, фақат раҳми келганидангина машқларда қатнашишга рухсат берган Элёрга жавоб бериб юборади. У ўзини кўрсатиши лозим, уриши, янчиб ташлаши керак. Кеча келибоқ лидер бўлишни ким қўйибди унга. Туя ҳаммомни орзу қилган экан. Мана, мана санга!

Элёр зарбаларга туриб берарди. Асло йиқилай демасди. Бунга сари рақибининг қони қайнаб, баттар жаҳли чиқарди. Нега, гандираклаб кетмаяпти? Ахир, бунақа йигитларнинг нечтасини биринчи раунддаёқ чарчатганди-ку. Лекин у Элёрнинг уч ойлик машқ давомида икки нарсани: ҳар қандай зарбаларга туриб беришни ва Тайсондек олдинга ташланиб жанг қилиш санъатини ўрганганини билмасди. Кундузи фақат калтак еди, кимдан буларди: боксни ташлаб кетган бир ҳамшаҳар йигитни топди-да, ундан зарбалар кучига чидашни ўрганди, баданини шунга чиниқтирди, юрагини эса дов беришга тайёрлади, ундан қўрқувни чиқариб ташлай олди.

Биринчи раунд тугади. Боксчилар ўзларига ажратилган бурчакка келиб ҳордиқ чиқара бошладилар. Элёр рақибига зимдан нигоҳ ташлади: уни чарчаган деб бўлмасди, аммо чуқур-чуқур нафас олаётгани анча кучини сарфлаб қўйганидан далолат эди. У ҳатто ўтирмади ҳам, сакраб тураркан, пешанасидаги терни гоҳ ўнг, гоҳ чап қўли билан артди. Унинг икки кўзи эса рақибиде эди.

Алишер ака иккинчи раундни эълон қилди ва ортидан “Рустам, ўзингни қулга ол!” деб қўшиб қўйди. Бироқ бутун диққат-эътиборини шу уч дақиқага қаратган, биринчи раундда енголмаганига фигони фалакка чиққан Рустам ё бу сўзни эшитмади ёки қулоғига кирса ҳам парво қилмади.

Мураббий эса ҳаммасини кўриб-билиб, ўзича таҳлил қилиб турарди. Унга Рустамнинг ҳар бир ҳаракати, ҳаракатидан кўзланган мақсади аён эди. Жанг бошлангандан кейинги ҳолат уни бир оз ташвишга солди. Ҳали кўнглидаги ўйни тугатиб улгурмаганди, ҳимояни эсдан чиқариб, фақат ҳужумга ташланган Рустам қарши зарбани ўтказиб юборди ва бир зум ўзини ўнгломай арқонга суяниб қолди. Элёр олдинга ташланди.

— Стоп!

Кейинги зарбалар Рустамни рингга қулатиши ҳам мумкин эди. Элёр худди шуни кутиб турганди. Бироқ мураббийнинг буйруғидан кейин ҳужумга ташланган пайтида мушти ҳавода муаллақ қолди.

— Мен ҳали енгилмадим!

— Элёр пастга туш.

— Устоз! Жангни давом эттиришга рухсат беринг! — деди Рустам мураббийга жиддий тикилиб.

— Икковинг ҳам ортимдан хонамга кир-чи! Қани, йигитлар, сизлар машқни давом эттиринглар.


Рустам ноилож қўлқоп ипларини тишлари билан бўшатаркан, рақибига ўқрайиб қараб қўйди. Элёр буни кўрмаганга олиб, бир сакраб рингдан тушди.

Мураббий шогирдларини ўтиришга таклиф қилмади. Хона бўйлаб бир оз юргач, Рустамнинг қаршисида тўхтади.

— Бугун нима учун рингга чиқарганимни биласанми?

Мураббийнинг бу саволига Рустам бирдан жавоб беролмади. У ўйин бошлангунча фараз қилганидай нега рингга чиқарилганини билганди. Лекин шу тобда — ўқдай қадалган нигоҳлар қаршисида нима учундир гапиролмай, гидинглаб қўйди, холос.

— Мен сени ўзини босиб олган бўлса керак, деб ўйлагандим. Нима бало, кечаси билан ухломмай чиқдингми, дейман? Алам билан рингга чиқиб бўлмайди, ғазабланингми, тамом, ўйинни ютқаздим, деявер!



Алишер аканинг бу гапидан кейин Элёр яна Ботирнинг сўзларини эслади. Демак, у ҳам устозидан эшитган насиҳатини айтган экан-да, унга.

— Кечаги уйиндан кейин йўл қўйган камчилигингни айтдим-а? Хуш, бугунги хатоинг нимадан иборат эканлигини билдингми? Рақибни енгаман, деб рингга кўтарилиш бошқа, газаб отига миниб чиқиш бошқа. Сен Элёрдан ҳар томонлама кучлисан, аммо бугунги жангни ҳам ютқаздинг! Бугун сенда манманлик йўқ, деб ўйловдим, бироқ янглишган эканман. Ичингдагини сиртинга чиқармай турган экансан. Рингга кўтарилишинг билан ўзингни ўзинг идора қила олмадинг. Жаҳл билан ўйнашинг эса Элёрга жуда қўл келди. Рақибинг ҳали етарли техникага эга бўлмаса-да, руҳий жиҳатдан устун келиб, сени мағлуб этишига сал қолди.

— Мен ҳали енгилганим йўқ-ку!

— Тўғри, лекин охирида барибир таслим бўлардинг.

— Шунинг учун уч раунд қўйиб беришингиз керак эди.

Мураббий Рустамнинг кўзларига бир зум тикилиб турди-да, астагина бошини қимирлатиб қўйди. Кейин жойига келиб ўтирди.

— Яхши, келгуси сафар шундай қиламан. Келишдикми?

— Розиман!

— Унда, қўлингни Элёрга ташла. Ана шундай. Энди сенга рухсат. Бор, астойдил машқ қил. Уч кундан кейин яна бир имконият бераман.

Рустам Элёрга бир қараб қўйди-да, хонани тарк этди. Мураббий янги шогирдини ўтиришга таклиф қилди.

— Сени нима учун гуруҳга олганимни биласанми?

— Марҳум шогирдингизга раҳмингиз келгани учун бўлса керак, — деди Элёр кўнглидан ўтган тахминга тухталиб.

— Йўқ, бунинг учун эмас. Биласан, энди у раҳм-шафқатга зор эмас.

— Унда, нима учун?

— Ботир охирги учрашувда галаба қозонишига ишонарди. Ҳатто учинчи раундда ҳам рақибини рингга қулатишга қодир эди. Унда қандайдир куч пайдо бўлганди. Қуйиб беришимни қаттиқ илтимос қилди, аммо мен... Ботирни тўхтатиб қолдим. Уйинни давом эттиришини хоҳламадим.

— Сочиқни рингга ташлаб.

— Эшитган экансан-да.

— Ботир акам қамоқда гапириб берганди.

— Кўзларидан ёш чиқиб кетгандир?

— Армон бўлиб қолди, деб роса жаҳди чиққанди.

— Ҳа, армон бўлиши турган гап, — чуқур хўрсиниш билан гапини давом эттирди мураббий. — Биласан, у пайтларда эркимиз қўлимизда эмасди. Москвадан гап эшитмаслик, ишимиздан айрилиб қолмаслик учун шундай қилишга мажбур эдик. Аммо буни қандай тушунтиришни билмаганман. У эса фақат голиб бўлишни мақсад қилганди, агар сочиқни ташламаганимда... рақибини бир уриб рингга ағдарарди. Бироқ... Нима қилайки, виждонимга қарши иш тутдим. Ботирнинг чемпионатга йулангани қўлга киритишини ич-ичимдан жуда хоҳлардим, лекин топшириқ бошқача эди. Ҳатто оғзаки берилган кўрсатмани бажармаганларни ҳам аяб утиришмасди. Билмадим, юрагимизни олдириб қўйган эканмизми, тепанинг чизган чизигидан чиқолмасдик. Тавба, буйин эгиб яшаш қонқонимизга сингиб бораётган экан. Энди ҳаёт шундай давом этади, бошқача булиши мумкин эмас, деб ўйлабмиз-да. Тўғриси, буни тасаввур ҳам қилолмасдик.

— Уша жангни ютганларида балки қамоққа ҳам тушмаган бўлармиди? — деди Элёр ҳам афсусланиб.

— Жаҳл устида ҳаммасига қўл силтаб кетиб қолганидан хавотирда эдим. Кейин ростдан ҳам биров билан муштлашиб қамалиб кетибди... Кеча қанча ўтириб чиқди, дединг? Беш йилмиди? Эҳ-ҳе, беш йилда у қандай яхши натижаларга эришган бўларди-я? Аттанг, журъатсизлик қилмасам бўларкан, — деди Алишер ака бирдан столни муштлаб.

Элёр мураббийга зимдан нигоҳ ташлади, унинг энди ростдан ҳам виждони қийналаётгани сезилиб турарди. Бироқ энди бунинг фойдаси бормикин?

— Ботир аканинг нияти яна боксга қайтиш эди. Бошидан кечирган азоб-уқубатларни унутолмаса-да, астойдил тайёргарлик кўраётганди. Балки олдингизга келган бўлармиди, — деди Элёр чуқур хўрсиниб қўяркан, орага чўккан сукутни бузиб.

Мураббий бирдан жонланди.

— Агар келганида биринчи бўлиб ўзим уэр сўрардим. Бажонидил гуруҳга қўшиб, уни жаҳон чемпиони қилардим. Лекин... Ана энди асосий саволга жавоб бераман. Сени шунинг учун гуруҳга қўшдимки, Ботир олдидаги қарзимни узмоқчиман: майли, сенга ёрдам бераман. Бироқ чемпион бўлиш фақат ўзингга боғлиқ. Бир-икки ойдан сўнг ташлаб кетмасанг, бўлди.

— Ташлаб кетмайман, — деди Элёр дадил жавоб қилиб.

— Яхши. Ростини айтсам, сал бўлса-да, Ботирнинг тактикасини ўрганибсан. Қамоқда ҳам жим юрмаганинг кўриниб турибди. Аммо бу билганларинг кўчадаги муштлашишда керак бўладиган усуллар, холос. Баданингни турли зарбаларга чидай оладиган қилиб чиниқтирганинг яхши. Тайсондек қўрқмай олдинга ташланишинг ҳам бир оз мақтовга лойиқ. Аммо булар ҳақиқий бокс учун камлик қилади. Сен рақибни ҳурмат қилмасанг, боксни санъат сифатида ўрганмасанг, ундан асло завқлана олмайсан ва кутилган натижаларга ҳам эришолмайсан.

— Боксни санъатга қанчалик алоқаси борлигини билмайману, аммо ҳар қандай рақибни рингга қулатишни истайман. Бунинг учун нимани ўрганиш керак бўлса, ҳаммасига тайёрман, — деди Элёр клуб аъзоси бўлганидан ичида севиниб.

— Сир бўлмаса, айт-чи, зарба келаётганда кўз юммасликни кимдан ўргандинг? Ботирданми десам, у бундай қилмасди. Кетма-кет зарба тушадиган бўлса, кўзларини беркитиб олганини кўп марта кўрганман. Туғрисини айт, бошқа устозинг ҳам борми?

— Сиз айтган нарсани тоғлардан ўргандим.

— Тоғлардан?

— Ҳа. Улкан тоғларга тикилиб киприк қоқмасликни, баланд чуққига чиқиб эса қўрқувни енгдим. Ботир акам қандай қилиб ўлимга тик боқди экан? Наҳот, заррача қўрқмаган бўлса? Сиз нима деб ўйлайсиз, шундай одам машинада ухлаб қолиши мумкинми? Менимча, ҳатто ҳайдовчининг ҳам мудроқ босишига йўл қўймаган буларди. Бундай хулосаларга асло ишонмайман. Бу шунчаки бахтсиз ҳодиса эмас.

— Балки ростдан ҳам ҳайдовчининг кўзи илиниб...

— Айтинг-чи, жиноятига яраша жазо кутаётган одамнинг кўзига уйқу келадими?

— Тоғдан тушишда машинани бошқаролмай қолгандир? — деди ўзича тахмин қилган мураббий.

— ГАИдагилар машина тормози ишламай қолган, деб хулоса қилишибди.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин.

— Унда, Ботир акам машинадан сакраган бўлмасмиди?

— Улгурмагандир? — деди мураббий ўринли саволга бундан ортиқ жавоб тополмай.

— Билмадим. Қайси бирига ишонишга ҳам ҳайронман. Бироқ унинг ўлимидан қаттиқ таъсирландим. Тўғриси, Ботир акамдан бокс сирларини ўрганмоқчи эдим, аммо сен қамоқдан тез чиқиб кетишинг керак, деб деярли ўзларига яқинлаштирмади, жанжалларга ҳам аралаштирмади. Бир-икки зарбани айтмаганда, ҳеч нарса билолмадим. Аммо у кишининг ҳаракатлари ва гап-сўзларидан ор-номусни биринчи ўринга қўйишни, энг муҳими, бошқалар дардига шерик бўлишни, сенга азиз бўлиб қолган инсон учун ҳатто ўлимга ҳам тик боқишни ўргандим.

— Шунинг учун кеча қўрқмай рингга чиқдингми?

— Ҳа, — деди Элёр ишонч билан.

— Боксда айтарли тажрибанг йўқ, тўғрими, аммо ишонган шогирдларимдан бирини деярли икки марта енгдинг.

Нима учунлигини ўзинг биласанми? — сўради мураббий ўрнидан туриб Элёрнинг олдига келгач.

Элёр беихтиёр жойидан қўзғалди. Мураббийнинг қўзларига дадил боқаркан:

— Биламан, — деди.

— Унда, хуш келибсан!

Мураббий қўлларини кенг ёйди. Шу пайт Элёр бирдан кутилмаган ҳолатни ҳис қилди: наздида худди Ботир бағрини очгандай бўлди. Унинг қўзлари ёшланди.

III. ОФИСДАГИ МОЖАРО

Элёр одатдагидай аввал офиснинг эшигини аста тортиб кўрди, очиқ, демак, кимдир келган. Бироқ йўлакда тўхтаб қолди: ходимлар учун ажратилган хона ичкарисидан нота-ниш эрақнинг дўриллаган овози эшитила бошлади. У шунчаки гапирмасди, афтидан кимгадир танбеҳ берарди. Аччиқ-тирсик гапларга сал ўтмай аёл кишининг йигламсираб: “Сени шу мақсадда ўстирганмидик?” деган сўзлари жўр булганда Элёрнинг кўнглига хавотир тушди. Йўлакдан ўтиб Азиз ўтирадиган хонага яқинлашди. Бирдан бостириб кирмоқчи эди, аммо фикридан қайтди, эшикни қия очаркан, томоқ қириб овоз берди.

— Азиз, сенмисан?

Шовқин тинди. Ичкаридагилар бирдан ялт этиб Элёрга қарашди. Азиз шошиб ўрнидан қўзғалди. Унинг гижиниб, энсаси қотиб турганини юз-қўзларидан билиш қийин эмасди. Аммо ногоҳ ранглари ўзгариб, худди айб иш устида қўлга тушгандай саросималанди. Нимадир демоқчи бўлди, бироқ тамшанди, холос.

Йигитнинг ёнидаги эллик-эллик беш ёшлар чамасидаги, ўрта бўйли, озгин киши кўлидаги букланган шапкасини силкитишдан тўхтатди. Элёр йўғон овоз соҳиби шу киши эканлигидан ҳайрон бўлди. Дераза олдида эса ранги оқарган нотаниш аёл турарди.

— Азиз, нима гап? Нима бўлди? — Элёр ютиниб-юти-
ниб қўяётган йигитга юзланди. Лекин ҳадеганда Азиздан
садо чиқавермади.

— Гапирсанг-чи, булар...

— Биз шу йигитнинг ота-оналаримиз... ҳозирча албат-
та, — деди нотаниш киши ўсиқ сочларини қўли билан орқага
тараркан, Элёрнинг гапини бўлиб.

Элёр бу одам Азизнинг дадаси эканлигини билди, бироқ
гапларини нечун тушкун оҳангда, афсус-надомат билан айт-
ди. Ёки унга шундай туюлдими?

— Гапингизга тушунмадим? — сўрашга мажбур бўлди
Элёр аввал салом бериб, ўзини таништиргандан кейин. У
кўнглида пайдо бўлган саволга дарҳол жавоб олишни иста-
ди: ота-она ҳам вақтинча ёки ҳозирча бўлиши мумкинми?
Бу киши нималар деяпти, ўзи?

— Ҳайрон бўлятсизми? — деди ўзини Нормат Ҳаққулов
деб таништирган киши бир оз олдинга энгашиб. Кейин таъ-
кид билан гапини давом эттирди. — Йўқ, сиз ҳечам ҳайрон
бўлманг. Ишонмасангиз, мана углимизнинг ўзи айтсин. Энди,
биздақа ота-она керак эмасмиш! Гапим тўғрими, Замира?

Аёл зардаси қайнаган эрининг саволига жавоб беролмай
юзини дераза томонга ўғирди ва бирдан “пиқ” этиб йиглаб
юборди. Нормат ака ўзини туюлмаган хотинини юпатди:

— Йиглама, сатқай кўз ёшинг.

— Азиз, шу гаплар ростми? — ҳамон қулоқларига ишон-
маган Элёр қовоқлари осилиб кетган ходимига юзланди.

— Икки кундан бери уйга келмайди, — Азиздан садо
чиқмагач, Нормат ака яна сўз бошлади. — Нима гап деб
сўрасам, офисда иш кўп, тугатадиган суратларим бор дейди,
холос. Кеча бу айтган гапларига қаноат қилмай, ярим кечаси
шу ерга келганман. Аммо... эшикни ҳеч ким очмади. Демак,
Азиз ишхонадаям ётмаган. Мана, энди онаси иккаламиз ке-
либ савол-сўроқ қилиб турибмиз. Сиз раҳбари бўлсангиз, қани
айтинг-чи, бу бола нима ишлар билан шугулланиб юрибди?

Элёрнинг қошлари туташди, нима деб жавоб қилишни билмай турганди, Азиз бирдан гап бошлаб қолди:

— Тугдириб қуйган билан ҳамма ҳам ота-она бўлавермайди. Қачонки, иккингииз ҳам намозга қайтасиз, шундагина сизларни тан олишим мумкин. Бўлмаса, мени ўғлим деб овора бўлманглар. Узим алоҳида яшайман!

— Қаерда яшайсан? — деди кўзлари ёшга тўлган Замира опа ўғлининг бу гапига чидай олмай.

— Биродарларим уй ҳада этишди. Уша ерда тураман.

— Қанақа биродарларинг? — деб юборди Элёр овозини кўтариб. У шу тобда кўнглига келган шубҳалардан ўзи ҳам қўрқиб кетганди.

— Бунинг сизга алоқаси йўқ. Хоҳласангиз ишдан буша-тишингиз мумкин. Мана, аризамни аллақачон ёзиб қуйганман, — деди Азиз стол устидан бир варақ қоғозни шартта олиб Элёрга узатаркан. — Энди, мени тинч қуйинглар.

— Шошма, қаерга кетяпсан? — газабланди ота.

— Тўхта, Азизжон, — умидланди она.

Бироқ Азиз на отаси, на онасининг гапига парво қилмади. Ҳеч ким билан хайр-хушлашмади. Аввалдан тайёрлаб қуйган каттагина сумкани қўлига олди-да, шахдам юриб хонани тарк этди.

— Азиз, Азиз дейман! — ота ўғлининг ортидан юрди.

Эшик “қарс” этиб ёпилди. Йўлаккача чиққан ота худди юзига тарсаки тушгандай бир сесканиб, эшик олдида тўхтаб қолди. Ҳамон дераза ёнида на юришини, на туришини билмай ҳанг-манг бўлиб қолган аёлнинг ҳолатини эса тушуниш қийин эмас. Элёр “вой, шўрим, кетиб қолса-я” деб фиғон чекаётган онаизорни аста стулга ўтқазди, кейин “мен, ҳозир!” деганича ташқарига отилди.

У кучага чиққанда Азиз машинасини ҳайдаб кетишга улгурган эди. “Ортидан қувиб борсаммикин?” ўйлади атрофга аланглаб. Лекин катта шаҳарда кўчадан кўпи борми? Қайси йўлдан кетганини билиб бўлармиди? Тарвузи қўлтигидан тушиб, ноилож офисга қайтди.

— Нима, кетиб қолдими?

Ичкарига кирган Элёр Нормат аканинг хавотирли саволига дуч келди. Беихтиёр бошини қимирлатаркан ўзи ҳам хаёлини банд этган саволга жавоб излади: саволлар нафақат хавотирли, балки ваҳима босгудек қўрқинчли эди. Нормат ака орадаги сукунатни бузди.

— Нима дейсиз? — хижолат бўлиб сўради Элёр.

— Қаерга кетдйкин, бу қулоқсиз бола? — деди куча томондан кўз узмаган Нормат ака.

— Азиз бунақа йигит эмасдию...

— Биз ҳам шунга ҳайрон буляпмиз-да.

— Анчадан бери шу аҳволми?

— Кейинги пайтларда шунақа, жуда ўзгариб кетди. Бизларга дашном бергани берган. “Ундай қилманг, бундай юрманг, қанақа одамсизлар ўзи?”, “Ким айтади, сизларни мўмин-мусулмон деб”. Ҳа,ҳа, шунақа гаплар тушмай қолди оғзидан. Онаси қолиб менга ҳам ақл ўргатаётган эди, уришиб бердим. Энди эса икки-уч кундан бери уйга ҳам келмай қўйди. Нима эмиш, бизлардан ор қилаётганмиш.

— Шундай дедими? — Элёр жиддий тортиб Нормат акага кўз ташлади.

— Булмасам-чи! Лекин ўғлимиз бунақа бетгачопар йигит эмасди, — деди Нормат ака қўлларини ёзиб. — Нима жин урди, ҳайронман.

— Уни қайси уйинг куйгур йўлдан урган? — дея кўзларига ёш олди она.

— Булди, Замира. Бир пас йигингни бас қилгин! — хотинига уқрайиб қаради Нормат ака.

— Офисда уларни ёлғиз қолдириб бекор қилганга ўхшайман, — деди Элёр афсус билан.

— Бизни айтмайсизми? Уғлимиз ишга бориб-келиб юрибди, деб умуман юриш-туришига эътибор бермабмиз. Мана энди пешанамиз “тақ” этиб деворга текканда...

— Ойлигини бериб турармиди? — сўради Элёр саволидан бир оз хижолат тортиб.

— Ҳа-да. Яқин-яқингача ҳам туйимга ишлатасиз, деб ҳар ой онасининг қўлига тутқазарди. Айтяпман-ку, бунақа бола эмасди деб. Бўлмаса, узи ҳам унча-мунча олиб турарди, менга билдирмасдан. Бироқ охирги пайтларда бирдан бутунлай ўзгарди-қолди. Расм чизишни умуман йиғиштириб қўйди. Энди ўзи қолиб менгаям чизманг дейишга ўтди. Нега бўларди, гуноҳ эмиш. Тамом-вассалом. Йигирма беш йиллик меҳнатим бир пул экан. Охират учун ҳеч нарса қилмабман. — Нормат ака эшикка яқинроқ қўйилган стулга келиб ўтираркан, озгин қўллари билан пешанасини сиқди. Унинг шунақа одати бор эди: бирон нарсадан қаттиқ жаҳли чиқса ёки кимдир асабини бузса, ўтириб оларди.

— Азизжонни топмасак бўлмайди, дадаси, — деди ниҳоят ўзини қўлга олган Замира опа.

Хотинининг бетоқат бўлаётганини тушунган Нормат ака беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Аммо “Манзилени билмасам, қаердан қидираман?” деб аччиқланди ва хона бўйлаб мақсадсиз юра бошлади.

— Мелисага айтсак-чи? — онаизорнинг титраган овози эшитилди.

— Овозингни учир! — Бирдан хотинига ўшқирди Нормат ака. Шу тобда унинг кўзлари катталашиб кетганди. — Агар ўғлимиз ростдан ҳам қандайдир одамларнинг тузоғига тушиб қолган бўлса, биласанми, нима бўлади? Болангни ўз қуларинг билан қамоққа тикмоқчимисан?

— Ахир уни алдашган бўлишса-чи? — дея олди аранг кўзлари жовдираган Замира опа юрагига тушган кўрқувдан.

— Алдагани аниқ. Яшашига уй олиб беришибдими, демак, йўлдан уришган! — деди Нормат ака қатъий қилиб. — Бўлмаса бизни ташлаб кетмасди!

— Балки шунчаки яшаб туриши учун топиб беришгандир? — деб Замира опа кўз қирини Элёрга ташлаб қўйди.

— Аввал шуни аниқлашимиз керак-да, хотин. Буни имижимида қилиб, боламизни уларнинг қўлидан тортиб олмасак, иш чатоқ. Ҳозир Наманганда шунақа оқимдаги кишилар зимдан иш олиб бораётган эмиш. Мақсадлари Ўзбекистонда халифаликни ўрнатиш экан. Намангандаги одамларни, айниқса, ёшларни алдаб, йўлдан ураётганмиш. Балки Тошкентга келиб ўзларига ҳамтовоқ излаб юришган бўлса... углимиз уларнинг алдовларига учдимикин?

Элёр бу гапларни эшитиб, жойида туролмай қолди. Намангандаги тўполонлар, босқинчилик ва қотилликлар ҳақидаги турли мишмишлар унинг ҳам қулоғига чалиниб турарди, аммо деярли аҳамият бермасди. Аниқроғи, эртадан-кечгача чарм қўлқопни кийиб, қум тўлдирилган қопни уришдан бўшамасди. Асосий мақсади тезроқ профессионал боксга ўтиш ва бирор йўналишда чемпион бўлиш эди.

Бироқ ҳозир у жуда уялиб кетди. Атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлиги, қўл остида ишлаётган ходимларнинг ҳаётига лоқайдлиги унинг юзини шувут қилган эди. “Тўхта, Азизнинг аҳволи шу бўлса, унда Шаҳлога нима бўлганйкин? Нега, шу пайтгача ишга келмаяпти? Бу қиз Азизнинг қилиб юрган ишларидан хабардорми-йўқми?”

Хаёлидан кечган фикрдан ичига гулгула тушган Элёр аста юриб Нормат аканинг ёнига келди. У шу тобда отанинг юраги ачишиб турганини, ўглини қаердан излашни билмай довдираб қолганини, эшик тутқичини тез-тез ушлаб қўйишига қараганда ҳозироқ ортидан тушиб хонани тарк этишга тайёр эканлигини билинар-билинмас учаётган лабларидан, жовдираган нигоҳларидан сезиб турарди.

— Азизга уйланиши ҳақида ҳеч гап очганмисиз, Нормат ака? — сўради Элёр гапни узоқдан бошлаб.

Аслида Элёрнинг бир ташвиши икки бўлганди. Шаҳлони шу пайтгача ишга келмагани энди уни ростакамига хавотирга сола бошлади. Нималар бўляпти, ўзи? Қиз бола нарса ишга келмай қаерда юрган бўлиши мумкин? Ёки у ҳам ариза ёзиб...

— Ҳозир уйланмасмиш, — юрагидаги дардни яшириб утирмади Нормат ака. — Яхши курган қизи билан никоҳ уқитиб яшайверармиш.

— Ким экан яхши кўргани? — Савол беришдан ўзини тия олмаган Элёр Нормат акага яқинроқ келди.

— Билмадим. Лекин бордирки, шунақа деди.

— Шаҳло деган қиз ҳақида гапирмаганми? — дея никоҳ сўзидан анча ҳушёр тортган Элёр энди Замира опа томон юзланди.

— Ким у қиз? — деди қошлари туташган Нормат ака Элёрга кўз тикиб. Аммо шапкасини кафтига уриб бирдан гапини давом эттириб қолди. — Ҳа, эсладим, ҳалиги бирга ишлайдиган қизни айтяпсизми?

— Тунов куни шу қизни назарда тутиб гапирдимикин, уни ҳар куни кўраман, деб, — Замира опа сергак тортди.

— Нима, сенга у қиз тўтрисида гапирганмиди? — сўради Нормат ака хотинининг пирпираган кўзларига жиддий тикилганча.

— Гап келганда сўрагандим-да, — каловланди Замира опа.

— Агар Шаҳло ишга келмаётган бўлса...

— Нима, улар бирга демоқчимисиз? — Нормат ака гап нимада эканлигини тушунди чоғи бирдан Элёрга қаради.

— Билмадим, Нормат ака, билмадим. Мен фақат тахмин қиялпман холос. Ишқилиб, адашган бўлай.

— Дадаси...

— Нима?

— Азизжонни кетидан бормаймизми?

— Қаердан уй олганини биласанми, узи?

— Менга айтибдими?

— Онаси бўлиб сен билмасанг...

— Ҳалиги... бирга ишлайдиган қиз келиб қолармикин-а? — Эрининг феълени билган аёл бирдан бақириб юбормасин, деган хавотирда тезда гапни бошқа ёққа бурди. — Балки у қизда кўнгли бўлса...

— Тўғри айтасиз, сирини унга айтган бўлиши мумкин. Ҳозир Шаҳлони топамиз. — Элёр тезлик билан телефонга ёпишди. — Қани, ундан сўрайлик-чи?

Телефон ўчирилган бўлиб чиқди. Нормат ака зудлик билан қизнинг уйига боришни таклиф қилди.

— Уч кишилашиб борсак, уйдагилар қўрқиб кетмасин, — деди Замира опа титраётган қўлларини яширолмай.

— Биз кирмай турамыз, Элёржоннинг ўзи нима гаплигини билиб чиқади, шунга ҳам ота гўри — қозихонами? — деб Нормат ака қўлидаги шапкани бир уриб қоқди-да, бошига бостириб олди. — Қани, юринглар-чи, бўлмаса, — Нормат ака йўл бошлади. — Лекин етти ухлаб тушга кирмаган ишлар бўлди-да. Туппа-тузук боланинг бирдан айниганини қаранг. Бирга яшаб туриб биз билмасак, бирга ишлаб юриб сиз билмасангиз... Тавба! Бола дегани ҳам ота-онасидан воз кечиши мумкинми? Бу қанақа ақида бўлди? Динни тушунмасам ҳам аниқ биламанки, исломда бунақа таълимот йўқ! Тўғрими, Элёржон? Ҳа, яшанг. Ота-онани ҳурмат қил, дуосини ол. Уларнинг дилини оғритиб қўйишдан сақлан, деган гапларни кўп эшитганман. Аммо бунақасини... Тўғри, гуноҳларимиз кўп, аммо бировнинг ҳақини емадик, қингир йўлга юрмадик, топганимизга қаноат қилдик. Эшикни ёпасизми? Хўп, хўп.

Биргалашиб ташқарига чиқдилар. Элёр офисни қулфлаб, йўл бўйида туриб машина тўхтатди.

— Ишқилиб, қиз уйда бўлсин-да, — деди эрининг ёнидан жой олган Замира опа. Хотинининг овози титраб чиққанини сезган Нормат ака осилган қовоғини сал кўтариб, гапни қисқа қилди:

— Қани, борайлик-чи.

Бироқ умидлари пучга чиқди.

— Қизи тушмагур ишга кетган чоғи, уйда йўғу, — деди эшикдан аста мўралаган кампир нотаниш кишининг саломига бош қимирлатиб алик олгач.

Элёр кампирнинг синчков нигоҳ пайқаб дарров ўзини таништирди. Сўнг жилмайиб Шаҳлонинг қачон ишга кетганини сўради.

— Анча барвақт кетдимиз, дейман. Мундоқ хайрлашиш-ниям ҳам билмайди, ҳозирги ёшлар, — деди кампир ранжиганини яшириб утирмай.

— Анчадан буён ишлаймиз, она-отаси билан танишсам деб юрардим, — деди Элёр кўнглидаги хавотирни билдирмасликка уришиб.

— Бирор айб иш қилиб қўймадимиз, ишқилиб? — сўради кампир қошларини тепага тортиб.

— Нега унақа дейсиз, хола. Шаҳло ажойиб қиз.

— Саҳарлаб йўқлаганингизга сўрадим-да, — бўш келмади кампир. Кейин кимгадир дўқ урди: — Наридан тур, оёқнинг тагида ўралашмай. Бор, жойингга!

— Бўпти, бошқа сафар келарман. Раҳмат сизга, холажон.

— Саккиздан кейин кесайиз, дадаси уйда бўлади, айланай.

Элёр кампирнинг ортига қараб-қараб қўйганидан, ҳамон дарвоза занжирини туширмай озгин қуллаари билан маҳкам ушлаб туришидан бошқа гапга ҳожат қолмаганини тушунди. Кампирнинг муомаласига ҳайрон бўларкан, ноилоҳ йўловчи машинада уни бетоқатлик билан кутаётган Азизнинг ота-онаси ёнига қайтди. Қадами оғир, нигоҳлари бесаранжом эди. Афтидан, ҳорғин куринардию, аммо ҳозир бирдан кучайган ташвишли уй ичини куйдира бошлаганди. Нима дейди? Уйда ҳеч ким йўқлигини баҳона қиладимиз? Ёки кампир набираси қаердалигини билмас экан, деб туғриси айтишимиз?

Иссиқдан терлаб кетдимиз ёки салдан сўнг берилажак саволлар залворини ҳис этдимиз, вужудини бесаранжомлик чулғаб олди. Туппа-тузук ишлаб юрган Азизнинг ўз падари ва волидасига қилган муомаласи, эртанги мавҳум ҳаёти юрагини зириллатди чоғи, бу уй чўтга айланиб кўксини куйдира бошлади.

— Уйда йўқ эканми? — сўради томоғи қақраган Замира опа Элёр яқинлашиши билан.

— Дарров қайтибсиз? — дея гудранди ташвишли нигоҳини йигитдан узмаган Нормат ака.

— Кечқурун бўлишини кутамиз, шекилли. Кампир на-бирасини қаердалигини билмас экан, — дея очигини гапирди Элёр.

Бу жавобни эшитган эр-хотиннинг тарвузи қўлтигидан тушди. Олди ўриндиққа утирган Элёр ҳайдовчи йигитга ни-мадир демоқчи бўлиб юзланган эди, Замира опа бирдан “Шахло ишга етиб борган бўлса-чи?” деб қолди. Юз-қўл-ларини тердан артаётган Нормат ака елкасини қисди. Элёр ноилож қолди. Бироқ офис берк эди. Уларнинг ҳафсаласи энди ростакамига пир бўлди. Эшик олдида бир зум туриб қолишди. Ҳеч кимдан садо чиқмасди. Охири Нормат ака-нинг тоқати-тоқ бўлди шекилли, пешанасини жаҳл билан дастрўмолига артиб, “кетдик” лаб қолди.

— Қаерга бўларди, уйга-да! — хотинининг берган саво-лидан баттар аччиқланди эр.

— Бирор ерга бориб... суриштирмаймизми? — эрининг кўзларига қарашга ботинолмади хотин.

— Шундай катта шаҳарда қаерданам суриштирамыз? Уйга ёки ишхонага келишини пойлашдан бошқа чорамиз йўқ. Қани, юр! Ҳа, айтгандай, сиз ҳам хабардор бўлиб туринг, ука. Бирор ерда кўришингиз билан дарров бизни чақиринг. Бу бола билан жиддий гаплашиб олмасам, юзимизни ерга қаратади, шекилли.

Элёр эр-хотиннинг ортидан бир зум тикилиб турди-да, ноилож офисга кирди. Азиз ўтирадиган хонани кўздан ке-чирди. Дим ҳаво кунглини беҳузур қилдимиз, деразани очди. Кейин унга суянганича девордаги картиналарга нигоҳ таш-ларкан, уларнинг камайиб қолганини пайқади. Эшик олдида турадиган тайёр суратлар ҳам айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Сотишга деб тахлаб қўйилган бу суратларни ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган эди. Юраги ниманидир сезиб, шошил-ганича уларга бир-бир қараб чиқа бошлади. Не кўз билан

кўрсинки, рамкага солинган айрим суратлар ўртасидан, баъзилари эса четидан йиртилган эди.

— Ийе, бу нимаси бўлди?

Элёрни муздай тер босди. Аҳвол у ўйлаганидан кўра жиддий эканлигини фаҳмлади. Наҳот унинг ҳеч нарсадан хабари бўлмаса? Азиз бу ишларни қилишга қачон улгура қолди экан? Балки у Наманганга ҳам бориб келгандир? Ёки янги уйни уша ёқдан олдимикин? “Тушунмадим, Наманганда нима борийкин, унга?” — бошқа хонани кўздан кечираётган Элёр ўзи билан ўзи гаплашарди. Кейин ўзини креслога ташларкан, қандайдир бегона киши Азизни сўроқлаб келганини эслади. Ким эди, у киши? Эслади. Ахир уни бир марта шу ерда Азиз билан кўрганди-ку. Биринчи бор дуч келганда “Узида ишим борийди”, деб кимлигини айтмаганди. Кейинги сафар эса Азиз уни таништириб ҳам ўтирмади. Енгилгина соқол қўйган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги бу нотаниш киши соч-соқол қўйишга иштиёқманд расомларни эслатгани учун ҳам унчалик иши бўлмай, тезда унутганди. Аммо бугунги можародан кейин яна эсига тушди. Қизиқ, ростдан ҳам ким эди, у киши? Наҳот, Азиз айтган биродарларидан бири бўлса?

Элёрнинг пешанасида реза-реза тер пайдо булди. Ҳа, бугунги кутилмаган учрашув — рингда ногоҳ берилган зарбадай уни довдиратиб қўйди. Қўл остида жимгина ишлаб юрган йигит бирдан ўзи севган касбини ташлаб... Элёр у ёғини ўйлашга қўрқди. Азизни дарҳол топиб, жиддий гаплашиб олмаса бўлмаслигини тушунди. Бироқ уни қаердан излайди? Наманганга борадими? Ахир у ерда... Юраги энди чинданам ваҳм ичида ўртана бошлади.

* * *

Элёр эртаси кунини тонг саҳарда йўлга тушди. Довон орқали кетишни маъқул кўрди ва Қўйлиқ бозори ёнидаги бекатга келди. Бу ердан водийнинг исталган ерига ен-

гил машинада бориш мумкин эди. Наманганга йўловчи қидираётган ҳайдовчи Элёрнинг шаҳар марказига боришини эшитиб, қўлидан маҳкам ушлаб олди.

— Олдида кетасиз, ака!

Элёр рози бўлди. Сариқ “Жигули” дарҳол йўлга тушди.

* * *

Машина жойидан қўзғалгандаги чанг босилмай кимдир рация орқали кўчма марказга хабар йўлади. Марказ Наманган вилояти миллий хавфсизлик хизмати ходимига маълумот юборди:

— Боксёр Наманганга йўл олди. Машинанинг ранги ва русумини, давлат рақамини маълум қиламан. Боксёрнинг мақсадини аниқлашимиз керак. Унинг ҳар бир қадамини назорат қилинг. Боксёрнинг ички ишлар бўлими томонидан қидирилаётган Азиз билан учрашиши эҳтимоли бор. Агар учрашув рўй берса, уларнинг гап-сўзларидан воқиф бўлишга ҳаракат қилинг. Буйруғимсиз қўлга олинмасин. Кузатув натижасини ҳар икки соатда маълум қилиб туринг!

IV. АЖАЛ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Наманган шаҳри. Декабрнинг аёзли кунлари.

Шаҳар кўчаларининг файзи кетган: одам кам, аёллар деярли учрамайди; юрган-турган эркакларнинг қиёфаси тунд, кўзларида қўрқув ва хавотир. Бекатлар ҳувиллаб ётибди. Унда-мунда келиб қолганлар ҳам ўзларини дуч келган автобусга уришади. Йўл четидаги дўконларнинг ярмидан кўпи ёпиқ. Очиқларида эса харидор кўринмайди. Гоҳида битта-яримта кириб қолгани ҳам наридан-бери харид қилиб, кетиш пайида. Баъзида ўтиб қолган милиция машинаси кўнгилга бир оз хотиржамлик солади. Аммо бир зумда куздан гойиб бўладию, одамлар негадир яна ташвишга тушгандай хавотирли нигоҳларини чор атрофдан узмайди.

Шаҳарнинг марказий бозорида ҳам одам кам. Расталар бўш. Ҳақиқий деҳқондан асар ҳам йўқ. Олиб сотарлар ўзларини аллақачон тадбиркор деб атаб олган, бирор нарсага эътироз билдириб бўлмайди. Агар мабодо билмай савол бериб қолсангиз, биринчи эшитган жавобингиз “Тирикчилик!” бўлади. Қовоғи уюлиб, кўзлари дўлайган “тадбиркор”га яна гапириб кўринг-чи?

— Олмасанг, нари тур!

— Нархини сал келиштирмайсизми?

— Бўлгани шу!

Элёр сал наридан келган дагал овоздан ҳушёр тортди. Уйда емиши тутаган хизматчи ноилож чўнтак кавлади. Сотивчи шунда ҳам истамайгина хизмат кўрсатди.

Қорни очиққанига қарамай, бу ерда бирор егулик сотиб олгиси келмади. Тузукроқ ошхона қидирди. Бироқ аксарият ошхоналар негадир ёпиқ. Бир пайт каттагина масжид олди-дан чиқиб қолди. Унинг ёнида қозон-қозон овқат пиширилари ва атрофдагиларга тарқатиларди. Чой-нон бисёр эди. Элёр бу ерда катта-кичик эркакларнинг совуқни писанд қилмай бемалол овқатланиб ўтирганини кўриб ҳайрон бўлди. Бу манзарани бир зум кузатиб тураркан, яна бир нарсадан таажжубга тушди. Хўрандаларнинг бирортаси еган овқатига пул бермасди. “Аллоҳу акбар!” деб юзига қўл тортиб дуо қилишарди, холос. Элёр бу хайру эҳсон фақат шу ерликлар учун булса керак, деб ўйлади ва тўртта кабоб олиш учун киссасидан пул чиқарди.

— Пулингни чўнтагингга солиб қўй, мусофир йигит, — деди қора соқолли барваста киши аччиқлангандай.

Элёр кабобпазнинг нега жаҳли чиққанини тушунолмади, ammo бу мурувватнинг сабабини сўрашга ҳам ботинолмади. Ёши унчалар катта бўлмаса-да, савлати сир босди чоғи, қўлига тутқазилган кабобни оларкан, ўтиришга жой қидиришдан бошқа иложи йўқлигини сездди. Кимдир уридан турди, тўрт кишилик столда битта жой бўшаган эди.

— Жой бўшми? — сўради Элёр утирган уч кишига бирма-бир разм соларкан.

— Утир, Аллоҳнинг бандаси!

Элёр бу гапни ким айтганини англолмай қолди. Овқатланиб утирганларнинг учаласи ҳам ўрта ёшларда эди, фақат қалин соқол-мўйлаби уларни анча катта ва сирли кўрсатарди. “Кимларга рўбарў келиб қолдим” уйлади Элёр ноилож стулга жойлашаркан. Шу ондаёқ ўсмир йигит Элёрнинг олдига чой билан нон қўйиб кетди.

— Аввало бу ноз-неъматни сенга насиб этган Аллоҳга ҳамду сано айтмайсанми?

Элёр кабобни тишлаган ерида тўхтаб қолди. Овоз тўғридан келгандай бўлди, шунинг учун икки шеригига қараганда ёши сал каттароқ кишига термилди. Аслида унинг дами ичига тушиб кетганди. Бунақа пайтда нима деб жавоб бериш кераклигини билолмай бир зум жим қолди. Оғир ютинаркан, кабобни аста жойига қўйди. Утирганлар безовталанди, нимадандир шубҳалангандай, бир-бирларига тезгина нигоҳ ташлаб олишди. Элёр аниқ сезди, чап томонида утирган киши қўлларини чалиштириб кўкраги устига қўйди: гўё бу билан нотаниш йигит томонидан бўладиган ҳар қандай хавфнинг олдини олишга шай турганлигини шерикларига маълум қилди. Дарҳақиқат, унинг иккала қўли ҳам салгина ишора билан ишга тушишга тайёр эди.

Бокс сирларидан унча-мунча хабардор бўлган Элёр буни пайқаган эди. Шунинг учун бирор ноҳўя ҳаракат қилишдан ўзини тийди.

— Мабодо қулогинг оғир эмасми? — сўради Элёрнинг ўнг томонида ўтирган киши қўлидаги пиёлани аста дастурхонга қўяркан. Аслида бу киши ҳам ўзича ҳужумга тайёр турган эди: бирор шубҳали ҳаракат бўлса, пиёладаги иссиқ чой нотаниш йигитнинг юзига шундоқ сепиб юбориларди.

Соқоли унча ўсмаган, қошининг четида дарҳол кўзга ташланадиган чандиғи бор кишининг ҳолати ҳам Элёрнинг назаридан четда қолмаган эди.

— Ота-онам менга таомдан сўнг дуо қилишни ўргатган, — деди Элёр ниҳоят ўзини қўлга олиб.

— Унда, бисмиллаҳни-чи?

— Дилимда айтганим кифоя эмасми?

— Аллоҳ ҳар бир нарсани қурувчи ва билувчи муқаррам Зотдир, — дея ўзини бир оза эркин қўйди ўртадаги киши. Кейин ўнг томонидаги шеригига нигоҳ ташлаб сўзини давом эттирди. — Меҳмонга чой қўйиб узатинг, Амир.

Бу сўзнинг маъносини англамоқчи бўлган Элёр ўзидан чап тарафда ўтирган кишига қараб қўйди. Исми галатироқ эшитилди. Нега Амир? У бу ерга келишдан аввал шаҳарда пайдо бўлган гуруҳнинг баъзи бошлиқларига ҳокимлик, амирлик ва беклик унвонлари берилгани, шунингдек, уларга мамлакатнинг катта-катта лавозимлари ваъда қилингани ҳақида эшитган эди. У ёнида виқор билан савлат тўкиб ўтирган нотаниш кишиларга зимдан назар ташларкан, кимларнинг орасига тушиб қолганини ич-ичидан ҳис қилди. Чунки Наманганда Амир, Амирқул ёки Амирали, Амиржон деган исмларни эшитмаган эди.

— Қаердансиз, меҳмон? — сўради Амир тавозе кўрсатиб чой узатаркан.

— Тошкентдан.

— У-ў, азим пойтахтданми? Хуш, келибсиз, биродар.

Элёр миннатдорчилик билдириб, тамадди қилишга чоғланди. Чунки у олдидаги таомни емасдан туриб кетолмаслигини аллақачон пайқаганди. Ўтирганларда шубҳа уйғотмасликнинг бирдан-бир йўли кабобни охиригача еб, тезроқ бу ердан кетиш эди.

— Бирор юмуш билан келдиларми? — сўради бу сафар унинг ўнг томонидаги киши анча мулојимлик билан.

— Азиз деган укамизни қидириб келувдим, — тўғрисини айтди-қўйди Элёр.

— Тошкентлик Азизбекни айтяпсизми? Аввал расм чиғиб юрган йигит.

— Ҳа, уша йигитни.

Утирганлар бир-бирига қараб қўйишди.

— Азизбекда нима ишингиз бор, биродар?

— Таклиф қилганди, — деди Элёр бу сафар ёлгон гапириб. Вазиятдан чиқиб кетиш учун миясига бундан кўра ишончлироқ сўз келмади. Босиқлик ва дадил айтилган гап утирганларда шубҳа уйғотмади.

— Азизбек укамизнинг меҳмони, бизнинг ҳам меҳмон, — дея қўлини кўксига қўйди Амир. — Қани, бемалол тановул қилаверсинлар. Ҳа, айтгандай, Азизбек биродаримиз шахсан таклиф этган бўлса, эртага қаерга боришни билсангиз керак?

Элёрнинг томоғига нимадир тиқилгандай бўлди. Тахир ва аччиқ нарсани базўр ютаркан, аста бошини қимирлатди. Аслида бундан бошқа чораси ҳам йўқ эди.

— Бизга уэр-а, меҳмон. Қани, кетдик! Аллоҳнинг ўзи мадаккор бўлсин! — деди ёши каттароқ киши.

— Аллоҳу акбар! — деб қўлни юзига суртмай жўр бўлди бошқалар.

Элёр енгил нафас олди. Бироқ эртага қаерга бориши керак? Соат нечада? Иштаҳаси бутилди. Амаллаб иккита кабобни еди, холос. Кетаётиб чойхоначи йигитга ташаккур билдириш баҳонасида, эртага боражак жойини аста сўраб билиб олди.

— Яхшиси, эрта эрталаб шу ерга келинг, — деди ўзини Баҳодирхон деб таништирган чойхоначи йигит қўлини кўксига қўйиб. — Куча-кўйда қийналиб нима қиласиз. Сизни ўзим олиб бораман, меҳмон.

— Раҳмат, биродар, — дея Элёр дарров ўзлаштириб олган сўзини қўллади ва қўлини кўксига қўйганича йигитга яна бир бор қуллуқ қилди.

— Мусулмон биродарларимизга тўғри йўлни кўрсатиш бизнинг зиммамиздаги бурчдир. Ҳа, айтгандай, мабодо жой масаласида қийналсангиз, марҳамат, ана масжидимизга кириб бемалол ором олишингиз мумкин. Алоҳида ҳужралари ҳам бор.

Кексаларга хос сўзларни эшитган Элёрнинг қошлари туташди, бир кўнгли ичкарига кириб у ерда нималар бўлаётганини билгиси келди. Бироқ чўчиди. Эртага борадиган жойида Азизни топиши мумкинлигини ўйлаб бирор ноўрин гап қилиб қўймаслик учун дарҳол ўрнидан кўзгалди.

* * *

Элёр вилоят ҳокимлигининг биносига етиб келганида соат унга яқинлашиб қолганди. Атрофдаги одамларнинг гоҳ тўпланиб, гоҳ тарқалиб туриши дарҳол диққатини тортди. Уларнинг аксарияти ёшлар бўлиб, баъзилари қандайдир гап устида тортишар, асабийлашар эди; айримлари эса анчадан буён кўришмаган кадрдонлардай бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришар, сўнг боши бошига теккудек ҳолатда висир-висир қилишарди.

— Булар кимлар? — сўради Элёр ҳамон атрофдан кўз узмаган ҳолда.

— Биродарларимиз! — дея қатъий жавоб қилди Баҳодир.

— Нега тўпланишяпти?

— Ростданам ҳеч нимадан хабарингиз йўқми ёки атай сўраяпсизми? — бирдан жойида тўхтаган мезбон ялт этиб меҳмонга қаради.

Элёр унинг ўқдай қадалган нигоҳларини сезди ва ўзи ҳам беихтиёр юришдан тўхтаб қолди.

— Мен... Мен Азизни кўриш умидида келгандим.

— Юринг, унда!

Баҳодир шундай деб Элёрни ичкарига етаклади. Уч қаватли бинонинг ичида тумонат одам. Киришдан тортиб, гир айланган зинапояларни, йўлакларни юзлаб ўсмирлар, ўрта ёшли кишилар банд этган. Барчанинг нигоҳи фойе ўртасида ниманидир устига чиқиб олиб сўзлаётган кишида. У микрофонни ушлаганича ҳозир бу кошонага мамлакат Президенти келишини, у кишига Ўзбекистонни Ислол давлатига айлантириш талабини қатъий қўяжagini, шунда-

гина Ўзбекистонда тинчлик ва ҳуррият ҳукм суражагини баралла овозда гапирар, тўпланган ҳалойиқни ислом динини маҳкам тутишга даъват этар, бу йўлда жонбозлик кўрсатганларга дунё-дунё бойлик ва мансаб ваъда берар, мабодо шаҳид кетса, тўғри жаннатга тушажагини қайта-қайта таъкидлар эди. У жамиятда ўғри ва порахўрлар кўпайиб кетганини, мансабдор шахслар фақат ўзларини ўйлаб бойлик орттириш, халқни талаш билан овора эканини, энди бундан буён бу каби хўжасизликка йўл қўйиб бўлмаслигини, мамлакатда фақат ислом дини қонунқоидалари ҳукмрон бўлсагина, бу юртда одамлар ҳалол-пок ва тўқ яшашлари мумкинлигини тинимсиз уқтирар эди.

Элёр бу гапларни ўз қулоғи билан эшитиб, мағзини чақиб кўргандагина ишчан ходими қандай одамларнинг таъсирига тушиб қолганини пайқади ва у оломон ичидан Азизни излай бошлади. Нормат аканинг ташвиши бекорга эмас экан-да. Ўғли бунақа даъватлардан нечтасини эшитди экан, миясига яхшилаб сингдирилганки, ота-онасига қарши чиққан ва ҳатто воз кечишгача борган. Йўқ, бу болани тезлик билан бу ердан олиб кетиши керак. Бироқ кетармикин? Унинг гапига қулоқ тутишидан кўра тутмаслиги аён бўлиб қолди. Сабаби дунёга келишига сабабчи бўлган муътабар ота-онасининг панду насиҳатини эшитмай, уларни ташлаб келган йигит собиқ раҳбарининг сўзларини инобатга олармиди? Бунинг устига унга оддий Азиз деб эмас, Азизбек дея мурожаат қилинаётган бўлса, уни бу йўлдан қайтариш жуда мушкулдир? Элёр бу ишнинг қийинлигини, айниқса, ҳозир бўлаётган гап-сўзлар таъсирида қаердадир турган Азизнинг хаёлини бўлиш осон эмаслигини билса-да, йигитнинг отасига берган ваъдаси уни олдинга етаклади. Одамлар орасини бир амаллаб ёриб ўтиб минбарга яқинлашди. Ғала-ғовурда, у ёқдан бу ёққа сурилиб турган эркаклар орасидан бирор кишини ажратиб олиш қийин эди. Тиқилинчда терга ботган Элёр мабодо Азизни топган тақдирда ҳам бу ердан қайтиб чиқиб кетишнинг ўзи бўлмаслигини пайқади. Негаки ичка-

рига тобора кўпроқ одам киришга ҳаракат қилар, дақиқа сайин халойиқ тирбандлашиб борарди.

Шу пайт кимдир тепадан “Келди! Президент келди!” деб бақирди. Бино ичидагилар бирдан жим бўлиб қолди. Кейин “наҳотки!”, “йўғ-е!” деган шивир-шивир эшитилди. Тўпланганларнинг диққатини ўзига қаратиб келган нотиқ ҳам ногоҳ сўзидан тўхтаб, “ял” этиб учинчи қаватга қаради. Кузатувчи имо-ишора билан вазиятни назорат қилиб турганлигини тушунтирди ва дарҳол ўзини одамлар орасига олди.

Орадан сал фурсат ўтиб, эшик олдида эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистон давлат Президенти кўринди.

— Балки ичкарига кирмассиз, — деди давлат раҳбарининг хавфсизлигига масъул вазирлардан бири тумонат одамларга кўзи тушиб ичидан зил кетса-да, базўр ўзини қўлга оларкан.

Президент вазиятнинг ниҳоятда қалтислигини кўриб ранги оқариб кетган вазирнинг дилидан ўтган ўйини ҳам ҳис этди, қайғуриб айтганини ҳам тушунди, аммо шу тобда, умуман ўрни эмаслигини англаб “Бу нима деган гап?!” дегандай кескин қараш қилди ва олдинга интилди. Ҳозиргина қўлларини баралла кўтариб нотиқнинг сўзларини маъқуллаётган, уни олқишлаётган одамлар Президент кўзларидаги қатъийликни, ишонч ва айни пайтда зийрак кишигина фаҳмай оладиган хотиржамликни кўриб ўз-ўзидан ортга чекиниб, ўртадан йўл бушатишди. Кўпчиликнинг дами ичига тушиб кетганди. Бу айниқса, йўлак ҳосил қилганларда жуда билинди. Ҳатто айримлар ёнидан виқор билан ўтаётган Президентнинг салобати босиб ҳамон орқасига тисарилар, бироқ юра олмаганидан жойида депсинар, ўткир нигоҳига дош беролмай кўзларини олиб қочар, худди томоғига нимадир тиқилгандай ранги ўзгариб борар, гўё қаердалигини бир зум унутгандай, нима қилаётганини ўзлари ҳам билишмасди.

Минбар томон шаҳдам қадам ташлаган Президент ҳеч кимга қиё боқмаган бўлса-да, ичкаридаги бу ҳолатни аллақачон сезган, ўзига керакли хулосани чиқариб улгурган эди.

Элёр Президентни биринчи марта кўриб туриши эди. Бунинг устига жуда яқиндан (ўрталарида икки қатор одам бор эди, холос) кўргани учунми юраги ҳаприқиб кетди. Унинг наздида давлат раҳбари рақибидан тап тортмай рингга дадил чиқиб бораётган қайтмас боксёрни эслатди. Аслида рингда бир эмас, икки рақиб турарди. Уларнинг ёнига келиш, газабнок кўзларига тик боқиш, беражак саволларига ва қўяжак талабларига заррача огишмай жавоб қилиш учун шернинг юрагидай юрак лозим эди. Элёр минбарга кўтарилган ва рақибларининг безрайган юз-кўзларига дадил боққан бу инсоннинг кўксига ана шундай забардаст юрак уриб турганлигини сизди.

— Мана мен ҳузурингиздаман, — дея жуда босиқлик ва ўқтамлик билан гап бошлади Президент аввало атрофдаги юзлаб қора кўзларга салом бергач. — Сизларнинг ҳар қандай сўзингизни, эътироз ва истакларингизни эшитишга тайёрман! Марҳамат, талабингизни айтинг!

“Биз Президент билан учрашмоқчимиз!”, “Президент Наманганга келиши керак!” деб бир неча кунлардан буён жар солаётган гуруҳ етакчилари Голиб Қўлдош ва Бозор Намангонийлар аслида “Президент бу ерга келолмайди, биз билан учрашолмайди”, деб ўйлашар ва бу тахминларига ўзлари ҳам ишонишиб, ҳозирда қўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилада иш тутиб, оломон олдида ҳайқирганларича ўзларини кўрсатишга уринишаётган эди. Улар бир-икки соат олдин пойтахтдан олинган махфий хабардан: — “Арслон қафас томон кетди!” деган аниқ маълумотдан бохабар бўлиб, энди дастлабки фаразларидан воз кечган бўлса-да, ҳамон ўзларига таскин излашиб: Президент Наманганга келиши мумкин, аммо айтилган, таклиф этилган манзилга кира олмайди, деб хомтама бўлишганди.

Вилоятнинг баъзи раҳбарларини ваҳшийларча ўлдириб, уларни нопок ва нокас кимсалар деб атаган, ўзларини эса оддий халқнинг халоскори деб тарғиб этиб, асосан мас-

жидларда озиқ-овқат тарқатиб, атрофига купроқ одам тўплаётган бу йўлбошчилар бундай нотинч жойга келишга ва гаплашишга давлат раҳбарининг юраги дов бермайди деб санашаётган эди. Энди эса юз бериши мумкин бўлган хавф-хатардан, ажал соя солиб турган бино ичига заррача тап тортмай биргина қўриқчиси билан кириб келган ва шу тобда рўпарасида турган инсонни — мамлакат Президентини кўриб аслида ўзларининг юраклари орқасига тортиб кетганди. Бироқ бу эсанкирашни сездирмаслик учун Президентнинг қўлидаги микрофонга ёпишдилар. Бундай сурбетлик ва ҳурматсизликка сукут ва огирлик билан муносиб жавоб берилди. Буни пайқаган гуруҳ бошлиғининг баттар жазаваси тутди, микрофонни тортиб олиб атрофдагиларнинг диққатини яна ўзига қаратмоқчи бўлди. Чунки улар одамларнинг қонини жунбишга келтириши, негадир бирдан тушиб кетган руҳини кўтаришга шошилиб қолишди. Дарҳол шундай қилмаса, тарафдорларини бу ерда сақлаб қололмаслигини тушуниб етишганди. Эътибордан қолиш ютқазилш билан тенг эди: олиб бораётган “муқаддас иш”лари аслида бузғунчилик ва алаоқибат ҳокимиятни қўлга олишдан бошқа нарса эмаслиги билиниб қоларди.

— Бизнинг биринчи талабимиз ҳозироқ Ўзбекистонни Ислом давлати деб эълон қиласиз ва мамлакатни Ислом дини аҳкомлари бўйича бошқарасиз! — дея сўз бошлади ўзини салкам халифа ҳисоблаган нотик. — Иккинчи талабимиз, Ўзбекистонда Халифаликни жорий қиласиз ва диндорларга барча шарт-шароитларни яратиб берасиз. Шундагина биз бошлаган ҳаракатимизни тўхтатамиз ва мусулмон сифатида амрингизга бўйсунамиз. Акс ҳолда ноҳақлик ва жабр-ситамга дучор бўлаётган азиз биродарларимиз — жонажон диндошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, бу эркинликни бузаётган ҳамда халқнинг газабига дучор бўлаётган мансабдор шахсларни жазолашда давом этамиз. Талабимиз қондирилмаган тақдирда Фарғона водийсини

алоҳида Республика деб эълон қиламиз ва бу ерда Ислом давлатини барпо қиламиз!

Бу гапларни жимгина эшитган Президент атрофдаги юртдошларининг юзларига назар ташлади. Уларнинг аланг-жаланг нигоҳларидан бу ерга йигилганларнинг кўпчилиги шунчаки қизиқиш ёки тасодиф туфайли, айримлари қистов ёхуд алдов билан келганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Бу тўполон ва қон тўкишлар, намойиш ҳамда йигинлар аслида ўзлари ҳам алданган бир гуруҳ кишиларнинг васвасаси эканлигини ҳам англади. Уларнинг раҳнамолари бор ва улар қайсидир давлатда беркиниб турибди. Пул ва қурол билан таъминланган бўлмаса, эндигина мустақил бўлган юртида тинчлик ва тараққиёт йўлини танлаган одамларни чалғитмасди, амалга ошириб бўлмайдиган халифаликни тарғиб этмасди.

Мамлакатдаги нотинч вазиятдан кимга фойда? Албатта бу юртда ўз сиёсатини утказмоқчи бўлган кучларга. Тааж-жуб, наҳот булар ўша кимсаларнинг қўлида қўғирчоқ бўлаётганини тушуниб етмаган бўлсалар? Ёки ёш давлатнинг янги раҳбари бу каби хуружлардан қўрқиб кетади, жони ширин кўришиб, Наманганга келолмайди ёки келган тақдирда атрофида мингта қўриқчиси бўлади, бошқа қон тўкилмаслик учун қўйган талабимизга қўнади ва биз мақсадимизга эришамиз, деб хаёл қилдилармикин?

Балки ниятларига етолмасликларини билиб, Президентни бу ерга таклиф қилишгандир? Музокарадан натижа чиқмаса сўнгги чора — қабиҳ ниятларини амалга ошириб, яъни унинг ҳаётига суиқасд қилиб, мамлакат бошқарувини қўлга олишмоқчидир?

Шу тобда Президентнинг хаёлидан устахонасининг тагидан тилла тўлдирилган хум топилган сартарош ҳақидаги ривоят ўтди. Уйда, кўча-кўйда жуда мулоийм, ширинсўз сертакалуф сартарош бўлган экан. Бироқ у устахонасини янги жойга кўчирганидан кейин бирдан ўзгариб, соч-

соқолини олдиришга ўтирган мижозининг бўйнига ўткир тигини тўғрилаб, “Кекиртагингни узиб юборайми?!” деб дуқ қилиб қоларкан. Ишдан сўнг яна аввалгидай мулойимлашиб, ҳеч нима бўлмагандай юравераркан. Бунинг на ҳазил, на чинлигини билолмаган одамлар нима қилишга ҳайрон бўлиб қолишибди. Ниҳоят уларнинг арз-доди подшоҳга етиб борибди. Подшоҳ унинг уйига одам жўнатибди. Олампаноҳнинг номини эшитган сартарош ётган жойидан шошиб чиқибди. Элчи унга хабарни етказибди. Подшоҳнинг назарига тушганидан боши осмонга етган сартарош икки оёғини қўлига олибди. Асбоб-ускуналарини олиш учун устахонасига кирибдию бирдан феъли ўзгариб, бормайман, подшоҳнинг ўзи бу ерга келсин, дебди. Бу гапни эшитиб, қўрқиб кетган элчи қайсарликнинг боисини сўрабди.

— Бормайман, дедим-ку, сенга. Қани, жўна бу ердан!

Ноилож саройга қайтган элчи бўлиб ўтган гап-сўзни подшоҳга айтолмай жуда қийналибди. Бир қошиқ қонидан кечишларини сўраб, изн олганидан сўнг зўрга баён қилибди. Подшоҳ келишдан бош тортган сартарошдаги бундай сурбетликнинг тагига етмоқчи бўлиб, тадбир билан иш кўрибди, яъни у йўқлигида устахонанинг тагини кавлашни буюрибди. Ярим тунда бу ишни амалга ошираётган махфий хизматчилар қарасаки, у ерда тилла тўла каттагина хум ётганмиш. Кейин устахонани яна аввалгидай тартибга келтирган хизматчилар тонгта яқин саройга қайтишибди. Сирдан воқиф бўлган подшоҳ сартарошнинг тилини узун қилган, белига қувват бўлаётган бойликни давлат хазинасига топширишга амр этибди. Эртаси куни сартарошдан хабар олишса, у устахонасида ҳам жуда мулойим ва ширинсўзлик билан хизмат қилаётганмиш. Одамлар нима бўлганини билолмай ҳайронмиш. Бу ҳолга жилмайиб қўйган подшоҳ кекса устадан гина қилмай, гуноҳидан кечиб юборибди. Одамлар эса бунинг сирини анчадан кейин билишибди.

Президент томоқ қириш баҳонасида ҳозиргина жарангдор нутқини тугатган нотиқнинг турган ерига — оёғи остига

беихтиёр назар ташлаб қўйди. Бу ерда олтин ёки жавоҳир кўмилмагани аниқ. Демак, буларга ваъда қилинган катта бойлик хориждаги банкларнинг бирида, ёхуд раҳнамоларининг ўзида турибди. Бойликка ҳирс қўйишни тушуниш мумкин. Мансабга ёки ҳокимиятга интилишни ҳам қоралаб бўлмайди. Аммо ўз халқининг хоҳиш-истагига қарши бориш, шахсий манфаати йўлида катта бир миллатни бошқа бир тузумга бўйсундиришни оқлаб бўладими? Ўзбек халқининг бугунги авлоди, ота-боболари орзу қилган, лекин уларга насиб этмаган эркинликка, озодликка эришди. Бу жабрдийда халқ энди тинч яшамоқчи, юртини обод қилмоқчи ва фарзандларининг бахту камолини кўрмоқчи. Бу қадимий миллат шундоқ ҳам мусулмончилиқни ўрнига қўйган, қадоқ қўлидан иш, дилидан эса Аллоҳнинг зикри тушмаган, мустабид шўро тузумида эркини қўлдан берган бўлса-да, Ислоҳ динига асло хиёнат қилмаган. Юраги пок, қалби дарё бу халқнинг! Уруш йилларида бошқа миллатни, ўзга дин вакиллари кучоғига олган, топган бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган, бағрикенг халқ бу! Қўйнига олган “илон” боласини чақиб ўлдирганда ҳам, узоқ ўлкаларга сургун қилиб, қамоқхоналарга ташлаганда ҳам сабр-тоқат қилган, барча жабр-ситамлarga бардош берган, аммо қачондир ёрут кунлар келишини интиқ кутган жони қаттиқ, ўлмас халқ бу.

Энди унинг гашига тегиб бўлмайди. Энди унинг эркини асло чеклаш мумкин эмас. Энди бу халққа кўмак бериш лозим. Оёғида мустаҳкам туриб олиши учун фақат мадад керак. Бу буюк халққа қандай яшашни ўргатиш шарт эмас.

Нотиқнинг гапидан сўнг тўпланганларнинг аламзада ҳайқиригини, бақириб-чақиритишини кутган Президент ўзга бир манзарага гувоҳ бўлди. Ҳозиргина хаёлидан кечган фикрларни йигилганлар ҳам уққандай жим эди. Ёки кескин қўйилган талабларга давлат раҳбари нима деркин деб сукут сақлаб қолишдимикин? Нима бўлганда ҳам кўпчилик одамларнинг хотиржамлиги Президентнинг кўнглига бир оз бўлса-да, илиқлик олиб кирган эди.

— Мен Ўзбекистон Президенти сифатида айнан ҳозир, шу тобда ҳеч қандай фармойиш бермайман. Яна шуни алоҳида таъкидлайманки, халқнинг хоҳиш-иродасига ҳам асло қарши бормаيمان. Бироқ сиз айтган талаблар бир гуруҳ одамларнинг истагими ёки бутун Ўзбекистон халқининг хоҳишими, мен ана шу нарсани билиб олишим зарур. Бу муҳим жиҳатни аниқламасдан туриб, бирор Фармонга урин йўқ. Марҳамат, талаб ва истакларингизни ҳукуматга баён этинг, музокара олиб боринг!

Мен халқимнинг тинчлиги, эришган мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва юрт ободлиги йўлида бўладиган ҳар қандай музокарага шайман! Билиб қўйинглар, барака топкурлар, бу эзгулик йўлида ҳатто ўз жонимни қурбон қилишга ҳам тайёрман!

Элёрнинг юраги тўлқинланиб, кўзлари порлаб кетди. Рингга дадил чиқиб келган шерюрак боксёр гўё рақибини нокаутга учратган эди. “Есть!” деб юборди беихтиёр қўлини мушт қилиб. Лекин ёнида турган йигитнинг ножўя хатти-ҳаракатидан бирдан хушёр тортди. Урта буйли, эгнига қора тўн кийган йигит бир қўли билан тинмай қалин соқолини силар, бир қўлини эса қўйнига югуртириб-югуртириб қўярди. Элёр кўнглига келган шубҳадан ўзи ҳам қўрқиб кетди. Йигирма беш-уттиз ёшлар чамасидаги, қорачадан келган, усиқ сочлари бошидаги ранги қора қалпогидан чиқиб турган нотаниш йигит минбар яқинида нима қиларини билмай хавотир ичида турган тансоқчидан деярли нигоҳини узмасди. Ниманидир мўлжаллини қилар, йигиндан кейин тахминан яна очилажак йўлакка яқинроқ бўлишга шайланарди. Қўйнида нима борийкин, ўйлади Элёр сездирмасдан кўз қирини ташлаб. Куролми ёки портловчи моддами? Нега у нигоҳлари билан тансоқчинини таъқиб этиб турибди? Нима қилмоқчи, узи? Элёр унинг мақсадини тушунолмади.

— Бизнинг талабимизни қондирасизми, йўқми? — сўради Голиб Қулдош бўғиқ овозда.

— Мен бу саволга жавоб бердим. Марҳамат, талабин-
гизни ёзиб Олий Мажлисга тақдим этинг. Бу масалани халқ
депутатлари ўрганиб ва ана ундан кейин мамлакат Прези-
дентига таклиф билан чиқишсин. Шундан сўнг сизлар билан
яна учрашамиз.

Азиз юртдошлар! Ҳозир ҳаммангиз ўз уйингизга ёки
иш жойингизга қайтинг! Сизларни вилоятда тинчлик ва
осойишталикни сақлашга чақираман. Наманганнинг қўли
гул халқи кундан-кун чирой очиб бораётган ўз шаҳар ва
қишлоқларини ҳеч қачон вайрона бўлишига йўл қўймайди.
Шу мўътабар тупроқда аввало ўтмишда яшаб ўтган азиз-
авлиёларнинг, қолаверса, бу ерга йигилганларнинг ҳам бо-
болари ва момоларининг хоки-поки ётибди. Ишонаманки,
сизлар ҳам киндик қонингиз тўкилган бу муқаддас заминни
эъвозлаб, кўз қорачигидай сақлайсиз ва эмин-эркин униб
ўсаётган фарзандларингизга обод ва овоз ҳолда мерос қол-
дирасиз!

Нутқини тугатган Президент кетишга чоғланди. Худди
шу пайт учинчи қаватда ярим ўралган қандайдир матони
пастга қаратиб турган йигитга кўзи тушган тансоқчининг
юрагини бирдан ваҳм босди. Қора мато ичида бирор
қурол яширинган бўлиши мумкин дея гумон қилди шекил-
ли минбардан тушган Президентнинг дарҳол ортига утди.
Шовқин кўтармади, яқин юриб ҳимоя қилмоқчи бўлди. Бу
пайтда йўлакдан сал берида турган йигит ҳеч нима содир
бўлмаётганидан кўзлари олайиб, мамлакат раҳбарининг ол-
дидан кесиб чиқиш учун ҳаракатга тушди: Элёрни елкасидан
ушлаб четга сурмоқчи бўлганди, ногоҳ тирсақдан яшин тез-
ликда берилган қаттиқ зарбадан шилқ этиб ерга қулади.
Президентни ҳис-ҳаяжон билан кузатаётган одамлар буни
сезмай ҳам қолишди. Атрофдагиларда шубҳа уйғотмаган
Элёр сур-сурда бошини бир оз қуйи эгиб ташқарига чиқиб
кетди. Кейин бир четда туриб бино ичини тарк этаётган
ёшлар орасидан Азизни қидирди, бироқ топа олмади.



* * *

— Гуруҳ йўлбошчиларини қўлга олайми? — сўради машина томон бораётган Президентнинг ёнида пайдо бўлган вазир.

— Вазиятни баттар чигаллаштирмоқчимисиз? — деди Президент вазирга кўз қирини ташлаб.

— Ахир улар...

— Кечирришни ҳам билишимиз керак!

Президентнинг қатъий гапидан кейин вазир бошқа савол беришга ўрин қолмаганини англади.

* * *

Элёр олов ичига қўрқмасдан кириб, яна саломат чиққан Президентни жуда яқиндан кўрган эди. Бу инсоннинг қатъий нигоҳи, юзага келган вазиятни тўғри баҳолай олиши, салгина олдин ҳам жазавага тушиб турган одамларнинг юрагига йўл топишию лўнда ва тушунарли гап-сўзлари энди бутун хаёлини чулғаб олганди. Ажал домидан соғ-омон чиқиб келган мамлакат раҳбарининг машинага ўтиришдан аввал одамлар билан илиқ хайрлашганини кўрганда эса қалби бирдан ифтихорга, вужуди эса куч-қувватга тўлганини ҳис қилди.

“Халқ билан учрашиш, уларнинг кузига тик қараш учун хавф-хатардан чўчимадилар-а, — ўйлади Элёр Тошкентга қайтишда. — Ахир ичкарида ўзини нима кутаётганини билмасди-ку?! Жонига қасд қилишганда нима бўларди? Ахир бу одамларнинг орасида олдиндан қуролланиб, мушукдай писиб ўлдиришга шай турган кимсалар борлигини наҳот хавфсизлик ходимлари билмаган бўлса? Билганлар, аммо учрашув жойи атай айтилмаган ва охириги соатлардагина маълум қилинганмикин? Шундай бўлса керак. Бу тактикадан чўчиган хавфсизлик ходимлари Президентни у ерга кирмасликка ундаган бўлсалар-да, кундира олмаганлар. Юраги ватан ишқи, эл-юртнинг тинчлигидай муқаддас туйғулар билан лиммо-лим бўлган мамлакат раҳбари ҳеч

нимадан чўчимагани, қўрқмагани шундоқ кўриниб турибди. Ҳа, мардлигига қойил қолдим. Ҳали бу жасорат ҳақида одамлар кўп эслашса керак. Балки китоблар ёзилар”.

Бўлиб утган воқеадан қаттиқ таъсирланган, уни қайта-қайта элагани сари томирларидаги қони жўшиб, ўзини қаерга қўйишни билмаётган, таассуротларини ичига сиғди-ролмай тобора гурурланиб бораётган Элёр чемпион бўлишга аҳд қилди. Оддий чемпион эмас, жаҳон чемпиони!

V. РАҚИБ

Бокс бўйича республика миқёсида ўтадиган мусобақа яқинлашмоқда эди. Мураббий кеча кечки тайёргарлик машқларига етиб келолмаган Элёрдан бир оз хавотирланди. Аммо тушга яқин кўтаринки руҳда кириб келган янги шоғирдини кўрганда дарров безовталигини унутди. Рингда тинимсиз машқ қилаётган Рустамга маъноли қараб қўйди. Клубга ҳаммадан аввал етиб келган Рустам бунгача мураббийга кечаги ваъдасини эслатиб, чинданам уни бир оз ўйланишга мажбур қилганди. Кеча нимадир бўлиб “Эртага Элёр билан рингга чиқасан, яна уялтириб қўймагин” деганди Алишер ака клубнинг биринчи рақамли боксчисига.

— Наманганда қолиб кетмасмикин? — деганди киноя билан Рустам.

— Қолиб кетса, голиблик сенда бўлади, — дея жавоб беришдан ўзга илож тополмади мураббий.

Элёр клубга кириб келган маҳалда мураббийнинг Рустамга кўз ташлаганининг боиси шу эди: “Ана, кўриб қўй, келди!”

— Хўш, кайфиятлар яхшими? — суради мураббий чигал-ёзди машқларидан сўнг Элёрнинг олдига келиб.

— Раҳмат.

— Рустам билан жангга тайёرمىсан ёки йўлда чарчадингми?

Устозининг кузига дадил боққан шогирднинг жавоби қисқа булди:

— Тайёрман!

— Яхши. Қани унда, ўзингни кўрсат! — деди мураббий Элёрнинг елкасига бир-икки уриб қўяркан.

Ҳамон кечаги кайфиятда юрган Элёр бу гапни ўзича тушунди: қани, бу сафар ҳам енг-чи. Шундагина сени клубга қабул қилганимга афсусланмайман. Балки энг нуфузли мусобақада қатнашишинг ҳақида ўйлаб кўрарман. Бўлақол, шоввоз! Бу галгиси ҳисоб!

Балки мураббийнинг кўнглидан шу каби ўйлар ўтгандир, аммо бу Элёрга қоронғу эди. Бироқ хаёлидан кечган тахмини ўзига ёқди. Рингга интиларкан, ҳаммаси жойида бўлади, ишончингизни оқлайман, дегандай қўлларини кўтариб қўйди.

Хужумни одатдагидай Рустам бошлади. У бу учрашувга астойдил тайёргарлик кўргани ва бутун масъулиятни ҳис қилгани ҳам яққол сезилиб турарди. Клубдаги энг кучли боксчи. Мураббийнинг ишонгани. Республика чемпиони бўлишга асосий даъвогарлардан бири. Элёр билан бўлиб ўтган кўнглисизликни ҳисобга олмаса, унинг зўрлигига ҳеч нарса соя солаётгани йўқ. Бунинг учун ҳозирги жангни ўз фойдасига ҳал қилиши керак. Бироқ очколар сони бўйича эмас. Фақат нокаут! Бошқача бўлиши мумкин эмас!

Мураббий тўғри баҳо берган, ёшлиқдан бокс билан жиддий шуғуланмаган киши кўча-кўйда муштлашиб юрган одамдай бир гап. Зарбаси кучли бўлиши мумкин, аммо боксда техника, тажриба деган гаплар бор. Бу омиллар бекорга айтилмайди. Элёрнинг қизиқиши вақтинчалик нарса, икки марта йирик мусобақадан қолиб кетса, кўнгли совиб ташлаб кетади. Боксда бунақа йигитлар тўлиб-тошиб ётибди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача!

Бундай ўй-фикрлар биринчи раундни катта устунлик билан тугатаётган Рустамнинг хаёлини кечаси билан банд

қилиб чиққанди. Ҳайламай, деб ўзини чалғитса-да, бўлмади: олдинги икки мағлубият тасодиф! Аслида улар мағлубият ҳам эмас, охирига етмаган жангнинг дастлабки хулосаси холос. Юзаки хулоса — алдамчи таассурот. Жанг охиригача бўлгандагина ҳақиқий баҳо бериш мумкин. Бироқ бу ҳам аслида нисбий. Ҳаққоний баҳони боксчининг ўзи беради.

— Стоп!

Мураббий биринчи раунд тугаганини маълум қилди. Кейин терга ботган Элёрни ошкора кузатишда давом этиб, йўлда чарчаганини яширдимикин, деб ўйга толди. Деярли ҳужумга ўтмаган Элёр ростдан ҳам толиққандай таассурот қолдираётган эди. Фарғона водийсига бир неча марта сафар қилган Алишер ака довондан ўтиладиган йўлнинг машаққатини ўзида ҳис қилгани боис Элёрни рингга чиқарганига афсус чека бошлади. Бугунги жангни ютқазиб қўйса, руҳи чўкиб қолмасмикин, деган ўй энди унинг хаёлини банд этганди. Яна бир чўчиган нарсаси, қаттиқроқ зарба ўтказиб юбориб жароҳат олиши ҳам мумкин.

Алишер ака ўйини охирига етказолмади. Танаффус пайти тамом бўлгани учун ҳаваскор боксчиларни ўртага таклиф қилди. Қизиқарли ва айни пайтда шиддатли жанг бўлишига умид қилган ёшлар икки азаматни қўллаб-қувватлай бошлади. Лекин аксариятининг тилида Рустамнинг исми такрорланар, фақат биргина ўсмир, клубга яқинда қабул қилинган Шавкаттина онда-сонда, унча баланд бўлмаган овозда “Бўш келманг, Элёр ака!” деб кўярди. Шовқинда бу далдани эшитиш амримаҳол эди, бироқ Элёр ўнлаб клубдошларининг қичқириғи, хуштағи, баланд-паст товушлари ичида ўзига тегишли гапни илғаб олди. Йигитчага қараб кўз қисиб қўйди-да, иккинчи раунднинг бошиданоқ яна ҳужумга отланган, ўнг қўл зарбасини кетма-кет амалга ошираётган Рустамдан ҳимоялана бошлади. Бу усул ёш Шавкатнинг ҳафсаласини пир қилди чоғи, индамай қўйди. Мураббий ҳам жимгина кузатишдан ўзга илож тополмади.

Ҳа, раунд бошиданоқ Рустам Элёрни бор кучи билан ура бошлади. Мақсади аён бўлди: жангни шу уч дақиқа ичида тугатиш. Қайсидир бир машҳур боксчининг ўйин пайтида раҳм-шафқат қилиш йўқ, деган гапини ўзига шоир қилиб олган Рустам чиндан ҳам муҳим бир учрашув ўтказаетгандай Элёрга аёвсиз мушт туширар, тезроқ ерга қулатиш пайида бўлар, “қўлидан қалам тушмаган рассом” эса ҳадеганда йиқилавермас, бунга сари “суяги боксда қотган йигит”нинг жаҳли чиқиб, тобора асабийлаша бошлаганди. Бокснинг ҳимоя усули Рустамнинг ҳам гашига тегаётган эди. Элёр нима қилмоқчи ўзи? Уч раунд шунақа ўйнамоқчими ёки атай қўйиб беряптими? Ўзича раҳм қилаётган бўлмасин, тагин? Балки олдинги учрашувда бўлганидай уни чарчатиб, ўйин охирида ўзини кўрсатмоқчими?

Ҳансирай бошлаган Рустам ҳам уйлар, ҳам пайдар-пай мушт туширарди. Буни сезиб турган Элёр ниҳоятда сергаклик билан ҳаракат қилар, гавдасини гоҳ орқага, гоҳ у ёндан бу ёнга ташлаб рақибини чалғитишга уринарди. Ҳар замонда йўллаган мушти эса баъзан ҳавода қолса, баъзида аранг етиб борарди. Рустамга чемпионликни орзу қилган рассомнинг муносиб қаршилиқ кўрсатмаётгани, худди уни масхара қилаётгандай туюларди, бунга сари баттар жазаваси тутди. Ростдан ҳам Элёр зўр бўлсанг, енгиб кўр-чи, мен умуман қаршилиқ қилмайман; дегандай таассурот қолдирарди. Иккинчи таймни кузатаётган Алишер ака Элёрнинг тактикасини сизди, кўнглининг бир чеккасида бу йигитнинг алдамчи ҳаракатларидан у ўз кучини учинчи раундга асраб турибди, деган гумон пайдо бўлди, бўлим охирлаб бораётгани сари эса шубҳаси тўғрига ўхшаб кетарди. Боксда зарбадан ўзини сақлаш асосий нарса, аммо бутунлай қочиб юриш ёки ҳимояга ётиб олиш мумкин эмас. Рақибга қаршилиқ кўрсатилмас экан, жазоланади. Бундан ташқари, бокс ишқибозларининг эътирозига, охир-оқибат газабига дучор бўлиши тайин. Мухлислар меҳрини қозониш осонмас,

уларга шиддатли жанг ёқади, очколар бўйича эмас, нокаут қилиб енгган боксчини кўпроқ ҳурмат қилишади, қаерда бўлса олқишлашади.

Иккинчи раунд тугади. Боксчиларнинг ҳар иккиси ҳам ҳансираб нафас олишар, кўз қирини бир-бирларидан узмаганига қараганда чарчаганлигини билдирмасликка ҳаракат қилишарди. Мураббийнинг бир кўнгли ўйинни тўхтатмоқчи бўлди. Сабаби Элёрнинг ўйинидан қониқмаётган эди. Лекин нафсиламрини айтганда, Элёр бутунлай ҳимояга ўтиб олмаганди. Онда-сонда бўлса-да, мушт туширишга интиларди. Бироқ ҳаракатлари анча сууст эди. Балки бу йўлдаги чарчоқнинг оқибатидир? Учинчи раундни кутиш керак.

Мураббий ўзи билан ўзи гаплашаркан, кейинги фикрга қулоқ тутди. Негаки, унинг ўйинни тўхтатиш ҳақидаги қарори Рустамга ҳам ёқмаслиги аниқ. Шундоқ ҳам аввалги жанг натижасидан норози. Аламини кимдан олишни билмай юрибди. Бошқа чора йўқ: учрашувни охиригача қўйиб беради, яқун эса кимнинг голиблигини аниқлайди.

* * *

Охирги раунд мураббий ўйлагандек, Рустамнинг тўхтовсиз ҳужуми билан бошланди. Ҳар томондан берилаётган муштнинг бири бўлмаса, бири мўлжалга етиб борар, аммо рақиб тош қотгандай зарбалар кучини менсимас, бор кучини аямай ишга солаётган клубдошининг кўзларига тик қараганча ўйинни давом эттирарди. Оёқ ҳаракатлари жуда чаққон деб бўлмасди, гоҳ юзини, гоҳ биқинларини ҳимоя қилаётган қўллари ҳам шунга монанд эди. Ўйинни бу тарзда боришини тишини-тишига босган Рустам ҳам, ажабланганини ошкор қилиб бўлган мураббий ҳам кутмаган эди. Четдан кузатган одам уларнинг иккиси ҳам тезроқ ўйинни тугашини истаётганини пайқаган бўларди. Бу ерда биргина Элёр гўё ҳар қанча зарбага туриб бера оламан, дегандай хотиржам ҳаракат қиларди.

Уйин ўрталарига келганда бирдан клуб эшиги ланг очилди ва ичкарига иккита милиция формасидаги киши кириб келди. Улар икки-уч қадам юриб тухташди, сал олдиндаги баланд бўйли, тўла, қорачадан келган, капитан унвонидаги милиция ходими кимнидир чақиргандай бўлди. Уйинга берилиб кетган пастдаги йигитлар ҳам, рингда бир-бирини синовдан утказаяётган боксчилар ҳам анчагина бақириб айтилган сўзни эшитиб, ят этиб овоз келган томонга қарашди. Фақат биргина Рустам бунга эътибор қилиб ўтирмади: қўлини пастга тушириб юзини эшик томонга бурган Элёрга жон-жаҳди билан мушт туширди.

Бундай зарбани кутмаган Элёр рингга қулади, гурсиллаган товуш бирдан ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилди, нафақат машғулотдагилар, балки ҳозиргина ичкарига қадам босган милиция ходимлари ҳам майдонда узала тушиб ётган йигитни кўриб жойларида бир зум қотиб қолишди.

Мураббий нима ҳодиса рўй берганини дарҳол англади. Рингга сакраб чиқди-да, ўзига келиб туришга ҳаракат қилаётган Элёрни ортиқча уринмаслиги учун ўтирган жойида қолишни тавсия қилди. Нима бўлганини эндигина англаб етган Элёр бошини сарак-сарак қилди. Рустам таъна билан қараган мураббийга “Уйинни тўхтатишга рухсат берганингиз йўқ-ку!” деди гудранганича қўлларини ёзиб.

Бир ҳисобда у ҳақ эди: учрашувни олиб борётган судьянинг боксни тўхтатиш ҳақидаги кўрсатмаси берилмагунча рингдаги ҳар икки рақиб ҳам ўйинни давом эттираверади. Уларнинг бирор нарсага чалғишга ёки ўзларича ўйинни тўхтатишга ҳаққи йўқ. Мабодо боксчиларнинг бири ўз ихтиёри билан шундай ҳолатга йўл қўйса, бу унинг айби. Вазиятдан фойдаланиб қолган ва учрашувни ўз фойдасига ҳал қилгани асло ноҳақ эмас.

Кўнглида шундай гаплар утган мураббий нима дейишни билмай қолди. Уришай деса, Рустам деярли қондани бузмади. Уришмай деса, бу ахир расмий мусобақа эмас-ку. Ўз клубдошига бирор зарар етказса, нима бўлади? Ўзаро меҳр-шафқат, бир-бирини асраш, дўстона муомала қилиш каби

инсоний ҳис-туйғулари қаяқда қолди? Қолаверса, якуний натижа клуб манфаатларини ҳимоя қилиш эмасми?

— Сен ютқаздинг, — деди мураббий Элёрни пастга кузатаётиб. У йигитнинг аҳволига ачинаётганини сездирмаслик учун қовоқларини солиб гапирди. — Уйин тугамасдан чалгишнинг оқибати шунақа бўлади.

Элёр у ноҳақ эмасми, дегандай мураббийга таъна билан қараб қўйди.

— Сен ҳамма нарсага шай туришинг керак эди, — Элёрнинг нигоҳидан унинг нима демоқчи бўлганини англаган Алишер ака гапни қисқа қилди.

Бу гапни ҳамма эшитди. Аслида мураббий барча шогирдлари эшитадиган даражада аччиғланиб гапирган эди. Элёр айб ўзидалигини ҳис этса-да, барибир мураббийдан хафа бўлди. Янги келганим билинди, деб ўйлади, Шухрат ёрдамида қўлқопини ечаркан. Кейин озгин йигитга раҳмат айтиб, ачиниш билан тикилиб турган Нормат ака томон кетди. Бу пайтда мураббий виқор билан кўкрак кериб гердайиб турган Рустамнинг олдига яқинлашди ва фақат унинг ўзи эшитадиган қилиб бир оз олдинга энгашганича деди:

— Боксёр деган шарафли номга доғ туширадиган иш қилдинг! Йигитлик шаънингни сақлай билмасанг, клубда қолиш-қолмаслик ҳақида ўйлаб кўр!

Мураббий энди гапиришга оғиз жуфтлаган Рустамдан кескин юз ўтириб, рингни тарк этди. Ҳозиргина эришилган тантанадан ҳайқириққа тайёр турган юрак бу гапдан кейин бирдан музлаб қолгандай бўлди. Рустам қалб тўрида авайлаб-асраб юрган нарсаси худди дарз кетгандай анча пайтгача жойидан қўзғала олмади.

* * *

Анча ўзига келиб рингдан пастга тушган Элёр милиция ходимлари уни излаб келишганини билгач, юраги ниманидир сезгандай ёмон хаёлга борди.

— Одилов Элёр сизми?

— Ҳа, мен, — деди Элёр кўришиш учун қўл узатаркан.

Ўзини туман ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлимининг тезкор вакили, милиция майори Асилбек Болтабоев деб таништирган ўрта ёшлардаги, баланд бўйли, кенг юзлари бир оз чўтир киши истамайгина қўл узатди.

— Биз билан бўлимга борасиз? — деди майор боксда бўлиб турадиган кўнгилсизлик оқибатида азият чеккан йигитнинг ҳолатига деярли аҳамият бермай.

Аммо бу пайтда участка нозирини Моҳир Сулаймонов ҳозиргина ўйинни тугатган боксчиларнинг азалий рақиблар эканини пайқаб улгурган эди. Вазиятни кўра билиб туриб зарба йўллаган йигит қилган ишидан заррача пушаймон бўлмаган ва шунчаки йўлига бўлса-да, узр сўрамаган эди. Кечирим сўраш у ёқда турсин, ҳатто келиб рақибини тургазишга кўмаклашмади. Машҳур ринг қиролларининг жангини кўп кўрган, ўзи ҳам баъзи-баъзида шуғулланиб турадиган, шунинг натижасида бўлса керак, кенг елкаси, кўкрак ва қўлларида мушаклари бир оз бўртиб чиққани кийимининг ичидан ҳам сезилаётган нозир кўз ўнгида бўлиб ўтган ҳодисадан ана шундай хулоса чиқарган эди.

Анча йиллардан буён клубида формали кишиларни кўрмаган Алишер аканинг таажжубини ҳам тушунса бўларди. Улар келибдимиз, демак, қандайдир нохуш ҳодиса рўй берган? Бу кўнгилсизликда эса шоғирдларидан бири гумон қилинганга ёки аниқ иштироки бор. Йигитларга машқни давом эттиришни буюриб, ўзи тезда етиб келган мураббий бир нотаниш меҳмонларга, бир Элёрга кўз ташлаб, “Тинчликми?” деб сўради.

— Элёрнинг қўлида ишлайдиган бир йигитни қидираётган эдик. Шу масала юзасидан Одиловга берадиган саволаримиз бор, — тушунтирди жиноят қидирув бўлимининг тезкор вакили.

Элёр бир оз енгил тортди. Демак, Нормат ака у билан гаплашганидан кейин ўйлаб кўриб ўглининг уйга келмаёт-

ганини милисага хабар берибди-да. Лекин Элёр уша куні — Намангандан қайтганидан кейин Нормат акани мелисага боришга кўндирилмаган эди. “Келиб қолар, яна бир-икки кун кутай-чи”, деганди қалби зирллаб. Йигламоқдан бери бўлган отанинг ҳолатини тушунса-да, Элёр кўнглидагини яшириб утирмади: — Агар Азиз хабар бергунингизга қадар бирор номаъқул иш билан қўлга тушиб қолса, ота сифатида сиз ҳам айбдор бўлиб қолишингиз мумкин. Менимча, бу ишни орқага суриб бўлмайди. Кейин афсус чекиб қолманг.

Нормат ака гўё елкасини яна оғир юк босгандай бошини кўтаролмай қолди. Хайрлашиш ҳам шу тарзда кечди.

Энди эса милиса ходимлари уни сўроқлаб келибди. Элёр шундай бўлишини олдиндан билгани учун ҳам ўзини хотир-жам тута бошлади ва савол беришга ҳам журъат қилди:

— Азиздан бирор хабар борми?

— Бу ҳақида бўлимга борганингизда гаплашамиз. Ҳозир эса тез кийиниб чиқинг!

Элёр майорнинг буйруғига итоат қилиб, кийиниш хонаси томон кетди. Алишер ака участка нозинини сал-пал танигани учунми гапга сола бошлади. Майор клубни томоша қилган киши бўлиб ринг олдига яқинлашди.

— Орқаси тоза эканми? — пичирлаб сўради Рустам арқонга қўли билан осилиб. У бошини кўтармай гапиргани учун атрофдагиларнинг диққатини тортмади.

— Ўтириб чиққан.

— Ростданми? Демак, бекорга шубҳаланмабман.

— Ҳа. У биз кузатаётган йигитнинг бошлиги бўлиб чиқди.

— Ўҳ-ҳў, хабарим фойда берибди-да.

— Азизнинг иш жойи бизга маълум эди. Сал кечикдинг. Лекин ҳечқиси йўқ, давом эттиравер!

Рустам бу гапга истехзоли кулиб қўйди. Кайфиятини туширгиси келмадими, жагини силаб қўйган Элёрга ишора қилиб:

— Қалай, боладимми? — деди.

Майор Рустамга бир зум қараб турди-да, индамай нари кетди. Рустам майорнинг бу қилигини тушунолмай пешанасини тириштирди.

— Қани, кетдик!

Элёр мураббий билан хайрлашиб, клубни тарк этаётганда, бунинг сабабини билолмаган болалар беихтиёр машгулотни тўхтатиб, унинг ортидан жимгина кузатиб қолдилар.

Рустам эса нима учундир саволига жавоб бермаган майордан кўз узолмай қолди.

VI. ДАСТАЛБКИ ТЕРГОВ

Элёр тергов бўлимида узоқ қолиб кетди. Негаки, у бу ерга етиб келганида хонада Нормат ака ҳам сўроқ бераётган эди. Негадир савол-жавоб анча чўзилди. Руҳи тушиб кетган Нормат ака ичкаридан чиқаркан эшик олдида турган Элёрнинг саломига аранг алик олди.

— Азиздан дарак йўқми, Нормат ака?

— Йўқ-да.

— Сиздан нималарни сўрашди?

— Ҳаммасини.

— Одилов! Қани ичкарига!

Улар ноилож хайрлашди. Нормат ака ташқарига, Элёр эса ичкарига қадам ташлади.

— Сизни рассом дейликми ёки боксёрми? — деб сўроққа киришди майор.

Аслида, изқуварларга Элёрнинг ярим саҳифа ҳам келмайдиган автобиографияси ойнадек равшан эди. Ички ишлар вазирлигининг махсус бўлимидан тезкорлик билан олинган маълумотни Нормат акага берилган саволлар орасидаёқ танишиб чиққан майор худди ҳеч нарсадан хабари йўқдай бошдан-оёқ сураб чиқди. Эшитганларининг тўғри-нотўғрилигини эса аҳён-аҳёнда стол четда ўзигагина кўриниб

турган қогозга кўз қирини ташлаб текшириб турди. Ҳаммаси аниқ ва равшан баён этилганига ишонч ҳосил қилган, аммо ҳар бир нарсага шубҳа билан қарашга ўрганиб қолган ва гумони ҳақ бўлиб чиқса ичига сигмай кетадиган тезкор ходим йигитнинг биргина “Тухмат билан қамалганман”, деган жавобидан қониқиш ҳосил қилмади. Бироқ, Элёрнинг қамоқда ўзини яхши тутгани, муддатидан аввал озодликка чиққани, кейин қайтиб жазога тортиладиган ноқонуний иш қилмагани вазиятни юмшатадиган ва бу йигит хусусида дарҳол ёмон фикрга боришга йўл қўймайдиган омиллар эди. Майор ўзини анча хотиржам тутиб, саволларга ҳам эмин-эркин жавоб қайтараётган Элёрга зимдан назар ташларкан, бир пайтнинг ўзида хаёлга келган шубҳаларга ҳам қулоқ соларди.

Бу йигит Наманганда нима қилиб юрибди? Дейлик, Нормат аканинг илтимоси билан унинг ўглини қидириб борган, бироқ аслида ҳам шундаймикин? Яна Намангандаги диний экстримистик гуруҳга ўзи ҳам аъзо бўлмасин? Балки шунинг учун қўл остида ишлайдиган ходимига шароит яратиб бергандир, у билан тили бирдир? Балки ана шу йигитча орқали алоқа қилиб турар? “Билмайман, мутлоқо хабарим йўқ”, деган гапларига ишониш қийин. Азизнинг ота-онаси ўглининг хулқида, муомаласида ўзгариш сезиб, унинг кетига тушиб ишхонасига қидириб келишганидан сўнггина бошқа чора топа олмай, иккинчи қиёфасини намоён қилаётган бўлмасин, тагин?

Молнинг олasi ташида, одамники ичида, деган мақолни асло ёдидан чиқармайдиган майор хаёлидан кечаётган мавҳум фикрларга тобора ўзи ҳам ишониб борарди. Агар гумони тўғри чиқса борми, гуруҳнинг Тошкентда яширинча фаолият олиб бораётган биратўла икки аъзосини қўлга олган ва бунинг мукофоти сифатида формасидаги битта юлдузчани муддатидан бурун иккита катта юлдузга айлантириб олган бўларди-да. Бироқ бунинг учун кўп нарсаларни аниқлаштириш ва исботлаш керак эди.

— Хуп, яхши, — деди кутилмаганда майор кафтларини аввал қарсиллатиб, сўнгра тез-тез бир-бирига ишқаб. Шу тобда у уста қиморбозни эслатди, қўлидаги қарта зўрлигини кўриб, ўртадаги пулни олишга ишончини ногоҳ, ўзи сезмаган ҳолда ошкор қилиб қўйди ёки бошқаларни чалғитиш учун атай шундай йўл тутди. Аслида ҳар икки тадбир ҳам шерикларини ўйинни давом эттиришга ундарди. — Энди бу масала билан жиддий шуғулланмасак бўлмайди. Азиз жамиятимиз учун хавfli одамга айланмасдан аввал қидириб топишимиз ва тўғри йўлга солишимиз керак. Сиз эса бу ишимизга яқиндан ёрдам берасиз. Келишдикми?

— Жоним билан, — Элёр мамнунлик билан.

— Унда, айтинг-чи, Наманганга қачон бордингиз?

Элёрнинг аниқ эсида эди, ўйланиб ўтирмай дарров жавоб берди.

— Демак, Президент Наманганга борганда сиз ўша ерда экансиз-да?

— Тасодифни қаранг.

— Қизиқ, тасодифмикин ёки мамлакат раҳбарини тўполон бўлиб турган вилоятга боришини олдиндан билармидингиз?

Бу савол Элёрни бирдан хушёр торттирди. Юзи жиддий тус олиб, майорнинг айёрона боқиб турган, аммо мақсадини очиқ ифода этмаётган кўзларига қаради. Тикилган сари шашти пасайиб, юраги нотинч ура бошлади.

“Ортимдан одам қўйилганмикин? Демак, кўчадаги ошхонада нотаниш одамлар билан суҳбатлашиб ўтирганиму чойхоначи йигит билан ҳокимият биносига борганимни билишади” — хаёлидан ўтказди Элёр гапни нимадан бошлашни билмай.

— Мен у ерда Азиздан бошқа одамни танимасдим, афсуски, уни ҳам тополмадим. Аммо Президентимизнинг қандайдир гуруҳ аъзолари билан ўтказган учрашувига гувоҳ бўлдим. Қойил. Ана рақибдан чучимаслик, унинг кўзларига тик қараш. У ерда Азизни тополмасам ҳам бир олам таассурот билан қайтдим. Наманганга борганимга ҳечам афсусланмайман!

Майор шундай жавобни кутгандай, юзида бирор ўзгариш сезилмади, йигитнинг ҳис-ҳаяжонини эса ўзини ҳимоя қилишнинг синалган усули деб қабул қилди ва дарҳол ҳаёлига келган саволни берди:

— Демак, бино ичкарисида бўлгансиз, шундайми? Хуш-хуш, у ерга қандай кириб қолдингиз? Биздаги тезкор ва ишончли маълумотларга қарганда, ичкарига фақат гуруҳ тарафдорларини қуйишган.

— Билмадим, мени ҳеч ким тўхтатмади, — кўнглига ёмон фикр келмаган Элёр очигини гапирди-қўйди.

— Балки улар сизни танигандир?

— Қаердан танийди? — деди Элёр гашига теккан саволга муносабатини билдириб. У майорнинг гумон қилаётганига энди тўлиқ ишонганди. Бундай ilmoқли саволлар бежиз берилмаётганини англаш учун бор ақлни ишга солиш шарт эмасди. Озгина тафаккур қилинса етарли эди. Ўзининг ноҳақ қамалиши, Ботирнинг ҳаёти ва ўлими, эндигина катта ҳаёт остонасига қадам қўйган Азизнинг хатти-ҳаракатлари уни ўйлашга, бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида мушоҳада юритиш ва энг асосийси муносабат билдиришга ўргатган эди.

— Мен билмадим. Буни сиздан сўраяпман. Наҳот, танимаган, билмаган одамни индамай ораларига киритса? Сал бўлса-да, шубҳаланишмадимми? Ахир сизни давлат одами ёки қандайдир агент сифатида гумон қилишлари ҳам мумкин эди-ку?

Бу ҳали жиноят қидирув бўлимининг тезкор ходими қилаётган дастлабки, айтиш жоиз бўлса, шунчаки ўтказатган савол-жавоб эди. Агарда иш тергов бўлимига топширилса борми, ана у ерда ҳаммаси бошқача бўлади. Терговчи жинойий иш материалларини иложи борица судга оширилишидан манфаатдор. У ёғи эса маълум...

Элёр хавотирга тушди. Майорнинг саволларидан қамоқнинг ҳиди келаётган эди. Мабодо Азиз топилмаса, у гумон остига олиниши мумкинлигини ўйлаш даҳшат эди, албатта.

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам юрагига гулгула солиб, баттар эза бошлаган эди: агарда Азиз топилган тақдирда ҳам қамоқ азобидан қўрқиб виждонсизлик қилса-чи? Шерикларига қўшиб унинг исминиям тилга олса нима бўлади? Иккинчи марта ҳам туҳмат билан қамалиб кетадими? Унда бошлаган иши, орзу-умидлари чилпарчин бўлади-ку!

Элёр бу ерга келганда қанақа эдию ҳозир қандай кўйга тушиб қолди: бирдан бўшашиб, ғамга ботди-қўйди. У бу ишнинг оқибатларини жиддийроқ ўйлаган сари негадир ўзини қоронгулик қаърига тушиб кетаётгандек ҳис қила бошлади. Вужудидан ёгилиб турган куч шу тобда қаергадир йўқолгандай эди.

— Гапиринг, нега жимиб қолдингиз?

Хаёли бўлинган Элёр ўзини қўлга олиши кераклигини англади. Дарвоқе, айна пайтдаги тушқун ҳолат унинг фойдасига эмасди.

— Наманганга фақат биргина мақсад билан борганимни айтдим. Азизни топиш ва уйига — ота-онасининг олдига қайтаришим керак эди. Яккаю ягона фарзандининг тақдирдан хавотирга тушган Нормат аканинг илтимосига йўқ деёлмадим. Энди бино ичига кириш масаласига келсак, Азизни у ерда учратишим мумкин деб ўйладим. Балки у умуман Наманганга бормагандир? Уч-тўрт кундан бери уйига келмади дегани унинг қандайдир гуруҳларга қўшилиб кетганини билдирмайди-ку? Исботини топмаган гумон эса кишини бирор жиноятда айблашга асос бўлолмайди. Тўтрими?

— Тўғри, — деди изқувар гавдасини орқага ташлаб, бемалол суяниб оларкан. — Аммо бир нарсани унутманг: ана шу сиз тилга олган гумоннинг тўғри-нотўғрилигини аниқлаш бизнинг ишимиз. Шунинг учун ҳозирча қаердалиги номаълум Азиз ҳам, унинг раҳбари сифатида сиз ҳам гумондор шахслар тоифасига кирасизлар ва баъзи нарсалар аниқланмагунча сўроққа тортиласиз. Берухсат шаҳардан чиқиб кетмайсиз.

— Азиз тугрисида сизларга хабар беришни Нормат акага мен айтганимни инобатга олиб, мени бу ерда узоқ ушлаб турмайсиз, деган умиддаман. — деди Элёр соатига қараб-қараб қуяркан. — Хотиним уйда ёлғиз эди, бунинг устига... ҳомиладор.

— Ташвиш чекманг, ҳаммаси инобатга олинади. Ҳозир бегуноҳ одамларни бекордан-бекорга қамайдиган замон эмас. Аввалгисида туҳматдан ўтириб чиққан бўлсангиз, энди айбингизни бўйнингизга қўйиб туриб қамаймиз. Ҳозир бизга ҳеч ким хўжайин эмас. Узимиз суд қиламиз, ўзимиз турмага тикамиз. Лекин истасак, кечиримиз ҳам мумкин.

Элёр диққат билан майорга тикилди. Гапларининг магзини чақмоқчи бўлди. Юз-кўзлари деярли бир хил турадиган майор столга тирсакларини тираб гапида давом этди:

— Қаранг, одамларимиз энди бемалол яшасин деб тартибни салгина бўшаштиргандик, ана бир гуруҳ газандалар, диний экстремистик кучлар мамлакатдаги сиёсий тузумни ағдариб, бошқа давлат қурамыз, деб бошимизга чиқмоқчи бўляпти. Наманганга борган бўлсангиз кўрмадингизми, уларни! Кўргансиз, сиз кўп нарсани биласиз. Ҳа, майли, ҳали кўп учрашамиз. Мана бу ерга қўл қўйинг. Эслатиб қўяй, шаҳардан берухсат чиқиб кетманг. Чақирган вақтимизда дарҳол етиб келишингиз шарт! Агар сизниям Азизга ухшаб қидириб юрадиган бўлсак...

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, мени клубдан истаган пайтингизда топишингиз мумкин.

Элёр шундай деб кўрсатилган жойга шартта имзо чекди ва шу билан бугунги сўроқ тугаганидан бир оз енгил тортди: энди уйига кетиши, уни интизорлик билан кутиб ўтирган ёрини куриши мумкин? Бироқ бу ёқимли ҳиссиёт ўрнини яна хавотир эгаллади: энди ҳадеганда чақиравериш тинкамни қуритса-чи? Алишер аканинг олдида нима деган одам бўламан. "Сен олдин муаммоларингни ҳал қилиб ол, ана ундан кейин гаплашамиз. Менга бош оғриги керак эмас!" деса нима бўлади? Ҳаммаси тамомми?

Қатикни ҳам пуфлаб ичишга урганган Элёр туман ички ишлар бошқармасининг уч қаватли биносидан чиққанда юзига урилган муздек тоза ҳаводан энтикиб, чуқур-чуқур нафас олди. Худди анчадан буён ташқарига чиқмаган одамдай бино олдида бир зум туриб қолди. Ёнидан ўтиб турган одамлар умуман эътиборини тортмади. У ҳамон кўксини тўлдириб-тўлдириб нафас олар, хаёлидан кечаётган минг бир ўй-фикрлар билан банд эди.

VII. ШАҲЛОНИНГ МУАММОСИ

Офисдаги ишларни бир оз тартибга солган Элёр клубга ошиқди. Бироқ Шаҳлони кутиши, у билан жиддий суҳбатлашиб олиши лозимлигини эслаб йўлдан қайтди. Милиция ходимлари бугун-эрта қизни ҳам сўроққа чақириши турган гап. Шунинг учун аввало ўзи гаплашиб олиши керак. Утган сафар билганларини айтмаган бўлиши мумкин. Мана энди Азиз романа қидирувга тушган экан, масъулиятни ҳис этиши лозим.

Шаҳло кечиккан сари унинг ташвиши орта бошлади. Кейинги пайтларда ниҳоятда камгап бўлиб қолган ходими бушаш ҳақида гап очган эди. Лекин Элёр уни бўшатиш фикри йўқлигини, аксинча, Азиз кетганидан кейин ёрдамига муҳтожлигини, керак бўлса иш ҳақини яна бир оз ошириб беражagini айтиб, ниятидан қайтаргандай бўлди. Қиз индамади. Сукут розилик аломати деб тушунган Элёр анча хотиржам тортди. Лекин бугун яна нега кечикяптийкин? Наҳот, Шаҳлони кўндиролмаган бўлса?

Демак, "Агар сиз ҳам кетиб қолсангиз, милиса ходимларида шубҳа уйғотишингиз мумкин. Улар барибир сизни топишади. Ёки Азиз билан ўрталарингизда бирор гап борми? Мабодо севги бўлган тақдирда ҳам сиз шу ерда ишлаб туришингиз керак. Тўйдан кейин эса ишлаш-ишламаслигингиз ўзингизга ҳавола. Шундай қилсангиз, ота-онангиз ҳам хотиржам бўлади", деган гаплари таъсир қилмабти-да.

Юраги сиқилиб ўтирган Элёр Шаҳлони кўрганда гинасини унутиб, пешанасидан ўпиб олишга сал қолди. Шайтонга ҳай бермаганда, шундай бўлиши тайин эди. Тунд қиёфаси бирдан ўзгариб ўзи томон астойдил юриб келган ва орадаги масофа анча яқин қолгандагина бирдан қўлини узатиб, яхши келдингизми, деган раҳбарнинг бу хатти-ҳаракатини дарров англолмай, ясама узун киприкларини пирпиратганича бир нима дейишга тили айланмаган Шаҳло худди бегона жойга адашиб кириб қолгандай серрайиб туриб қолди. Уларнинг бу ҳолатини четдан кузатган киши ўзини тутолмай кулиб юбориши аниқ эди.

— Энди кетмоқчи бўлиб турувдим, — деди ички тугёнини жиловлай олган Элёр босиқлик билан. Аммо у кўзларининг ич-ичидаги севинччи барибир яшира олмаган эди. — Яхши келиб қолдингиз. Бугун бажарилиши лозим бўлган ишлар рўйхатини столингиз устида қолдирдим. Агар...

— Элёр ака, — деди Шаҳло раҳбарининг кўзига илтижоли тикилиб.

Бу мурожаатнинг оҳанги бўлакча эди. Юраги алланимани сезгандай сергак тортди. Шундай бўлса-да, “лаббай!” деди жўшқинлик билан.

— Сиздан ўтиниб сўрайман, аризамга қўл қўйиб беринг.

— Қани, бундоқ ўтиринг-чи, — Элёр ходимини хонасига бошлаб киргач, илтифот кўрсатди. — Яна нима гап бўлди. Ахир сиз билан бу ҳақда кеча гаплашган эдик-ку.

— Тўғри, лекин кетмасам бўлмайди.

— Нима сабабдан?

— Ишламоқчи эмасман.

— Бу сабаб эмас.

Шаҳло бошқа сабаби йўқ дегандай бошини қуйи солди. Элёр саволини яна қайтаргандан кейин ноилож қолди, шекилли, кўзларини яширганча гап бошлади:

— Кеча Азиз акамнинг онаси ойимнинг ишхонасига бориб, “Қизингиз ўғлим ҳақида сизга бирор нима демаган-

ми?” деб сўрабдилар. Йўқ, деган жавобни эшитгач, индамай кетибдилар. Кечқурун эшитадиганимни эшитдим. Адангга айтсам, терингни шилиб олади-я, деб дагдага қилдилар. Кечаси билан ўйлаб чиқдим: бўшамасам, бўлмайди. — Шаҳло гапини тугатиб, бурнини тортиб қўйди. Афтидан у йиглаб юборишдан аранг ўзини тухтатиб турарди.

— Ойингизга тушунтирмадингизми? — сўради Элёр Замира опанинг ҳам хавотирини ҳис қилиб.

— Тушунишни истамадилар. “Агарда уйга келиб сўраганида нима бўларди. Маҳалла-қўйда шарманда қилмоқчимисан, биззи, — деб роса койидилар. — Яна ими-жимиди тўй қилиб ўтирмайлик” деб...

Шаҳлонинг овоз чиқармай йиғлагани нозик елкаларидан билинди. Ихчамгина жигарранг сумкачасида тўрт букланган рўмолчасини олиб, билинар-билинмас титраётган нафис лабларига босди.

Элёр Шаҳлонинг уйидаги можарони очиқ-ойдин баён этганидан ҳайрон бўлди. Ҳали исмини эшитгандаёқ қизнинг мунгли овози диққатини тортганини эслади. Айни пайтда эса хаёлига галати ўйлар келди: “Нега бу гапларни менга гапиряпти? Ишдан бўшатсин, дебми? Ёки мени ҳам билиб қўйсин, мабодо уйидагилар сўраб-суриштириб қолишса, жавоби тайёр турсин, деган маънода айтяптимикин? Қизиқ. Бу қиз нима қилмоқчи, ўзи?”

Элёр ходимини юпатиш учун ҳаракат қилди. Бисотидаги ширин сўзларни ишлатиб, бир оз овутишга ҳам муяссар бўлди. Шундан кейингина айтишим керак деб кўнглига тугиб қўйган гапдан сўз очди. Аввало кеча Азизнинг дадаси Нормат ака билан милицияга борганини, у ерда бўлиб ўтган савол-жавоб хусусида гапирди. Милиция, тергов, сўроқ, жавобгарлик, қидирув, диний экстремистик оқим деган сўзларни эшитган сари Шаҳлонинг ранглари оқариб, киприклари пирпирашдан тўхтаб, наздида гапларини негадир жуда эҳтиёт бўлиб, ҳатто бир оз қўрқув билан ифода

этаётган Элёрнинг кўзларидан нигоҳларини узолмай қолди. Милициядагилар Азиз билан бирга ишлаган ходим сифатида сизни ҳам чақиришлари мумкин, деган гапни эшитганда эса тамомила ўзини йўқотиб қўйди.

— Унда, ойимдан балого қолибман, — деди Шахло синиқ овозда. У бу гапини шундай тушкун кайфиятда айтдики, Элёр беихтиёр ўрнидан туриб қизнинг рўпарасига ўтиб ўтирганини сезмай ҳам қолди.

— Нега? — сўради Элёр раҳмдиллик билан. — Ойингиздан шунчалар қўрқасизми?

— Агар... агар ўз онам бўлганларида бунчалар хорламасдилар, — деб кўз ёшларини тиёлмади қиз.

Элёр гап нимада эканлигини тушунди. Юрагида меҳр-шафқат ҳислари уйғониб, яна нимадандир қаттиқ хавотирга тушган қизга раҳми келди. Лекин Шахлони юпатиш учун нима дейишни билолмай ўйланиб қолди.

— Улар мени адажонимга ёмонлагани ёмонлаган, — дея йиғламсираб сўзида давом этди Шахло гоҳ бурнини, гоҳ кўз остини рўмолчаси билан артиб қўяркан. — Укам Собир-жонгаям кун беришмайди. Аммо ўзининг арзанда ўглини еру кўкка ишонмайди.

Элёр “кун беришмайди” деган сўзни эшитгач, уйда ўгай онадан бошқа яна ким борийкин, деб ўйлади ва шу заҳоти хаёлидан кечган саволдан ўзини тийиб туролмади:

— Ахир бувингиз борлар-ку. У киши сизнинг тарафингизни олмайдиларми?

— Кампиршо ўгай ойимнинг оналари. Иккита келини билан чиқишолмай бизникига кўчиб келганлар. Қизи нима деса, шуни қайтаради.

Элёр бошини қимирлатиб қўйди. Шу тобда кампирнинг уша кунги совуқ муомаласи ёдига тушди. Ҳайрон булганининг боисини энди тушунди: кампир уни биринчи марта кўриб турган бўлса-да, қиз ҳақида беписанд ва гараз билан гапирганди. Шахлонинг бошлиғи эканлигини билган-

дан кейин ҳам муносабатини ўзгартирмади: гўё бирор айб иш қилиб қўйган бўлса, тезроқ билишга қизиққан одамдай тутганди ўзини. Гап бу ёқда экан-да? Шунинг учун Шахло уйига кетишга унчалик шошилмас, баъзан дам олиш кунлари ҳам офисга келиб ишларкан-да?

Элёрнинг юраги ачишди.

— Дадангиз... бу ишларга индамайдимиз? — деди қизни акаларча бағрига босиб, сочларини силагиси, оғриқ қалбига малҳам бўлгиси келиб турса-да, иродасига қарши бормай. Бунинг устига Шахлонинг кўнглини баттар оғритиб қўйиши мумкинлиги ҳақидаги ўй уни бу ҳаракатдан тўхтатган эди.

— Адам айрилиқдан кейин ичкиликка ружу қўйдилар, — дея гап бошлади Шахло катталардек фикр юритиб. — Му-сибатга чидай олмай жуда инжиқ бўлиб қолдилар. Кейин ўртоқларининг қистови билан уйландилар. Бир йилдан кейин ўғил кўрганларида бутунлай ўзгариб кетдилар. Биз ада-мизни танимай қолдик. Энди улар биз билан деярли ишлари бўлмас, худди ўғли йўқ кишидай кенжатойини эркалатгани эркалатган эди. Менга энг ёмон таъсир қилгани ойижоним-ни мутлақо эсламай қўйганлари бўлди...

Бир кун нимадир бўлиб ётоғига кирсам, шкафнинг урта-сида турадиган ойимнинг суратлари жойида йўқ. Қани, десам, угай ойим “билмадим” дегандай елкасини қисиб, дўрдоқ лабини бурди. Адамдан сўрагандим, “Зебо ўлиб кетди, энди унинг руҳини тинч қўяйлик”, дедилар беписанд-лик билан. Ишонасизми, адамнинг бу сўзларини эшитиб, ичим музлаб кетди. Ушанда адамни биринчи марта ёмон кўриб кетдим. Кейин шкафнинг тепасига ташлаб қўйилган суратни кўриб, нафақат ичим, балки бутун вужудим музлаб қолди. Ойижонимнинг жилмайиб турган сурати чанг босиб ётарди. Кўзларим газабга тўлди, бирдан пайдо бўлган наф-ратимни кимга сочишни билмай ўкириб йиглаб юбордим. Хонамга чиқиб, суратни губордан тозаларканман, марҳум онажонимнинг кулимсираб турган юз-кўзларига қараб ич-

ичимдан тошиб келаётган ҳайқириқни боса олмадим. Суратни қучоқлаб, туни билан йиглаб чиқдим...

Шу-шу уйдан кўнглим совиган. Аммо укамни ёлғиз ташлаб қўйишга кўзим қиймади. Опажон қачон келасиз, деб мўлтираб ўтиради. Уйга борганимдан кейингина овқатга ўтиради. Ёмон болаларга қўшилиб кетмасин, деб жоним ҳалак. Бироқ Собиржон ақлли йигит чиқди. Бу йил мактабни тамомласа, институтда ўқимоқчи. Кирсам, ётоқхонада тураман, дейди нуқул. Нега десам, сиз... турмушга чиқиб кетсангиз, бир ўзим сиқилиб қоламан. Анави вайсақи кампирни кўришга тоқатим йўқ, дейди...

Шаҳло бошидан кечираётган аламли кунларнинг тафсилотини шундай ўкинч билан ҳикоя қилардики, уни тинглаган ҳар қандай одам "йўғ-е, наҳот, шу кичкина гўзал қизнинг бошида шунча ташвиш бўлса?" деб ишонмаслиги мумкин. Аммо бу аччиқ ҳақиқат эди ва қизнинг кўз ёшлари каби юрагининг туб-тубидан сизиб чиқаётганди.

— Ҳа, ўзимга эмас, укамга ачинаман. Бир кун институтни ҳам битирар, кейин-чи? Кейин барибир яна ўша уйимизга қайтадимиз? Уйланса-чи? Укамни сигиштирмаган ўтай ойим келинни чиқиштирармикин? Кунора бирор нарсани баҳона қилиб, жанжал кўтараверса, нима бўлади? Қаерга боради? Адам инсофга келиб, бирор ердан уй олиб берса-ку яхши, бироқ ўзига ташлаб қўйса... укамга жуда қийин бўлади-да. У бундай хўрликка, азоб-уқубатга чидай олармикин? Мана шундан жудаям хавотирдаман, Элёр ака.

Пешанасини кафтига тираганча Шаҳлонинг ҳикоясини тасаввурида жонлантириб, воқеа-ҳодисаларни кўз ўнгидан ўтказганича миқ этмай ўтирган Элёр ниҳоят бошини кўтарди. Ҳўл бўлиб кетган юзларидаги қора доғни сезиб, апилтапил артишга тушган Шаҳлонинг бошидан кечирганлари қанчалар қайғули бўлса, унинг ҳозирги аҳволи киши раҳмини келтирадиган даражада шунчалар аянчли эди: қовоғи шипган, кипригига қўйган қора бўёқ кўз ёшларида эриб оппоқ

лўппи юзида, ўзига жуда ярашган бир оз қиррали бурнининг ёнларида эгри-бугри из қолдирганди. Бирор баэмда ўтириб кулгудан ўзини тўхтатолмайдиган аёлнинг шундай ҳолати бошқаларда яна кулгуга ёки масхара бўлишига сабаб бўлиши турган гап эди. Аммо қайгудан юзлари қорайган аёл кишининг бундай маънос ва маҳзун кўриниши дилни ўртар, унинг маъсумалигига иқрор ҳам бўларди. Ўзининг тақдирига эмас, туғишган укасини жондан азиз билиб, унинг келажига бефарқ эмаслиги, бахту камолини кўришга ошифталиги, инсофи бор кишининг виждонини уйғотар, жабрситамларга сабр-қаноат қилиб келаятган бу қизчага нисбатан меҳр-шафқатли бўлишга, уни ҳимоя этишга ундардики, ўзини эркак киши санаган Элёр ҳам ҳис-туйгуларга ортиқча берилмай, ходимига бирор манфаати тегишини истаб қолди.

— Айтинг, мenden нима ёрдам керак?

— Аризамга қул қўйиб берсангиз. Бошқа жойда ишламоқчиман, — деди Шахло юзларини артиб. Кейин сумкасидан кичкина думалоқ ойна чиқариб, у ёқ-бу ёғига қараб қўйди. Афтидан у энди кетишга чоғланаётган эди.

— Ростданам кетмоқчимисиз? — сўради Элёр қизнинг қарори қатъийлигига ишонч ҳосил қилмоқ учун.

— Ҳа, — қисқа ва жиддий жавоб қилди Шахло.

— Аввал иш топдингизми, ўзи? — фирма раҳбарининг бу саволи ходимини ишдан бушаттиси йўқлигини англатарди. Лекин аслида ҳам шундай эди. Шунча гапдан кейин қандай қилиб, кетишига дарҳол розилик бериш мумкин. Озгина виждони бир одам бу ишни қилмайди, албатта.

— Собиржон кирмоқчи бўлиб юрган институтдан бирор иш топарман.

— Шахло яна бир карра яхшилаб ўйлаб кўринг, — деди Элёр нарсасини сумкасига жойлаб, кетсам бўладими, дегандай кўзларига тикилиб турган қизнинг стол устига эндигина бирин-кетин қўйилган нозик қўлларини ўзининг анча дағаллашган бармоқлари билан меҳрибонлик кўрсатгандай

оҳиста силаб. — Мен сизни ишдан кетишингизни асло ис-
тамайман. Яхшиси, маошингизни ошириб берай, ишингизни
давом эттиринг, синглим.

— Раҳмат, Элёр ака. Сиздан сираям хафа эмасман.
Доим акаларча гамхўрлик қилдингиз. Бироқ бу ердан кетма-
сам бўлмайди. Шунда ҳаммамизга яхши бўлади, — Шаҳло
гапининг сўнггида қўлини аста тортиб олди.

Бунга аҳамият қилган Элёр бегона қўлдан эти сесканма-
ган Шаҳлога разм солишни бас қилиб, жойига ўтиб ўтирди.
Кейин столи устида турган аризага кўз югуртираркан,
бу кўринишни қизнинг маъзур ҳолатига йўйди ва бошқа
аҳамият бермай хаёлидан чиқариб ташлади.

— Қаерда ишласангиз ҳам, Азиз топилмагунча сизни
ҳам сўроқ қилишлари аниқ. Шунинг учун бор гапни улар-
га айтиб, йигитни ота-онасининг бағрига қайтаришга ёрдам
беришимиз керак. Аслида Азизни ўзимиз қидириб топсак,
яхши бўларди. Шунда милисадагиларга “Унинг ўзи қайтиб
келди” деб айтардик. Бўлмаса, гумон остига олиниб, тер-
говдан боши чиқмайди. — Элёр қўлидаги қоғозни қуйиб,
Шаҳлога нигоҳ ташлади. — Менимча, у сизга бефарқ эмас-
ди. Балки режаларини айтгандир. Агар бирор нима бил-
сангиз, илтимос, менга айтинг. Азизга ёрдамимиз тегиши
мумкин. Кейин кеч бўлади, афсус қилганимиз билан фойда-
си йўқ. Бечора онаси жуда эзилиб юрибди, битта ўғилнинг
иши қийин экан, деб. Нормат аканинг ҳам дарди ичида. Ош-
кор қилмаса ҳам кўзларидан дарров билиб оласиз. Ҳақиқий
эркаклар ўзи шунақа бўлади. Гам-гуссага ботсалар-да, жар
солишни ишашмайди. Ичига ютиб, ютиб... бирдан индамай
ўлиб қолади.

— Уларни қачон кўрдингиз? — деди Шаҳло нимадандир
ташвишга тушгандай.

Элёр кечаги сўроқдан кейин Азизнинг уйига ўтганини,
ота-онаси билан анча гаплашиб келганини айтди. Гап ораси-
да Наманганга умид билан бориб, қуруқ қайтиб келганини

ҳам қистириб ўтди. Лекин у ердаги баъзи кишилар Азизни яхшигина танишини айтиб ўтирмади. Йигитнинг исмини эшитганда, юраги уртаниб, кўзларини олиб қочаётган Шаҳло Элёрнинг диққатини тортди. Назарида у Азизга нисбатан лоқайд эмасди, ахир неча марта ўз кўзи билан кўрган, бирга тушлик қилиб ўтирганларини ёки қиш кунлари кузатиб қўйганларини. Азиз севги изҳор қилишга балки улгургандир? Ахир шундай барно қизни қайси йигит қўлдан чиқаргиси келади. Бунинг устига эртадан кечгача бир жойда ишлашса?

— Мендан сўрашса нима дейман? — деди Шаҳло хомуш тортиб.

— Ким? Милисадагиларми?

Шаҳло “ҳа” дегандай бошини қимирлатди. Кейин негадир яна рўмолчасини олди, жиққа ҳул бўлиб кетганини энди сезгандай, ушлаб-ушлаб қўйди.

— Нима дердингиз, бор гапни очиқ-ойдин айтасиз-да?

— Қайси гапларни?

Ялг этиб қараган Элёр Шаҳлонинг бирдан лабини қимтиганига кўзи тушди. Хаёлига алақандай фикрлар келиб, бир зум тикилиб қолди. Қиз ростдан ҳам бехосдан айтиб юбордими ёки у билмаган сирлар ҳам борми? Балки бирор гап айтмоқчидир? Қалбини тирнаган, озор бераётган барча ҳодисаларнинг тафсилотини тўлиқ айтмагандир? Элёр Шаҳлонинг юрагига қандай йўл топишни билолмай боши қотиб турганда, қиз бирдан йиғлаб юборди ва сумкасини қўлига олганича хонадан шошиб чиқиб кетди. Қизнинг бу қилигини тушунмаган Элёр баттар ҳайрон бўлганича қолаверди.

VIII. ШУНДАЙЛАР ҲАМ БОР ЭДИ

Машгулотга шошаётган Элёр кайфиятини бузгиси келмади. Шундоқ ҳам Алишер аканинг олдида хижолатда эди. Ҳали унинг кўнглидан нима гаплар ўтдийкин? Наманганда

бўлаётган хунрезликларнинг шамоли азим пойтахтда эсма-са-да, эпкини сезила бошлаган, бу одамларнинг миш-мишларида, олазарак қарашларида ва айрим машғум хабарларда акс бераётган эди. Кеча кимдир гап топиб келибди: Голиб Қулдош айрим аёлларни фоҳиша деб эълон қилиб, эшакка тескари миндириб кўча-кўйда, бозорларда сазойи қилганмиш. Баъзи йигитларини эса ўғрисан дея жазо сифатида оёғидан осиб қўйибди. Одамлар зиддиятга бормамай, охири нима билан яқун топаркин, деб томоша қилаётганмиш, холос. Энг хавотирлиси, Ислом давлати қуришни хоҳиш қилганларнинг Тошкентда ҳам хайрихоҳлари бор экан. Улар кишиларни, айниқса, ўсмир ёшларни ўз тарафларига огдириш, сафларини кўпайтириш учун яширин иш олиб бораётганмиш.

Нима, бу гаплардан Алишер аканинг хабари йўқ, деб бўладими? У кеча милиция ходимларини клубида кўргандаёқ нима гаплигини таниш-билишларидан сўраб-суриштирган бўлса керак? Кўнглидан нималар кечдийкин? Уни қандай кутиб оларкин? Ҳали кутиб оладими-йўқми? Биринчи сафардаги муомаласини қилса-я?

Элёр минг бир ўй билан клубга қадам қўйди. Бугун шанба кунги бўлгани учун машқлар одатдагидан кечроқ бошланарди. У катта зал бўйлаб олди ром, деразаларига темир панжара ўрнатилган, баландлиги уч метрлар атрофидаги махсус хона томон юрди. Аслида яхлит бўлган бу каттагина хона кейинчалик тўртга бўлинганлиги билиниб турарди: йўлакка кираверишдаги чап эшикнинг биринчиси клуб аъзоларининг ечиниш-кийинадиган хонаси бўлса, ундан кейинги эшикдан мураббийнинг олдига кириларди; унг тарафда эса дам олиш ва ювиниш хоналари бор эди. Йўлакнинг ёғоч деворларида ҳар хил плакатлар, стендлар, эълон ва буйруқлар ёпиштирилган доска бўлиб, киши диққатини тортмаса-да, кунт билан жойлаштирилганини пайқаса бўларди. Айниқса, ечиниш хонаси ҳар хил ҳажмдаги рангли ва рангсиз суратлар билан тўлиб кетганди. У ерда машҳур боксчилардан тортиб, жаҳон

эстрада ва кино юлдузларигача, ҳатто баъзи мультфильм қаҳрамонларининг расмларигача бор эди. Кимга нима ёқса, суратини топиб келиб ёпиштирганга ухшарди. Эшик ўрнига қалин сарғиш парда тутиб қўйилган бу хонага тезгина нигоҳ ташлаб қўйган Элёр елкасидаги сумкани ўртадаги ингичка узун столга қўйди. Эгнидаги курткани ечиш-ечмасликни ўйлаб, иккилангандай бир оз туриб қолди. Кейин ечиб ўзига ажратилган шкафга илди-да, хонадан чиқди. Йўлакда сочини қўли билан тараб, ўзича тартибга келтирган бўлди. Энди олдинга икки қадам юргандики, мураббийнинг хонасидан қандайдир эркак кишиларнинг гўнғир-гўнғир овози эшитилди. Сал яқинлашганди, қия очиқ турган эшикдан ичкаридаги овозлар қулоққа чалина бошлади.

— Ишқилиб, республика чемпионати қолдирилмасмикин? — Бу йўгон овоз нотаниш эди.

— Нега қолдирилади?

Элёр бир оз хириллаб берилган савол эгасини ҳам танимади. Афтидан у бурқситиб сигарет тутатаётган бўлиши керак. Хона ичи тутунга тўлган шекилли эшик тепасидан кўкиш излар аста сизиб чиқа бошлади. Бу хонадаги одамларнинг анчадан бери шу ердалигини ҳам англатарди.

— Бир эмас, иккита номзодим бор-а? — Буниси энди мураббийи — Алишер аканинг овози эди.

— Намангандаги тўполонларнинг таъсири бўлмасмикин дейман-да. Ахир мусобақага наманганликлар ҳам қатнашадик-ку. — Йўгон овоз эгаси томоқ қириб гапида давом этди. — Ёки уларни бу йилча мусобақадан четлатишадими? Балки шуниси маъқулдир?

— Наманганликлардан хавфсирайдиган жойим йўқ, — деди Алишер ака баралла. — Рустам бўлмаса, Элёр олади бу гал.

— Анави янги келган йигитни айтяпсанми?

Элёр бировларнинг гапига пинҳона қулоқ тутиш одобдан эмаслигини биларди, аммо ўзининг исмини эшитиб ичкарига киришни ҳам, ортига кетишни ҳам билмай қолди.

— Ҳа.

— Лекин уни... кеча милиса олиб кетди, дединг-ку?

— Қулида ишлайдиган битта ходими уч-тўрт кундан бери йўқмиш. Йигитнинг отаси милисага хабар қилган экан... Шунга келишибди.

— Лекин жуда содда бўлма, Алишер. Қаердан биласан, балки Элёр ҳам, унинг қулида ишлайдиган ўша йигитча ҳам бандитдир? Шамол бўлмаса, теракнинг учи қимирламайди. Ҳа!

— Қопқон тўғри айтяпти, ҳозир жуда эҳтиёт бўлиш керак. Бировга яхшилиқ қиламан, деб яна ўзинг ҳам сўроқ бериб юрмагин. Бир марта шубҳа остига тушсанг бўлди, милиса зотидан қутулолмайсан. Айниқса, мана бунақа пайтда орқа-олдинга қараб иш тут.

— Милиса бекордан бекорга қидирмайди.

— Хавотирли жойи йўқ. Кечқурун ҳаммаси жойида деб телефон қилди. Агарда бирор гуруҳга алоқаси бўлганида қўйиб юборармиди? Шартта подвалга тикмасмиди?

Алишер аканинг гаплари Элёрнинг кўнглини кўтарди. Шарт ичкарига кириб, бегона кишиларга ўзини танитиб қўймоқчи ҳам бўлди, аммо яна гап бошланиб қолувди, фикридан қайтди. Ортига қараб ҳеч ким келмаётганига ишонч ҳосил қилгач, сурбет одамлардек суҳбатга қулоқ солишда давом этди.

— Балки вақтинча қўйиб юборгандир. Шпионский киноларда шунақа қилади, биласан-ку, — деди Қопқон. Элёр бу овозни энди ажрата бошлаган эди. Кўнглидан, бу унинг лақаби бўлса керак деган ўй кечди. Лекин нега Қопқон эканлиги ҳақида ўйлашга фурсат бўлмади, гап давом этди. — Кейин ортидан одам қўйишади-да, шерикларининг олдига борганда ёки бирор жиноятнинг устида таппа босади.

— Киноларда воқеалар ҳам ҳаётдан олинади-да. Нима унутдингми, совет даврини? Айниқса, Андропов пайтида кучада бемалол юролмай қолганимиз-чи? Истаган одам Москвага хат ёзаверарди. Текшир-текширнинг кети узилмасди.

— Э, қуйсанг-чи, Профессор. Барибир у давр бошқача эди. Ҳамма нарса арзонийди. Озиқ-овқат ташвиши йўқ эди.

— Лекин уларга қарам эдик, Қопқон, — деди Алишер ака бир оз жаҳли чиққандай. — Тўғри, қорнимиз тўқ, устимиз бутун эди. Бироқ эркимиз ўзимизда эмасди. Тепа нима деса, шуни қилардик. Қулдан фарқимиз йўқ эди.

— Бу гапингга қўшиламан, — деди профессор.

— О-ла, жуда ошириб юбормадингми, Қўлқоп. Зато, еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда эди. Олтмиш тийинга қорнимиз тўярди. Тўрт тийинлик перашкадан олтига есанг-чи, бир чойнак чой билан ўттиз тийин ҳам бўлмасди? Нима, мустақил бўлиб, ошиб-тошиб кетдикми?

Элёрнинг ичига қалтироқ тушди. Бу одамларнинг ичкарига беркиниб олиб сиёсат ҳақида вайсақилик қилаётгани жаҳлини чиқара бошлади. Алишер аканинг шериклари кимлар ўзи? Улар яна нималарни орзу қилишяпти?

— Секинроқ гапир, Қопқон!

— Ҳа, тўғри-да. Нима ёмон яшадикми? Мана бунақанги жанжал-тўполонлар йўқ эди. Милисани кўрса, оёғи қалтирарди одамларни. Энди-чи, кечаси бошлиқнинг уйига кириб, сўйиб кетса-я! Қандай кунларга қолдик? Буни қара, ўша гуруҳ каллакесарлар Ислом давлати қурармиш! Жинни бўлганми, ўзи улар. Қўлингдан кеса, яна советга қўшиламиз, де, бадбахтлар!

— Булди, Қопқон. Деворнинг ҳам қулоғи бор. Оғзингга эрк бераверма. Тилинг бошингга етмасин яна, — деди Алишер ака жеркиб. — Мустақил бўлганимизга энди уч йил бўлди ё бўлмади. Ҳаммаси аста-секин-да.

— Нима қиласан, тилёғламалик қилиб, Қўлқоп! Ичингда ўзинг ҳам жон деб турибсан шекилли.

Элёр Алишер аканинг лақаби Қўлқоп эканини билиб олди. Ноилож суҳбатнинг давомига қулоқ тутди. Мураббийнинг нима дейиши унга қизиқ туюлди.

— Қуйсанг-чи, бўлмагур гапни, — Алишер аканинг овозида газабланиш сезилмади.

— Ҳа, бас қил энди, Қопқон.

— Ийе, энди сенам у томонга ўтиб олдингми, Завмаг! Кечагинда бу янги тузум узоққа бормайди-ёв, совет барибир яна қайтариб олса керак, деяётгандинг-ку. Ҳм, бугун нима бўлди? Президент Наманганга бориб бир гуруҳ жангарилар билан учрашиб келса, дарров фикрингни ўзгартирдингми? Тўғри, жангариларнинг қўлидан ҳеч нима келмайди. Кекирдагини чўзгани бир пул.

— Бупти-да. Шуни билганингдан кейин яна нима дейсан, Қопқон?

— Ҳамма гап, энди Ельцинда, Завмаг! Ҳа, Ельцинда! Москвадаги қўзғолонни кўрддингми? Ҳокимиятни олиш ана унақа бўлади. Биздагيام қўзғолонми? Жужахўрозлар! Бизга Ислом давлати керакмас! Намоз ўқимасак ҳам кунимиз ўтаверади. Урисларнинг билгани билган, бу дунёда йўлини қилиб, фақат ҳаётнинг гаштини суриш керак!

— Бупти, кетдик, — деди Завмаг, кейин у урнидан турди шекилли стулнинг полга ишқаланган овози эшитилди. — Шунча маишат қилсанг ҳам тўймас экансан-да. Қариб боряпсанки...

— Ўлгим келмаса, нима қилай, Завмаг. Бу советга итдек югуриб хизмат қилдик, нима, индамай кетаверамизми?

— Яна нима қилмоқчисан? — сўради Алишер ака. — Бўлди энди, бизнинг давримиз ўтди, огайни.

— Э, йўқ, бирор ўзгариш бўлиши керак? Урислар индамай кетишига ишонмайман.

— Энди орқага қайтилмаса керак?

— Сенга барибир-да, Қўлқоп. Аввал ҳам қўлингда қўлқоп эди, ҳозир ҳам. Кечагинда яшасин, компартия, дердинг. Бугун эса, яшасин, мустақил Ўзбекистон, дейсан. Маза—маза, сенга маза. Бупти, кетдик, бўлмаса. Ҳа, айтгандай, қаерга борамиз, ўзи? Яхшиси, бирор ерга бориб ўтира қолайлик.

— Эрийсанми?

- Бир гал профессор ҳам эрисин, ахир!
- Сочма қиламиз, қўямиз! Хуш, сан қачон ўтасан, Қўлқоп? — Профессорнинг гапни бошқа ёққа бургани маълум бўлди.
- Кечга яқин.
- Намунча?
- Тренировкам бор.
- Ҳм. Ахир сен Ўзбекистон байрогини баланд кўтариш учун боксчилар тайёрлаяпсан-у. Буни қара, сал бўлса, ёдимдан чиқай дебди.
- Бўлди энди, кесатмасанг-чи!
- Анави йигитдан эҳтиёт бўл. Яна сандан айрилиб қолмайлик.
- Яхшиси, ўзинг тилингни тийиб юр.
- Бўпти, бўпти.
- Жуда кеч қолмагин-а! — тайинлади Завмаг.
- Улфати чор, анда маза бор, — қўшиб қўйди завқи тошган Профессор.

Элёр ўзини ечиниш хонасига олди. Оёқ товушлари эшитилмай қолганда аста пардани қиялатиб, залда кетиб бораётган турт — аниқроғи баланд бўйли, аммо гавдаси бир оз эгилган, ёнбошига сал огиб қадам ташлаётган; ўрта бўйли, биққа семиз, қўлидаги ҳассага таяниб майда қадам ташлаётган; озгин бўлса-да, семиз портфель кўтарган кишига ва Алишер акага тикилиб қолди. Эшик олдигача ортига қарармикин деб умид қилди, бироқ нотаниш одамларнинг юзини кўра олмади...

IX. УЙДА

Элёр клубни тарк этиб кўчага чиққанида жуда ғалати аҳволда эди. Кечки муздек ҳаво ҳам, яхши ҳордиқ ва омад тилаб хайрлашаётган йигитларнинг тилаги ҳам кайфиятини ўзгартира олмади. Ростиям, у бугун ўзида эмасди: эшитган

суҳбатини сира унутолмади, бунинг устига мураббийнинг муомаласи бир оз ўзгаргандай туюлди. Наҳот, шубҳалана бошлаган бўлса? Машқ давомида икки-уч марта бехосдан қараганди, мураббий ҳам унга тикилиб турганига кўзи тушди. Агар бугунги гап-сўзларга гувоҳ бўлмаганда Алишер ака машқимни зимдан кузатяпти, деган хаёлга борарди. Ҳатто ундай урма, мана бундай ур, гавдангни кўр, ётиб олма, деган сўзларни айтмаса ҳам бошқача уйламас эди. Узимга қўйиб бердилар, деб оддийгина таскин билан чекланган бўларди.

“Аттанг, — деди у ичида. — Ҳамма қатори вақтида келсам бўлмасмиди”. Бироқ энди афсус чекишдан фойда йўқ, бўлар иш бўлган эди. У атай келмаган, суҳбатнинг устидан эса тасодифан чиқиб қолганди. Тўғри, шарт бурилиб, ортига қайтиши мумкин эди, аммо хом сут эмган банда экан-да, шайтоннинг васвасасига учиб, иродасизлик қилди ва шунча гапдан огоҳ бўлди.

Илож қанча, истаса, унутсин, истамаса йўқ. Аммо кўнгили ишига буйруқ бериб бўлмаганидек, бирор ҳодисани эсдан чиқариш учун одам ўзини ўзи мажбурлай олмас экан. Бунинг устига марҳум Ботирнинг иттифоқ миқёсидаги охириги учрашуви ҳақидаги аянчли ҳикояси ҳали ёдидан кўтарилмаган бир пайтда бу қаергадир кетиб бораётган одамларнинг қорни тўқ, аммо маънан қул (бирок бунга заррача ўкинмаганини қаранг) бўлган даврни кўмсашлари, ҳамон умидларини уза олмай, яна нимадир юз беришини кутишлари нафрат туйғусини уйғотган эди. Шундай пайтда қопни аямай савалаб кетарди, хансираб, билагида умуман кучи қолмагунча урарди, аввал бир қўллаб, кейин иккала қўлида мушт туширарди: унинг бу гайритабiiй хатти-ҳаракатлари нафақат мураббийда, балки клубдаги бошқа йигитларда ҳам ҳайрат уйғотган, бир-бирларига тез-тез қараб елка қисиб қўйишларининг сабаби шундан эди. Вужудини эгаллаб олаётган ҳис-ҳаяжон ичра, у фақат мураббийнинг кузатувиغا эътибор қаратганди, холос.

Лекин нафсиламрини айтганда унинг кайфиятини бутунлай тушкун ҳолатда деб ҳам бўлмасди. Суҳбат давомида мураббийнинг фикрларидан юрагига тушган чўғ ҳали ўчиб улгурмаган эди. “Йилт” этиб, қалбининг бир четини иситиб турарди, фақат буни ҳис этмаётган эди, сабаби унинг тўзғиган хаёлини шубҳа-гумон эгаллаб олган, кўпроқ мураббийнинг эртанги кунларда бўладиган муомаласи тўғрисида бош қотирар, буни ўйлагани сари нимадир юрагини эзар, азоблар эди. Негаки, мураббийда у билан хайрлашишига баҳона бўладиган омиллар кўпайиб бораётгандай туюларди: клубга милиция ходимларининг кириб келиши, уни сўроққа олиб кетиши, эрта-индин ёки истаган вақтида яна чақиритиши мумкинлиги, анаву Қопқон билан Завмагнинг шубҳалари, энди ўзини қўлга олабилмаслик, яъни вазминлик, мушоҳада ўрнида пайдо бўлаётган қўрқув, жаҳл, газаб, нафрат — барибари йиғилиб, уни бу ердан кетказишга туртки бўладигандай эди. Наҳот, бу кўнгилсизликларнинг оқибати шундай яқун топса? Бундай хотима ҳақида озгина хаёлга боришнинг ўзи даҳшат эди...

Элёр машқни тугатиб кўчага қадам босганда ана шундай ҳадикда эди. Унга худди бир нарса бўлгандай уйда ҳам ўзини қўлга ола билмади. Ҳатто “ой-қуним яқинлашиб қолибди, уйдагилардан бирортасини чақиртирсакмикин?” деб тўппайган қорнини силаб, аранг жилмайган Муҳаббатнинг сўзлариниям дарҳол илғаб ололмади.

— Нега чақиртирамиз?

Муҳаббат эрининг хаёли ўзида эмаслигини сезди. Бирор нохуш ҳодиса рўй бердимикин, деган хавотир кўнглидан ўтиб аста ёнига келиб ўтирди. Кўзларига тикилди.

— Ҳм, нима? — сўради Элёр ўзини хушчақчақ тутишга уриниб. — Бир оз чарчаб ҳам бўлмайдимиз?

Бу жавобдан Муҳаббатнинг кўнгли тўлмади чоғи, нигоҳларини узмади. Кейинги пайтларда шунақа одат чиқарганди: агар эрида бирор ўзгариш пайқаса ёки олган жавобига

қониқиш ҳосил қилмаса, “қани, ростини айтинг-чи?” дегандай қараб тураверарди. Элёр кулиб ҳам, гапни чалгитиб ҳам ундан қутулолмасди. Шундан кейин очигини гапирмай бўладими? Узини ҳар кўйга солиб кўрган Элёр охир-оқибат таслим бўлганини сезмай қоларди. Ҳозир ҳам шундай ҳолатда эди, вазиятдан силлиққина чиқиб кетмоқчи бўлди, лекин уддалай олмади: Муҳаббатнинг бир оз қисилган кўзлари уни таъқиб этишда давом этарди.

О, бу нигоҳлар! Бир қарасанг, муҳтож, мушфиқ, муҳиб; бир қарасанг, ҳадик, араз, рад этувчи; бирда ёндирувчи, бирда сўндирувчи; гоҳо ошкор этувчи, гоҳо пинҳон сақловчи; баъзида кулдирувчи, баъзида йиғлатувчи; тунда ойдин, кундуз қуёш нуридан-да ўткир!

Эҳ, бу нигоҳлар! Унга қарши туришнинг ўзи бўладими? Йўқ, чидайман дейсану ногоҳ эриб кетганингни ёхуд унинг тўлқинлари ичра гарқ бўлганингни билмай ҳам қоласан. Найзадан-да шиддатли, қиличдан-да кескир бу нигоҳлар олдида сенинг қарашларинг нима бўпти? Чилпарчин бўлади, бир зумда.

Ҳа, Элёр лол эди. Ёлгон гапира олмасди, ҳийла ишла-толмасди. Уқдек қадалса борми, мақсадига етмай қолмасди: кўнгил туб-тубидаги сирларни ошкор қиларди, хаёлингдан чиқариб ташласанг-да, бирдан ёдинга солиб кўярдики, бунга қандай эришганига ақлинг ҳайрон бўлиб қолаверарди. Шунинг учун беҳуда уринишнинг кераги йўқ эди. Элёр буни англаб етган ва шунинг учун ортиқча пайсалга солиб ўтирмади. Азияни қидириш самара бермаётганини, кеча милицияга бориб билганларини гапириб берганини бир оз енгилроқ тарзда, Муҳаббатни хавотирга солмайдиган қилиб гапириб берди.

— Ота-онасига жабр бўлибди-да, — деди Муҳаббат йигитнинг уйидагиларига ачиниб. Кейин аста ўрнидан турди-да, дастурхонни йиғиштиришга киришди.

— Нимасини айтасан. Ёлғиз ўғил бўлганига чидай олишмаяпти, — дея Элёр хотинининг кўлидан нарсаларни олди. — Бўлди, сен энди уринма. Бу ишларни менга кўйиб бер.

— Ҳаракат қилиб турсам, осон қутулар эканман.
— Мениям ёрдамим тегсин-да, жоним. Бор, ўтир.
— Азиз қайтиб келармикин, Элёр ака?
— Жуда бошим қотиб қолди. Келса, менгаям яхши эди.
— Ишчан йигит дердингиз-ку?
— Ҳа-да! Туппа-тузук ишлаб юрарди, — деди идиш-
товоқларни ювиб, ошхонани тартибга келтираётган Элёр
хотинига кўз ташлаб. — Бирдан нима жин урди, расм чи-
зишни тўхтатиб, намоз ўқишга ўтиб кетибди.

— Ҳозир ҳамма ёшлар ўқияптийкану.

— Уқиса, жимгина ўқийвермайдими? Қандайдир гуруҳга
қўшилиб нима қилади? Уни кимдир йўлдан оздиргани аниқ.
Чунки Азиз унақа писмиқ йигитлардан эмасди. Яхшигина
таъсир остига тушган кўринади, булмаса, ота-онасининг
юзига оёқ қўймас эди.

— Топилмаса... сизни жавобгарликка тортишмайдими?

Муҳаббатнинг ҳадик тўла нигоҳлари Элёрни шошириб
қўйди. Қўлларини сочиққа артиб, унинг ёнидан жой олар-
кан, нима дейишни билмай, юзидан ўпди.

— Менинг бу ишларга алоқам йўқлигини ҳамма яхши
билади, — деди у ўзини хотиржам тутиб. Бироқ ичидан зил
кетган эди. Йкки кундан бери тинчини ўтирлаган бу саволни
ўзига ўзи минг марта бергандир. Бироқ жўяли жавоб топол-
мади. Шубҳаси ортса орткики, асло камаймади. Мана энди
хотини ҳам юрагини эзаётган, вужудини зирқиратаётган
худди шу саволни бериб ўтирибди. — Сен асло хавотир-
ланма. Хўпми? Бўлди, бу мавзунини тўхтатдик, сен яхши-
си, гўзал, оромбахш нарсалар ҳақида ўйлашинг керак. Агар
ҳадеб ташвишланаверсанг, фарзандимиз инжиқ, қайсар, сал
наргага асабийлашадиган бўлиб туғиларкан. Тушундингми?

— Профессор бўлиб кетинг-е.

— Ўзингдан катта одам гапирганда хўп, де.

— Хўп бўлади, домлажон!

— Ҳа, мана бу бошқа гап. Хуш, қани энди айтинг-чи, хоним, сиз нима кутяпсиз? — деди диванга ўрнашиброқ утирган Элёр Муҳаббатнинг дўппайиб турган қорнига аста қўлини қўйиб.

— Худо нимани раво кўрса, шуни.

— Офарин!

— Лекин сиз мени алдолмайсиз, кўзларингиз айтиб турибди, утил бўлса, яхши бўларди, деб ўйлаётганингизни, — деди Муҳаббат эрининг бурнини чимдилаб.

— Авлоднинг давомчиси бўлишини ким ҳам хоҳламайди. Аммо қиз тугилса, яна яхши. Сенга ёрдамчи. Бунинг устига қиз отасига меҳрибон бўларкан, — дея Элёр Муҳаббатни аста бағрига тортди.

— Кимдир менга “ўнта юртнинг ўғриси бўлсаям, ўглинг бўлсин”, деган мақолни эслатмаяптими-а?

— Яхшиси, Маҳмуд Қошғарийнинг “Ўғил доно бўлса, ота роҳатга етади” деган дона гапини айта қолай, — деди Элёр учини олгандек гўзал рафиқасининг бурнини аста тортиб қўяркан.

— Шу ердаям ўз роҳатингизни ўйлаяпсизми?

— Менинг роҳатим, сенинг ҳузур-ҳаловатинг эмасми, жоним? — Элёр атай қовоғини уйди. Кейин бир зум тин олди-да, гуссага ботгандай деди: — Нима бизнинг жисми-миз бир тану бир жон эмасми?

— Ҳазиллашиб ҳам бўлмайдими? — деди Муҳаббат эрининг аразига ишониб бағридан чиқаркан.

— Бўлади жоним, бўлади, — Элёр шундай деб бу гал Муҳаббатнинг кўксига бош қўйди.

Эр-хотиннинг бир-бирига эркалик қилиб қурган суҳбати шу зайлда анча давом этди. Келинг, уларга халақит қилмай қўя қолайлик. Тонгга қадар мириқиб гаплашишсин, дийдорларига тўйишсин, қалблари ором олиб, бир-бирларининг бағрига бош қўйганича қачон ухлаб қолганини билмай қолсин. Ахир улар эртага нима бўлишини билмайдилар.

Билганларида эди, асло бу каби ширин суҳбат қурмаган, юрак уришларига қулоқ тутиб, ҳаёт гаштини суришмаган бўларди. Аллоҳнинг ўзи меҳрибон. Агар бандалар нафақат эртага, балки салдан кейин содир бўлажак нохуш воқеа ва ҳодисалардан огоҳ бўлганларида эди, ҳеч бир ишга жазм қилолмай, адоги йўқ уй-хаёллари билан ўзларини минг азобу қийноқларга солар ва келажакдан умидларини узардилар. Агарда нохуш эмас, хушxabарлардан воқиф бўлишганда-чи? Балки шунда уларнинг ҳаётга бўлган муҳаббатлари ошиб-тошиб, бунёдкорлик ишларини завқ-шавққа тўлиб давом эттирармидилар? Бироқ ҳаёт фақат хурсандчиликдан, бахт-саодатдан иборат эмас-да. Агарда шундай бўлган тақдирда ҳам бу маълум бўлган бахтиёрлик одамзодни қониқтирмаган, ажаблантирмаган бўларди. Шукрлар бўлсинки, тақдирнинг сирли эканлиги қандай яхши.

Сокин тун. Осуда хонадон. Узининг кунглидаги ҳадикни бутунлай енголмаса-да, маҳбубасининг юрагидаги хавотирни олиб ташлаб хотиржам қилган, қалбига илиқлик бахш этган, эртанги гўзал ҳаётга рағбатини оширган маҳбуб. Таажжубки, ногоҳ ой ҳам юз кўрсатди. Севишганларнинг дилкаш, дилрабо суҳбатига маҳлиё бўлди, аммо ўзи сингари маҳваш дилдорга узоқ термилишга уялди, юзини дераза пардаси ила тўсди. Бир-бирига термилган ошиқлар деразадан бир муддат мўралаб утган ойни пайқашмади ҳам.

Х. УЛИМ ВА ҲАЁТ

Тонг саҳарда телефон қўнғироғидан чўчиб уйғонган Элёр бир зум қаердалигини билолмай, кўзларини ишқалаб, атрофга аланглади. Ёнида ётган Муҳаббатга кўзи тушгандан кейингина “хайрият”, деди ичида. У нима туш кўрганлигини эсламоқчийди, телефон яна жиринглади. Бу пайтда Муҳаббат ҳам уйғониб кетди ва ўрнидан тураётган эрига “Нима бўлди?”, деди эсноғини унутиб.

Элёр телефон гўшагига ёпишди.

— Нормат ака, сизми? Нима гап, тинчликми?.. Нега йигляяпсиэ? Гапиринг, Нормат ака, гапираверинг! А? Йуг-е?.. Қачон?.. Бўпти, ҳозир етиб бораман!

Элёр бир зум тахтадек қотиб қолди. Муҳаббатнинг овозидан ўзига келганда, оёқ-қўлида мадор қолмай, ўзини стулга ташлади. Ранги оқарган, қуруқшаган лаблари титраётган, телефон гўшагини қўлида маҳкам тутиб бир нуқтага тикилганича ўтирган эрини кўрганда Муҳаббатнинг ичига гулгула тушди. Бу оддий гулгула ҳадеганда ўзига келолмаётган эрининг ҳолатига термилган сайин қўрқувга айланиб борар, қўрқув эса кучайиб ваҳима уйғотар эди.

— Нима? — бирдан хотинига тикилди Элёр.

— Ким телефон қилди, деб сўрадим. Тинчликми? — Муҳаббат эрининг елкасидан қўлини олиб, хонанинг чирогини ёқди. — Вой, нега рангийиз оқариб кетди!

— Азиз... Азиз ўлибди, — овози титраган Элёр бирдан хотинининг белидан кучоқлади, йиглаб юборишдан эса базўр ўзини тийди, боши Муҳаббатнинг анча катталашиб кетган қорнига тегиши билан миясига яшин ургандай бўлди: ахир унда умид юлдузи ётибди-ку! Ҳомила қўрқиб кетмасин яна. Тишини тишига босди. Лабларини маҳкам қимтиди, аммо нафаси қайтган одамдай узоқ туролмади. Гўшакни жойига қўйиб, дераза томонга юраркан, “Аҳ!” деб ўкириб юборди.

— Нега ўлади? — деб сўради ўзи билмаган ҳолда саросимага тушган Муҳаббат.

— Билмадим. Намангандан ўлигини олиб келишганмиш.

— Йуг-е?

— Бўпти, мен кетдим. Борай-чи. Лекин сен хавотир олма. Ётиб дамингни олиб тур.

Элёр шошиб юз-қўлини ювди-да, сочиққа ё артди, ё артмади. Кийимларини ҳам апил-тапил кийди. Муҳаббатта бир оғиз “яхши ўтир” деди-да, ташқарига отилди. Аммо орадан сал ўтиб, кўча эшиги шитоб очилди, ичкарига мўра-

лаган Элёр “Майли, уйдан бирортаси кела қолсин”, дея яна тезда эшикни ёпди.

Муҳаббат эрининг ортидан тикилиб тургани билан аслида хаёли бошқа ерда эди. Кимдир яккаю ёлғиз дилбандини йиллар давомида боқиб вояга етказсаю, энди камолини, роҳатини кўраман деганда бирдан айрилиб ўтирса. Бир қучоқ набиралари бўлишини орзу қилган ота-она барбод бўлган ниятини энди музга айланган кўксига босиб шумшайиб қолаверса? Наҳот энди айрилиқнинг аламига чидай олмай эртаю кеч нола чекса? Ким уларнинг дардига малҳам, тилка-пора юрагига юпанч бўлади? Фарзанд ўрнини босишга қодир жонзот борми бу дунёда?

“Азиз ўлибди.”

Совуқ хабар.

Бир оғиз сўз.

Навқирон йигит йўқ энди.

Она, муштипар она! Сенга қийин бўлди. Ахир уни дунёга келишини қанчалар интизорлик билан кутгансан. Аслида вужудингда борлигини сезганиндаёқ бир олам қувончга тўлиб, ҳар оқшом у билан сирли суҳбат қургансан, ёруғ оламга шошилгани сари сен ҳам ич-ичингга сигмай шодлангансан. Илк бор келган тўлғоққа ҳам парво қилмайсан. Жон азобига тушганинда ҳам уни кутаётганинг, ҳозир тугилиши хаёлингдан кетмайди ва оғриқларга бардош берасан. Илк бор йиғисини, дунёга келганлигини билдириб чинқирганини эшитганинда эса оналик бахтини туйганингдан кўзларингга беихтиёр ёш келади: на йиғлашингни, на кулишингни билолмай сармаст бўласан.

Ана, энди, оқ ювиб, оқ тарайсан. Тамшанган оғзига кўксингни тутасан. Ҳар бир қилиги, овози ва қарашларидан олам-олам завққа тўласан. Дунё кўзингга тўзал, азиз ва бетакрор кўринади. Биринчи марта “Она!” деганда борлиқ чеккан заҳматларингни унутасан. Еру кўкка сигмай, шодликдан, бахтиёрликдан гоҳ йиғлагинг, гоҳ кулгинг келади.

Мақтаб томон қўйган биринчи қадамини кўрганингда, болалар ичида сен томон қўл силтаб қўйганида, айт, сендан кура бахтлироқ она борми, яна? Кундалик дафтаридаги дастлабки “беш” баҳо, қўшни қизалоқнинг ўглингдан қилган арзи, чиройли ёзуви, китобни шариллатиб ўқиши — бари-бариси қалбингни қувонтиради, нурга тўлдиради. Кейинроқ китобининг орасида қайсидир қизга ёзилган мактубга ногоҳ кўзинг тушганида юрагинг ўз-ўзидан ҳаприқиб кетади. Мақтабни тамомлаган куни қадди-қоматига маҳлиё бўлиб, “Бўйларингдан онанг айлансин!” дея юз-кўзларидан ўпиб-ўпиб оласан. Уқишга кириб биринчи стипендиясини, ёхуд бирор касбни эгаллаб илк маошини қўлингта тутганида, дилингдан нималар ўтади? Ана шу сўзларни изҳор эта оласанми? Йўқ, анча вақтгача гапира олмайсан, лабларинг титрайди, кўзларинг намланади, нари борса ним табассум қиласан, бироқ бир сўз дея олмайсан. Қўлингта тутган пул, ўглиннинг пешана териси, ҳалол ризқ-рўзи. Буни юрак-юракдан ҳис қилганинг сари, яна гапира олмайсан. Фақат анчадан кейин уни жимгина бағрингга босасан. Вужудинг титроғи демоқчи бўлган ҳамма дил сўзларингни намоён этади. Сен қанчалар бахтлисан, она! Қара, зурриётинг камолга етибди! Энди у уйланиб, бағрингни набираларга тўлдиради. Сен янада бахтиёр бўласан! Энди набиралар камолини кўриш истаги янада жуш уради. Бироқ...

“Намангандан ўлигини олиб келишганмиш”.

Бу шумхабарни юрагинг кўтара оладимикин? Қани, эрта-индин уйланишга тараддуд кўриб юрган фарзандинг? Қани, сенга бир қучоқ набиралар ваъда берган зурриётинг? Энди йўқ. У ўлган.

Нега ўлади? Нима учун ўлади? Нима, ажали етганмиди? Ахир, тўрт мучаси соғ эди-ку?

Муҳаббатнинг эти увушиб, бутун баданини қалтироқ боса бошлади. Бир қўли билан қорнини, бир қўли билан белини ушлаганича диванга келиб ўтирди, бўлмади, ўринга

бориб ётди, устига кўрпани тортди. Исиш урнига баттар совқотди. Кейин биқинида оғриқ тургандай бўлди. Утиб кетади, дея хаёл қилди. Бироқ бунинг акси бўлди. Кўрқувга тушиб, нима қилишини билмай қолди. “Элёр акам ҳали йўлда, кимга телефон қилсам экан? Улсин, бирорта қўшнимникини ҳам билмас эканман”.

Туғуруқ вақтига борлиги учун дўхтирга телефон қилиш дарҳол хаёлига келмади. Аммо оғриқ кучайган сари, тўлғоқ бошланиб қолса-чи, деган хавф уни сергак торттирди ва бир амаллаб ошхонага қайтиб чиқиб, “тез ёрдам”га қўнғироқ қилди.

* * *

Пешин вақтида шаҳардаги туғуруқхоналарнинг бирида чақалоқ дунёга келди. Бу пайтда шу шаҳардаги қабристонларнинг бирида янги очилган қабрга майит қўйилаётган эди...

XI. ОТА ЙИҒЛАМАСИН ДУНЁДА

Таъзияга келувчилар сони анча камайгач, Элёр ниҳоят Нормат аканинг ёнига келишга жазм қилди. Гапни нимадан бошлашни билсмай каловланди. Энди чоғланганда елкалари силкиниб-силкиниб тушаётган отанинг эгик боши, титроқ босган қўллари, аламли йиғиси уни яна шашгидан қайтарар, сабр қилишга ундагандай бўларди. Элёр тушунарди: Нормат аканинг кўнгли ҳозир бирор нарса ёки бирор сўздан малҳам топадиган ҳолатда эмасди. Бундай пайтда ҳодиса тафсилотини очиқ-ойдин гапириб беришнинг ўзи бўладими? Ҳар қандай бағритош инсон ҳам бу ҳақда сўрашга истехола қилган бўлмасмиди? Бўларди. Бироқ жим туриш ҳам жуда ноқулай эди. Унгайсиз бир вазиятда қолганди: Элёр ё гапириши, ё ниманидир баҳона қилиб нари кетиши керак. Тушкун кайфиятда ақлга тузукроқ фикр ҳам келмас экан. Савол бериш қанчалар оғир бўлса, индамай кетиш ундан-да оғир эди.

— Эҳ, Азизбек, Азизбек! Нималар қилиб қўйдинг, уғлим! — дея довдираб турган Элёрнинг билагидан ушлади Нормат ака ҳамон ўкинч тўла йигисини босолмай. — Ахир биз эмас, сен бизнинг орқамизда қолишинг керак эди-ку! Э, Худо, бу не кўргулик бўлди?

Бу сўзларни эшитиб, Элёр ҳам беихтиёр кўзларига ёш олди. Азиз бошидан дангал гапиргани, ишга бутун борлиги билан берилиб кетгани боис унда яхши фикр уйғотган эди. Салдан кейиноқ ўз укасидай бўлди-қолди. Мана энди, у йўқ. Ота-онасини минг бир қайғуга ботириб, бу фоний дунёдан кўз юмди. Айрилиқ азоби эса оғир. Ана, Нормат аканинг аламли ҳасратларидан ҳам билиниб турибди.

— Наманганга кеча кетганмидингиз? — ниҳоят тилга келиб сўради Элёр. У Нормат акани қатор қўйилган стуллارнинг бир чеккасига бошлаб келди-да, аста ўтқазди.

Нормат ака толиққан оёқларига бир оз дам бериш учун ҳам Элёрнинг таклифини рад этмади. Оч-наҳор юргани билингани ҳам йўқ. Жиянларидан бири икки-уч марта ёнига келди, озгина тамадди қилиб олинг деб. Бироқ томоғидан бирор нарса ўтармиди. Қабристондан қайтганларида кимдир пиёлада иссиқ чой туттанди, шундан бир-икки ҳўплади, холос.

— Кеча тушдан кейин Намангандаги моргдан телефон қилиб қолишса бўладими. Морг сўзини эшитиб, оёқ-қўлим қалтираб қолди. Азиз деган исм қулогимга кирганда тамомила ўзимни йўқотиб қўйдим: олди-орқамга қарамай йўлга тушибман. Шошганимдан паспортимни олмаган эканман, ит азобида етиб бордим. Ҳартугул келишда унчалик қийналмадим. Майитни кўриб раҳми келишдими ёки ўзим бир аҳволдамидим, ўтказиб-ўтказиб юборишди.

Ташқари совуқ бўлишига қарамай Нормат аканинг томоғи қуриб қолди шекилли гапидан тўхтади, қонсиз лабларини ялаб, ютиниб қўйди. Элёр чурқ этмади, Нормат аканинг бир оз тин олгач, гапида давом этишини кутди. Бу орада учтўрт киши таъзияга келиб қолди. Уларнинг каттароғи билган

сурасини ўқиб, марҳумга бағишлади. Кўнгил сўраб Нормат ака билан кучоқлашиб кўришди. Кейин учта йигит келди. Афтидан улар Азизнинг синфдоши ёки тенгқур дўстлари эди. Бу бахтсиз ҳодиса йигитларни ҳам ҳайрон қолдиргани сезилиб турарди. Улар ҳам Нормат ака билан кучоқ очиб кўришишди. Биттаси анчагина орқасини силаб турди. Кейин нарироқ бориб ўзаро гапга тушиб кетишди. Элёр кўнгли бузилган Нормат акани суҳбатта тортишга ҳадди сигмади. Жимгина тураркан, ҳар замонда кўз қирини ташлаб кўярди, холос.

Атрофда Нормат аканинг қариндошлари, яқин танишбилишлари қолган, улар тўп-тўп бўлиб, баъзида гаплашиб, баъзида сукут сақлашарди. Айримларининг оёғидан совуқ ўтди чоғи, туфлисини бир-бирига уриб қўйса, кимдир кўлларини ишқаб, илиқ ҳовурига тутарди.

Қишнинг бир ойи утган бўлса-да, қордан дарак йўқ эди. Аммо эрталаблари қуруқ совуқ баданни жунжиктирарди. Қуёшнинг тафти ўн-ўн бирлардан кейин сезилар, аммо кўп ўтмай ўрнини яна совуққа бўшатиб берарди. Ҳозир айна шундай пайт эди. Тонг саҳарда етиб келиб, ҳамон оёқда турганларга совуқнинг заҳри билина бошлаганди.

Элёр бу орада уйига қўнғироқ қилиб, Муҳаббатдан ҳолаҳвол сўрамоқчи бўлди, бироқ бу яқин атрофда телефон буткаси йўқлигини айтишди. Аммо таъзия билдириб келганларнинг бир-иккитасида қандайдир янги чиққан қўл телефони борлигини кўрди. Бироқ башанг кийинган, унча-мунча одамни назар-писанд қилмай турган димоғдор кишиларнинг олдига боришга ва улардан илтимос қилишга тортинди. Аслида атрофдагиларнинг олдида уялиб қолишдан чўчиди. Кейин Муҳаббатнинг “ҳали бор” деган гапи ёдига тушиб, хотиржамликка берилди. Жанозага етиб келолмаган одамларнинг келди-кетдиси ҳам хаёлини олди.

Азизнинг ўлимини айтиб, Муҳаббатнинг кўнглини ғашлаганига афсусланди. Бироқ бу машъум ҳодиса қаттиқ таъсир қилмаса керак, бирорта тугишгани эмас, ҳар ҳолда бего-

на йигит-ку, деган хаёлга ҳам борди. У Нормат акани гапга тутганда ҳамон уша хотиржам кайфиятда эди.

Муҳаббатнинг танасида оғриқ туриб, ҳолатининг ёмонлашиб қолишига биргина сабаб эридан эшитган шумхабар эмасди, унинг юрагига бошқа бир безовталиқ, хавотирлик тушганди. Бу шундай ваҳимали ҳадик эдики, милиция ходимлари эрини Азизнинг тиригида сўроқ қилишни бошлаган бўлса, энди унинг ўлганини эшитиб, тинч қўйишмаса керак, деган ўй миясига урилиб, ҳамма нарсани алғов-далғов қилиб юборганди. Хаёлини банд этган гумон ўпқон сингари домига тортди ва бир зумда уни асир этди. Мана шу нарса Элёрнинг ёдига келмаган эди.

Хотин кишининг зийраклиги, оқила ва садоқати аслида шундай пайтларда билинади. Буни фақат унинг нозик табиятини синчиклаб ўрганган кишигина англаб етиши мумкин. Бўлмаса, ҳаммага ўхшаган битта хотин-да, деб ўтиб кетавериш мумкин. Аёлнинг аёлдан фарқи бўлади, деган қариялар минг бор ҳақ. Афсуски, Элёрнинг боксга тушган ишқи, агар ишқ бўлмаса, ўзига ўзи юклаган мажбурияти, уни кўпгина олий туйғулардан маҳрум этаётганини сезмай борарди. Кеч-гача оёқда сакраш, икки қўлни чарм қўлқоп ичига яширганича, мияга фақат бир нарсани: “енгиш керак, енгишим шарт!” деган фикрни қўйиш ёки мажбурлаб тиқиштириш, бир вақтлар ажойиб, томошабинни бефарқ қолдирмайдиган гўзал суратлар чизган нозик қўлларини дағаллаштиргандай, бировнинг ҳис-туйғуларига бўлган эътиборини ҳам сусайтираётган эди.

Тўғри, у рафиқасини севади, ардоқлайди. Ўзича меҳр, гамхўрлик кўрсатади. Мана ҳозир ҳам қандай кўнги-роқ қилсам экан, деган ўйга ҳам борди. Лекин синчков Муҳаббатнинг назарида бу эътибор, авваллари қилинган саъй-ҳаракатларга, изҳор этилган меҳр-муҳаббатга сира ўхшамасди. Шундай булса-да, эридан кўнгли совигани, муносабатини ўзгартиргани йўқ. Сезиб-сезмай йўл қўяётган

камчиликларига кўз юммоқда. Унинг гайратига, шижоатига, мақсади йўлида жонини жабборга бераётганига қувонмаса-да, қаршилиқ ҳам кўрсатмаётган эди.

Унинг кўзи ёриди.

Буни ҳойнаҳой эри билгани ҳам йўқ. Агар уйда ёзиб қолдирган хатини кўрганида аллақачон етиб келган ва уни табриклаган, янги меҳмон билан қутлаган бўларди. Ёки уйга бормаи тўғри ишига ёки клубга ўтиб кетдимикин? Балки таъзияда ушланиб қолгандир?

Дарвоқе, Элёр мархумнинг жанозасидан кейин Нормат акадан бирор гап олиш ниятида эди. Жуда бўлмаганда Азизнинг ўлимига ким ёки нима сабаблигини билишга бўлган қизиқиш, уни бу ерда ушлаб турарди. Аслида бу бахтсиз ҳодиса унинг кейинги тақдирига маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Элёр буни англаган ва тезроқ тафсилот эшитиш илинжида эди. Ҳали клубга ҳам ўтиши керак. Мураббийнинг хуноби ошиб ётгандир? Шундоқ ҳам интизоми бушашиб, ташқарида иши кўпайиб кетаётганидан жаҳли чиқаётган эди. Азизнинг бевақт ҳалок бўлганини айтса, Алишер аканинг кўнгли юмшармикин?

Нормат акага қараб-қараб қўйган Элёрнинг юраги негандир безовталана бошлади. У бу нарсани уйига ҳам, клубга ҳам дахли бўлиши мумкин, деб ўйлади ва кетишга қарор қилди. Бугун барибир бемалол гаплаша олмайди. Бунинг устига Нормат аканинг кўнглига ҳеч нима сигмаётгани кўришиб турибди. Бечора узини қаерга қўйишни билмаяпти. Ҳозир ҳам унчалик эмас: ён-верида қариндош-уруғлари, ёру дўстлари бор. Далда беряпти, ҳамдардлик билдирияпти. Ҳали кечқурун ёлғиз ўзи қолганида жуда билинса керак? Онага қийин дейишади-ку, отага ҳам осон эмас. Унинг ун-сиз йиғлаши ёки битта нуқтага қараб узоқ сукут сақлаб туришида гам-андуҳ, ҳасрат-надомат, азоб-уқубат пинҳон. Уни лоқайд, куйинмаяпти, деганлар адашади. Ота узини аранг босиб турибди, холос. Қани, ҳеч ким йўқ бўлсаю,

укириб-укириб йиғласа! Қазойи етса, ким энди уни қабрга қўяди? Ким “вой, отам” деб йиғлайди? Маросимларини ким кўнгилдагидай ўтказди? Эшик олдида ким белини боғлаб туради?

Балки буларнинг ҳам иложи бордир. Ёру биродарлар, маҳалла-қўй, қариндош-уруғ қараб турмас. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деганларидек, бир амаллашар. Бироқ, олдинда энг қўрқинчлиси бор-да. Зурриёт нима бўлади? Унинг номи шу билан ўчиб кетаверадимиз? Қўмга сингиб кетган сувдек-а? “Нормат рассомнинг неварасимисан?”, “Бобонгнинг оти Норматмиди?”, “Оббо, шоввоз-ей, бобонгга ўхшаб жуда шўх бўпсану” демайдимиз, ҳеч ким?

Қандай даҳшат!

Ота балки шуларни ўйлаб азоб тортаётгандир?

Албатта ўйлайди-да. Умид билан ўгил ўстирсаю, у ҳам ноқобил чиқса. Бунинг устига яна ёлғиз бўлса? Биридан бўлмаса, бошқасидан кўрарман, дея олмайди ҳам. Ота эзилмай ким эзилсин? Қаддини дол, юзини шувут қилган фарзандининг тутимини кимга айтсин? Нима етишмаётганди бу болага? Ота йиғламасин дунёда!

ХII. АЗИЗНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?

Бир пайтлар у ҳам шундай кўйга тушган эди. Ҳали дунё юзини кўрмаган боласидан айрилганда олам кўзига зимистон бўлди. Нимасини айтасиз, ҳаётдан тамомила кўнгли совиб, нима қиларини билмай қолган. Ҳатто кўлига тиг олиб, уни бу аҳволга солган ярамас дўхтирнинг кўксига санчмоқчи ҳам бўлган. Қасос ўчи шунчалар кучли эдики, кўзига ҳеч нарса кўринмаган. Аммо ғанимни тўхтатишга у эмас, Ботир улгурди. Ноҳақликка чидай олмаган Ботир бир каззобни янчиб ташлади, аммо афсуски, ўзи ҳам нобуд бўлди.

Ногоҳ ёдига тушган машъум ҳодиса Элёрнинг вужудини титратиб юборди. Бу ерда эса Нормат аканинг бошига

тушган бахтсизлик. У чидай олмади. Эртага келишни айтиб Нормат акага қўл узатди. Гуссага ботган рассом Элёрни қучоқлаганда ўзини тутолмай йиглаб юборди. У пешанасини йигитнинг елкасига кетма-кет ураркан, “ўғлимни ўлдиришди, ёлғиз фарзандимдан жудо қилишди”, деб фиғон чекди. Бу дардли ноладан кўкси зирқираган Элёр лоақал бирор жўяли гап айтишга ожиз қолди. У Азизни ўз ажали билан вафот этганига аллақачон шубҳа қилган ва бу гумони ҳақлигини билиш учун ҳам Нормат аканинг атрофида уймаланиб юрарди. Боя имкон топилиб аста суҳбатта тортганининг боиси шу эди. Ана энди уйи тўғри чиқди. Қандайдир ёвуз кучлар Азизнинг ҳаётига нуқта қўйган бўлиши мумкин? Агар шундай бўлса, нима сабабдан ўлдиришди? Азиз уларга нима ёмонлик қилдики, бу мудҳиш ишга қўл уришди?

“Демак, Нормат ака билади, — Элёрнинг хаёлидан дарҳол шу фикр ўтди. — Моргдагилар ўлим сабабини айтишган, албатта. Балки ўзи суриштириб билгандир? Нормат ака индамай қўядиганлардан эмас, тагига етган бўлиши керак. Лекин буни қандай сўрайман. Ё, кечқурун қайтиб келсаммикин? Яхшиси, эртага батафсил билиб оларман. Ҳозир барибир гапирадиган аҳволда эмас. Юрагини баттар сиқмай қўя қолай”.

— Аллоҳ сизга сабр берсин, Нормат ака, — ниҳоят ҳамдардлик билдиришга куч топди Элёр. Аммо унинг овози шунчалар гамгин ва секин чиқдики ўзи ҳам аранг эшитди. — Мархум укамиз билиб-билмай кўнглингизни оғритган бўлса, кечиринг. У асло ёмон йигит эмасди. Буни ўзингиз ҳам биласиз. Адашди. Кимдир уни тўғри йўлдан оздирди. Бироқ у бир куни ўз хатоларини тушуниб, олдингизга бош эгиб келишига ишонардим. Ҳа, Нормат ака, бунга амин эдим. Ушанда бағрингизга бош қўйиб, “Мени кечиринг, отажон! Мен нодон ўғлингизни афя этинг!” деган буларди.

Бу гапдан отанинг юраги, нафақат юраги, балки бутун вужуди оташ бўлиб ёнди. Титроқ босган қўллари таранг-лашди, кейин бирдан Элёрнинг пальтосини мижиглади.

Зурриётидан мосуво булган Нормат аканинг қайгусига ҳамдардлик билдиришнинг ўзи эмасди. Индамасанг, кўнглинг хижил, гапирсанг, азадорнинг ўртанган қалбини баттар ўкситиб қўйишинг мумкин.

— Бадбахт, золимлар! Уни осиб ўлдиришибди-я! — деди Нормат ака оғзини Элёрнинг елкасига босганича.

Бутиқ овоз қулоғига аниқ эшитилди. Бир сакраб тушган Элёрнинг бутун бадани музлагандай бўлди. Узини қўлга олиб, нимадир демоққа чоғланди, айни пайтда Нормат аканинг қўлларини бушатмоқчи эди, эгполмади — тақдирнинг бундай ёзигини кутмаган рассом уни қўйиб юборишни истамасди.

— Сенларга жон керак экан, мана, менинг жонимни олмайсанми? Ёш йигитни бадном қилиб нима қилардинг. А, нима қилардинг? — деди Нормат ака бўғилиб. У ҳамон Элёрни бағрида маҳкам қучиб турарди.

— Демак, Азия... уларнинг қўлидан қочиб қутула олмаган, — Элёр шундай дея оҳиста фикрини билдирди.

— Уятга қолдим, уятга! Гурурим синди, Элёрбек! Ёлғиз ўғлимни сақлаб қололмадим. Ахир у эндигина...

— Сизни тушуниб турибман, Нормат ака, — дея Элёр Нормат аканинг елкасини силади. — Аммо ўзингизни абгор қилманг. Сиз ҳали келинойимга кераксиз. Бардам бўлишингиз керак.

— Йўқ, бардошим етмайди, — деди Нормат ака зорланиб. — Айтинг, яшашдан маъно қолдими? Биттагина умидим бор эди. У ҳам сўнди. Энди бу бошни кўтариб нима қилдим. Тошга уриб ёришим қолди, холос.

— Бу ишни ким қилганини билдингизми? — сўради Элёр мадори қолмаган Нормат аканинг қўллари бушашганидан фойдаланиб қадини ростлар экан. У атрофга ер остидан қараганда кўпчиликни уларга қараб турганига нигоҳи тушди. Элёр Нормат акани ўтиришга ундади.

— Милиция қаровсиз уйдан топганмиш. Ўз жонига қасд қилиш деб ишни ёпишибди.

— Осон йўлни танлашибди-да.

— Ҳа, айтгандай, делони бу ёққа жўнатармиш. Балки боланинг ўлимига уйдаги муҳит сабабчи бўлиши мумкин, экан. Шунинг учун биз ҳали сўроқ берарканмиз. Углингиз бекордан-бекорга уйдан чиқиб кетмагандир, деб ўзимга зугум ўтказишди. Бу ноҳақликка чидаёлмай бақириб ташладим. Кейин билсам, ўғлимни ичини ёриб, оладиган нарсаларини олиб бўлганига арз қилмаслигим учун шундай дейишган экан. Зорим бору зўрим йўқ, деб эт билан суюги қолган боламни қайтариб олиб келавардим.

— Ростанам даъво қилмадингизми?

— Қиламан десам, унда, терговни шу ерда ўтказамиз. Бутун қариндош-уруғингизни, гумондор шахсларнинг ҳаммасини Наманганга чақирамиз. Бир ойми, икки ойми кутасизлар. Унгача жасад ҳам моргда туради. Олиб кетишга рухсат бермаймиз, дейишди. Хўш, мана шу гаплардан кейин додимни кимга айтаман? Ўзимни анқовликка солдим.

— Яхши қилибсиз.

— Бошқа иложим ҳам йўғийди.

— Азиз ҳаммамизни доғда қолдирди.

— Нимасини айтасиз.

— Ҳалиги капитан менга ҳам шаҳардан ташқарига берушсат чиқиб кетманг, деган. Уларга хабар бермадингизми? — сўради Элёр Нормат акага юзланиб.

— Эсимгаям келмабди.

— Хужжат келгач, ўзлари чақиртирса керак.

— Балки.

Элёр энди бир оз тинчланган Нормат ака билан хайрлашиш учун ўрнидан турди. Кўзлари қизариб, қовоқлари салқиган Нормат ака миннатдорчилик билдириб, сал наригача кузатиб қўйди.

ХІІІ. ОТАЛИК БАХТИ

Элёр йўл-йўлакай дорихонага кириб уйга телефон қилиб олишни сўради. Уэун бўйли, ориққина қиз истамайгина рози бўлди. Икки марта қилган қўнғирогига жавоб бўлмагач, учинчи бор уринишга истехола қилди. Шундоқ ҳам қошларини чимириб турган сотувчи унга тез-тез қараб қўяётган эди.

— Пулийиз керакмас, — деди сотувчи қиз чўнтагини кавлаётган Элёрга. Бир оз зарда билан айтилган гапдан нима қилишни билмай иккиланган йигит ниҳоят раҳмат айтиб дорихонани тарк этди. Энди унинг фикру хаёли уйида эди. “Муҳаббат нега жавоб бермади экан. Ё, бирор ёққа чиқдимикин? Лекин эрталаб индамади-ку. Тинчликмикин, ишқилиб?”

Клубга бориб ўтирмади. Аввал уйга кириб қўнглини хотиржам қилмоқчи бўлди. Кейин туни билан машқ қилсаям бўлади. Лекин бу нарса рухсат олишига боғлиқ. Агар бугун Муҳаббатнинг уйидагилардан бирортаси келиб қолса борми, уйдан хавотир олиб ўтирмасди: мураббийни бир амаллаб қўндирадди-да, истаганча машқ қилаверарди.

Ичида зур бўларди-да, деб уйга етиб келган Элёр эшикнинг қўнғирогини қайта-қайта босди. Очилавермагач, ҳали телефон қилган вақтидаги кайфиятга қайтди. Хавотири кучайиб чўнтагидаги калитлар шодасини олгунча шошиб қолди. Ана энди тўртта калитнинг қайси бири эшикка тушишини топиши керак. Бир-бирига ухшаган калитларнинг бирини тиқиб кўрди. Очмади. Хаёлида эса бир гапни такрорларди холос: ишқилиб, тинчлик бўлсин-да. Хайрият иккинчи калит буралди.

— Муҳаббат!

Ҳеч ким овоз бермади.

— Ҳов, Муҳаббат! — Туфлисини ечиб ўтирмай ичкарига ошиқди.

Икки хонали уйни бир зумда айланиб чиқди. Балкон билан ҳожатхонани қарагунча юраги уйнаб қолди. “Поликлиникага чиқдимикин? Балки уйдан бирортаси келаётган бўлса кутиб олишга кетгандир? Йўғ-е, ўзи инқиллаб зўрга юрувди-ку. Кучага чиқадиган аҳволи борми?”

Бир зумда юраги сиқилиб қолди. Ошхонага чиқиб энди стулга ўтирмоқчи эди, стол устидаги бир парча қогозга кўзи тушди. Уйлаб ўтирмай столдан юлқиб олди.

“Мени 8-тугуруқхонага олиб кетишди. Хавотир олманг”.

Элёр бу икки қатор жумлани ўқигунча қора терга ботди. “Нега олиб кетади? Ҳали бир оз бор деганди-ку? Нима бўлдийкин? Йиқилиб-нетиб тушмадимикин?” Шу фикр унинг юрагини зириллатиб юборди. Ногоҳ йиқилишнинг орқасидан хотини ҳомиласидан айрилган эди. Наҳот, яна...

Элёр у ёгини уйлашга қўрқди. Шарт ўрнидан туриб саккизинчи тугуруқхонани излаб кетди. Дуч келган машинага қўл кўтара бошлади.

— Саккизинчи роддомни биласизми?

— Билганда қандоқ.

— Унда, кетдик, ака.

— Яхшилаб ўрнашиб ол.

Мижоз ўтириши билан семиз ҳайдовчи “Жигули”га газ берди.

— Тугилдими ё эндими? — бирдан гап бошлаб қолди шоп мўйловли ҳайдовчи. У семизлигига қарамай машинани чаққон бошқариб борар, қувиб ўтишга йўл бўшатмаётган ҳайдовчиларга эшитсин деб кетма-кет сигнал берар, бир амаллаб ўтиб олгандан кейин эса кўзларини олайтириб қараб қўярди.

Элёр чайқалиб-чайқалиб кетса-да, машинанинг тез юраётгани унга маъқул эди. У эллик ёшлар атрофидаги, узун қора қошлари ҳам қалин шоп мўйловидан қолишмайдиган кишини энди кўраётгандай тез-тез кўз қирини ташлаб қўяркан, бир зум нима деб жавоб қилишга уйланиб қолди.

— Ҳм, дамнинг ичингга тушиб кетди. Қизми, дейман? — сўради умуман тебранмаётган ҳайдовчи мижозига қараб қўяркан.

— Ҳали билмайман, — деди Элёр тутқични маҳкам ушлаб.

— Унда, нега рангинг оқариб кетган.

— Уйга келсам, йўқ экан-да.

— Биринчисими, дейман?

— Ҳа.

— Унда, куйиб-пишма. Қайтага яхши-ку, боргунингча ҳаммаси тайёр бўлади. Деразанинг тагида саргайиб турмайсан. Ё, биринчиси қиз бўлади, деб гумондамисан?

— Йўқ.

— Ҳа, баракалла. Мана, менам бешта қизнинг отасиман. Бир жойим камайиб қолгани йўқ. Қайтага семириб, лўм-биллаб юрибман. Қиз яхши, узатасан, қутуласан. Уғилниям бори тузук. Аммо олган келининг яхши чиқса, берди Худо, ёмон чиқса, урди Худо. Додингни бировга айтолмай, юрагингни чангаллаб нариги дунёга равона бўлаверасан.

— Келин олмаган бўсайиз қаердан биласиз? — деди Элёр ўзини чалғитиш учун.

— Эсимни таниганимдан бери бешинчи таксопаркда ишлаганман. Бир амаллаб пенсияга жунатишди. Бир ҳафта уйда ўтирувдим, юрагим сиқилиб қолди. Унча-мунча орттирганимга шу машинани олиб, тирикчилик қилиб юрибман-да, укам. Ҳа, келин масаласида сўровдинг-а? Машинага чиққан кексаларни бир гапга солсанг бўлди. Бир пасда ичидаги дардини айтиб қўйганини ўзлариям билмай қолишади. Шунинг учун ўғлим йўқлигига кўпам куйинмайман.

— Бизгаям атагани бордир, — деди Элёр ҳам ўкинч, ҳам умид билан.

— Албатта-да. Фақат қиз бўлса, келиннинг дилини огритиб қўймагин.

— Ўлибманми?

— Ийе, дарров етиб кепмиз-ку.

— Узиям машинагамас, самолётга чиққандай бўлдим-да, ака, — деди Элёр ҳақиқатдан тез етиб келганига тааж-жубланганини яширолмай.

— Бунақа жойга ўқдай учиб боришни ўргангин. Балки хотининг сени кутиб туғолмай тургандир. Овозингни эшитиши билан кўзи ёриси, ажабмас. Бўпти, омадингни берсин.

— Етадими? — Элёр ҳайдовчига анча пул узатди.

— Етади, етади. Борақолсанг-чи, имилламай. Ё ўғил бўлса, суюнчисиниям опчиқмоқчимисан?

— Кутиб турасизми?

— Мендан бекорчи одам борми?

Элёр темир дарвоза томон шошди. Йигит ичкарига кириб кетгач, “Ҳаҳ, ота бўлгур-а” деб иршайиб қўйган ҳайдовчи машинасини ортга бурди.

XIV. ТУГУРУКХОНАДА

— Қани, папаша, суюнчини чўзинг-чи, — деди қўлидаги қогозга кўз югуртирган ўрта бўйли, дўмбоққина ҳамшира дарҳол ўрнидан тураркан оғзини тўлдириб.

— Уғилми-қиз? — деди Элёр “папаша” деган сўзнинг маъносини англаб, оғзи қулоғига етди.

— Гапингиз тўғри, Сурайё опа, — дея ниманидир берилиб ёзиб ўтирган ўзи сингари тўладан келган, қорамағиз аёлга кўз ташлаб қўйди ҳамшира. — Ҳақиқатанам бу эркакларнинг тупроғи бир жойдан олинган. Хотиним яхшими, аҳволи қандай, қийналмай қутулиб олдим, деб сўрашни билишмайди. Аммо “ўғилми-қизми?” дейишга тиллари бурро. Биз шўрлик аёллар жон олиб, жон берсак-да, парвойи палак.

— Мана, опажон, — деб ўзи тенгқур ҳамширанинг сохта қайғусига эътибор қилмай қўлига пул тутқазди Элёр. У “папаша” деган сўзни эшитиб, ота бўлганини тушунганидан сўнг уйга телефон қилганидан бошлаб юрагига тушган ҳадикни бутунлай эсдан чиқарган, қўрқув, ваҳима ўрнини

бирдан хушхабар, севинч ҳислари эгаллагани боис ҳам беихтиёр айтиб юборган эди.

— Уғил бола учун камлик қилади, папаша.

— Уғилми? — Элёрнинг кўзлари порлаб кетди. Қулига қанча пул илинди, қараб ҳам ўтирмади, ҳаммасини “жон олиб, жон берган” ҳамширага узатди.

Қошлари тепага чимирилиб кетган ҳамшира Элёрнинг қўлтигидан оларкан, кўрасизми, деди аста пичирлаб.

— Албатта.

— Манг, мана бу халатни кийиб олинг, қалпоқ эсдан чиқмасин. Иккинчи қаватга кўтарилиб, эшикдан кирганингизда шундоқ чап қўлдаги биринчи эшик. Сўраганларга врачман денг, хўпми? Фақат тақиллатиб киришни унутманг. Сизга бир икки минут рухсат. Келишдикми? — Алоҳида таъкидлади йигитни иккинчи қаватга кўтариладиган зинагача етаклаб келган ҳамшира.

— Хўп.

— Тез чиқинг, ҳозир эмизишга олиб киришади.

Элёр тепага отиларкан, зиналарни икки-учтадан сакраб қўя қолди. Ичида эса тинмай бир сўзни такрорларди: “Уғил, уғил, ўғил экан!”

Йигит кетиши билан ҳамшира чунтагидаги пулни олиб шошиб-пишиб санади-да, қўли очик “папаша” анча-мунча бериб юборган суюнчидан кўзлари қувнаб, калласини лиқиллатганича ярмидан кўпроғини яна чунтагига солди, қолганини эса шерига беришга шай қилиб кафти орасига яширди. Бир зумда шунча суюнчи пулига эга бўлганига мамнун бўлиб, яна қошларини чимириб қўйди-да, тез-тез юриб иш жойига қайтди.

* * *

Иккинчи қаватга кўтарилган Элёрнинг эса бир пайтлар Қўқондан поездда қайтаётганида вагон назоратчисининг ёрдамчиси сифатида Муҳаббатга қилган ҳазили ёдига тушиб,

қитмирлиги тутса бўладими. Хотиним енгиллаб олибди, хурсанд бўлиб ўтиргандир, ҳазиллашсам кўнглига ботмайди, деган ўй уни йўлдан урди. Бўлмаса сал олдин ҳам хаёлида бунақанги шумлик йўқ эди. Бутун фикру зикри тезроқ етиб бориш ва хотинининг аҳволини билишга қаратилганди. Ҳайдовчининг ярим чин, ярим ҳазил гаплари қулоғига ё кирди, ё кирмади. У шу даражада ўй-ташвишда эдики, ҳатто азадан келаётганини ҳам унутганди. Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади деганларидек, бир марта юрагини олдирган эмасми, йўл-йўлакай ич-этини еб бўлаёзганди.

Энди-чи? Энди нима бўлди унга? Наҳот, инсонга унутувчи деб ҳаққоний баҳо берилган? Биргина хушхабар гирдоб сингари ўз қаърига тортаётган жамики машъум хаёлларини бутунлай тарқатиб юборди: гўё қуёш чиқдию, қалин тумандан асар ҳам қолмади.

Элёрнинг қувлиги бор, ҳазил қилишга мойилроқ ҳам эди, ammo бу даражада деб ўйламагандим. Вазиятни билиб, дарров кўнглига ҳазил қилиш сиққанини қаранг.

Оғзи қулоғига етган бу боланинг қилган қилигини кўрмайсизми: шундоқ кираверишда ўтирган навбатчи аёлнинг кўзойнагини бир дақиқага деб сўраб олди-да, кўзига тақди. У ёғ-бу ёғини тўғрилаб, юзига жиддий тус берди. Эшикни икки марта тақиллатди, одатда, эркак дўхтирлар кутганидай, сал вақт ўтказиб ичкарига қадам босди. Икки томонда бир-бирлари билан ёнбошлаган ҳолатда ўзаро гаплашиб ётган аёллар нотаниш эркак дўхтирни кўриб, бирдан қаддини ростлаб ўтиришди.

— Салом. Хуш, мамашалар, соғлиқдан шикоят йўқми? — деди Элёр овозини ўзгартириб. “Мамаша” деган сўз ҳам шу пайт тилига келиб қолди.

— Йўқ, раҳмат, — дейишди аёллар бундай сўровдан ажабланиб. Улар “Бу ерда эркак дўхтир нима қилиб юрибди?” дегандай елка қисишди ва ноилож бўлиқ кўкракларининг устига бириси қўлда тўқилган қора рўмол, бириси эса бош томонида осиқлиқ турган сочиқ ташлади.

— Шароит қандай, қониқарлими? — сўради Элёр деразадан ҳовли томон нигоҳ ташларкан.

— Яхши, — деди елкасига ташлаган қора рўмоли билан ўзини маҳкам ўраб олган аёл. — Асосийси, дўхтирлари хушмуомала. Овқатига эса... чидаса, бўлади.

— Шундай денг. Ҳм, ҳм. Хуш, қизалогингиз яхшими? — деб сўради Элёр ичкарига ўгирилиб, хотинига назар ташларкан.

— Меники қиз эмас? — деди Муҳаббат бу саволдан таажжубланганини яширолмаёй.

— Фамилиянгиз Одиловами? Бугун келдингиз, кўзингиз ёриганига тахминан икки-уч соатча бўлди. Чақалоқ уч килою олти юз эллик грамм тугилди. Тўғрими?

Муҳаббат аниқ далиллар қаршисида жим қолди.

— Демак, сизники қиз.

— Кечирасиз, сиз янглишяпсиз. Меники ўғил! Тугилганда ўз кўзим билан кўрганман. Ким биландир адаштирдигиз шекилли.

— Адаштирганим йўқ. Биэда янглишиш мумкин эмас.

— Нега унақа дейсиз? Мен ўғил туққанман!

— Ҳа, Муҳаббатхонники ўғил, — гапга аралашди йигирма беш ёшлар чамасидаги, оқ-сарикдан келган аёл стулга ўтиб утираркан. Унинг ҳам ҳайронлиги юз-кўзларидан шундоқ сезилиб турарди. — Меники қиз.

— Ҳа, Фотимахонники қиз.

— Сизникиям қиз, Одилова. Дўхтирлар адаштириб қўйишибди, деяпман-ку, — Элёр атай дўқ қилиб гапирди.

— Улар адаштиришмаган! Меники ўғил. Аниқ ўғил бола. — Йиғламоқдан бери бўлди Муҳаббат.

Шу пайт эшик очилиб, қўлида чиройли йўргакланган иккита чақалоқ кўтариб ҳамшира кириб келди.

— Мамашалар... — деганича гапи оғзида қолди. Ичкаридаги нотаниш эркакнинг жиддий кўриниши, ҳамширани бир зум саросимага солиб қўйди. "Комиссия келиши мум-

кин!” деб эрталаб кимдир гапиргандай бўлувди. Наҳот, ҳеч кимга билдирмай келиб, текшираётган бўлса?

— Кечирасиз, мен... чақалоқларни эмизишга...

— Уғлимни бера қолинг, — деди Муҳаббат ҳамширага.

— Қизалогимни беринг-чи? — ўрнидан шарт туриб келди Фотима.

Оналар бир зумда фарзандларининг юз-кўзларидан ўпиб бағирларига босишди. Она ҳидини сезган чақалоқлар бирдан йиғлашга тушди.

— Шу йиғлоқи бола сизникими? — сўради Элёр узини зўрға ушлаб тураркан.

Муҳаббат дарҳол тескари ўгирилиб олди.

— Чиқиб турсангиз бўларди, болаларни эмизишимиз керак, — деди Фотима тортиниб ўтирмай.

— Ҳозир. Лекин сиз яхшилаб қаранг, — деди Элёр эшик томон бурилиб. — Чақалоғингиз қиз бола.

Ҳамшира наҳот янглишган бўлсам дегандай, бир зум шошиб қолди ва Муҳаббатнинг бағридаги чақалоққа термилди, кейин ҳар эҳтимолга қарши йўргакнинг оёқ томонини очиб, махсус рақамга кўз ташлади. Сўнг:

— Узлариникию, — деди енгил хўрсиниб.

— Эрингиз ҳам йиғлоқи эдими? — деди эшик ёнига етган Элёр энди ортига ўгирилиб.

— Эрим билан...

Муҳаббат гапини давом эттиролмади. Бошидан қалпоқни, кўзидан кўзойнакни олган сохта дўхтирни эри эканлигини билиб, анграйиб қолди. У шу тобда на хафа бўлишни, на севинишни билолмай ғалати аҳволга тушди.

— Элёр ака? — деди ниҳоят узини қўлга олиб.

— Салом, Муҳаббат! Ўғил муборак бўлсин!

— Шунақаям ҳазил қиласизми? Ота бўлсангиз ҳам қитмирлигингиз қолмас экан-да.

— Узр. Узр, хурсандликдан ўзимни тутиб туролмадим. Қани, муҳаббатнинг мевасини бир кўрай-чи!

— Ҳали бу киши хўжайинингизми? — сўради аллақачон қизчасини эмизишни бошлаб юборган Фотима кўкрагини қўли билан тусиб.

— Ҳа, мана шу эси йўқ киши хўжайиним, — деди Муҳаббат йиғлашдан тўхтаб тамшанаётган чақалоғига меҳр билан тикиларкан.

— Мабодо актёр эмасмисиз? — суради Фотима ҳазилкаш эркакка юзланиб.

— Бир ролга кирсалар анча-мунча халқ артистидан қолишмайдилар, — деди Муҳаббат ўғилчасини юзида севинч порлаётган эрига аста тутқазаркан.

— Қани-қани, кесинлар-чи, ота ўғил, — Элёр чақалоқни авайлаб қўлига олди ва меҳри жўшиб қип-қизил юзларидан ўпди.

Аллоҳнинг марҳаматини қаранг, дўриллаган овоз, юзи-га теккан қалин лаб гўдақни сескантириб юбордими ёки шу киши менинг отамми, қани, қанақа экан дегандай юмиқ кўзларини катта очиб бир қараб қўйди ва чинқириб йиғлаб юборди. Элёр биринчи учрашувнинг боисини тушунмади.

— Бўлди, бўлди. Мана, онангизга беряпман. Бўпти, мен пастда бўламан.

— Деразадан қарарман.

— Яхши. Ҳа, айтгандай, сизни ҳам табриклайман! Фарзанд муборак бўлсин!

Элёр шундай деб, хонани тарк этди. Ташқарига чиқиб кўксини тўлдириб-тўлдириб нафас олди. Хурсандлигини кимгадир айттиси келди. Аксига олиб ёнида ҳеч ким йўқ. Бирортаси ўтиб қолармикин, деб ён-верига кўз ташлади. Шунда ёдига йўловчи машинанинг эгаси тушди ва кўчага шошилди. Бироқ таниш машинани тополмади. Атрофга қарай-қарай ичкарига қайтган Элёрнинг хаёлини ширин ҳис-туйғулар эгаллади: “Юзимни ёруғ қилганинг учун ўзингга шукр. Энди уларни ўз паноҳингда асра. Оиламни боқишим учун менга куч-қувват ва омад бер”.

ХV. ҲИБСА ОЛИШ

Қунгироқ кетма-кет чалинди. Чучиб кетган Элёр ухлаб қолдиммикин, деган уйда дарҳол деразадан ташқарига кўз ташлади, ҳали тонг ҳам отмаган эди. Апил-тапил ўрнидан турди-да, елкасига узун халат ташлади. Бу орада қунгироқ яна овоз берди, уйқуси ўчган Элёр шошганидан ташқи йўлакни кўриш учун ўрнатилган махсус тешикчага қараб ҳам ўтирмади. Саҳарлаб безовта қилган ким бўлдийкин, уйдан яна меҳмонлар келган бўлса-я, деб дарҳол эшикни очди.

Шу заҳоти ичкарига юзига қора ниқоб тақиб олган, қўлида автомат кўтарган, гавдали уч киши отилиб кирди. Уларнинг бири анграйган йигитнинг қўлига дарҳол кишан солди ва халатининг ёқасидан ушлаб ошхонага етаклади. Икки киши эса бир зумда хоналарни текшириб чиқди ва четдаги кичикроқ меҳмонхонада бир аёл борлигига ишора қилди. Уйдаги барча чироқлар ёқилгач, ичкарига ўрта бўйли, тўладан келган, устида калта қора куртка, бошидаги қишки шапкасини бостириб олганидан кўзлари аранг кўриниб турган киши аста қадам босиб кириб келди.

— Элёр Одилов сенмисан? — сўради ниқобланганларнинг бошлиғи кўрсаткич бармоғини йигитнинг кўксига ниқтаб.

— Ҳа, — деди Элёр бу ташрифнинг боисини тушунмай.

— Уйда компьютеринг борми?

— Йўқ.

— Китобларинг қаерда? Ўқийдиган китобларинг қаерда деб сўрадим?!

— Меҳмонхонадаги... шкафда.

Бошлиқ ёнида турган ниқобли — икки кўзи ва оғзигина кўриниб турган кишига имо қилганди, автоматини елкасига олган аскар меҳмонхонага шошилди. Бу орада ошхонага Элёрнинг қайнсинглиси кўрқа-писа кириб келди. Тошкентга келишга институтдан қишки таътилга чиққан Санобардан бошқа бемалолроқ одам топилмади. Узи анчадан бери пой-

тахтта боришни орзу қилиб юрарди. Совуқ бўлишига қараб ҳам утирмади, йўлга тушди. Келгач, жиянли бўлганини эшитиб, янада севинди, эрталаб олиб боришни поччасидан илтимос қилди.

Бироқ тонг саҳарда бу ҳуркак қиз ҳам чўчиб уйғонди, адашмаса, ширин туш кўраётган эди, аммо ҳаловати бузилиб, нималигини эслаб ҳам утирмади. Йўлакдаги дупур-дупур оёқ овозлари хаёлини олди, устига эгнини кийиб нима гаплигини билишга ошиқди. Умида юзини қора ниқоб билан тўсган, кўкиш ола-була форма кийган, қўлида қурол, белидаги узун-узун чўнтаклари туртиб чиққан одамларни яқиндан кўрмаган Санобар нима бўлаётганини англолмади. Поччаси ваҳимадан донг қотган, ранглари оқариб, ошхона деворига суяниб зўрга турарди.

— Ким, бу қиз? — бошлиқ Санобарга кўз қирини ташларкан Элёрдан сўради.

— Хотинимнинг синглиси. Кечқурун Қўқондан келди.

— Хотининг қаерда?

— Роддомда. Кеча... кўзи ёриган.

— Уғил кўрганнингни биламиз. Қани, бул, биз билан кетасан! Тезда кийиниб чиқ! — Бошлиқ шундай деб эшик олдида турган бўйдор ниқобли аскарга имлади.

Автоматини ўқталиб турган ниқобли, гурс-гурс қадам ташлаб Элёрнинг ёнида пайдо бўлди ва бир ҳаракат билан унинг қўлини кишандан бўшатди. Вужудда титроқ, юрагида ваҳима, хаёли эса Намангандаги воқеалар билан алғовдалгов бўлган Элёр буни пайқамай ҳам қолди. Бошлиқнинг саволларига ҳам ўйлаб-ўйламай жавоб қилаётган эди. Шу тобда у ўз хаёллари билан банд эди. “Орқамдан одам қўйилганмикин? Чойхоначи йигит билан етаклашиб юрган-нимни, ҳокимият биносига ҳам бирга борганимни кўришиб... ушалардан деб гумон қилишган. Яширинча видеога олишган бўлса, мени ҳам кўришган, албатта. Алоқаси борки, гуруҳ аъзолари ичида турибди, деб шартта хулоса чиқаришган ва

мана... олиб кетишга келишган. Уйга бостириб киришди-ми, демак, аҳвол чатоқ! Ишқилиб, пешанамга “ватан хоини” деган тамга босилмасин-да! Агар мақсадлари жиноятчилар сонини кўпайтириш бўлса, унда ростанам ишлар чаппасига айланиб кетади. Бокс ҳам, орзу-умидлар ҳам тугайди. Нафақат ўзимга, фарзандимга ҳам эркин ҳаёт эшиклари ёпилади. Ахир бу... даҳшат-ку!”

— Нега турибсан, қаққайиб! — ўшқирди бошлиқ.

Элёрнинг ўзига бўйсунмаган оёқларига бирдан куч кирди, аммо юраман деб мункиб кетаёзди.

Меҳмонхонадан чиққан ниқобли аскар бошлиққа бир дона “Намоз ўқиш қойдалари” деган юпқа муқовали китобча узатди.

— Қолган китобларинг қаерда? Офисдами?

— Яна қанақа китоблар? — сўрашга журъат топди Элёр хонага кириш олдидан.

— Мамлакатда сиёсий тўнтариш қилиш тўғрисидаги, ҳизбут-тахрир ва ваҳобийликка оид қўлланмаларни қаерга яширгансан? — Бошлиқнинг сўзларидан гўё дераза ойналари зириллаб кетди.

— Менда унақа китоблар йўқ, — бўлиши мумкин бўлган хавфни олдиндан сеза бошлаган Элёрнинг юрагига баттар ваҳима тушди. Унинг овози атрофдагиларга зўрға эшитилди. Эшик тутқичини ушлаб тиззаси қалтираётганини яширмоққа уринди.

— Яширишга улгурибсан-да?

— Сиз айтган китобларни умуман кўрмаганман.

— Кўрмаганмисан? Буни тезда кийинтириб машинага олиб тушинглар. Тўғри офисига борамиз. Калитни олиш эсингдан чиқмасин. Тушундингми? Сенларга икки минут муҳлат. Мен пастда бўламан. Вақт кетди.

Бўйдор ниқобли аскар Элёрни хонага итариб киргазди ва кийинишини кута бошлади.

— Поччамни қаерга олиб кетяпсизлар? — Ва ниҳоят тилга келди рангида ранг қолмаган Санобар.

У деворга суянганича қотиб турарди.

— Яна савол берсанг, сени ҳам олиб кетамиз! — деди эшик олдиға етган бошлиқ бирдан ортиға қайрилиб. — Поччанг, Қозоғистонга — бокс мусобақасида қатнашиш учун кетди, тушундингми? Ҳозирча ўн беш кунга. Ким сўраса, шунақа дейсан.

— Опам... га-чи?

— Опангга ҳам! Бошқа гап оғзингдан чиқмасин! Туғишган опангга озор беришни истамасанг, тилингга эҳтиёт бўл! Тушундингми?!

Санобар нима деб жавоб қайтаришни ҳам билмади.

Бошлиқ эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас, хонадонда унинг сўп-пайиб бир ўзи қолди. У ҳеч нарсага тушунмади. Ниқобдаги кишилар кимлар ўзи? Улар поччасининг қўлига нега кишан солиб олиб кетишди? Поччаси нима гуноҳ қилдийкин? Энди опасига нима дейди? Хизмат сафарига кетди, деса ишонармикин?

“Нега менга бир оғиз айтмай кетади, ростини гапир!” деб сўрайверса-чи? Ҳоли-жонига қўймаса-чи? Унда нима қилади, ҳақиқатни айтадими ёки барибир сирни ошкор қилмай тураверадими?

Ҳа, энди, унга қийин бўлади. Икки ўртада қолгани аниқ. Бўлган ҳодисани айтиб берай деса, опасининг дилини вайрон қилади. Кимдандир эшитгандай бўлувди, эмизикли аёлнинг бошига қайғу тушса, сути қочиб кетаркан. Агар шу гап рост бўлса, содир бўлган кўнгилсизликни гапириб бўладими? Индамаса, ўзининг ичи ёниб кулга айланади. Қачонгача чидай оларкин?

Поччаси-чи? Нега у индамай чиқиб кетди? “Бу қандайдир англашилмовчилик, хавотир олманг, Санобар!” дея номига бўлса-да, кўнглини кўтариб ҳам қўймади? Ёки “Мени қаерга олиб кетяпсизлар, нима ҳақларинг бор, уйимни тинтув ўтказишга прокурорнинг рухсати борми?” деб нима учун

бир огиз сўрамади? Қани юр, деса, индамай кетаверадими? Балки бу одамлар бандитлар бўлса-чи? Мустақиллик шарофати билан ёмон одамларнинг гуноҳидан кечиб, қамоқдан чиқарилганлари яна бемаъни ишлар билан шугулланиб юришганмиш-ку? Бу кишилар яна ўша босқинчилардан бўлмасин? Ахир уни ҳам қўрқитиб кетди-ку? Яна ҳайрон қоладигани опаси ўғил кўрганини қаердан билишди, экан?

Саволлар гирдобы унинг бошини айлантириб юборди. У на туришни, на юришни, на бирон нима қилиш кераклигини билмас, умуман ҳеч нимага калласи ишламай қолди. Шапкали бошлиқнинг ярми кўриниб турган хумрайган нигоҳи, дагдағали овози, қўлини пеша қилиб гапириши гўё уни бир жойга михлаб қўйгандай эди.

ХVI. ЕРТЎЛАДАГИ БИРИНЧИ КУН

Элёрнинг тахмини тўғри чиқди. Диний экстремистик гуруҳ аъзолари билан мулоқотда бўлганлиги асос қилиб олиниб, бу нарса қанчалик ҳақиқат эканлиги аниқлангунча ўн беш кун изоляторда сақланадиган ва кўрсатма берадиган бўлди. Шу куниеқ суд қарори ўқиб эшиттирилди ва у билан яна уч йигитни махсус машинада шаҳар ички ишлар бошқармасига олиб келишди. Элёр бу ҳашаматли бинони танимади. Икки-учта постдан ўтиб, ертўлага тушганда эса қўрқувга ҳам тамомила асир бўлди. Бир зум эшик олдида тўхтаб қолди. Ниқобли аскар тутқинни ёқасидан ушлаб ичкарига итарди. Элёр гандираклаб кетди.

Эрталаб уни сўроққа чақирди. Каттагина хона, уртага битта ёғоч стол қўйилган, унинг оёқлари полга шундай қаттиқ михлаб ташлагандики, унча-мунчага қимирлатиб бўлмайди. Ранглари ўчиб кетган курси ҳам қотирилган, девордаги чироқ, усти ёпиқлиги учунми хонани хира ёритиб турарди. Ниқобли аскарлар темир эшикни маҳкам ёпиб чиқиб кетганда Элёр ваҳм билан атрофга разм солишга уринаётган эди.

— Утир! — деди хонага шахдам қадам ташлаб кириб келган киши.

Элёр буйруққа итоат қилди.

— Фамилиянг?

— Одилов Элёр.

— Мен шахар ички ишлар бошқармаси ходими, майор Сотволдиевман. Бошидан огоҳлантириб қўяй, сен туғрингдаги ҳамма маълумотдан хабардорман. Туғилган кунингдан то шу ерга келгунингча бўлган барча фактлар қўлимда турибди, — дея салмоқ билан гап бошлади қорачадан келган майор хона бўйлаб аста қадам ташларкан. — Шунинг учун фақат ростини гапир. Алдашга уринсанг, ўзингга жабр қиласан, холос. Бу ерда додингни ҳеч ким эшитмайди. Гапимга тушундингми? Энди, барини бир чеккадан бошла!

— Нимани? — Элёр ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. У савол бераётган одамнинг овози ўткирлигидан, гапларни чертиб-чертиб айтаётганидан жаҳдорлигини, қадам босишидан эса бировни аяб ўтирмаслигини ва энг муҳими, айни куч-қувватга тўлган пайти эканлигини пайқаган эди.

— Шаҳарда “Мусаввир” деган фирма очганингдан бошлай қол. Бундан кўзланган асосий мақсадинг нима эди? — сўради майор Элёрнинг қаршисида тўхтаб.

Элёр мустақил иш юритишни хоҳлагани учун фирма ташкил қилганини тушунтирди.

— Фирмада неча ходим ишларди?

— Биз кўпчилик эмасдик. Бош ҳисобчидан ташқари уч киши, — Элёр шундай деб ходимларининг исми фамилияларини айтди.

— Ана шу Азиз исми йигит ҳақида нима дея оласан? Уни фирма очмасдан олдин ҳам танирмидинг?

— Танимасдим.

— Нима, уни бирортаси тавсия қилганми?

— Шахсан ўзи келиб учрашган.

— Хатти-ҳаракати, гап-сўзлари сенда ҳеч қандай шубҳа уйғотмаганими? — Элёрнинг кузларига тикилди майор Сотволдиев.

— Йўқ.

— Демак, қарашларинг мос келгани учун синов муддати-сиз ишга олавергансан?

— Тушунмадим.

— Айтмоқчиманки, Азизнинг Намангандаги диний экстремистик гуруҳга аъзолигидан хабаринг булган?

— Йўқ, бўлмаган.

— Ёлғон!

— Қул остингдаги ходиминг мамлакатда сиёсий тўнта-риш қилишга уринаётган гуруҳга аъзо бўладию, сен билмай-санми? — ўшқирди майор.

— Ростдан ҳам хабарим йўқ.

— Унда, Азизни сен даъват қилгансан ёки шундай шарт билан ишга олгансан! Рад этиялсанми? Унда, нега Азиз-ни қидириб Наманганга бординг? — терговчи Элёрнинг ёқасидан ушлаб тепага тортди.

— Ота-онасининг олдига қайтариш учун.

— Ёлғон!

— Азизнинг дадаси “Уғлим адашганга ўхшайди. Илти-мос, биттаю битта фарзандим қамалиб кетмасин”, деб илти-мос қилгани учун боргандим.

— Алдашга уринма! Мақсадинг шу баҳона гуруҳ раҳбар-лари билан учрашиш булган. Агар шундай ниятинг булмаганда Азизнинг дадасини ҳам ўзинг билан бирга олиб борардинг. Ёки вазият қалтислигини билмасмидинг? Жуда яхши бил-гансан. Шунинг учун ёнингта шерик олмагансан! Сендан ҳам шубҳаланиб қолишини истамагансан. Топдимми? Ана энди, тўғриси гапир-чи, улардан қандай топшириқ олдинг? — Майор Сотволдиев Элёрнинг чап томонида тўхтади.

— Нормат аканинг аёли бетоб экан, ташлаб кетолмади. Кейин ўзим боришга мажбур булдим. Лекин мен гуруҳ раҳ-барларини билмайман. Улар билан алоқа қилмаганман.

— Ёлгон!

— Ёлгон гапираётганим йўқ.

— Шундайми? Унда мана бу расмларга қара-чи! Хуш, бу сенми? — майор биринчи суратдаги унинг расми устига бармогини қўйди. — Гапир, сенми, шу.

— Ҳа, — дами ичига тушиб кетган Элёр қисқа жавоб қилди.

— Албатта сенсан! Хуш, ана энди айт-чи, стол атрофидагилар кимлар? Яхшилаб қара, ёнингда ўтирган кишилар кимлар эди? Улар билан нима ҳақида гаплашдинг?

Элёр башарасига тегай-тегай деб турган суратларни кўриб анграйиб қолганди. Уша пайтда кўнгли бекорга ғаш бўлмаган экан-да. Шубҳали кўринган бу одамларнинг олди-дан нега дарров туриб кетмади? Бошқа ерга бориб овқатлансаям бўларди-ку? Мана энди...

— Хуш, бу фактларни ҳам инкор этасанми? Гапир, энди рад қилолмасанг керак? Яхшилаб ўйлаб жавоб бер: ёнинг-даги одамлар кимлар ва улар билан нима тўғрисида гаплашдинг? — деди майор қўлидаги уч-тўртта суратни стол устига ёзиб. Кейин қулоғим сенда дегандай гумон остига олинган йигитнинг қаршисидан жой олди.

— Овқатланиш учун киргандим у ерга. Ёнимдаги одамларни эса мутлақо танимамайман, — деди Элёр кўзларини аранг очиб. У гапларим аниқ чиқсин деб тутилиб қолмасликка ҳаракат қилар, бироқ, қўққисдан тушиб қоладиган резина таёқ эса хаёлини жамлашга тўсқинлик қиларди. — Улар мендан... қаердан келганимни, Наманганда нима қилиб юрганимни сўрашди. Мен... Азиз деган йигитни қидириб юрганимни айтдим, холос.

— Хуш, кейин-чи?

— Улар эртага Азизни кўришим мумкинлигини айтишди.

Сўнг овқатланиб чиқиб кетдим.

— Сен, у ерга атай боргансан?

— Тасодифан бориб қолибман.

— Ёлгон! Яхшиси буйнингга ол, гуруҳ аъзоси эканлигингни! Бўлмаса, олдингдаги ўн уч кун азоб билан ўтади. Бу ердаги калтакларга чидайман деб хомтама бўлма. Ҳали шундай усулларни қўллаймизки, туғилганингга минг пушаймон ейсан. Бу ердан тезроқ қутулиб чиқиш учун ўзинг бизга ёлворасан. Билиб қўй, унда кеч бўлади. Хоин сифатида умрбод қамоқ жазосига тортилсан. Сенга нисбатан ҳеч қанақа амнистия қўлланмайди! Жиноятингни шу даражада оғирлаштириб кўрсатайки, яқинларингни, айниқса, ўтган йили ярашган хотинингни ва эндигина туғилган ўглингни умуман кўрмайсан.

Бу сўзларни эшитаркан, йигитнинг кўзлари катталаша борди. Ичига тушган ваҳм нигоҳларида, билинар-билинмас титрай бошлаган бармоқларида сезила бошлади. Буни аллақачон пайқаган майор сўзларини таъкид билан давом эттирди:

— Сен нафақат гуруҳ аъзоси сифатида, балки мамлакат Президентига суиқасд қилишда айбланасан! Балки сенга ўлим жазоси ҳам тайинланиши мумкин. Биз уйингдагиларга сени ватан душмани эканлигингни яхшилаб тушунтириб қўямиз. Мана бу суратларни кўргач, улар ҳам ишонади. Ишонимсизмаса, ҳар бирини сўроққа чақириб...

— Уларни тинч қўйинг! — деди ортиқ чидай олмаган Элёр ўрнидан тураркан.

— Унда, айбингни бунингга ол! — столни муштлади майор.

— Менинг ҳеч қандай айбим йўқ!

— Алдама!

Элёр тишини тишига босди. Ҳали ҳеч қанча вақт ўтмаган бўлса-да, ўтиришга ҳам мажоли қолмагандай сездди. У ўзини унча-мунча зарбани кўтара олишга қодирман, деб ўйларди. Буни рингда синаб ҳам кўрганди. Унда бу ерда нега дарров илиги қалтираб қолди? Ҳозиргина айтилган гаплар чин бўлса, ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азобу қийноқларга бардоши етармикин? “Наҳот, қилмаган ишини

қилдим дейишга мажбур қилишса? Демак, бу сўровдан мақсадлари “айбдор” лигимни уз тилим билан айтишим керак. Мен... халқ душмани эмасман. Нега, Президентнинг жонига қасд қилай? Ахир... Аслида...”

Пастки лабини тишлаган Элёр ҳокимият биносида қилган ишини айтишга чоғланди. Бироқ майорни ишонтира олмаслигига кўзи етиб, тарвузи қўлтигидан тушди. Орқасидан одам тушган бўлса, булган ишни кўриши керак эди. Ёки айнан ўша пайтдаги ҳаракатини сезмадимикин, балки видеога ҳам тушмагандир? Шундай бўлса керакки, уни ваҳима билан ушлаб, дарров ўн беш кунга қамашди. Балки мана бу жаҳлдор майорга унинг қаҳрамонлигини тан олишдан кўра, душманлигини исботлаш ва судга тортиш мароқли ва манфаатлироқдир? Ёки ростдан ҳам унинг ҳеч нарсадан хабари йўқмикин?

— Эртаси куни чойхоначи йигит билан қаерга бординг?

“Ҳм, демак, ростдан ҳам улар мени зимдан кузатишган. Ҳар бир босган қадамимни билишади. Фақат бир нарсани кўришмаган ёки у ишни мен қилганимни сезмаган. Тасмани қайта-қайта кўришмадимикин? Балки ростдан ҳам оломон ичидаги шубҳали йигитни урганим тушмагандир? Нима қилсам экан, таваккал қилиб айтсаммикин? Йўқ, барибир ишонишмайди. Узингни оқлама деб, қайтага баттар азоблашади. Мақсадлари бераётган савол ва хатти-ҳаракатидан кўриниб турибди-ку? Демак, айблов аниқ. Балки суднинг қарори ҳам тайёрдир? Унда бу сўроқ нима учун? Уйлаганимдай, қилмаган айбимга иқрор булишимни кутиш-яптими? Бўйнимга олсам бўлди, бу ердаги савол-жавобдан қутуламан. Аммо алвидо, озодлик! Кейин эса қамоқдаги қийноқлар бошланади. Сиёсий маҳбус сифатида умрбод қамоқ жазоси беришлариям мумкин. Ана унда... Бўйнимга олмасам-чи? Э-э, буларга барибир эмасми: қўлидаги сурат асосида ҳукм чиқаришаверади. Яна бир “жиноятчи” ушлаб қамоққа тиқилди, деган маълумот майорнинг мавқеини

оширади-ку. Озодликда юрганлар биттага камайса нима қилибди?

— Сендан сўраяпман? — деб саволни қайтарди у ёқдан — бу ёққа қадам ташлай бошлаган майор Сотволдиев.

— У мени митинг бўлаётган жойга бошлаб борди.

— Кейин?

— Мен бу одамлар нега бақириб-чақирятти, деб сўрадим. Чойхоначи йигит ҳозир билиб оласиз, дея қасққадир ғойиб бўлди. Азизни қидиргани кетгандир деб ўйладим. Аммо ҳадеганда келавермади. Бу орада бинога Ўзбекистон Президенти кириб келди. Шундагина қаерга келиб қолганимни англадим. Рост қўрқиб кетдим. Оёқларим қалтираб қолди. Бироқ мамлакат Президентини яқиндан кўрмаган эдим. Қизиқиб қараб тураверибман. Айниқса... гапларига маҳлиё бўлиб...

— Ёлгон!

— Гапим чин, — деди Элёр базур.

— Сен овқатланиш баҳонасида гуруҳ аъзоларидан махфий топшириқ олгансан. Ана шу кўрсатмага асосан чойхоначи йигит билан ҳокимият биносига боргансан. Гапир, учрашувдан олдин бинога нима мақсадда кирдинг? Қандай топшириқ олгансан?

— Менга ҳеч ким топшириқ бергани йўқ. Азиз билан учраштирамиз дегани учун борганман, у ерга. — Элёр шундай деб, жавдираган нигоҳларини майорга қадади.

— Асл ниятингни айтмаяпсан!

— Ниятим Азизни топиш ва бирга олиб келиш эди.

— Сафсата! Сен кимни лақиллатмоқчи бўляпсан?! Ҳов, мараз, эшит ҳақиқатни! Кучадаги ошхонада сенга йигинга бориш айтилган. Одамлар орасида Азиз билдирмасдан сенга қурол бериши керак эди. Сенга эса Президент нутқ сўзлаётган пайтида у кишига қараб ўқ отиш топширилган. Аммо негадир бу иш амалга ошмади. Энди сенга кимдир пичоқ бериб кетиши керак эди. Шу мақсадда ёнингга кимдир келади ва сенга бериш учун қўйнига қўл солганда...

махсус хизмат ходими томонидан у кимса ҳушидан кетказилиб дарҳол қуролсизлантирилади. Мана сен олишинг керак бўлган пичоқ! — Терговчи шундай деб шимининг орқа чўнтагидан салафан пакетдаги пичоқни кўрсатди.

— Ёлгон, — деб юборди бу сафар Элёр.

— Қўйнига пичоқ яширган йигитни сизнинг ходимингиз ургани йўқ.

— Унда, ким? Гапир. Ёлгон тўқишга устаси фарангсану.

— Бу ишни... мен қилдим.

— Сен!

Хонани майорнинг масхаромуз кулгиси тутди. Элёр тиржайган башарага узоқ тикила олмади. Майор бирдан кулишдан тўхтади ва Элёрнинг ортида пайдо бўлди.

— Демак, сен жиноятчи эмас, қаҳрамон экансанда-а! Биз сени билмай сўроқ қилибмиз-да? Демак, узр сўраб, ҳозироқ бу ердан чиқариб юборишимиз керак, шундайми? Нега индамайсан? Балки Президент ҳаётини сақлаб қолган шахс сифатида бирор медал ёки орденами тавсия қилишимиз керакдир? Юқоридан бирор яхшироқ мансабга кўнгиллари қалай?

— Мен бокс билан шуғуллансам бўлди, — деди Элёр кулоғи остида жаранглаган пичингдан алами келиб.

— Боксёрмисан?

— Бўлмоқчиман.

— Ҳм, сен-а? Ҳеч қачон, бўлолмайсан! Нима гапимга ишонишди, деб ўйладингми? Сен ғирт муттаҳам, товламачи одамсан! Билдингми? Сен одам ўлдиришдан қайтмайдиган босқинчисан! Биринчи бор қамалганингда шу ёзув ниятни кўнглингга тугиб қўйгансан. Аламзадасан. Гапир, сўзларим тўғрими? Жавоб беролмайсан. Сени даволаган врачни аслида ким ўлдириши керак эди? Элёр Одилов. Шундайми? Азизнинг бошига ким етди? Элёр Одилов! Иккита қотилликнинг сабабчиси сенсан! Яна виждонинг қийналмай, ўзингни қаҳрамон қилиб кўрсатасан?

Майор бир зум нафасини ростлади ва яна гапини ўша оҳангда давом эттирди:

— Хуш, муттаҳам одамлигини билдингми? Бу қотилликлар камлик қилгандай давлат тўнтариши билан шуғулланаётган қандайдир яширин ташкилотга аъзо бўлдинг. Уларнинг кўрсатмаси билан ҳатто мамлакат раҳбарига суиқасд уюштиришгача бординг. Гапир, мақсадинг нима узи? Эндигина мустақил бўлган юртимизни яна қулликка туширишми? Одамларнинг тинчлигини бузиб, мамлакатни вайронага айлангиришми? Гапир, газанда!

— Мен ҳеч қанақа гуруҳ ёки ташкилотга аъзо эмасман. Дастлабки мақсадим рассом бўлиш эди. Шунинг учун Театр ва рассомчилик институтида ўқиганман. Ботир ака ўлгандан кейин ниятим ўзгарди. Унинг ишини давом эттириш учун боксни танладим. Орзуим... чемпион бўлиш. — Элёр шундай деб сўзини тугатди ва бошқа гапирмади.

Майор унинг гапларига ишонмаганини айтди ва бир умрлик қамоқ билан қўрқитди. Халқ душмани эканлигини қайта-қайта юзига солиб чиқиб кетди. Салдан кейин уни олиб кетишга кирган ниқобли аскар боксчини ертўлага кузатиб қўйди.

XVII. ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТАДИ

Эшикни очиб уни ичкарига итариб юборишди. Гандираклар кетган Элёрни кимдир эпчиллик билан ушлаб қолди. Акс ҳолда юзтубан йиқилиши аниқ эди.

— Роса азоб берибди-ку, ярамаслар, — деди нотаниш йигит паст овозда Элёрни авайлаб жойига ётқизаркан.

Бутун бадани зирқираб оғрий бошлаган Элёр нечундир меҳрибонлик кўрсатган бу йигитни танигандай бўлди: ахир кеча машинада бирга келган икки шеригининг бири-ку. Исми нимаиди? Абдунабими? Ҳа, адашмаса, шунақа эди.

Унга яқин тутқинларнинг ярми қунишиб ўтираар, ярми эса авра-астари титилиб, сасиб кетган матрасда чўзилиб ётарди. Урта ёшлардаги, узун сийрак сочлари тўзғиган, чап кўзининг ёнида тиртиғи бор бир кишигина деворга суянганича қулларини кўкрагида чалиштириб турарди. У нимадандир

норозидай қовоғини солганича, оғзида сигаретни бурқситиб тутатарди. Кўпчилиكنинг соч-соқоли ўсиб кетган, кўзлари киртайган, сўлгин юзларида хавотир ва қўрқинч акс этиб турарди. Элёр ёрдам берган йигитга жавоб қайтариш керак-лини ва исмини қайта сўрашни хаёлидан ўтказди, аммо жуда ҳориганидан бошини сал қимирлатиб миннатдорчилик билдиришга куч топди, холос.

— Нега менинг жойимга ётиб олдинг? Қани, қури-чи, буттан! — деб ўшқириб қолди бир пайт Элёрнинг тепасига бостириб келган юзи тиртиқ киши.

Элёр эндигина кўзини юмганди. Бугиқ овоздан ва сонига тушган тепкидан чўчиб тушди.

— Нима, гапимни эшитмадингми? — деди бу сафар Элёрнинг ёқасидан ушлаган зўравон.

— Кеча шу ерда ётган, — деб гапга аралашди Элёрни ушлаб қолган йигит ўрнидан тураркан.

— Эй, тирранча, сен нега аралашвоссан-а? — Зўравонликни давом эттирган киши Элёрнинг тарафини олмоқчи бўлган оқ-сарикдан келган, ёш бўлишига қарамай калтагина соқол қўйган йигитни тиззаси билан итариб юборди. — Агар яна бир оғиз гапирсанг, башарангни онанг танимайдиган қилиб қўяман, тушундингми?! Қани, қури-чи, буттан!

— Сиз кимсиз, узи? Мусулмонмисиз ёки...

— Ҳов, домлавачча, натациянгни кўчадагиларга ўқийсан, билдингми? — дея йигитнинг гапини кескин бўлди зўравон. — Мен бу хонанинг паханиман. Билмасанг, билиб қўй! Ёки биқинингдан дарча очиб қўяйми? — Пахан шундай деб, чўнтагидан қандайдир даста чиқарди ва “шарақ” этиб пичоқни очди.

— Бир пас ётиб турса, нима бўлади?

— Сени чакагингни ўчирмасам, сайрайверасан шекилли, — дея тишларини қайраган Пахан Абдунабининг кўкрагига боши билан зарба берди.

— Зўравонлик қилманг, — деди деворга суяниб қолган Абдунаби кўкрагини ушлаганча.

— Нима? Бу гапинг билан сендан қўрқмайман демоқчимисан? Мана унда! — Пахан энди Абдунабининг жагига бир тушурди ва яна баттар ҳезланиб устига бостириб борди.

Элёрнинг эси чиқиб кетди. Чарчоқни ҳам унутиб, оёғи билан ўзини Пахан деб таништирган, аини пайтда бегуноҳ бир йигитнинг ҳаётига хавф солиб турган зўравонни чалиб йиқитди ва бор кучи билан унинг устига ташланди. Амаллаб қўлини қайирди, пичоқни олгач, тиззалаб утирди. У бир зумда қора терга ботиб кетган эди.

Шу пайт Пахан “вой, дод, мени сўйишяпти, ёрдам беринг!” деб бақириб қолса бўладими. Икки навбатчи худди эшик ортида пойлаб туришгандек, дарҳол хонага отилиб киришди. Хаёли бошқа насада бўлган Элёр бунга эътибор ҳам бермади. Фақат унга тўппонча уқталиб, “Пичоқни ташла, ярамас!” деган ҳайқирикдан кейингина аҳволини оғирлаштирадиган иш қилиб қўйганини пайқади. Узиям бу ҳодиса кўз очиб юмгунча содир бўлганди-да. Энди қолгани ҳам бир зумда ниҳоясига етди: ерда дим тушиб ётган кишининг ёнида пичоқ кўтарганича турган Элёрнинг қўлларига яна кишан солинди ва деярли судраб олиб чиқиб кетилди.

— Йигитга яна жабр қилдингиз? — деди Абдунаби деган йигит Паханга газаб билан тикилиб.

— Сен аралашмаганингда шунақа бўлмасди, — бўш келмади Пахан урнидан тураркан. — Лекин сен муллавачча мен билан ўйнашма, пичоқсиз ҳам сўйиб ташлайман! Бор, кўзимдан нари тур. Ҳов, овсарлар, билиб қўйларинг, пичоқ маникимас. Билдиларингми? Агар бирорталаринг сотадиган булсаларинг, бу ердан улигинг чиқади!

Ҳеч ким чурқ этмади. Хонага жимлик чўкди.

* * *

Орадан бир ярим соатлар вақт ўтгач, Элёрни қайтариб олиб келишди. У жуда толиққан эди. Қорни очиққанига қарамай, ётиб дам олишни истарди. Аммо бу ерда тинчгина

ётиб ҳам бўлмасди. Кўнглидан ўтгандай дарров тепасида Пахан пайдо бўлди. Уринга чузилган Элёр унга эътибор ҳам қилмади. Бироқ Пахан оғзидаги сигаретни тутпуриб ташлагач, йигитнинг биқинига бир тепди.

— Билиб қўй, агар мен билан яна бир марта тортишсанг, биқинингдан дарча очиб қўяман!

Бу гапдан кейин анчагача ҳеч ким Элёрнинг ёнига яқинлашишга журъат қилмади. Ҳамма бир-бирига қарар, гоҳи-гоҳида Пахан утирган бурчакка томон қўрқа-писа нигоҳ ташлаб қўйишарди. Шунда ҳам ер остидан. Ним қоронгу хонада Пахан бу қарашларнинг баъзиларини пайқар, баъзиларини пайқамас эди. Ниҳоят Абдунаби ўрнидан қўзгалди.

— Сизларда инсоф борми, ўзи? Бир биродаримиз ноҳақ азобга дучор бўлсаю, индамай ўтираверсаларинг. Виждон деган нарса борми, сизларда?

Утирганлар, ётганлар, бир-бирлари билан нималарнидир висирлашиб гаплашаётганлар бу сўзга деярли аҳамият беришмади. Шу пайт эшик очилди ва навбатчининг “Тарашев!” деган овози эшитилди.

— Мен! — буғиқ овоз билан жавоб қилди Пахан истамайгина ўрнидан қўзгаларкан.

— Қани, чиқ! Қўлингни орқа қил!

Пахан хонани тарк этгач, тутқинлар бир оз жонланиб қолишди. Аммо бирортасидан маънили гап чиқмади.

— Энди, навбат меники бўлса керак, — деди Абдунаби кўзларини жавдиратиб.

Кўзлари юмилиб кетаётган Элёр тамшаниб қўйди, холос.

— Мен бундай азобга чидай оламасам керак? — дея атрофга аланглади Абдунаби. — Сабр қилинг, биродар. Салдан кейин бирор егулик бериб қолар, — Абдунаби матраснинг учини қайириб Элёрнинг бошини сал кўтарди. — Ҳа, айтгандай, қаттиқ уришдим, дейман, гапиришга ҳам ҳолингиз қолмабди? Нималарни сўрашди ўзи?

— Ҳамма нарсани, — дея истар-истамас жавоб қилди Элёр.

— Пичоқни бўйнингизга олмадингизми? Асло олманг. Бошқаларни билмадиму мен тўғриси айтман.

— Раҳмат.

— Сиз бардам бўлинг, биродар. Иймонда маҳкам турсангиз, баданингизга етказилаётган азиятларнинг пашша чаққанчалик заҳри бўлмас. Аллоҳ ҳаммасини кўриб турибди, сизга берилаётган зулмнинг охиратда мукофоти бор. Агар биз шу ерларда ўлиб кетадиган бўлсак ҳам, албатта, шаҳидлар мақомини оламиз.

Элёр кўзини сал очиб, ёнида ўтирган йигитга разм солди. Марҳум Азиз сингари сўзлаётган бу йигитнинг мақсадини англамоқчи бўлди. Тап тортмай гапиришидан ростдан ҳам ўлимдан қўрқмайдиганга ўхшарди. “Шаҳидлик шундай юксак мартабамикин-а, — ўйлади Элёр ётган ерида. — Балки Азиз ҳам ўзини шаҳид кетдим деб ҳисоблар? Қизиқ, ким бўлдикин бу йигит? Нега менга далда бўляпти? Барча мусулмонлар бир-бирига дўст ва биродардир, деганлари шумикин?”

— Сизга нима айб қўйишди? — сўради Элёр лабини қимтиб намлагадан сўнг.

— Кеча бирга келган учаламизники бир хил.

— Сиз ҳам... ўша гуруҳданмисиз?

— Мен давлатимизни исломий бўлишини ёқлайман холос. Бунинг нимаси ёмон? Тўғрими?

— Билмадим.

— Нимасини билмайсиз. Бир тасаввур қилинг, ҳамма бирдай ибодат қилади, эракаларда ор-номус, аёлларимизда шарми-ҳаё. Қандай яхши. Энди давлатимиз бировга қарам эмас. Истаган йулини танлаши мумкин. Мусулмон бўлмаган мамлакатларнинг аҳволини кўриб турибсиз-ку, ҳаром-ҳалолнинг фарқи йўқ. Ичкилик, фоҳишабозлик, судхурлик... Бу нарсалар бизга керак эмас. Бунга фақат исломий давлат қурганимиздагина эришишимиз мумкин. Тўғрими, гапимга қўшиласизми?

— Билмадим, мен бунақа нарсаларни тушунмас эканман, — деди Элёр синамаган отнинг сиртидан утма, деган мақолни эсларкан.

— Ҳечқиси йўқ, сизга ўзим ёрдам бераман. Худо хоҳласа, яқинда бу ердан чиқиб кетамиз. Танишлар қараб туришмайди. — Абдунаби шундай деб нари кетди.

Элёр йигитнинг айтганлари ҳақида бош қотиргиси келмади. Бунга хоҳиши ҳам йўқ эди. У бутун бадани зирқираб оғриси-да, кунни билан уйламагани — туғуруқхонада ётган хотини ва норасида ўгли туғрисида хаёлга берилишни истади. Улар нима қиляпти экан? Кўргани борган Санобар ишқилиб, айтиб қўймадимикин? Агар ногоҳ оғзидан чиқариб юборган бўлса, тамом. Қайгуга ботган Муҳаббат атрофга зир югуриб нола чекаётгандир? Ёки гўдагини жимгина бағрига босиб айрилиққа мотам тутяптимикин? Балки айтмагандир? Ҳа, Санобар ўзини дарров йўқотиб қўядиган қизлардан эмас. Опасига раҳми келган, поччасининг аҳволига ачинган тақдирда ҳам сирни ошкор қилмайди. Қилмаслиги ҳам керак.

Бироқ Муҳаббат кўққисдан чиқиб қолган хизмат сафарига шубҳа қилиши турган гап. Кетишдан олдин олдига кириб бу ҳақда бир оғиз айтмагани ва хайрлашмаганини барибир тушунмайди. Бўлган ҳодисалардан беҳабар, ҳали аразлаб ҳам утиргандир?

Нима қилса экан? Телефон қилиб кунглини тинчлантириб қўймаса бўлмайди. Акс ҳолда сиқилиб, ўзини ҳам, болани ҳам қийнаб қўйиши мумкин.

— Бу ерда телефон қилишнинг имкони борми? — сўради Элёр атрофдагиларга умид билан тикилиб.

— Ҳм. Қаерга, гўрковгами? — деди кимдир.

Элёр овоз келган томонга ўтирилмоқчи бўлди, бироқ оғриқдан қимирлагиси келмади. У жавоб қилган одамнинг ҳазил қилдими ёки жиддий гапирдими, шуни билмоқчи эди. Агар жиддий бўлса, демак, иложи йўқ. Мабодо ҳазиллашиб айтган бўлса, демак, пул бериб йўлини қилиш мумкин.

— Гурковга шарт эмас, тугуруқхонага, — деди Элёр гап олиш мақсадида.

— Ақлингизни едингизми, биродар. Роддомда ётган аёлга ўн беш суткага қамалганингизни айтмоқчимисиз? — деди энди анча таниш бўлиб қолган йигит ётган еридан қаддини кўтариб.

— Агар хотинимга телефон қилмасам... хавотир олиши турган гап. Боролмаслигимни амаллаб тушунтиришим керак, яна тугуруқхонадан чиқмай кутиб ўтиравермасин. — деди Элёр тушкунликка тушса-да, бирор чораси топилиб қолар деган умидда.

— Булди, ташвиш қилманг, мен бир йўлини қиларман, — деб Абдунаби бошини ёстиққа ташлади.

— Раҳмат.

— Раҳматни кейин айтасиз, биродар.

Элёр худди телефонда гаплашгандай хурсанд бўлиб кетди, кўзларини юмди ва кичкинтойини ўйлай бошлади.

ХVIII. АМАЛГА ОШМАГАН ОРЗУ

Санобар тугуруқхонани бир амаллаб топиб борди. Аммо анчагача ичкарига киришга ботинолмади. Кечагина суюнчини мул олган ҳамшира чақалоқнинг холаси келганлигини билиб, яна питирлаб қолди. Ҳарна унган суюнчини олиб, тепага етаклади, аммо ўзини галати тутаётган холани кўндиролмади. Қўлидаги нарсани бериб, деразадан қарай қолсин деди-да, бинонинг орқа томонига ўтди.

Дилгир Санобар тўғри қилаётганига амин эди. Опасининг олдига чиқса, ногоҳ йиглаб юбориши ёки йиглаб юбормаган тақдирда ҳам кўзлари пирпираб кўнгли гашлигини, ниманидир яшираётганини сездириб қўйиши мумкин.

Опасининг эса салгина гумоннинг тагига етмасдан қўймаслигини яхши билади. Шунинг учун чиқмагани маъқул. Сал бўлса-да, наридан гаплашса билинтирмайди, нохуш кайфиятини нари борса йўлда чарчаганга йўяди-қўяди.

Муҳаббат салом-аликдан сўнг тепага чиқсанг-чи, деб қистади. Бироқ Санобар кунмади. Киннам кириб қолмасин, деб базўр ҳазил қилди. Поччасидан гап очилганди, кўзлари намланмаслиги учун атай қовоғини солиб, эрталабдан мусобақага кетганини айтди.

— Қаёққа? — сўради Муҳаббат дераза рафига суяниб тураркан, одатдагидан кўра бошини сал пастга эгиб.

— Қозоғистонга деди, шекилли, — деди Санобар опасининг кўзларига қарамай. У сумкачасининг боғичини икки қўллаб ушлаб олган эди.

— Қозоғистонга? Тушунмадим. Нега менга индамай кетади? Ахир кечаги куниям индамаган эди-ку, — деди Муҳаббат кўзларини пирпиратиб.

— Бормайман деб... юрган экан. Аммо мураббий қўймасдан...

— Ҳеч бўлмаса хайрлашиб кетмайдими, — синглизининг гапини бўлди Муҳаббат.

— Тонг саҳарда безовта қилишни... истамади.

— Қочиб қолибди-да! — аразлади Муҳаббат.

— Эркаклар бари шунақа, — деди Муҳаббатнинг гап-сўзларини тинглаб турган ҳамхонаси дераза олдига келиб, — ўтил кўрди, бўлди, гуё ишлари битди. Ҳаммасини қойил қилиб қўйгандай, ё чойхонадан бери келмайди, ё ишни баҳона қилиб бу ердан чиққунингча қорасини кўрсатишмайди.

— Қачон келишини айтдимиз? — сўради бу гапларга парво қилмаган Муҳаббат сунъий табассум қилиб турган синглизига разм соларкан. Аммо унинг кўнглига ёмон фикр келмади. Синглизини ҳам поччасининг шундай пайтда мусобақани афзал кўриб, кетиб қолганига жаҳли чиқаётган бўлса керак, деб ўйлади, холос.

— Бир ҳафтами, ун кунми... яна билмадим.

— Буни қара, шуюм иш бўлдию.

— Бўпти, опа. Уйдагилар келса, бошлаб келарман. Жиянимни ўпиб қўйинг! Хайр. Ҳа, айтгандай, кечқурунга нима овқат опкелай?

— Қайноқ шўрва ичгим келяпти, — деди Муҳаббат ўйлаб ўтирмай.

— Хўп.

Муҳаббатнинг ҳафсаласи пир бўлганди. Ахир туғуруқ-хонадан чиқишда ҳаммага ўхшаб эри билан қўлтиқлашиб суратга тушмоқчи эди-да. Энди нима бўлади? Аввалги ҳомиласида бу ерга келиш насиб етмаганди. Худога шукр фарзандли ҳам бўлди. Энди одамлардек, чиройли бўлиб чиқишга, эсдалик учун суратга тушишга ҳаққи бордир? Наҳот орузси амалга ошмаса? Ҳамшира келтирган чақалогини қўлга олган Муҳаббат шулар ҳақида ўйлай бошлади.

ХІХ. ПИЧОҚ КИМНИКИ?

Бир пиёла қуруқ чойдан кейин “мусобақага кетган” Элёрнинг ўйига ўй қўшилди. Ҳозир яна чақиришади, деб кўнгли гашланди. Кеча кетма-кет сўроқдан кейин шундай чарчаган эдики, ётиб ухлагиси келарди. Қани ҳеч ким индамасаю, мириқиб дам олса. Бироқ...

— Одилов, қани чиқ!

Икки соқчи сўроқ хонасига етаклади. Сўроқ қилувчининг қадам товушларини эшитиб, Элёрнинг асаблари таранглашди. Бўлажак азобни сезгандай этлари безиллаб, уча бошлади.

— Сен болани ақлинг борми ёки ростданам умрбод қамалиб кетмоқчимисан? — деб дарҳол сўроқни бошлаб юборди газаб отига минган майор Сотволдиев. — Шунча жиноят камлик қиялптими сенга? Гапир, Паханни нега ўлдирмоқчи бўлдинг?

— Мен бошламадим.

— Пичоқ билан тагингга босиб олганингни ҳамма кўрибди-ку? Пичоқни қаердан олдинг? Кўргани келган шерикларинг ташлаб кетдимиз?

— Пичоқ меники эмас.

— Ёлгон!

— Пичоқ Тарашевники, — деди Элёр аламзада бўлиб.
— Пичоқда сенинг бармоқ изларинг турибди. Бу экспертиза хулосаси билан тасдиқланган. Ундан кейин тирик гувоҳлар ҳам бор. Гапир, унда нима қасдинг бор эди? Ўлдирмоқчи эдинг, тўғрими?

— Йўқ. Мен унинг қўлидан пичоқни олдим холос.

— Нега?

— У мени ўлдирмоқчи эди, шунинг учун.

— Нима бало, эсингни еб қўйганмисан? — деди майор унинг гапига эътибор қилмай. — Ёки ростдан ҳам жонингдан тўйганмисан? Лекин осонликча ўлиб кетаман деб хомтама булма, Одилов. Сени ҳали кўп-п азоблайман.

Майор шундай деб столга бир мушт туширди ва кечаги сўровни қайтадан бошлади. Элёр берилган саволларга худди кечагидай бир хил жавоб қайтаришга уринди.

Учинчи ва тўртинчи кунлари ҳам айнан шу саволлар берилди. Бети ва эти қота бошлаган Элёрнинг жавоблари деярли ўша-ўша. Бунга сари савол берувчининг ўйлаб топган илмоқли сўзлари хилма-хил кўриниш олди. Бироқ Элёр ҳам бор гапни бир маромда такрорлашдан тўхтамади. Олтинчи куни ҳеч нимани сўрашмади. Утириб зерикди. Терговчини кутиб юраги тарс ёрилиб кетай деди. Хонага буғилганича қайтиб келди.

— Улар менинг иродамни синдириша олмайди, — деди шу куни кечаси Абдунаби Элёрнинг ёнига ўтиб. — Сиз ҳам бардам бўлинг, биродар. Ёки тақдирга тан бердингизми?

— Мен фақат ростини гапиряпман.

— Лекин бу ердагиларни ишонтира олмайсиз. Бизларни барибир қамашади. Шунинг учун сўзимда қатъий турибман. Бир бошга бир ўлим.

Элёр индамади.

— Ҳа, айтгандай, Намангандаги яхши одамлар билан учрашсам дегандим. Мени улар билан таништириб қўя ола-сизми? — сўради Абдунаби атрофга аланглаб олгач.

— Тушунмадим, кимлар билан? — Элёр бу саволдан ҳам чўчиб кетди, ҳам ажабланганди. — Қанақа одамлар ҳақида гапиряпсиз?

— Мен барибир бу ердан чиқиб кетаман. Агар бирортасининг манзилини айтсангиз, топиб борган бўлардим. Сизнинг яхши инсон эканингизга ишондим. Шунинг учун очигини айтаман. Мен ҳам сизларнинг сафингизга кирмоқчиман.

— Қанақа сафимизга? Мен сиз назарда тутган одамларнинг бирортасини танимайман. Ҳеч қанақа гуруҳ ёки оқимга аъзо эмасман. Мен боксёрман, билдингмизми, боксёр! — Элёр шундай деб кўрсаткич бармогини кўксига ниқтади.

— Сизни ҳам бу ердан қутқариб олишга ваъда бераман, — дея Элёрнинг гапини эшитмаганга олди Абдунаби. — Яна озгина чидасангиз бўлди. Сабрнинг таги олтин, деб бекорга айтишмаган машойихлар. Агар исломий давлат қурадиган бўлсак, бу юртнинг энг улугларидан бўламыз, иншооллоҳ. Гапимга ишонаверинг.

— Сиз ўзи келганимдан бери нималар деб менинг бошимни қотиряпсиз? Муомалангиздан туппа-тузук одамга ўхшайсизу, лекин ўлай агар, айтаётган гапларингизнинг бирортасига тушунаётган бўлсам. Шунинг учун сиздан илтимос, мени тинч қўйинг. Жаҳлим чиқса, одам танимай қоламан, — деди Элёр Абдунабига кескин ўтирилиб. — Мен боксни танлаган одамман. Мен учун жонини фидо қилган одамнинг орзу-мақсадларини амалга оширишим керак. Энди тушундингизми?

— Қаранг, сиз учун азиз жонидан кечган одамлар бор экан. Бахтли инсон экансиз, — Абдунаби сурлик қилиб янада яқинроқ ўтирди. — Сезиб турибман, сиз ҳам исломий давлат қуриш йўлида ўзингизни қурбон қила оласиз. Агарда бу шарафга эришсангиз, икки дунё саодатини қўлга киритдим деяверинг, биродар.

— Сиздан илтимос қиламан, мени тинч қўйинг. Ўлгудек чарчаганман. Дам олишим керак! — Элёр шундай деб тес-карига қараб олди.

— Сиз мана бу ожиз бандаларга эътибор берманг. Улар иккиланганлари туфайли ҳам аросатда қолиб кетадилар. Охиратдаги энг ёмон жазо аросатдагиларга берилар экан. Эшитишимча, Намангандаги гуруҳ етакчилари чет элга мадад учун кетибди. Яқин кунларда қайтиб келишса, бу ерда чеккан жабру ситамлар учун мукофот олишим тайин...

— Қаердан биласиз, қайтиб келишини?

— Улар бизларни ёлғизлатиб қўйишмайди, — ишонч билан гапирди Абдунаби уса бошлаган соқолини силаркан.

— Балки қочиб кетишгандир? — елимдай ёпишиб олган йигитдан ҳали-вери қутулолмаслигини англаган Элёр жириганиб гапирди.

— Шунақа миш-миш тарқатилган. Аммо аслида бунақа эмас. Бунга яқинда ўзингиз амин бўласиз. Бизнинг бобокалонларимиз, арабларга уз она тилисининг грамматикасини ўргатган, Пайгамбаримиз саллолоҳу алайҳи вассаламнинг энг саҳиҳ ҳадисларини тўплаган буюк зотлардир. Ана ушаларнинг ҳурмат-эътибори учун ҳам юртимиз исломий давлат бўлиши керак. Буни ўша алломаларимиз ҳам жуда исташган. Ҳа, айтгандай, ўғилчага қандай муборак исм қўйдингиз?

— Жалолиддин.

— У-у, қандай муборак исм! Табригимни қабул қилинг.

— Тушунмадим. Мен фарзандимга мўғул босқинчиларига қарши курашган буюк саркарданинг исмларини қўйганман, холос.

— Аллоҳ муборак қилсин. Бу исмнинг асл маъноси диннинг шавкатли ўғлони дегани ҳамдир биродари азиз, — деди Абдунаби мамнун қиёфада. — Сиз фарзандингизга Аллоҳ назнидаги энг чиройли исмлардан бирини қўйибсиз.

— Бунисидан беҳабар эканман.

— Углингизни ўзимиз тарбия қиламиз. У ростдан ҳам...

— Агарда боксда чемпионлик менга насиб этмаса, ўғлим бу ниятимни амалга оширишини истайман, — деди уйқуси учган Элёр Абдунабининг сўзини бўлиб.

— Балки қори қиларсиз. Янги давлатта араб тилини, айниқса, муқаддас китобимиз бўлган Қуръонни мукаммал биладиган ёш кадрлар жуда керак бўлади. Шунинг учун келажакни ўйлаб иш тутсангиз, кўп савоб ишга қўл урган бўлардингиз.

— Балки дам олармиз.

— Бундай суҳбатдан уйқуни афзал билсак, қандай мўмин-мусулмон бўлдик, — ҳамон бир маромда гапирарди Абдунаби. — Ҳа, айтгандай, саволимга жавоб бермадингиз? Таништириб қўясизми?

— Ўзим билмаган, танимаган одамлар билан сизни қандай таништираман, биродар, — деди Элёр эснаб.

— Қаранг, қандай чиройли сўз айтдингиз, — севиниб кетди Абдунаби. — Сизда исломни мукаммал ўрганишга иштиёқ бор. Бунга сезганман. Фақат сиз менга ишонмай турганингиз учун, очиқ гаплашишга чўчияпсиз, холос. Уйингиздан “Намоз ўқишни ўрганаман” деган китобча топилганини эшитиб жуда хурсанд бўлиб кетдим. Албатта ўрганинг ва намоздан қолманг. Қаранг, юзингиздан фаришта ёгилиб турибди. Сиз албатта улуғлардан бири бўласиз.

— Бировнинг оромини бузишга нима дейсиз? — деди Элёр уйқусираган кўзларини аранг юмиб-очаркан.

— Бизнинг оромимизни бузиб бўлишган. Бу ерга тавбатазарру қилиш учун эмас, Аллоҳнинг яна бир синовидан ўтмоққа келганмиз.

Элёр бошқа индамади. Бир оздан кейин унинг енгил хурраги эшитилди.

— Биродар, саволимга...

Елкасига тушган қўлдан чўчиб уйғонган Элёр шарт Абдунабининг билагидан ушлади ва унга газаб билан тикилиб:

— Бўлди, бас қилинг! — деди.

Шундан кейингина Абдунаби нари кетди. Кимдир тушида ингради, кимдир бақриб юборди.

XX. СИНОВДАН УТГАН ЙИГИТ

Кейинги бир ҳафтанинг утиши жуда қийин бўлди. Кунда берилаётган бир хил саволлар, қўрқитув ва қўрқув, вақтнинг имиллашидан асаблар шундай таранг тортилган эдики, юрак пақ этиб ёрилиб кетиш даражасига етганди. Энди кечалари ҳам тинчлик йўқ Элёрга. Фақат икки соаттагина ухлашга рухсат берилганди. Бу муддатнинг ярми ҳам Абдунабининг даъвати билан ўтар, жони бугзига келган Элёр тугилган муштини тишлаб-тишлаб қўяркан, қарсиллатиб тушириб қолишига бир баҳя қоларди. Бу беозор кўринган йигитнинг дўстлигини ҳам, душманлигини ҳам билиб бўлмасди. Шу пайтгача қаттиқ гапирмаганди. Аммо бугун кечаси асаблари дош беролмай, “Тинч қўясанми-йўқми?!” деб бақриб юборди.

— Жуда сабр-тоқатли инсон экансиз. Шунча азоб-уқубатта чидаб келаяпсиз-а? Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлганда аллақачон ҳамма нарсани бўйнига олиб...

— Қилмаган ишимни қандай қилиб бўйнимга оламан! — деб Абдунабининг сўзини бўлди Элёр.

— Иродангизга балли! Исломда сабрли инсонлар жуда улуғланади. Очигини айтсам, сизга ўхшаганлар бизга жуда керак. Шунинг учун келинг, ажралмас биродар бўлайлик. Менга Намангандаги танишларингизнинг манзилини беринг. Бу ердан чиққан кунимоқ...

— Сиз мендан атай сўраяпсизми? — жаҳли чиқа бошлади Элёрнинг.

— Нега унақа дейсиз?

— Тутиқушдай бир нарсани такрорлайверасизми, унда!

— Мен сизни бу ердан қутқариб олмоқчиман.

- Илтимос, мени тинч қўйинг.
- Биргалашиб ҳидоят йўлида...
- Йўқол, кўзимдан!

Абдунаби нари кетди. Кеча сафларига қўшилган уч успирининг олдига ўтиб утирди.

Элёр ўз хаёллари билан қолишни истарди. Ахир эртага бу ерга келганига ўн беш кун бўлади. Озодликка чиқадими ёки кесилиб кетадими? Уни орзиқиб кутиб утирган оиласининг бағрига қайтадими ёхуд охири номаълум бўлган қамоққа тушадими?

Нима бўлишини билолмасди. Бўгилиб ҳам кетди. Майорнинг айтиши бўйича унга нажот йўқ: судланади ва узоқ муддатга қамалиб кетади.

— Сенга ухшаган унсурларнинг жойи қамоқда! Яхши-си, айбингни бўйнингга ол. Судда буни инобатга олишади, камроқ срок оласан.

- Айбим йўқ ахир!
- Қайсарликдан фойда йўқ, нега тушунмайсан?
- Элёр нима дейишни билмай қолди.
- Гапир нега индамайсан?
- Айбим йўқ.

— Энди ўзингдан кўр. Сен ярамасни барибир турмага жунатаман! — столни муштлади сўроқ қилувчи.

Элёр чидолмади. Йигламайман деб биринчи кунийёқ сўз берганди ўз-ўзига. Аммо бу гапларни эшитиб, дод солиб бақариб юборди.

— Мен туғилган юртимга душман эмасман! Ахир мен чемпион бўламан, деб онт ичганман! Нега тушунмайсиз? Нима учун тушунишни истамайсиз? Мақсадингиз бўйнимга “халқ душмани” деган лаънатни илиш ва қаматишми? Балки ўлим жазоси қўллансин деб хулоса қиларсиз! Марҳамат, қаманг! Улдилинг! Аммо билиб қўйинг, мен хоин эмасман!

— Ота-онангнинг юзини ерга қаратдинг! Улар сенга умид билан Эл-ёр деб исм танлашган экан. Бироқ сен ўз

элингга ёр бўлиш, унинг оғирини енгил қилиш, ютуқларини кўпайтириш ўрнига душманлик йўлини танладинг. Сенга ўхшаганларни нонкўр дейишади. Туз еган тузлигига тупирган номардлар деб...

— Ёлғон! — дея майорнинг гапини шартта бўлди Элёр. — Яна қайтариб айтаман, мен душман эмасман! — Унинг ҳайқириги юрагининг туб-тубидан чиқар, чақнаган кўзлари ёнар, нигоҳларидан эса ўт чақнарди.

— Энди бу бақирешлардан фойда йўқ, Одилов, — ниҳоятда совуққонлик билан гапирди майор. — Аввалроқ ўйлаш керак эди. Эшитгансан-а, доно бир мақолни: сўнгги пушаймон, ўзингга душман.

— Билганингизни қилинг, — деди Элёр ҳам шашти пасайиб. — Истасангиз қаманг, истасангиз ўлдилинг. Ҳар иккисида ҳам мақтов эшитасиз, мансабингиз ортади. Бегуноҳ бир одамнинг умрига зомин бўлганингиз учун виждонингиз асло қийналмайди.

— Виждонсиз деб ҳақорат қиляпсанми? — бу сафар майорнинг пешанаси тиришиб кетди. — Ҳали мен виждонсиз бўлдимми?

Элёр индамади.

— Майли, эртанги ҳаётинг номаълум бўлгани учун бошқа қийнаб ўтирмайман. Алвидо, Одилов!

Бу гапларнинг устига Абдунабини ки ортиқча бўлгандида. Агар “алвидо” деган сўзни эшитмаганда ҳам бу хира пашша йигитнинг башарасига бошлаб бир мушт туширган бўларди. Бироқ... “ўлимим олдидан бировнинг дилини огритмай”, деб ўйлади ва оддийгина бақириб кўя қолди.

Шундан кейин чуқур қайгуга ботди. Наҳот, ҳаммаси тугади? Етиб келган жойи шу ерми? Энди умрининг ёрут кунлари тугаб, қоронғу онлари бошландими? “Нима бало пешанамга тухмат билан қамалиш битилганми? — тақдирдан зорланди Элёр. — Лекин бу сафаргиси борса келмасга ухшаяпти. Агар қайтмасам... Муҳаббат нима қиларкин?

Зулфия опа сингари... Ўғлим-чи, мени ким деб ўйларкин? “Даданг ватан хойни булган” дейишса, бу гапни кўтара олармикин? Унинг келажак тақдири нима бўлади? Барча эшиклар таққа-тақ ёпиладими? Қаерга борса, кўчага ҳайдаб солишадими? Кўчада-чи, бошини кўтариб юра оладими? Бунга иродаси етмаса, қандай кун кечиради?”

Кечаси уни яна сўроққа чақиринди. Фақат бу сафар бутунлай бошқа бир киши унинг рўпарасида пайдо бўлди.

— Исми-шарифинг?

— Одиллов Элёр.

— Мен сўроқ пайтидаги жавобларингни барчасини тингладим. Айт-чи, нима учун айнан мамлакат Президенти Наманганга борадиган кун сен ҳам у ерга бординг?

Элёр Азизни қидириб борганини такрорлади.

— Залда нима воқеа рўй берди?

Элёр нотаниш йигитни тирсаги билан урганини айтди.

— Шу ишни ростдан ҳам сен қилдингми?

— Ҳа, мен қилдим.

— Нима учун?

— Президент ҳаётига хавф борлигини сезганим учун.

Шу кун кечаси уни қаёққадир олиб кетишди. Элёр эртага нима бўлишини билмай бошини тиззалари устига қўйди. Хиёл ўтмай унинг кенг елкалари титрай бошлади.

* * *

Шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг хонаси. Бу ерда қисқагина суҳбат бўлиб ўтди.

— Хўш, нима гап? — хонасига кирган майорга юзланди бошлиқ, қўлидаги сигаретни кулдонга эзиб ўчиради.

— Одиллов тоза.

— Адашмаяпсанми?

— Барча каналлар орқали текшириб ҳам чиқдим, гуруҳга алоқаси йўқ. Қамоққа ҳам туҳмат билан тушган.

— Демак, ишга олсак бўлади.

- Ҳа, лекин...
- Яна нима?
- Уни миллий хавфсизлик хизмати олиб кетди.
- Нега? Қайтадан суроқ қилишмоқчимиз?
- Билмадим.
- Кеч қолдикмикин?
- Шунақага ўхшаяпти.
- Ҳа, яхши. Улар билан ўзим гаплашаман. Сенга рухсат.
- Уртоқ подполковник, у боксёр, бунинг устига иродаси мустаҳкам йигит экан. Бунақа йигитларни ишга олсак, кўп фойдаси тегиши мумкин.
- Қани, бир оз кутайлик-чи, у ёқдагилар нима чора кўришаркин.

Майор хонани тарк этди. Бошлиқ яна сигарет тутатди.

* * *

Суд залига кирганда илиги қалтираб, ўзини жуда ожиз сезди. Икки қўриқчи йигит уни темир панжарага тиқиб, устидан қулф урганда, ранги оқариб, қуруқшаган лабларини титроқ босди. Аранг курсига ўтирди. Руҳи синиб, ҳолсизланди. Бейхтиёр кўзларини юмди: ҳозир кириб келадиган ва қатъий ҳукми баланд овозда ўқиб, юрагига сўнги тигни санчувчиларни кўришни истамади. Уларнинг олдида ўзининг ожизу нотавон ҳолатини сездирмаслик учун севгилиси ва зурриётини ўйлади. Шунда тонгга яқин кўрган туши яна эсига келди. Қизиқ, хотини боласини бағрига маҳкам босганича катта кўчада турганмиш. Эсаётган шамол бошидаги рўмолини учириб, сочларини тўзгитиб юборса-да, эътибор қилмас, тек турганича олис-олисларга кўз тикканмиш. “Ҳойнаҳой, мени кутишга эмас, кузатишга чиқишган бўлса керак”, деб ўйлади кўнгли ўксиган Элёр тушини ўзича таҳлил қиларкан. — Қамалиб кетаётганимни сезишдимикин? Бориб хайрлаша олмаслигим учун шу тахлит тушимга киришдимиз?.. Э, Худо энди нима қиламан? Жабрдийда бир

оилага ёрдам қиламан деб, Наманганга бориб бошимга му-
сибат орттириб олдим-ку. Наҳот, яна қамалиб кетсам?"

Эшик очилди. Юрак музлади. Кўзини маҳкамроқ юмди,
қули билан қулоқларини беркитди, гуё кўрмаса, эшитмаса,
омон қоладигандай. Аслида даҳшатли суд қарори шундоқ
ҳам титраб турган иродасини бутунлай синдириб, тилка-по-
ра қилиб ташлашидан чўчиганди.

— Одилов!

Элёр бу овозни қаердадир эшитгандай эди. Бироқ аниқ
эслолмади. Бошини ҳам қилганича ўтираверди.

— Суд бошланишидан аввал нима истагинг бор?

Элёрнинг кўзлари ялт этиб очилди. У энди овоз эгасини
таниган эди: кечқурун ўн беш дақиқаларча сўроқ қилган
киши-ку. Қизиқ, нега бу ерга келдийкин?

— Нима, қамалиб кетаманми? — саволнинг мазмунига
тушунган Элёрнинг овози қалтираб чиқди.

— Қилган ишингни ҳалиям тушунмадингми?

— Тушунтира олмадим...

— Хуш, гапир, бирор тилагинг борми-йўқми?

— Оиламнинг олдига бориб, хайрлашсам дегандим.

Уларни суд залида кўришни истамайман!

— Шу холосми?

— Ҳа.

— Сержант, эшикни очиб, қулини бўшат!

Икки соқчининг бири панжара қулфини очди. Сўнг
Элёрни олдига имлаб, қулидаги кишандан бўшатди.
Соқчилар кетишга рухсат берилганидан кейин тезда хонани
тарк этишди.

— Одилов уйда бўлишинг учун қанча муддат етади?

Элёр галати саволлар бераётган кишининг жиддий боқиб
турган нигоҳларига яна ялт этиб қаради. Унинг бу қарашида
“Бундай саховатпешаликнинг тагида нима сир бор экан? Ёки
атай мени синаб кўриш учун айтяптими”, деганга ўхшаган
ҳадик ёхуд айни пайтда мазах қилаётган бўлмасин тагин,

деган шубҳа ҳам яширин эди. Нима дейишни билмай қолди. Аммо жим туришдан ҳам фойда йўқ эди: юрак оғриғи кучайгандан кучаярди, холос.

— Сўнгги илтимосимни бажара олармикинсиз? — деди ҳамон гумони тарқамаган Элёр.

— Қани, айт-чи?

— Бир умр.

— Бир умр!

— Ҳа.

— Сен ўзингни шунга лойиқ деб ҳисоблайсанми?

— Ҳа.

— Унда қарорни эшит! Сен Намангандаги ҳокимият биноси ичидаги йиғинда мамлакат Президентининг ҳаётига хавф солишга уринган...

Бу сўзларни эшита бошлаган Элёрнинг ичи шув этиб, юраги гўё уришдан тўхтади. Пешанасида мошдек-мошдек тер пайдо бўлди. Оёқлари яна бўшашди, шишиб кетган пастки лабини ўзи сезмаган ҳолда қаттиқ тишлади.

— Ҳа, давлатимиз раҳбарининг ҳаётига хавф солишга уринган шахсни тўхтатиб қолганинг учун сенга шахсан Президент номидан ва махсус хизмат гуруҳи номидан ташаккур билдираман! Шунингдек, синов босқичидан муваффақиятли ўтганлигинг билан табриклайман! Баракала, Элёр Одилов!

Элёрнинг оғзи очилиб, қулоқлари битиб қолди. Қарор ўқиган кишининг охирги гапларини эшитмади ҳам. У ҳамон юрак уришини сезмас, бунинг устига нигоҳлари бир нуқтага — қаршисида туриб — агар ҳазиллашмаётган бўлса — қандайдир хушxabарни сўзлаётган инсоннинг кўзларига тикилганича қотиб қолганди.

Ростдан ҳам нималар деяпти, бу нотаниш одам? Уни мазах қилмаяптими, ишқилиб? Ёки йиқилгани тегишнинг янгича усулими бу? Лекин... Бунақа деб ҳазиллашиб бўлармиди?

— Мен ҳеч нарсани тушунмаяпман? — деди Элёр ҳамон эшитганларига ишонмай.

— Қарор бир марта уқилади, уртоқ, Одилов! Сен барча синовлардан ўтдинг. Бизга сенга ўхшаган уз ватанига, Президентига содиқ йигитлар керак. Эндигина мустақилликни қўлга киритган мамлакатимизни ёвуз кучлардан асраш, халқимизнинг тинчлигини сақлашимиз учун жуда кўп фидойилар зарур. Сенда ана шу фидойиликни пайқадик. Тергов давомида эса ироданг букилмади. Тўғриси сўзладинг. Истасанг эртадан бошлаб бизнинг гуруҳда иш бошлашинг мумкин. Қани, қўлни ташла, Элёр Одилов!

— Лекин буни... қандай аниқладинглар?

— Бизда ҳаммаси ёзилган.

— Унда... қўйнига қўлини тиқиб...

— Буни ўша йигитнинг ортида турган агентимиз айтди.

Сен берган зарб шунчалар тез бўлган эканки, бир кўришда аниқлаш қийин кечди. Шунинг учун биз дастлабки хулосада бу ишни агентимиз қилган деб ташаккурномани унга билдирмоқчи эдик. Бироқ у ростини гапирди, яъни шубҳали шахсни нотаниш йигит тўхтатиб қолганлигини айтди. Сени эса топиш қийин эмасди, шундоқ ҳам Азиз туфайли кузатувда эдинг. Бирор махсус идорага алоқанг йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, синаб кўришга қарор қилдик. Капитан Аҳмедов!

Эшик очилиб ўрта бўйли, қотмадан келган, қорача йигит кириб келди. Унинг узун сочлари, ингичка мўйлаби озгин юзига унчалар ҳам мос тушмаган эди. “Балки атрофдагилар диққатини тортмаслик учун ўзини шундай ғалати кўринишга солиб юришар”, деган ўй утди Элёрнинг хаёлидан.

— Марҳамат, танишиб қўй, капитан Аҳмедов!

Элёр бўлган ҳодисани ҳаққоний сўзлаб берган ўзи қатори йигитдан миннатдор бўлиб, унинг қўлини самимий сиқиб қўйди. Капитаннинг билаклари озгин бўлгани билан мушти қаттиқлиги, чайирлиги қўл сиқишидан шундоқ билинди-қўйди.

— Сафимизда кўрсак, хурсанд бўлардик, — деди капитан жиддий оҳангда.

— Лекин мен... боксни ташлолмайман. Ботир акамнинг руҳини шод қилиш учун... чемпион бўлишим керак.

— Бу ҳақда эртага гаплашамиз. Ҳозир эса ташқарида машина кутиб турибди. Ювиниб-тараниб уйингга бор.

— Рост... данми?

— Одилов, уйга шагом марш!

Элёр эндигина эшитганлари чин эканлигига ишонди ва уялиб ўтирмай “А-а-а!” дея қўлларини мушт қилиб тепага кўтарганича ҳайқириб юборди!

Бошлиқ унинг елкасига уриб қўйгач, Аҳмедов билан бирга хонани тарк этди. Элёр бўлиб ўтган ҳодисаларни ҳазм қилолмай хонада бир оз қолиб кетди. Нималар бўляпти, ўзи? Нега уни шу кўйга солиб кўришди? Наҳот буларнинг барчаси синов эди?

XXI. ОТАЛИК БАХТИ

Гудак иси! О, бунча сархуш, бунчалар ёқимли ва дилни ўртовчи ҳид! Бунга фақат ўз зурриётингни — янги тутилган ва оппоқ чойшабларга йўргакланган фарзандингни қўлга олиб, жажжи қўлчаларидан, лўппи бетларидан ўпганингдагина юрак-юракдан туяркансан. Гудакдан таралаётган ифор ҳар қандай гулнинг ҳидидан-да аъло. Улардан гуё жаннатнинг иси келгандай.

Термиласан, термилаверасан, аммо асло тўймайсан. Севинчга тўлган нигоҳларинг толмайди, бу азия неъматни кўтарган қўлларинг ҳечам чарчамайди. Дилингдаги шукроналик тилингга кўчади ва ифтихорлик туйғуси бутун жисмингни яйратиб юборади.

Сен энди отасан!

О, бу қандай бахтиёрликки, ҳис қилган сайин қалбинг ўзидан ўзи жўшиб кетаверади. Нечундир ҳайқиргинг, бутун рўйи заминга жар солгинг келади.

Қишнинг сунги кунлари, баҳорнинг илк онларида дунёга келган фарзанд дарҳақиқат, орзиқиб кутилган навбаҳорнинг ёқимли, дилларни яшнатувчи жамики ҳидлардан-да тотли эди.

Элёр илк бор фарзандини бағрига босганида қалбини ўртаётган айни дамдаги ҳиссиётларни бунчалик чуқур ҳис этмаганди. Севинч, шодлик бутун борлигини чулгаган ва бу хурсандчилиқни тезроқ кимгадир айтиш ишқи билан ёнганди. Энди эса... Унга нима бўлди. Озгина айрилиқ, қоронғу ва зах ертўлада ўтказган аянчли дамлари бу эркин, бахтиёр кунларнинг қадрини шунчалар ошириб юбордимикин? Ота бўлишдек шарафга эга бўлиш, уни бежавотир қўлга олиб тўйиб-тўйиб ўпиш, эркалатиш ва бағрига босиш, шунчалар улкан, беқийс бахтми?

Бу нарсани Элёрнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб туриб ёки унинг ўзидан сўраб билишингиз мумкин. Бироқ шу паллада Элёр ҳис-туйғуларини тушунтириб беролмаслиги аниқ. Сўрамоқчи бўлсангиз, йиглаб юборади, холос. Ишон-масангиз, ана қаранг, кўзлари ёшланиб турибди. Тўғри, бу севинч ёшлари. Бироқ ўтган ойнинг қоронғу ўн бешини у синов даври эканлигини қасқдан ҳам билибди дейсиз? Энди, маълум бўлди. Аммо унинг хаёлида қандай бошидан кечирган бўлса, худди шундайлигича миқланиб қолди. Солиштириб, бу шодон кунларнинг қадр-қимматини ҳеч нарсага тенглаштириб булмаслигини юрак-юрагидан ҳис этиб турибди. Айниқса, фарзандини қўлига олганда ўзини тутолмади. Салгина олдин ҳам худди ўн йилга татиган ярим ойляк айрилиқнинг ҳадик, жавотир ва қўрқинч билан ўтган дамларидан киртайган, айни дақиқада эса шодлиқдан порлаган кўзларидан дув этиб ёш қуйилди. Ортада қолган кунларни энтиқиб-энтиқиб эсларкан, орзиқиб кутилган зурриётини бағрига босганича биз оддийгина қилиб атаган, аммо қадр-қиммати, маъно мазмуни жуда залворли “севинч ёшлари”ни анчагача тўхтата олмади. Тўхтатиб ҳам бўлмасди. Бу пайтда унга халақит бериш, фикрини булишнинг ўзи ноўрин эди.

Она ўглидан шунча пайтгача қаерларда қолиб кетганини сўролмади ҳалак. Қайнана яхши бориб келдингизми, дейишдан нарига ўтолмаяпти, аммо дилида саволлари қат-қат. Муҳаббат, шунчалар бағри тошмисиз, мусобақа биздан ҳам муҳиммиди, деб кўнтилга тутиб қўйган саволларини айтиб юборай, айтиб юборай деб турибди. Ҳар учаласини ҳам Элёрнинг кўз ёшлари тухтатиб турар, бемаврид гап айтишдан қайтарар, сабр қилишга ундарди. Балки уларда пайдо бўлган — Элёрнинг ўзи гапириб берар деган умид бир оз устун келаётган бўлиши ҳам мумкин эди.

Бироқ ҳеч ким ҳеч нарса сўрай олмади. Оиласи бағрида икки соатча бўлган Элёр йўл-йўлакай олган совга-саломларни аёлларга улашгач, “Клубдан хабар олиб келишим керак, кейин бемалол ўтириб гаплашамиз” деди-да, машқ пайтида киядиган кийимларни кийиб отлана бошлади.

— Кечқурунга ош қилайми? — сўради Муҳаббат эрининг бу қароридан норози оҳангда.

— Албатта. Фарзандли бўлганимизни нишонламаймизми? — деди Элёр Муҳаббатни бағрига босиб, сочларини ҳидларкан.

— Тсс! Кириб қолишади, — деди Муҳаббат пичирлаб, кейин тезгина эрининг қучоғидан чиқиб остона олдига бориб олди. — Тез қайтасизми?

— Кеч тушиб қолди. Эртага борсанг, бўлмайдими? — деди онаси ошхонадан чиқиб йўлакка ўтаркан.

— Устозга келганимни хабар қилиб қўйишим керак, — деди Элёр онасини меҳр билан қучиб. — Сизни жуда соғиндим, жудаям, — унинг кузлари яна ёшланди. — Қанчалар кўргим келганини билсангиз эди. Эҳ, онажон, онажоним! Бахтимизга доим омон бўлинг!

— Сениям худойим ўз паноҳида асрасин. Қаерда юрсанг ҳам бошинг тошдан бўлсин!

— Раҳмат. Ана энди менга бир соатга рухсат берасизлар. Бораману келаман, хўпми? — Элёр елкасига каттагина сумкасини осди.

— Шу сумка билан дарров қайтиб келасизми? Сиз-а?

Муҳаббатнинг арази Элёрнинг юрагини алгов-далгов қилиб юборди. Бироқ узини қўлга олди.

— Уч-тўрт кун кўпроқ қолиб кетганимга хавотир олиб ўтиргандир.

— Ҳм, ҳм. Мусобақага устозсиз бордингизми, ҳали? — Муҳаббатнинг кўзлари қисилди.

Элёр тилини тишлади. Аммо индамай кетишни узига эп кўрмай, севгилисининг кунглини тинчитди. Паловхонтўра пишгунча келишни ваъда қилиб, кўчага чиқди.

* * *

Аёз. Баҳорнинг биринчи ҳафтаси тугаб бораётган бўлса-да, совуқ юзларни чимчилайди, қулоқларни қотиради. Унда-мунда тупланиб ётган қор қаттиқ келган қишни эслатиб турибди. Йул бўйидаги икки туп бодом дарахти эса новдаларини кўз-кўз қилади. Эрта-индин очилай деб турган куртаклар баҳор келганидан хабар бераётгандай. Ҳатто бириккита шошиб очилган гуллар кўзга ташланади, аммо улар новдага қўнган капалакни эслатади. Беихтиёр жилмайиб қўясан, кайфиятинг кўтарилиб, руҳинг тетиклашади ва муздек тоза ҳавони тўйиб-тўйиб симирганингни сезмай қоласан.

Кўнгли шод бўлиб клубга қадам босган Элёр бу ерда дастлаб ташриф буюрганидаги каби совуқ муносабатга яна дуч келди ва дили хуфтон бўлди.

Мураббийнинг пешанаси тиришди, уюлган қовоғи Элёрни кўриб жаҳли чиққанлигидан далолат берарди. Шунданми, қаерда юрибсан деб сўраб ҳам ўтирмади: терга ботган Рустамга кўрсатма беришда давом этди. Элёрнинг устозга узатган қўли ҳавода муаллақ қолди.

— Ботир ҳам ўта масъулиятсиз эди. Сенам ундан қолишмас экансан, — деди мураббий ниҳоят ёнидан кетмаётган Элёрга кўз қирини ташлаб.

— Сабабини сўрамайсизми, Алишер ака? — деди Элёр йигитлар олдида усал бўлса-да, бунга парво қилмай.

— Сабабини йўқолиб қолишдан аввал айтишинг керак эди! Энди бунинг аҳамияти йўқ, бўшсан. Истаган клубга боришинг мумкин!

— Алишер ака.

— Бошидаёқ айтганман-а, сендан боксёр чиқмаслигини. Энди амин бўлдингми, нима учун шундай деганимга. Қани кетақол, болаларга халақит берма.

Элёр нима дейишни билмай қолди. Мураббийни четроққа таклиф қилиб, бўлиб ўтган воқеалардан хабардор қилсамикин? Шунда балки кечириб, машғулотларни яна давом эттиришга рози бўлар. Лекин бу гапларни айтиб бўлармикин? Терговчи “Клубдагиларга бекор гапирибсан, улар ҳеч нарса билмаслиги керак эди”, деб қолса нима бўлади. Қизиқ, нега бу ҳақда огоҳлантирмади экан? Ёки бу ҳам навбатдаги синовмикин?

Жуда галати ҳолат рўй берди: бор ҳақиқатни айтолмаса, ёлгон гапиришга эса виждони йўл қўймаса, нима қилиш керак? Ҳозирча индамай тура қолсинми?

Мураббийнинг муомаласидан кунгли чуққан Элёр ниҳоят ортига бурилди. Бу ерда кўзга ёмон кўрингандан кўра оиласи бағрига қайтади. Ахир уларни кўришга, бир оғиз суҳбатлашишга юраги орзиқиб кетди-ку! Бунинг устига тезда келаман деб ваъда берган. Энди уларни куттириш яхши эмас. Ҳозироқ уйига қайтгани бўлсин.

Бироқ икки-уч қадамдан сўнг тўхтаб негадир Рустамга қаради: унинг юзидаги ифодани уқмоқчи бўлди. Тиржайган Рустам Элёрнинг қараб турганлигини пайқаб, шеригига кетма-кет мушт туширди ва ерга қулатди. Кейин қўлқопларни бир-бирига қаттиқ уриштириб, яна иржайди. Афтидан у: “Кўриб қўй, сениям шундай аҳволга солиб қўйишга кучим етади. Бу ерда зўри менман! Энди чемпионлик менга насиб этади! Афсус таъзирингни бериб қўя олмадим”, дейётгандай эди. Дарҳақиқат, Рустам рақиби қайтиб кетаётганидан хурсанд эди, у клубда яна биринчи рақамли боксчига айланганди. Чемпионатда эса ғолибликка асосий даъвогар!

Ўзини бўлгуси чемпиондек тутаётган Рустамнинг туриши Элёрнинг гашини келтирди. Бир кўнгли ҳозироқ куч синашга чорлади: мураббийдан охирги марта рингга чиқишга рухсат сўра, у йўқ демайди; тиржайган Рустамнинг башарасини бежаб қўй, токи анчагача сени унутолмай юрсин. Орият шундай деб галаён қила бошлади.

- Алишер ака...
- Ҳалиям шу ердамисан?
- Яна бир марта...
- Кет!

Сўзи қайириб ташланган Элёр иложсиз қолди. Алишер акада ўзига нисбатан олдинги иштиёқ қолмаганини сезди. Оғир қадам ташлаб залдан чиқаркан, мураббий хонасидаги суҳбатни эслади. “Аслида ўша шерикларидан фарқи йўқ экан, — ўйлади Элёр. — Ботир ака ҳам бу одамнинг принципи йўқлиги учун бор-е, деб ташлаб кетган бўлса керак. Бунақа кўрқоқ одамлардан барибир яхши мураббий чиқмайди. Яхшиси бошқа клубга бораман!”

XXII. БИРИНЧИ ҚАДАМ

Элёр эрталаб офисдан хабар олгани борди. Суриштирув кунлари бу ерда ҳам яхшигина тинтув ўтказилган, шубҳали бирор нарса топилмагач, шундайлигича қолдирилган эди. Банк маълумотлари, солиқ органига тайёрланган ҳисоб-китоблар, ҳар хил бадий китоблар, откриткалар стол устида қалашиб ётарди. Ўша кундан бери бу ерга ҳеч ким кирмагани шундоқ кўриниб турарди. Балки ҳисобчи киргандир, аммо бирор ҳужжатга тегмаган ёки тегишга кўрққан. Ҳа, Маҳмуднинг ҳам утакаси ёрилиб кетди. Бирор жойга ноўрин маблағ ўтказмагани аниқлангандан кейингина ўзига келди. Прокуратура ходимларининг саволларига жавоб бергунча ўзиям қора терга ботди-да. Усиз бирор нарсага тегмагани, қаттиқ кўрқиб кетганидан бўлса керак. Бу туришда ишдан бўшашга ариза ёзиб келмаса бўлди.

Шахло нима қияпти экан? Уйидамикин ёки бирор ерга кириб ишляптимикин? Азизнинг ўлимини эшитган бўлса, қандай кўйга тушди экан? "Ишқилиб, келсинлар-да, Азиз акам", деганди илинж билан охириги гаплашганида. Нима учун шундай деди экан? Элёр ушанда ҳам тушунмаганди, ҳозир ҳам тўлиқ англолмади. Қизнинг ҳам кўнгли бор шеклилли, деганди ўзича: бошқа жиддий сабаб ҳам, маъно ҳам тополмай.

Аммо бу пайтгача Шахло билан шундай кўнгилсизликлар рўй бергандики, қиз бечора ўзини ўлдиришнинг тез ва осон йўлини қидираётган эди. Азизнинг ўлиmidан хабар топган Шахло тирик мурдага айланди-қолди. Йўқ, йигитни қаттиқ севгани, ундан айрилиб қолганидан эмас, қорнидаги икки ойликдан ошган ҳомиладан хавотир олгани учун саросимага тушиб қолганди.

Энди нима бўлади? Шу кунларда тўйи бўлишларини мўлжаллаб қўйишган эди-ку! Тўй азага айланибдики, демак, қолган ҳаёти ҳам мотам бўлибди-да. Ҳомиласи борлигини қачонгача яширади? Балки олдириб ташлар. Хўп, ундан қутулган тақдирда ҳам кимга турмушга чиқади? Номуси бадном бўлган-ку!

Азизга ишониб адашганига ақли етган қиз биратўла барча таънаю дашномлардан қутулиш режасини тузган ва шу бугун кечаси нуқта қўйишга шай эди. Шунча гуноҳи устига яна бир кечирилмас гуноҳга қўл уришга тайёр ва бунинг оқибатини ўйламай, Худога тавалло қилаётган эди. Аммо буни Элёр қаёқдан ҳам билсин...

У эрталаб қиздан хабар олгани борганда ногоҳ азанинг устидан чиқди ва Шахло ўз жонига қасд қилганини қўшни аёлдан эшитди. Эртаси куни яна таъзияга келганда марҳуманинг ҳомиласи бўлгани ҳақидаги гаплар ҳам қулоғига чалинди. Шундагина ёшларнинг қилиб қўйган бебошлигию унинг аянчли натижасини кўриб ўзини айбдор ҳис қилди. Юраги ачишиб, кўзларига ёш келди.

“Азизнинг ўлими қаттиқ таъсир қилибди-да, — уйлади Элёр бирин-кетин содир бўлган жудоликларни кўтара олмай қайгуга ботаркан. — Шарманда булишдан кўра ўлимни афзал кўрдимикин? Ахир укамни кўзим қиймайди деганди-ку. Демак, бошига тушадиган ситамлардан қўрқиб... Эҳ, Шахло, Шахло. Нега бундай қилдинг?”

Элёр алламаҳалгача ухлолмади.

Эртаси куни қайнанаси ва қайнсинглисини кузатди. Онаси эса яна бирор ҳафта қоладиган бўлди: чақалоқни ташлаб кетишга кўзи қиймади.

Соат ўнларда телефон жиринглади. Шаҳарда “Чарм қулқоп” клуби ҳақида эшитган Элёр ўша жойга боришга тараддуд кўраётган эди. Кимдир уни пастга тушишини илтимос қилди. Овоз эгаси нотаниш эди.

Ҳайрон бўлган Элёр аввало балкондан пастга қаради. Кириш йўлаги олдида эски оқ “Москвич” турарди. У кечаги куни уни уйга олиб келган автомашинани таниди. “Ростдан ҳам ишга олишмоқчимиз дейман? Қизиқ, агарда рози бўлсам нима иш қиларкинман?”

— Танишиб қўй, миллий хавфсизлик хизмати майори, кадрлар билан шугулланувчи махсус бўлим бошлиғи Санжар ака Қўрғонбеков, — дея гап бошлади капитан Аҳмедов орқа ўриндиқда ўтирган кишини таништираркан.

Элёр машинага ўтиргандаёқ орқада нотаниш одам ўтирганлигини кўрган, бироқ шапкасини бостириб кийиб олганидан дабдурустдан танимаган эди. Бутунлай ўгирилиб қараганди, таниди: ахир бу кеча уни табриклаган ва уйига кетишга рухсат берган киши-ку.

— Хуш, хизматга тайёرمىсан? — сўради Қўрғонбеков Элёрнинг қўлини қаттиқ қисиб.

— Бунинг учун боксни ташлашим керакми?

— Хизматдан бўш вақтларингда бемалол шугулланиб тураверасан.

— Бир ойдан кейин ўтадиган мамлакат чемпионатига қатнашмоқчи эдим, — Элёр мақсадини яшириб ўтирмади. Ҳадиқ ва қўрқувни енгиб ўтган йигит махсус хизмат вакиллари билан дангал гаплашиш кераклигини билиб олганди.

— Қатнашдинг дейлик, хуш, кейин-чи?

— Кейин жаҳон чемпионатига тайёргарлик.

— Ундан кейин-чи?

— Ундан кейин, билмадим.

— Ана кўрдингми, у қанчалик баланд чўққи бўлмасин, агар эгалласанг, ўша ерда олдинга интилиш, орзу-мақсадинг тугайди. Чунки армонинг ушалди. Лекин шундай касб борки, унда асло тўхтаб қолмайсан. Сенинг хатти-ҳаракатингдан, эзгу ишларингдан одамларга, айниқса, ватанга манфаат етаётганини кўриб, янада кўпроқ ишлагинг келади, янада кўпроқ яхшилик қилишга интиласан. Бу қандай касб-лигини биласанми?..

Ортига ўгирилиб ўтирган Элёр майорнинг гапларини диққат билан тинглади. Эшитган сари юрагининг тубида нимадир уйғонгандек бўлди.

— Қани, айт-чи, халқимиз яшаётган шу юртни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилишдан ҳам кўра муҳимроқ иш борми, дунёда? Менимча, йўқ! Шундай экан, сенда имкон пайдо бўлди, фарзандлик бурчингни шараф билан ўташга. Бу ўта жиддий ва масъулиятли вазифа. Лекин ўйлайманки, сен берилган ҳар қандай топшириқни бажаришга қодирсан. Одамларнинг ташқи қиёфасини эслаб қолиш қобилиятинг, бокс билан шуғуланганинг, энг муҳими тугилиб ўсган юртингнинг келажатига бефарқ эмаслигинг зимманга оладиган ишларни аъло даражада бажаришингда жуда асқатади...

Элёр беихтиёр қалбида ифтихор туйғусини ҳис этди. Нигоҳлари янада тиниқлашиб, эшитаётганларига маҳлиё бўлди.

— Наманганда кўрсатган қаҳрамонлигингни ошкор қилиб мақтанмасанг ҳам кўрдингми, давлат буни унутмади. У

ҳамиша довюрак ва содиқ фарзандларига доим гамхурлик қилиб келган ва янги-янги вазифаларни адо этишга чорлаган. Айни пайтда сен ҳам шундай олий вазифага киришиш оstonасида турибсан.

— Мен...

— Ҳа, сен, Элёр Одиллов!

— Эплай олмасам-чи?

— Широқ ҳақидаги ривоятни ўқигансан-а? У юртдошларига ажал хавф солганда эплай оламанми-йўқми деб иккиланганми? Жимгина келиб қулоқ-бурнини кесишларини сўраган. Ва душманни чўлу биёбонларга бошлаб кетган. Мана оддий қаҳрамонлик намунаси. Мана халқини севиш ва унинг бошига тушадиган кулфатни, мусибатни даф қилиш. Бу ерда ҳар қандай таърифун тасниф ортиқча. Тўғрими?

— Ҳа, — деди Элёр энди бир оз дадил овозда.

— Юрагингда ҳеч қандай иккиланиш ва қўрқув бўлмаслиги керак. Биз ватан ҳимоясига отланганмиз, тамом-вассалом! — дея гапини давом эттирди Санжар Қўрғонбеков. — Жонимизни қурбон қилиб бўлса-да, топширилган вазифани бажарамиз! Ортга қайтиш йўқ.

— Ҳа, худди шундай! — гапга қўшилди капитан Аҳмедов.

— Лекин мен бир нарсага қойил қолдим ва ҳамон бу нарсани ақлимга сиғдира олмаяпман. Наманганда давлат сиёсатини ўзгартиришга уриниш бўлди, тўғрими?

— Тўғри, — деди майор энди бемалол ўтираркан, қўларини кўкрагига чалиштириб.

— Президент у ерга ҳеч иккиланмай кириб борди. Отиб қўйишларидан ҳам ҳайиқмади. Бунга қойилман. Бироқ Президентни Ислом давлати қурамин деб жар солаётганлар эмас, балки бундай вазиятдан фойдаланиб, у кишини мамлакат раҳбари бўлишига қарши бўлган, кўролмай юрган ёки ўрнини эгаллашга интилиб юрганлардан бирининг буюртмаси билан бошқа бир ёлланма душман отиб қўйиши ҳам мумкин эди-ку. Худо кўрсатмасин агар шундай бўлган

тақдирда ҳеч ким мансабпараст одамдан шубҳа қилмасди ва бу қотилликни диний мамлакат қуриш учун курашаётган гуруҳдан кўрар эди. Кейин сизлар у ердаги одамларни элакдан ўтказардинглар, тугрими?

— Балки.

— Уз ичимизда Президентнинг душманлари йўқ деб ўйлайсизми? Бор, фақат улар пайт пойлаб турганга ўхшайди. Фақат қачон ёки қай ҳолатда ҳужум қилишини билиб бўлмайди, холос, — Элёр ўша кундан буён ўйлаб юрган мулоҳазаларини ортиқ ичида сақлолмади.

— Сени оддий рассом десам, сиёсатдан ҳам анчагина хабаринг борга ўхшайди-ку. Яхши. Мамлакат тақдирига бефарқ эмаслигинг эътиборга лойиқ. Демак, Бўкадаги воқеалардан ҳам хабаринг бор?

— Фақат эшитганман, холос.

— Халқ олдига от миниб чиққанларини кўрганнингда яна бир марта ҳайрон қолган бўлардинг.

— У қандай бўлган эди? — деб сўради Элёр ҳаяжон билан.

Майор Санжар Қўрғонбеков Бўка шаҳридаги тўс-тўполонни, кўчага чиққан халқнинг дардини эшитиш учун Президентнинг Тошкент вилоятига боргани, баъзи оғзи полвон чавандозларнинг кесатигига жавобан одамларнинг олдига миниб чиққанларида ўша ноўрин гап ташлаган кишиларнинг дами ичига тушиб кетганларини қисқача гапириб берди.

— Демак, ўшанда ҳам ҳеч нарсадан хавфсирамай митинг уюштирган оломоннинг олдига чиққанлар-да? Бундай қалтис ишга қандай юраги дов бердийкин? Ахир бирортаси... от устидаги одамни мўлжалга олиш...

— Президент ана шундай мард бўлиши керак!

— Ҳа, халқимиз ўзига мард йўлбошчини танлаб адашмабди, — деди Элёр мамнуният билан.

— Лекин сенинг “элакдан ўтказардинглар” деганингга тушунмадим? Биз ҳеч кимни ноҳақ айбламаймиз. Қилмиш қидирмиш, деган гапни асло унутма.

Элёр ноурин гап қилиб қўйдим шекилли, деган ҳадикдан аввал капитанга, сўнгра майорга қаради. Уларнинг юзларидан бирор ифодани сезмаса-да, биринчи учрашувдаёқ кўнглидагини очиқ-ойдин гапириб юборганидан хижолат тортди. Майор буни пайқаб йигитни ўз фикрларини бемалол баён этишга ундади.

— Мен... мен билмадим... аммо хаёлимдан кечган шу ўйлар анчагача тинчлик бермади. Мен Президентнинг жасоратини Наманганда ўз кўзим билан кўрдим. Ажал билан юзма-юз келиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Уша воқеадан сўнг чемпион бўлишга онт ичдим. Ҳар қандай зарбага чидаб, фақат галаба сари боришга интиламан, деган қарорга ҳам келиб қўйганман.

— Мақсаднинг яхши. Лекин биз сенга таклиф қилаётган вазифа ҳар кунни шижоат кўрсатишни, яъни сен айтгандай мардлик ва жасорат кўрсатишни талаб қилади. Тўғри, бу ишда сени атрофдагилар билмаслиги, танимаслиги, ҳатто амалга оширган қаҳрамонлигингни умуман эшитмаслиги ҳам мумкин. Ҳа, бизнинг ишда мансаб ёки шахсий манфаат учун ҳаракат қилинмайди. Бизда битта манфаат бор, у ҳам бўлса, давлат ва унинг фуқаролари манфаати.

Майор сузидан тўхтаб Элёрга назар ташлади. У жимгина эшитиб ўтирарди. Афтидан эшитаётганларининг мағзини чақаётганга ўхшарди. Бироқ бояги гапини бот-бот эслаб қўяр, хижолат чекар, нима деб ўзини оқлашни ўйларди.

— Хабаринг бор, — дея гапини давом этди майор. — собиқ иттифоқдан биринчилардан бўлиб ажралиб чиққан имизга чидолмаётганлар тишларини қайраб, гажимоққа тайёр турибди. Аслида улар аллақачон ишга киришгани бизга маълум: ўзимиздан чиққан айрим қатъиятсиз кишиларнинг қўли билан жанжал-тўполон қилишга уринишмоқда. Душманларнинг ҳар қандай кирдикорларини иложи бирича олдиндан пайқаб, фош қилиш эса бизнинг асосий вазифамиз бўлади.

— Менинг бу соҳадан мутлақо хабарим йўқ-ку, — деди Элёр ҳамон бокс билан шуғулланишдан умидини узмай.

— Аввал олти ойлик махсус тайёргарликни ўтайсан. Ана ундан кейин тақсимот пайтида яна суҳбатлашамиз.

— Эплармикинман?

— Яна иккиланяпсанми? Капитан ҳайда, Янгийўлга! Бир одам билан учрашиб келамиз. Қани ўтир, бирга бориб келасан.

— Уйдагиларга айтиб тушсам, майлими?

— Тез бор.

Элёр шошиб ўзини йўлакка урди.

Майор рация орқали кимгадир Янгийўл шаҳрига йўлга чиққанини, яна йигирма дақиқалардан сўнг белгиланган жойда бўлишини маълум қилди.

XXIII. “ҲАЛОКАТ” ОПЕРАЦИЯСИ

Улар йўлга тушишди. Шаҳардан чиқиб сал юрилгач, далаalar бошланди. Кейин қандайдир қишлоқ, сўнг яна экин майдонлари кўзга чалинди. Кейин катта трассадан чапга қайрилиб Янгийўлга бориладиган кўчага тушишди. Қишлоқ тутаб боғ, ундан кейин икки четига қалин арча экилган йўл бошланганда олдинда тўхтаб турган, қандайдир ҳалокат содир бўлганлигини билдирувчи чироқлари ёниб-ўчаётган усти ёпиқ машина кўзга ташланди.

— Авария бўлибди, шекилли, — деди машинани бир оз секинлатган капитан қўлларини кўтараётган эркак кишидан нигоҳини узмай. Элёр яқинлашган сари “Газел”га ухшаш, аммо ундан сал узунроқ машинани, унинг олдида эса қонга беланган аёл кишининг гавдасини кўриб, афти буришди.

— Тўхта, ёрдам керакка ўхшайди, — буюрди майор.

— Одам уриб юборибди, — деди машинани четроққа олиб тўхтатган капитан.

— Ҳозиргина бўлибди шекилли, — дея машинадан тушиб Элёр.

Майор пастга тушиб, ҳайдовчининг ёнига югуриб борди, нима бўлганлигини сўради. Ранглари оқариб кетган, қон қўллари титраб атрофга аланг-жаланг боқаётган озгин ҳайдовчи пешвоз чиқаркан, ерда юзтубан ётган аёл томонга ишора қилди ва олдидан қўққис чиқиб қолганлигини зўрга тушунтирди.

— Тирикми, — сўради майор жароҳатдан юз-кўзини таниб бўлмайдиган аёл томон юриб.

— Билолмаяпман. Лекин нима бўлганда ҳам касалхонага олиб боришим керак. Илтимос, орқага чиқаришга... ёрдам беринглар, — ҳайдовчи йиғламсираб гапираркан, кабинадаги эски кўрпачани ола бошлади.

— Тирик, қани, йигитлар тез келинглари-чи, — деди майор аёлни кийшайган бўйнига бармоғини қўйиб тирик эканлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг.

Бу орада ҳайдовчи кабинадан тагига солиб юрадиган эскироқ кўрпача келтирди, кейин ҳамон қилт этмай ётган аёлга яқинроқ қилиб ёзаркан, у ўзини машинанинг тагига ташлади, жонидан тўйган шекилли, келиб-келиб менга ҳам учрайдими, энди нима қиламан, жўжабирдай жонман, тўртта боламни боқишим керак, хотиним инвалид бўлса, деб пайдар-пай сўзлар, қон қўллари билан гоҳ бошини чангаллар, гоҳ депсиниб-депсиниб кўярди.

— Сал секинроқ юрмайсизми, ака, — деди капитан ҳайдовчининг минғир-минғирига ишонмай.

— Айтяпману ўзини машинага отди, деб. Мен шундай бўлишини хоҳлайманми? Палакат! Энди буни деб...

— ГАИни кутмаймизми, — дея ҳайдовчининг гапини бўлди Элёр майорга юзланаркан.

— Бу ерга ГАИ етиб келгунча ярим соат ўтади. Биз машинага ола қоламиз, — деди майор эски бўлса-да, “Москвич”га ишора қилиб.

— Йўқ, йўқ, — дарҳол эътироз билдирди ҳайдовчи қўлини қимирлатиб. — Уни ўзим олиб бораман. Ҳозир...

ҳозир эшигини очаман. Мана, қани олиб келинглар. Ахир ўзим олиб борсам... уйидагилар қочиб кетмабди деб ҳисобга олишар.

— Ҳали қочиб кетмоқчимидингиз? — деди капитан ҳайдовчига газаб билан тикилиб.

— Унақа виждонсиз эмасман, ука. Тирикчилигим кўчадан, беш-ўн сўм топсам, болаларимга едираман, — ўзини оқлай бошлади ҳайдовчи.

Майор ичи бўш машинага биринчи бўлиб чиқди. Бу ерда чироқ негадир ёниқ эди. Элёр ҳайрон бўлди, аммо шу тобда бунга алоҳида аҳамият берадиган вазиятда эмасди. Ҳайдовчининг илтимоси билан аёлни энг охирига ётқизмоқчи бўлдилар. Элёр ноилж тепага кўтарилди. Шу пайт қаердандир соқолли уч киши пайдо бўлди ва капитаннинг биллагидан маҳкам ушлаб юкхонага отди. Кейин ўзлари ҳам шитоб билан ичкарига чиқди-да, устиларидан эшикни қарс этиб ёпди.

Чучиб кетган Элёр шундагина ортига қаради ва чироқнинг нурида ўрта ёшлардаги тўладан келган икки соқолли кишининг узун халатларининг ичидан қуроқ чиқариб майор билан капитанга битта-битта ўқталиб турганлигини кўриб ҳангу манг бўлиб қолди.

— Қимирлама, қўлларингни кўтарларинг! Кутар, дедим сенларга! Агар салгина пастга туширганингни сезиб қолсам шартга отиб ташлайман! Утир, утирларинг!

— Сиз кўтарманг, биродар.

Элёр овоз эгасини таниди ва беихтиёр “Абдунаби!” деб юборди.

— Сен... сен буларни танийсанми? — деб сўради бу илиқ муомалани кўрган майор газабини яширолмамай.

Шу тобда ростдан ҳам майорнинг нигоҳларидан нафрат ёгиларди. Буни сезган Элёрнинг этлари жимирлаб кетди.

— Бақирма, — деди Абдунаби совуққонлик билан. — Бу биродаримизга яна бир марта бақирсанг, кекирдагингни

узиб оламан, билдингми? Марям хоним, бўлди, тураверинг, сизнинг ишингиз ниҳоясига етди. Ортимиага ўтиб, гриммларни артсангиз ҳам бўлади. Ташаккур сизга, жуда ишончли чиқди.

— Сотқин! — дея бақирди майор бир ўрнидан тураётган аёлга, бир кўзларини жавдираб турган Элёрга юзланиб. — Яна безрайиб туришингни қара-я!

Элёр сергак тортди. У дарҳақиқат кўз очиб юмгунча содир бўлган ҳодисани англолмай лол эди. Кийимлари, юзқўллари қон бўлиб беҳуш ётган аёл ўрнидан туриб соқолли кишиларнинг орқасига ўтиб олганда эса баттар гангиб қолди. Бунинг устига майор тинмай бақираётган, уни сотқинликда айблаётган эди. Шунда Абдунаби ёши сал каттароқ кишига имлаган эди, у қўлидаги автомат билан майорнинг қорнига бир тушириб, овозини ўчирди.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокот. Мана, яна учрашдик, Элёр ака, — деди Абдунаби қулини кўксига қўйиб самимий оҳангда. — Сизга айтдим-ку, яқинда мени қутқариб олишади деб. Ишонмагандингиз-а? Саломат юрибсизми?

— Тушунмадим, бу нима қилганингиз? — Элёр кучоқлаб сўрашган Абдунабидан ўзини тортиб.

— Ҳалиям тушунмадингизми? Ахир неча кундан бери сизни кузатиб юрибмиз-ку. Мана бу газандалар сизни яна қамоққа олиб кетаётган бўлса керак. Нима шунча берган азобларинг камлик қилдими? — Абдунаби шундай деб, капитанга юзланди-да, жаҳл билан бир тепди.

— Мени қамоққа олиб кетишаётгани йўқ, — деди Элёр бўлаётган ишларни ҳамон тушунолмай.

— Ишондийизми, айланиб келамиз деганига? Асло ишонманг, буларга. Қулингизда ишлаган Азизхонни аслида ким ўлдирганини биласизми? Билмасангиз билиб қўйинг, мана шу искович итлар ўлдириб юборди! Кейин айбни Намангандаги биродарларимизга ағдаришди. Эндигина сафи-

мизга қўшилган Шаҳлони ҳам қамаласан, зонада фоҳишалик қиласан, деб қўрқитишиб, ўлимга сабаб бўлганлар ҳам шулар.

— Ёлгон! — дея бақирди капитан.

— Азизни сенинг “биродар”ларинг осиб ўлдиришди! — деди майор жим ўтиролмаб. — Менимча, ҳокимият биноти ичида у қандайдир айтилган топшириқни бажармаган ёки бажара олмаган. Шунинг учун унинг бағридан ўтишди. Буни аллақачон аниқлаганмиз.

— Биз ўз биродарларимизни ўлдирмаймиз! — Абдунабининг гаплари ҳам қатъий чиқди. — Сиз бу динсизларнинг баландпарвоз сўзларига ишонманг! Биздаги маълумотларга қараганда, сизни аввал Янгийўлга олиб боришади, кейин Навоийдаги махсус қамоққа ташлашади. Агар у ёққа кирсангиз бўлди, қайтиб чиқиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрманг. Шунинг учун сизни қутқариш режасини туздик ва мана шу операцияни амалга оширдик. Сиз озодсиз, Элёр ака.

Элёр нима дейишни билмай қолди. Майор билан капитанга кўз қирини ташлар экан, ростдан ҳам қамоққа олиб кетаётган эдингларми, дегандай бўлди.

— Буларнинг гапига ишонма, Элёр, — деди майор жонжаҳди билан.

— Агар Ўзбекистонда қолишни истамасангиз, ҳозироқ Афғонистонга чиқариб юборамиз. У ерда бир-икки ой бўлгач, истаган давлатингизга боришингиз мумкин, — Абдунаби меҳрибонлик билан Элёрнинг елкасига қўлини ташлади.

— Мен ҳеч қаёққа бормоқчи эмасман.

— Ихтиёр сизда. Аммо бу ерда қолсангиз ҳаётингиз доимо хавф остида бўлади. Чет элда эса эмин-эркин яшайсиз. Ҳомийларимиз паноҳида бўласиз.

— Кераги йўқ.

— Ҳа, майли, сизни қўриқлаб юриш учун бирор нима ўйлаб топармиз. Энди қонга қон, жонга жон деганларидай,

марҳум биродаримиз Азизнинг ҳунини оламиз ва бу икка-ласини жаҳаннамга жўнатамиз, — дея Абдунаби бирдан майор томон юзланди ва ғазаб билан гапида давом этди. — Билиб қўйинглар, биз Ўзбекистонда Ислом давлати қурмагунимизча асло тўхтамаймиз!

Абдунаби сўзини тугатгач, белига қистирилган тўппончасини чиқарди-да, ўйлаб утирмай капитаннинг қоқ юрагига ўқ узди. Капитан оғзини очганича, бир типирчилаб “жон берди”. Майор Абдунабига отилди. Бироқ белига тушган қўндоқдан ағдарилиб тушди. Уни суяб ўтқазиб қўйишгач, Абдунаби қўлидаги қуролни Элёрга узатди.

— Мана бу гўрсўхтани отиб ташланг! — деди Абдунаби белини ушлаб турган майорни кўрсатиб. — Подвалдаги сўроқдан кейин сизга азоб берган ниқобли киши аслида мана шу бўлади. Сиз ундан икки бегуноҳ ходимингизнинг учини олишингиз керак. Отинг!

— Мен бундай қилолмайман, — деди саросимага тушган Элёр ўзини бир оз орқага олиб.

— У барибир ўлади. Агар бу ишни шу заҳоти амалга оширсангиз, бизга садоқатингизни намоён қилган бўласиз, акс ҳолда бизларни шубҳага қўясиз. Биз эса гумонда бўлган шахслар билан гаплашиб утирмаймиз. Ушланг, қуролни!

Икки соқолининг бири дарров автоматни Элёрга тўғрилади ва отишга шай ҳолатга келтирди. Қўрқув унинг бутун вужудига ёйилгандай бўлди. “Наҳот шу ерда ўлиб кетсам, — хаёлдан ўтказди Элёр титроқ ичида. — На расом бўлолдим, на ҳақиқий боксёр! Наҳот менинг қисматим ҳам Ботир ака сингари қисқа ва аянчли тугаса? Лекин Ботир ака ўлими билан очкўз бир махлуқнинг жирканч ишларига чек қўя олди. Мен-чи? Мен нима қила оламан? Ўлимимни қўрқоқларча титраб-қақшаб қарши оламанми ёки...”

— Отасизми-йўқми?!

Элёр фикрини жамлади ва бирдан қўллари титраганига қарамай бақирди:

— Беринг!

Абдунаби ногоҳ Элёрда пайдо бўлган шижоатдан саро-сималаниб, кўзларига ишонмади: “Ростдан отмоқчимиз?”. Дарҳол ўзини қўлга олди, тўппончани узатаркан, итдай отиб ташланг, токи бегуноҳ одамларнинг қони тўкилмасин, деди газаб билан бақириб.

Элёр ўйлаб утирмай тўппончани майорга тўғрилади.

— Мана шуними?

Кўзлари қинидан чиққудек бўлган майорнинг тили кали-мага келмай қолди.

— Ҳа, шуни! Хўш, нимага қараб турибсиз, отмайсизми?! — Абдунаби дуқ билан Элёрга буюрди.

— Аввал саволимга жавоб берсин. Азизнинг ўлимига ким сабабчи эканлигини айтсин? — сўради Элёр майордан кўз узмай.

Абдунаби майорга ўгирилди.

— Сенинг қўлингга қурол тутган биродаринг! — ўйлаб утирмай жавоб қилди майор.

— Шаҳлонинг-чи?

— У ўз жонига ўзи қасд қилган.

— Сўроқдан кейин азоб берган одам ростдан ҳам сизми?

— Нима учун бундай қилганимни биласан.

— Мени қаерга олиб кетаётган эдингиз?

— Қамоққа эмас, албатта.

— Ёлгон! — ўшқирди Абдунаби. — У сизни қамаб, ўз мансабини оширмоқчи эди. Яхши ишлаётганини кўрсатиб қўйиш учун нечта биродарларимизни қамоққа тиққан бу ярамас! Улдинг, уни. Шафқат йўқ, буларга!

— Элёр бундай қилма! Қўлингни қонга ботирма!

— Отинг!

— Ҳа, отаман!

Элёр шундай деб бирдан тўппончани Абдунабига қаратди ва кетма-кет уқ узди. Сўнг автоматини сал тепага кўтариб уни отмоқчи бўлган соқоллининг кўкрагини мўлжалга олди.

Бу орада майор иккинчи соқолнинг устига ташланди ва бир тепиб қўлидан қуролни тушириб юборди.

Элёр даҳшат ичида унга ҳам ўқ узишга улгурди.

Фургон ичига жимлик чўкди. Элёр қуролни бурчакка қараб отди. Майор аста ўрnidан туриб, эшикни бир тепди ва Элёрни пастга етаклади. Бошини қўллари билан беркитиб олган аёл ўзини бир четга олди.

— Раҳмат, Элёр. Сен ҳақиқий эр йигитнинг ишини қилдинг, — деди майор ҳамон ўзини босиб ололмаётган Элёрнинг елкасига қўл ташлаб.

— Ахир мен... одам ўлдирдим, — деб бир машина ичида ётган ўликларга, бир титраётган бармоқларига қаради Элёр. Шу тобда унинг ҳолатини тушуниш қийин эмасди.

— Одам ўлдирдим дейсанми?

— Ҳа. Ҳаётимда биринчи марта одам ўлдирдим.

— Уруш қурбонсиз бўлмайди. Энди бу аччиқ ҳақиқатга қўниқининг керак, — майор жуда хотиржам гапирарди.

— Шунинг учун ҳар қандай урушга қаршиман!

— Халқимизнинг истаги ҳам шу, Элёр.

— Энди нима бўлади? Улганлар учун қандай жавоб бераман? Нега уларни тириклай қўлга олмадинг? Ахир ярадор қилсанг ҳам буларди-ку, деб жавобгарликка тортишса, нима бўлади?

— Бўлди, ўзингни қўлга ол. Сен ҳеч кимни ўлдирганинг йўқ! — майор шундай деб қарсак чалганди, барча “жон берган”лар аста ўрnidан тура бошлашди.

Буни кўриб Элёр ҳанг-манг булиб қолди. Майор жилмаяркан, уни туртиб қўйди.

— Сен яна бир синовдан ўтдинг.

Одам отиб қўйганидан даҳшатда тушган Элёр барибери қўзларига ишонгиси келмади. Ахир тўппонча ҳақиқатда отилди-ку. Демак, ўқлар ҳақиқий эмас, махсус тайёрланган, отилади, овоз чиқаради, аммо бориб тегмайди. Худди кинодагидай, шундайми? Бироқ у бўлиб ўтган ҳодисанинг атай

уюштирилганини сезмади. Автоҳалокатни ҳам, қандайдир босқинчиларнинг қўлига тушиб қолишларини ҳам ҳақиқат деб уйлади. Бунга заррача гумон қилмади. Аслида барчаси шундай тез содир булдики, шубҳа қилишга вақт ҳам қолдирилмаган эди.

Машинадан тушиб келган соқолли кишилар ясама соқолларини олиб, Элёр билан қўл сиқишиб кўришганларида у бир оз ўзига келди, бироқ бирор нима дейишга ожиз эди.

— Агар ҳали “элакдан утказишни бошлайсизлар” деган гапинг бўлмаганда, бу “Ҳалокат” операциясини утказмас эдик, — ниҳоят тушунтирди майор Элёрни машина томон бошлар экан. — Бу гапингдан бир оз гумонга бордим ва ҳар эҳтимолга қарши деб олдиндан тайёрлаб қўйилган режани амалга оширишга тўғри келди. Қалай, ишончли чиқдимиз? Тугрисини айт!

Элёр бошини қимирлатди.

У ҳамон ўз ўй-хаёллари билан банд эди.

— Баъзида шунақа операциялар ҳам уюштириб туришга тўғри келади, — деди майор бу гал янаям жиддий оҳангда.

— Демак, Абдунаби...

— У сени синаш учун киритилганди.

— Унда ўзини Пахан деган одам-чи?

— У ростдан ҳам ўша ернинг Пахани бўлиб кетган.

— Лекин мен йўлдаги аварияни рост деб уйладим.

— Бутун бир мамлакатнинг хафвсизлигини таъминлаш осон иш эмас. Буни фақат жиддий синовдан ўтган кишиларгагина ишониб топшириш мумкин. Орамизда иккиланувчилар бўлмаслиги керак. Бошқа одам миллий хавфсизликда ишлаш маза деб уйлайди. Аслида ундай эмас. Бу чемпион бўлишдан кўра анча мушкул. Бўпти, ҳаммага раҳмат. Тарқалдик. Икки соатдан кейин ишхонада кўришамиз. Қани, кетдик.

— Мени ўлдирганингизнинг сабабини билсам буладими? — сўради Абдунаби Элёрнинг ёнига келиб.

— Капитанни қандай отган бўлсангиз, менам шундай қилдим, — деди Элёр уйлаб утирмай.

— Сизда нафрат уйғотдимми?

— Шунақа деса ҳам бўлади.

— Демак, ролни яхши бажарибман.

— Ҳа, ишонарли чиқди. Гап-сўзларингиз ҳам жойида.

Бироқ сизда барибир нимадир етишмаяпти.

— Шуни айтинг-да, менга. Камчилигимни билишим керак, — Абдунаби Элёрнинг билагидан тутди.

— Яхшилаб уйлаб кўриб айтаман, майлими?

— Келишдик, — деди Абдунаби қўл ташлаб.

Элёр эски таниши билан самимий хайрлашиб, машина томон юрди. Майор орқага ўтиришга ишора қилди.

— Янгийўлгами? — деди Элёр майорнинг ёнидан жой оларкан.

— Янгийўл операцияси тугади. Энди бошлиққа учрашиб, ҳисобот беришимиз керак. Хуш, уйлаб кўрдингми? Биз билан ишлаш қизиқ эканми? — сўради майор йўлга тушганларида.

— Агарда сиз айтгандай юртимиз манфаати учун бўлса, ишлайман, — деди Элёр бир оз тўлқинланиб.

— Молодес! Мен сендан шу гапни кутгандим!

— Лекин мени жуда бопладингиз, — деди Элёр бошини сарак-сарак қилиб жилмаяркан. — Қўлимга қурол олишга мажбур қилдингиз-а? Агар... ҳақиқатан ҳам шундай ҳолатга тушиб қолганимизда нима бўларди? Мен уч кишининг қотилига айланармидим?

— Бизнинг ишимизда бундан-да оғир вазиятлар бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам хоинликка ўрин йўқ. Балки жон берарман, бироқ мен нима учун қурбон бўлганимни биламан. Энг муҳими шу.

— Бу соҳада мана бу жой тоза бўлиши керак, — деди капитан машинани моҳирлик билан бошқариб бораркан, кўрсаткич бармоғини кўксига тираб.

— Туппа-тўғри! Юрак пок бўлса, сен шу юртнинг асл ўғлони эканингга асло шубҳа қилмасанг, нима учун дунёга келганинг ва қандай яшаганингнинг моҳиятини тушунасан. Лекин сен биринчи бор дуч келган қийин вазиятда тўғри иш тутдинг. Бизга сенинг қандай йўл тутишингни билиш муҳим эди. Лекин ёдингда тут, ҳаётда бунақа қалтис ҳолатда душман ҳеч қачон сенинг қўлингга ҳақиқий ўқланган қурол бермайди. Чунки у ана шу қуролдан биринчи бўлиб ўзи ўлиши мумкинлигини яхши билади. Шунинг учун ўқланмаган ёки сохта ўқ солинганини беради. Тажрибанг йўқлиги дарров билинди.

— Бу нарса умуман хаёлимга келмабди, — хатосини тан олди Элёр. — Тўғриси, шошиб қолдим. Абдунаби худди сизни отиб қўядигандай...

— Ҳечқиси йўқ, — дея қўлини Элёрнинг елкасига ташлади майор. — Шунинг учун аввал ярим йилча ўқув-тайёргарлик курсида ўқийсан. Бу ерда сенга шундай нарсаларни ўргатишадики, турли хил вазиятларда ўзингни қандай тутишингни, бутун қобилият ва кучингни ишга солишни, энг муҳими тез ва тўғри қарор қабул қилишни, ногоҳ қўлингга тушиб қоладиган қурол ўқланган-ўқланмаганини, ҳатто магазинида нечта патрон бор-йўқлигини билиб оладиган бўласан. Бу фақат ўзингга боғлиқ.

— Сен бунга эспайсан, Элёр, — деди капитан оғзини тўлдириб.

Бу сўзларни эшитиб, Элёрнинг кўнгли тоғдай кўтарилди, илк бор фахр туйғусини ҳис этди. Кўксига пайдо бўлган гурур, ифтихор, ор-номус, ишқ-муҳаббат юрагига куч-қувват, белига белбоғ бўлди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

XXIV. УЧ ТОИФА ОДАМЛАР

Юртга яна куклам келди. Аёз анча ортга чекиниб, мевали дарахтлар гулга кирди. Шафтолининг пушти гуллари кеча кўзларни яшнатган бўлса, бугун ўрикнинг ранго-ранг гуллари кишининг баҳри дилини хушнуд этади. Дала-қирларда экин-тикин ишларига эндигина киришилган бўлса, шаҳарларда кўчаю хиёбонларни тозалаш, тартибга келтириш, турли хил янги кўчатлар ўтқазиш, йўл бўйидаги иморат ва иншоотларни таъминлаш юмушлари бу йил ўзгача бир кўтаринки руҳда бошлаб юборилган эди.

Одамлар яқинда газетада эълон қилинган Наврўз байрамини қайта тиклаш ва умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш ҳақида Президент фармонини қизгин муҳокама қилишар ва бу кўнгилдаги иш бўлгани хусусида бир-бирларига ҳаяжон билан сўзлаб беришарди. Бир пайтлар республиканинг айрим раҳбарлари томонидан эскилик сарқити дея байрам қилиниши тақиқлаб қўйилган қадимий Наврўз адолат тантана қилгани боис бу йил ҳақиқий шодиёна сифатида нишонланиши эл-юртга хурсандчилик улашган эди.

Яна уч кундан кейин бўладиган катта байрамга хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонлар таклиф этилган, уларнинг баъзилари ҳатто келишни бошлаб юборишган, Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб элчихоналарини очган давлатларнинг вакиллари эса мамлакатда бўлаётган янгиланишларни ўз кўзлари билан кўришаётган ва халқнинг куч-қудратини, ҳар бир ишга жон-жаҳди билан киришиб, буюк тараққиёт тарафдори эканини, айни пайтда ўтмишдаги бобокалонларининг руҳини ёд этиб, улар кўрсатган мардлик ва жасоратни

бугун яна қалбларига жо этиб дадил қадам ташлаётганини эътироф қилаётган эди.

Айни пайтда баъзи кимсалар тарқатган мишмишлар Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларини бир оз ташвишга солиб турарди. Эмишки, байрам қолдирилармиш, пойтахтнинг айрим жойларида портлашлар буларкан, Намангандаги воқеалардан кейин чет элга чиқиб кетган гуруҳ етакчилари қайтиб келиб, яна ўз ҳукмларини ўтказишга уриниб кўришаркан.

Бу ваҳимали гаплар халқнинг кўнглига гулгула солиш учун атай тўқиб чиқарилдими ёки ҳақиқатан ҳам шундай бўладими, ҳозирча икки нуфузли органда ҳам аниқ маълумот йўқ эди. Демак, шундай гап тарқатилганки, Ўзбекистонга келадиган одамлар келиб бўлган ва бу ердаги гумашталари ёрдамида ёвуз ниятини амалга оширишлари ҳам мумкин.

Миллий хавфсизлик хизмати бундай гапларни дарҳол аниқлашга киришди, барча ходимларга жиддий кўрсатма берилди, кўриқлаш бўлинмасига эса ниҳоятда ҳушёр бўлиш ва кечаю кундуз сергакликни йўқотмаслик алоҳида уқтириб ўтилди.

Байрам тантанаси ўтказиладиган майдонга Миллий хавфсизлик хизмати қошидаги ўқув-тайёргарлик курсида ҳам назарий билим олаётган, ҳам амалиёт ўтаётган курсантларни олиб чиқишди. Уларга ҳар бир предметга диққат билан нигоҳ ташлаб, шубҳали кўринган ҳар қандай нарсани дарҳол махсус машинага жойлаштирилган лабораторияга топшириш вазифаси топширилди. Ётти кишидан иборат иккита гуруҳ атрофни диққат билан текшириб чиқишга киришди.

Биринчи гуруҳга Элёр етакчилик қиларди. Унинг ёши шерикларидан бир оз катта, кўриниши ҳам гавдалироқ эди. Турли касб эгалари ва олийгоҳни эндигина тугатган йигитлардан саралаб олинган курсантлар дастлабки бир ҳафта давомида етакчи бўлиш учун айрим соҳалар бўйича куч си-нашди. Элёр бошқалардан юқори балл тўплади ва гуруҳга бош бўлди.

Иккинчи гуруҳга инглиз филологияси факультетини тугатган, шарқ якка кураши жанг санъатидан яхшигина хабардор Мансур деган йигит етакчи эди. Уларнинг гуруҳида биргина аёл бўлиб, у педагогика институтининг психология кафедрасида иш бошлаган, ҳали турмушга чиқмаган Эльмира исмли қиз эди. Аслида етакчиликка шу қиз муносиб эди. Аммо унинг ҳар доим ҳам эркаклар ёнида бўлавермаслигини ҳисобга олиб, даъвогарлардан бири Мансурни сайлашди.

Бу икки гуруҳнинг амалиёти аслида мусобақа тарзида ўтар, гоҳ у команда, гоҳ бу команда голиб чиқиб, кўрсаткичлар орасидаги фарқ унчалар кўп эмасди. Мансурнинг гуруҳи кўпинча назарий билимларда зийрак ва билимли қиз Эльмиранинг топқирлиги эвазига, Элёрнинг йигитлари эса машқ жараёнларида голибликни қўлга киритишарди. Элёр агар шу қиз сафимизда бўлганида, ютуқ асосан бизнинг томонимизда бўларди, деб кўнглидан ўтказган, умуман зеҳнли қизга ҳурмати бошқача эди. Онаси татар, отаси ўзбек бу қизнинг соф ўзбек тилида гаплашиши, шу билан бирга татар ва рус тилларида ҳам қойилмақом мулоқот қилиши кўпчиликнинг ҳавасини келтирарди. Элёр бу қизни қандай синовлардан ўтиб, курсга қабул қилинганини билишга қизиқарди.

Гуруҳлар ўрниларини алмаштиришди, энди Элёрнинг командаси тадбир ўтказиладиган майдоннинг ичини кўздан кечирадиган бўлди. Мансурнинг йигитлари шубҳали бирон нима топмади шекилли жим эди. Ёки охирида айтармикин? Элёр ўриндиқларнинг тагини, минбарнинг ичи ва ташини, йўлакларни нигоҳдан ўтказди. Йигитларнинг ҳам қарамаган ери қолмади. Ҳамма жой тоза, саранжом-саришта эди. Минбарнинг икки четига учтадан олтига тувакда ранго-ранг гуллар қўйилган, сахна атрофи ҳам шундай безатилганки, уларга қараган кишининг беихтиёр чеҳраси ёришар, худди чаман очилган шу гуллар каби атрофга кулиб нигоҳ ташлар, бошқаларга табассум улашганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Тунакларга ўтқазилган бу гуллар ҳақиқатда гузал ва беқиёс эди.

Бироқ Элёр кўнгилларга ҳузур бахш этаётган бу гулларга бирдан тикилиб қолди. Кейин нигоҳлари ялтираб турган каттагина жигарранг тувакларга кўчди. Минбар яқинига келиб, гулларнинг тагини текширди. Туваклар гумус аралаштирилган тупроққа тўла эди. Лекин уларнинг иккитасига сув қуйилган, бирисига эса йўқ. Ҳайрон бўлган йигит минбарнинг нариги томонига ўтди ва тупроқни текшириб кўрди. Бу тарафдаги гулларнинг ҳам иккитаси сугорилган, бириси эса қуруқ. Қизиқ, нимага энди икки тувакдаги гулга сув қуйилмаган? Эсидан чиқдимикин ёки наридан-бери ишлаб кетишавердимикин?

Элёр йигитларни ёнига чақирди, саҳнани гир айлантириб қўйилган гулларга сув қуйилганми-йўқми, диққат билан назоратдан ўтказиб чиқишларини тайинлади. Олим деган ўрта бўйли, калта сочлари тикка ўсган йигитни ёнида қолдириб, бошқаларга рухсат берди. Кейин бармоғи билан қуруқ тувакни уриб кўрди. Сув қуйилган тувак билан фарқи бор-йўқлигини текширди.

Олим ишора билан тувакни ерга ағдарди. Гулни аста-секин суғуриб олган Элёр, тезлик билан тупроқнинг ичини титкилай бошлади. Олим етакчининг ҳаракатларини кузатаркан, ҳайрон бўлди. Нимадир сўрамоқчи эди, аммо ноўрин савол беришдан ўзини тийди.

Элёрнинг гумони тўғри чиқди: тувакнинг тагидан оёқ кийими солинадиган қалин қути чиқди. Атрофга бир қараб қўяркан, қутини очмоқчи бўлди.

— Ичида... портловчи механизм бўлса-чи? — деди ранги ўзгара бошлаган Олим. — Иккимиз ҳам тил тортмай ўламиз-ку! Тухтанг, кураторни чақирайлик.

— Ваҳима қилма, аввал ичида нима борлигини кўрайлик-чи. Шунга қараб...

— Текшириш бизнинг ишимиз эмас. Энг муҳими, шубҳали предмет топганимиз, Элёр ака.

— Қанақа йигитсан, ўзи? Секинроқ гапир!

— Мен қўрқоқ эмасман. Лекин бу иш хавфли. Ҳозир кураторга маълум қиламан, — Олим шундай деб анча нарида ўзаро гаплашиб турган бошлиқлар томон югурди.

Элёр тўхта, тўхтасанг-чи, деганича қолаверди. Кейин ўттиз килограммларча келадиган иккинчи қуруқ тувакни ағдарди, гулни тупроқдан ажратишдан аввал бошлиқлар турган тарафга нигоҳ ташлади. Элёр уларнинг хавотирга тушмай келишаётганидан қути бу тувакка атай яширилганини англади. “Курсантларнинг зеҳнини синаб кўришибди-да, — ўйлади иккинчи тувакни очишдан тўхтаган Элёр. — Лекин ҳаётда бундай бўлиши жуда қийин. Бу ерга олиб кириладиган ҳар бир нарса, жиддий назоратдан утказилади, кейин яна доимий кузатувда бўлади. Бу жуда жўн иш”.

Куратор Элёрни табриклади. Иккинчи тувакда ҳам шундай қути борлиги ва уларга портловчи мослама солинганини айтди. Узоқдан бошқариладиган бу механизмлар жуда катта кучга эга булмаса-да, иккаласи тенг ишга туширилганда уч метрлар атрофидаги жонли нарсаларнинг ҳаётига жиддий хавф солиши мумкин экан.

— Лекин бу усул жуда жўн ва дарҳол эътиборни тортadиган предметнинг ичига жойлаштирилган, — дея ётиги билан фикрини билдирди Элёр мақтовдан кўнгли кўтарилсада, буни сездирмасликка ҳаракат қилиб.

— Ана шу биз назаримизга илmaidиган усул ва жойлар душманга қўл келиши мумкин. Сиз жисмингиздан эринчоқликни, лоқайдликни, талаффузингиздан эса, “Э, қўйсанг-чи”, “Бўлиши мумкин эмас” деган сўзларни мутлақо чиқариб ташланг. Кўришим шарт, билишим керак, ишонч ҳосил қилишим лозим, деган қоидаларга амал қилганингиздагина ҳозиргидай ижобий натижага эришишингиз мумкин. Ҳар бир топширилган вазифа ортида кўплаб одамларнинг тақдири турганлигини ҳеч қачон унутманг! Ишимиздаги салгина лоқайдлигимиз аянчли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Тушунарлими? Хуш, қани саволлар бўлса,

марҳамат, — деди куратор гапине тугатгач, курсантларга юзланиб. Кейин савол бериш учун қўл кўтарган Равшан Собиров деган йигитга қараб ишора билан рухсат берди.

— Демак, йўлимизда учрайдиган ҳар бир деталга, салбий кўринишларга ўз муносабатимизни билдиришимиз керак экан-да, — анчадан бери сўрашни уйлаб юрган Равшан ниҳоят қулай фурсатни бой бермади.

Куратор саволнинг маъносини, қўйилган мақсадни тушуниб, мийигида кулиб қўйди.

— Мен бу билан юрган йўлингда учрайдиган ҳар бир майда-чуйда ҳодисаларга эътибор қаратиш керак демоқчи эмасман. Икки одамнинг ёқалашиб тургани, ДАН ходимининг ҳайдовчидан пора олгани ёки шифокорнинг бемордан даволашга деб пул сўраганига гувоҳ бўлишинг бу салбий кўринишларга жиддий ёндашиб, шу каби ишларнинг орқасидан юриш мажбуриятини юкламайди. Оддий инсонийлик бурчини бажариб, уришганини ажратиб қўйишинг, пора олган ёки пул таъма қилаётган шахслар ҳақида чора кўриш учун керакли жойларга хабар беришинг мумкин. Бунинг учун албатта махсус хизмат вакили эканлигини пеш қилишинг шарт эмас.

— Тушунарлими?

— Худди шундай.

— Биз яхши ниятли кишиларга ҳамиша меҳрибон, очиқкўнгил, ҳиммати баланд дўстмиз, бироқ, айти пайтда халқ тинчлигига раҳна солувчи ҳар қандай ёвуз кучларга нисабатан шафқатсизмиз. Бу ҳам тушунарлими?

— Ҳаммаси тушунарли, — дея бараварига жавоб берди курсантлар.

— Унда айтинлар-чи, мамлакат Президенти ҳозирги кунда ишлаб турган кадрларни неча тоифага ажратиш мумкин, дедилар?

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Газета ўқимаётганларинг, телевизор кўрмаётганларинг сезилиб турибди. Нима, машқлардан чарчаб қолаяп-

сизларми? Эшитинглар, яқинда Вазирлар Маҳкамасида каттагина йиғилиш бўлиб ўтди. Унда барча раҳбарлар, жумладан, бизнинг бошлигимиз ҳам иштирок этдилар. Президентимиз ўз нутқларида ҳозир жамиятимиздаги кадрларни уч тоифага бўлиш мумкин, деб айтдилар. Биринчи тоифага имони йўқ, виждонсиз кишилар киришини айтдилар. Ҳа, бундай кимсалар фақат ўз манфаатини кўзлайди. Улар учун муқаддас туйғулар бегона.

Шу пайт Элёрнинг хаёлига уни ёлгондакам даволаган дўхтир келди. Шунақа ярамас одам ҳам бўладими? Бойлик орттириш учун виждонсизлик қилса-я? Ҳа, унда имон йўқ эди, агар заррача бўлгандаям шифо излаб келган беморларни алдамасди, ваҳимали гаплар билан юрагини эзмасди, пулини шилмасди. Бироқ оқибати нима бўлди? Ўлиб кетди, мурдаси тоғдаги йиртқич ҳайвонларга ем бўлишига сал қолди...

— Иккинчи тоифага иродасиз одамлар киради, деб айтдилар мамлакатимиз раҳбари, — дея сўзини давом эттирди куратор йўгон овозда. — Ростанам бундай кишилар ўз фикрига эга бўлмайди. Турли йўллар билан каттароқ лавозимга чиқиб оладию, аммо доим масъулиятдан қочиб иш тутишади. Бундай қатъиятсиз одамлар ҳар қандай одам билан, ҳар қандай тузумда ишлаб кетаверади.

Бу гал Элёрнинг хаёлида бокс клубидаги суҳбат жонланди. Алишер аканинг ҳамтовоқлари айтган сўзлар қулоғи остида жаранглагандай бўлди. Жамиятдаги ўзгаришларни кўролмай, ичига сигдиролмай, ниманидир умидида, илинжида яшаётган бу одамларни яна қаёқдан шамол эсиб қоларкин, деб қарахт ҳолдаги махлуқларга ўхшатди. Улар ўз фикрига эга бўлмаган ва бўлолмайди ҳам.

— Учинчи тоифадагиларга юрагида ўти бор, сергайрат одамлар, ёшлар, фидойи ватанпарварлар киради, деб таъкидладилар юртбошимиз, — деди куратор энди сўзларига янаям ургу бериб. — Бундай одамлар сирасига мен сизларни қўшмоқчиман. Чунки сизлар ҳали гўр, тажрибангиз ҳам кам

бўлишига қарамай бугунги қийинчиликларни енгишга жонини тиккан, иродаси мустаҳкам ёш авлодсиёз. Шунинг учун ҳам минглаб одамлар орасидан сизларни танлаб олдик ва ўта масъулиятли ишларни ишониб топширмоқчимиз. Ўйлайманки, сизлар ишончимизни оқлайсизлар!

— Худди шундай!

— Бугунги амалий ўқув машғулотида ўзингизга хулоса чиқардингизми? — сўради куратор бўлажак ҳамкасбларига мамнуният билан юзланиб.

— Жуда фойдали бўлди, — деб жавоб берди гайрати жўш ура бошлаган ёшлар бир овоздан.

— Яхши. Ундай бўлса, шу билан мамлакатимизда ўтказиладиган нуфузли тадбирлар олдидан олиб борилган бугунги амалиётимиз яқунланди. Демак, одамларнинг юрагига ваҳима солувчи мишмишларни дарҳол текшириш ва бунга муносиб жавоб қайтариш ҳар биримиздан ута сергакликни ва довюракликни талаб қилади. Старшина, голиб гуруҳни ва алоҳида жонбозлик кўрсатган курсантни эълон қилинг-да, базага қайтинг. Ўқув машғулотини ўша ерда давом эттирамиёз.

— Хўп, бўлади! — Старшина шундай деб, қаддини гоз тутди.

Гуруҳдагилардан табрик қабул қилиб олган Элёрнинг қалби яна тўлқинланиб кетди, гурур ва ифтихор уни олдинга етаклагандай бўлди. Ҳа, у энди янги соҳага тобора кириб бораётганини чуқурроқ ҳис қила бошлаганди.

* * *

Ўқув корпусига қайтган Элёрнинг гуруҳига қуроладан фойдаланиш бўйича машғулот ўтилди. Кейин уч кишига отишни машқ қилиш хонасига утишга рухсат берилди. Элёр бу ерга тез-тез кириб турарди. Шунинг учунми дарҳол қўлидаги тўппончани нишонга — қурол ўқталиб турган кимсанинг расми туширилган қоғозга тўғрилади ва кетма-кет ўқ

узди. Кейин қулогигади шовқин пасайтирувчи мосламани олиб, тугмани босганди, нишон шундоқ олдига келди. Натиха ёмон эмасди. Аммо аъло деб ҳам бўлмасди. У қўллари қалтираётганини сезди. Ҳар гал шундай, қўлига қурол олиб отишни бошлаганда бирдан галати аҳволга тушиб қоларди. Биринчи гал умуман ота олмаганини эслади. Шунда куратор унга нима учун қўлига қурол берилганининг боиси-ни атрофлича тушунтириб берди: “Бу қурол сенга ҳавас учун кўтариб юришга эмас, балки юртимизга кўз олайтириб юрган душмандан аввало ўзингни, қолаверса, тинчлигини сенга ишониб топшириб қўйган одамларнинг ҳимояси учун берилган. Душманни эса қуролсиз деб бўлмайди. Қалтис вазиятларда сен уни отмасанг, у сенинг ёки атрофдагиларнинг жонига қасд қилади. Ана шундай паллада отишни билишинг ва уудалашинг керак. Тўқнашувда тирик қолсанггина бошқаларни ҳимоя қила оласан. Бунинг унутма!”.

— Уқ отиш осон, аммо бунинг оқибатида бир инсоннинг ҳаётига якун ясалади. Мана шуни кўриш, ҳис қилиш, англаб етиш оғир, — уйлаганди ушанда Элёр тўппончани жанговар ҳолатга келтираркан. — Куратор тўғри таъкидлади, мен ўзимни қўлга олишим керак. Тинчгина ишлаб юрган одамни эмас, ана шу озод инсоннинг ўзига, оила-аъзоларига хавф-хатар солмоқчи бўлган қабиҳ ниятли маҳлуқни ўлдириш чун қўлимга қурол олишимни яхшилаб англаб етишим даркор.

Тўғри, бесабаб қон тўкиш гуноҳ. Аммо бировнинг ҳаётига чанг солган баттолани тўхтатиб қолиш, агар мақсадидан қайтмаса, ўлдириш гуноҳ бўлмаса керак. Қурол ҳеч қачон эзгулик воситаси бўлолмайди. Аммо замонга қараб уни эзгулик қўлида ишлатиш мумкин, деб ўйламан. Негаки, ватани, миллатни ҳимоя қилиш муқаддас иш. Бу олий бурчни бажармоқ йўлида душман қонини тўкмоқ гуноҳ саналмайди. Бунга иймоним комил!”

Элёр қўлларини маҳкам тутиб яна кетма-кет ўқ узди. Мулжаллаб ҳам отди, таваккалига ҳам отди. Кейин маҳ-

сус майдонга ўтди. Тиззалаб ҳам, югуриб кетаётиб ҳам, бир думалаб ҳам отди. Самбочилардай бошини ерга тиради, кукрагини кўтариб отишни машқ қилди. Уқларнинг бари юз фоизлик нишонга тегмаган бўлса-да, “душман”нинг белдан тепа қисмини илма тешиқ қилиб юборган эди.

XXV. БОКСНИ ТАШЛОЛМАГАН ЙИГИТ

Наврўз. Бу гузал диёрда бир ой давом этадиган байрам шукуҳи дилларга баҳорий кайфият улашаверади. Деярли ҳар куни Наврўз байримингиз муборак бўлсин, десангиз ҳам ҳеч ким ажабланмайди, табрикни самимий қабул қилаверади. Сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара каби тансиқ таомлар деярли кунда дастурхонга тортилади. Уларни еган сари егинг келаверади. Айниқса, болажон ўзбекнинг жони ҳалак бўлади шу кунларда: фарзандимнинг илги бақувват бўлсин дея ўзи емай зурриётига илинади. Ана шундан кейин илик узилди, деган гапларга ўрин қолармиди.

Бокс бўйича ўтказиладиган бу йилги мамлакат чемпионати Наврўз шодиёналарига уланиб кетди. Республиканинг барча вилоятларидан энг кучли чарм қўлқоп усталари саралаб олинди. Пойтахт боксчилари клублардан номзод бўлдилар. Ана шулар орасида Элёр ҳам бор эди. Лекин у ўзи шуғулланган клубдан эмас, балки Ички ишлар вазирлигининг “Нокаут” бокс клубидан рўйхатга олинган эди.

Унинг учун бир ҳисобда яхши бўлди. Мабодо финалга Рустам ҳам чиқиб қолса, айти муддао бўлар эди-да. Ўзини рақиб санаётган Рустамга нималарга қодир эканлигини яна бир марта кўрсатиб қўярди. Балки шунда мураббий ўша куни ортига қайтариб юборганига қаттиқ афсус чеккан бўлармиди?

Қизиқ, у худди финалга чиқиб, голиб бўладиган одамдай фикр юритарди. Мендан зўрлари ҳам бўлиши мумкин-ку, деган ўйни негадир хаёлига келтирмасди. Иштиёқ шу

даражада кучли эдики, бу йил албатта республика биринчилигини қўлга киритаман, деб ўзига ўзи сўз ҳам берганди.

Кундузги ўқув машгулотларидан кейин яна бир соатларча ўз устида ишлаган Элёр мен ҳар қандай рақибга тайёрман, дерди. У машқ давомида тепага осиқлик махсус қопни аямай шу даражада қаттиқ урардики, энди зарбаларининг кучини ўзи ҳам сеза бошлаган эди.

Янги мураббий Темур ака буни кўриб қўлларини мушт қилганича "Победа за нами!" деб қўярди ишонч билан. Рус мактабида, кейинчалик институтда ҳам хорижий гуруҳда таълим олган Темур Якубов эллик беш ёшлардаги бақувват киши эди. Бўйи унчалар баланд эмасди, аммо эпчил ҳаракати билан клубдагиларни ҳайрон қолдирарди. Баскетболни шу қадар чаққонлик билан ўйнардикки, ҳатто ёшлар ҳам унинг йўлини тўсишга улгурмай қолишарди.

Аслида у баскетбол бўйича мутахассис экан. Лекин волейбол, футбол каби спорт турларини ҳам кам билмасди. Айниқса, боксдан ҳам яхшигина хабардорлиги Элёрга қўл келди. Баскетболдаги ҳаракатлар бокс билан уйғунлигини амалда кўрсатиб берган Темур Якубов янги шогирдидаги иштиёқни кўриб астойдил ишга киришди. Уни аввал роса баскетбол ўйнатди, чапга, унга тез ҳаракат қилишга кўникма ҳосил қилдирди.

Дарҳақиқат, Элёр бу жиҳатдан анча суст эди. Унинг мушти қаттиқ, оёғи бақувват, рақибнинг зарбасини кўтариши, ҳатто анчагача туриб беришга чидами етарли эди. Булар яхши кўрсаткич, аммо боксда тушган зарбни кўтариш, унга чидаш эмас, келаётган муштни чаққон бир ҳаракат билан ўтказиб юбориш ҳам муҳим эди. Бутун кучи ҳавода қолган боксчи биринчидан сал бўлса-да, мувозанатни йўқотади, иккинчидан, рақибнинг қарши ҳужумига очилиб қолади. Элёр рақибни чарчатиш учун у кўпроқ уриши керак, деб ўйлар ва шу боис ўзини ана шунга тайёрлар эди.

Янги мураббий мутлақо бошқа усулни таклиф этди: рақибнинг ҳаракатларини самарасиз тугашини таъминла,

шунда кўпам толиқмайсан, янги ҳужум учун эса имкониятнинг ошади. Ҳар қандай зарба озми-кўпми барибир таъсир кўрсатади, ўша сонияларда сезилмагани билан кейинги раундларда билингириб қўйиши мумкин. Шунинг учун иложи борича муштдан қоч. Бу томошабинларнинг олқишига сазовор бўладиган жиҳат. Кейин уларнинг меҳрини қозонадиган яна бир ҳолат бу — бошлаган ҳужумни охирига етказиш. Жўрват қилдингми, энди кетма-кетлигини узма, якунида эса иложи борича кучли зарба йўллашга эриш. Ана шунда мухлисларнинг нигоҳидан четда қолмайсан, уларнинг ҳайқириги эса сента далда бўлади.

Элёр бу гапларни эсдан чиқарармиди. Ярим соат баскетбол ўйнаса, ярим соат бокс билан шуғулланди. Бора-бора бу ўйинга ўзи ҳам қизиқиб қолди. Гавдани эпчиллик билан бошқариш, алдамчи ҳаракатлар қилиш, шу билан бирга оёқда ишлашга жуда қулай эди.

Шу кунларда бир оз озганига қарамай, мусобақани кўтаринки руҳда бошлади, Темур ака ундан кўра кўпроқ ҳаяжонланар, ҳар бир раундни катта қизиқиш билан кузатарди. Уйин якунида голиб сифатида Элёрнинг қўлини кўтаришганда ёш боладай севиниб кетарди. Кучли саккизликка кириш унчалар қийин бўлмади. Бироқ вилоятлардан келган боксчилар ҳам анойилардан эмаслигини исботлаб, мусобақаларда осонгина таслим бўлишмади. Айниқса, Андижон бокс мактабининг вакиллари қаттиқ чиқиб қолишди. Саккиз боксчининг номи эълон қилинганда улардан иккитаси андижонлик экани кўпчилик мураббийларни саросимага солиб қўйди.

Эртаси куни саккизликнинг дастлабки ўйини бошланди. Рингга тошкентлик Рустам билан андижонлик Солижон исми йигит таклиф қилинди. Қизиқарли ва муросасиз кечган жангда фақат икки очко фарқи билан Рустамнинг қўли баланд келди. Томошабинларнинг эътирози, ҳайқириги янгради, бироқ ҳаммаси ҳавода қолиб кетди.

Етмиш олти килограммгача бўлган боксчилар ўйини давом этарди. Бухоролик боксчи қанчалар ҳаракат қилма-

син, Элёрга муносиб рақиб бўлолмади: учинчи раунднинг ўрталарида рингга қулади. Бу дастлабки нокаут эди.

— Клубнинг номини оқладинг, яшавор! — дея хурсандлигини яшира олмади Темур Якубов.

Бу шодон ва фахр билан айтилган суз ринг узра янграганда залда ўтирган Алишер ака бирдан сергак тортди. Кузалари катта очилиб, Элёрни таъқиб қила бошлади. Шогирди Рустамнинг чоракка чиқолмай қолишидан хавотирга тушди. Рингни айланаётган Элёрга гоҳ зимдан, гоҳ ошкора аҳён-аҳёнда қараб-қараб қўяркан, “Нокаут” клубига қандай қўшилиб қолганига ҳайрон бўлар, бунинг тагига етишни истар, бироқ журъат қилолмай турарди. Элёрнинг ўзидан сўрашга эса гурури йўл бермаётган эди.

Аслида умумий рўйхатда Элёрнинг фамилиясини кўргандаёқ галати аҳволга тушган эди. Айтганидан қолмайдиган қайсар йигит яна пешанасидан чиқиб тургани гашини келтирган эди. Ким ҳомийликка олдийкин деб ўйиннинг охирига етолмади. Кейин сўроқ бериб юрганда бирор ички ишлар ходими билан танишиб қолдимикин, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ шундай бўлган тақдирда ҳам клубга аъзо қилишга ва чемпионатга олиб чиқишга қандай юраги бетладийкин, деб гумонда қолаверди. Чоракка чиқувчиларнинг номи аниқ бўла бошлаган сари, ишқилиб Рустамга тўғри келмасин-да, деган ўй хаёлидан нари кетмай қолди.

“Аламини олмоқчига ўхшайди, — гижина бошлади Алишер ака залдан чиқиб бораётган Элёрнинг ортидан кузатиб. — Рустамга унинг нозик томонларини тушунтириб қўймасам, ютқазадиганга ўхшайди. Шерни ағдараман, дейди-я, ярамас. Аттанг, дарров ортига қайтариб юбормай бир оз кутсам бўларкан. Нимадан чўчидим, ҳайронман”. Уйин тугагач Алишер ака шогирдининг ёнига йўл олди. Қолган икки ўйинни томоша қилишга сабри чидамади. Чоракка яна кимлар чиқиши уни ортиқ қизиқтирмади.

XXVI. ЭЛЁР — ЧЕМПИОН!

Астойдил йигласанг, сўқир кўзга ёш келар деганларидек, Рустам билан чорак финалда учрашадиган бўлди. Рингга кўтарилар экан, Элёрнинг томирларидаги қон кўпирди ва биринчи раундни ишонч билан бошлаб юборди. Уйинни иккинчи таймнинг охирларида тутатишни ўйлаб ҳам қўйганди.

Бу икки боксчини биринчи марта кўриб турганлар бир-бирларини урганишяпти деб ўйлаётган бўлишлари ҳам мумкин. Аслида эса улар учинчи бор жиддий тўқнашаётган эди. Бир пайт кутилмаганда Рустам вазиятни ўз қўлига олиш учун кетма-кет зарба беришга киришиб кетди. Икки-учта тўғрига, кейингиси эса биқинга мўлжалланган эди. Бу ҳол тез-тез такрорлангандан кейин Элёрнинг Алишер акага айтган гаплари ёдига тушди.

... — Қамалган бўлсанг, ўпкани олдириб бўлгандирсан? — деб сўраганди ўша биринчи марта учрашганларида.

— Йўқ, ҳаммаси жойида. Фақат буйракни бир оз шамоллатганман, холос. Лекин ҳозир тузалиб кетган, — деганди Элёр ишонч билан.

— Барибир дўхтирдан ўтишинг керак. Мен айтган поликлиникага борасан, келишдикми?

— Келишдик.

Ушанда дўхтирлар унинг соғлиги ҳақида маълумотнома ёзиб беришганди. Балки унга айтилмаган сирлар ҳам бўлганмикин-а? Қизиқ.

“Демак, мураббий Рустамга кўпроқ менинг буйрагимни мўлжалга олишни тайинлаган, — деб ўйлади Элёр биқинини ёпишга атай уринаркан. — Тушунарли. Эсида турган эканда. Яхши, ана энди собиқ мураббийнинг кўрсатмасини ўзига қарши ишлатаман!”

Элёрнинг буйраги алақачон тузалиб кетганди. Унча-мунча зарбани кўтаришга ҳам қодир эди. Шундай бўлса-да,

ўзини атай биқинини тўсаётгандай қилиб кўрсата бошлади. Ҳатто бир-икки марта ушлаб ҳам қўйди.

Тахмини тўғри чиққанидан севинган Алишер ака тез-тез “Давай, давай!” деб қўли билан ишора қила бошлади. Бунга сари Рустам бир нуқтага зўр берарди. Қолгани чалгитувчи ҳаракатлар эди, холос.

Элёр рақибни сал олдинга энгашиб биқинига урмоқчи бўлаётганида юзи очилиб қолаётганини пайқаб қолди. Энди у навбатдаги вазиятни қўлдан чиқаришни истамади. Чап биқинига йўналтирилган зарбни ўтказиб юборди ва бор кучини тўплаб Рустамнинг бурни аралаш юзига мушт туширди. Буни кутмаган Рустам мувозанатни йўқотди: аввал гандираклар кетди, кейин оёқлари қайишиб рингнинг Элёр ўтирадиган бурчагига йиқилди.

Буни кўриб рефери Элёрнинг йўлини тўсди ва саноқни бошлаб юборди. Рустам жангни давом эттиришга тайёрлигини билдирганда биринчи раунд тугаганлигини билдириб бонг чалинди.

— Энди нима қилиш кераклигини биларсан, — деди Те-мур Якубов Элёрнинг юзларини артаркан, қувончини аранг беркитиб.

Элёр бошини силкитиб жавоб қилган бўлди.

— Чузиб ўтирма, клуб номига ярашадиган иш қил!

Элёр ўнг қўл муштини кўксига қўйди, бу унинг “хўп бўлади, устоз” дегани эди.

Нариги бурчакда асабийлашган Алишер ака Рустамга бир нималарни тушунтирарди. Унинг овози эшитилмаса-да, шогирдига тўхтовсиз танбеҳ бераётгани биланиб турарди. Ҳадеб чуқур-чуқур нафас олаётган Рустам худди эшитаётгандай бошини қимирлатиб қўяр, шишиб кетган лабларини аранг қимирлатиб пичирлар эди. Бир дақиқалик танаффус унинг назарида жуда тез ўтгандай туюлди.

Иккинчи раунд бирдан Рустамнинг босими остида бошланди. У анчагина ўзига келиб олган кўринади. Энди

рақибининг биқинини камроқ нишонга олар, қўққисдан тушиб қоладиган муштдан ҳимояни унутмаган ҳолда ҳаракат қиларди. Аммо имкон тугилди дегунча, Алишер аканинг “асорати қолган бўлиши керак” деб ўйин бошида айтган гапи ёдига тушар ва яна беихтиёр Элёрнинг биқинига зарба беришга ўтиб кетарди. Мураббийнинг қичқиригидан кейин дарҳол ҳимояга ўтиб ортга чекинарди. У жанг тактикасини шу тариқа ўзгартирган эди.

Элёр бунга қарши баскетбол усулини қўллай бошлади. Зарбалари нишонга тегмаётган Рустамнинг асаблари ўйнаб, жаҳлини босиш учун Элёрга яқинлашиб тезда клинч ҳолатига кириб олар, иложи борича бутун оғирлигини солишга ҳаракат қиларди. Ўйин давомида рақибга имкон бермаслик, клинчдан фойдаланиш, ринг атрофида айланиб қочиб юриш тақиқланмаган бўлса-да, булар томошабинларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўладиган ҳолатлар эди. Бундай ўйин Элёрнинг ўзига ҳам ёқмасди. У иложи борича очиқ ўйин тарафдори эди. Бироқ ҳамма боксчилар ҳам бир хил эмас: улар ичида ўзини масхарабоздек тутадиганлари, рақсга тушгандай йўргалайдиганлари, агрессив ҳаракат қиладиганлари учрайди. Ҳаммасига чидаш керак.

Бироқ сабрнинг ҳам чегараси бор, дейишади. Ана шу мезон бузилса, оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Навбатдаги клинчга яқинлашган Рустам рақибининг ортга чекинганини ва тўсатдан пастдан зарба урганини сезмай қолди. Оперкот йўсинида жанг олиб бориш ҳар қандай боксчининг орзуси. Бор куч билан урилади-да, ўзиям. Нақ жағга тегадиган мушт рақибни мувозанатдан чиқариши аниқ. Ҳозир ҳам шундай бўлди: тез ва кучли зарба Рустамнинг оёғини ердан узди: орқасига гурсиллаб қулади. Референинг овози элас-элас эшитилди, бармоқлар сони ҳам айқаш-уйқаш кўринди.

Темур Якубов бир зум жим қотди. Лекин ичидан тоқшиб келаётган севинчни тўхтатолмай, “есть!” деб юборди қўл-

ларини мушт қилиб силкитаркан. Бунга залдаги бокс мух-
лисларининг ҳайқириги қўшилиб, одамнинг қалбини ўртаб
юборадиган ҳолат юзага келди. Элёр бундай олқишни би-
ринчи бор ҳис қилаётгани боисми, кўзларидан ёш чиқиб
кетаёзди. Юраги ҳаприқиб, чор атрофдаги томошабинларга
ўз миннатдорчилигини билдирар, қўлларини мушт қилиб су-
ратта олаётган мухбирлар ва ишқибозларга юзланар, ўртага
чиқиб олган мураббийни бағрига босарди. Ҳаяжон бир оз
босилгач, Элёр собиқ мураббийи томон юрди. Йул-йўлакай
Рустам билан кўришиб ўтди. Алишер ака истар-истамас қўл
узатди. Йигитнинг кўзларига қарашга ботинолмади, аммо
Элёр унинг қўлларини негадир маҳкам қисиб қўйганида бе-
ихтиёр ер остидан нигоҳ ташлади. Шунда томогига нима-
дир тиқилгандай булди: Элёрнинг елкасига қоқиб, “Яша,
табриклайман”, дейишга изн бермади. Аслида бу кибрдан
бошқа нарса эмасди.

Купчилик мутахассислар тахмин қилганидай финалга ан-
дижонлик боксчи Фарҳод Сиддиқов чиқди. Бироқ Элёр-
нинг номи шу пайтгача бирор ерда қайд этилмагани, боксчи
сифатида номаълум бўлгани учун деярли ҳамма ҳайрон эди.
Ким у? Бокс оламига қаердан келиб қолди? Нега аввалла-
ри бирон-бир мусобақада иштирок этмаган, ҳатто клублар-
да ҳам номи тилга олинмаган? Нима учун шу кунгача сир
сақланиб келинди? Бу каби саволлар бисёр эди. Айниқ-
са, бокс мавзусида қалам тебратадиган журналистлар илк
бор бирданига катта мусобақада қатнашиб финалгача етиб
келган номаълум боксчига жуда қизиқиб қолишганди. Улар
Элёр билан суҳбатлашишга имкон қидирар, мураббийни
гапга солишга уринишар, лекин тайинли бирор натижага
эришолмай қийналишарди. Шунинг учун ёзаётган мақола-
ларида ҳам Элёрнинг шахси ҳақида аниқ маълумотларни
киритолмай ҳалак эдилар. Билганлари биргина нарса —
фарғоналик. Қолган фактларни кимдандир олишлари керак.
Аммо кимдан? Мураббий айтмаса, боксчининг ўзи интер-

вью бермаса. Аммо сурат олишни қойил қилишганди. Истаган ҳолатдагиси бор эди. Газета ва журналларнинг биринчи саҳифасини безайдиган ажойиб суратлар эди.

* * *

Финал мусобақасига қизиқиш катта бўларкан. Элёр залга сигмай кетган бокс мухлисларини кўриб ҳайратда эди. Олдиндан чипта олиб қўйганлар-ку, жойида бемалол ўтирибди, аммо ололмаганлар йўлакларни банд этишганди. Элёрнинг гуруҳдошлари ҳам зал бўйлаб тарқаб кетишганди, ким қаердан қулайроқ жой топган бўлса, ўша ерда мусобақанинг бошланишини сабрсизлик билан кутишарди. Элёрнинг финалга чиқиши шарофати билан уларга бутун дам олиш куни берилганди. Ҳатто гуруҳдаги ягона қиз Эльмира ҳам ташриф буюрганди. У Элёр чиқиб келадиган йўлак томондан жой топган, афтидан йигит кўриниши билан овоз бериб, қўлини силташга шай бўлиб турарди.

Шундай бўлди ҳам, Элёр Эльмирани дарров кўрди ва жилмайиб қўлларини кўтариб қўйди. Шу пайт яна бир таниш овоз қулоғига чалингандай бўлди. “Ким бўлдийкин?” ҳайқириқлар ичра аниқ-тиниқ эшитилган ёқимли овоз шу яқин ўртадан эшитилди-ёв. Қадамини секинлатган Элёр шундай ўнг томонига қараганди, маъюс жилмайиб қўйган Зулфияга кўзи тушди. У аввалига ишонмади, аммо Зулфиянинг ёнидаги киши марҳум Ботирнинг акаси Нодир эканлигини таниганда кўрганлари рўё эмас, айна ҳақиқат эканлиги аён бўлди.

Элёр меҳмонларга беихтиёр қўл узатганини ўзи ҳам сезмай қолди. Зулфия гапираман деб оғзини қўли билан беркитганича унсиз йиғлаб юборди. Нодир аканинг ҳам лаблари қимтинди, аранг ўзини қўлга оларкан, бир оғизгина “Фақат, галаба!” дейишга яради, холос.

Элёрнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. “Эшитиб келишибди-да”, деган фикр хаёлидан ўтаркан, меҳмонларга қараб

самимий жилмайиб қўйди. Кейин уйлади: агар Ботир ўлмаганида худди шундай рингга чиқиб келаётган бўлармиди? Балки Зулфия билан Нодир ака ҳозиргидай уни олқишлаш учун атай Фарғонадан келишармиди? Ҳа, улар ҳаммадан олдин залга кириб олишган ва қадрдон инсонларининг рингга чиқишини ҳаяжон билан кутиб ўтирган бўлишарди.

Кутилмаган учрашувдан ҳам хурсанд бўлган, ҳам бир оз унгайсизланган Элёр бу ерда узоқ қололмади. Хижолат тортгани, бу одамларни таклиф этиш умуман хаёлига келмаган эди. Мусобақадан кейин сўраб қолишса, нима дейди? Ўзини оқлашга сўз топа олармикин?

Элёр рингга кўтарилганда ҳам Зулфия томонга нигоҳ ташлаб қўйди. Шунда охирги учрашувда Зулфия опанинг “Сизни кўриб Ботир акани кўргандай булдим. Фарғонага келганда биз томонларга ҳам ўтиб турунг”, деганини эслади. Хижолатига хижолат қўшилди. Рингдаги вазият эса хаёлга бериладиган жой эмасди. Мураббий шогирдини бутун диққатини жамлашга ундади. Елкасига қаттиқ-қаттиқ уриб қўяркан: “Бу гал ҳам омад сеники!” деди тўлқинланиб. Ассистенти эса “Сени яхши кўрадиган инсонларнинг ишончини оқла!” деди худди ниманидир пайқагандай.

Уртага боксчилар таклиф қилинди. Рефере қисқа тушунтириш ўтказганидан сўнг жангни бошлашга рухсат берди. Кечқурун машҳур боксчи Тайсон ўтказган мусобақаларни яна бир карра кўриб, аниқ хулосага келган Элёр ўйин тизгинини ўз қўлига олди. Шу маҳалда унинг онгида кўрқувдан асар ҳам йўқ эди. Мусобақанинг бу тарзда бошланишини кутмаган Фарҳод ростдан ҳам доводи раб қолди. Бунинг устига бошига довулдек ёғилаётган зарбалар у ўйлаганидан ҳам қаттиқ ва кучлироқ эди. Бутунлай ҳимояга ётиб олган рақиб ҳадеганда ўзини унглаб ололмади.

Мураббий ҳам ҳайрон. Элёрга нима бўлди? Худди ёвуз бир душманни эзиб ташламоқчидай олишяпти-я? Нима мусобақани биринчи раунддаёқ тугатмоқчимиз? Не-

чун бунчалик агрессив ҳаракат қияпти? Мухлисларни ҳаяжонлантириш учун ҳеч бўлмаса икки раунд ўйнамайдими?

Қизиқ, ҳақиқатан ҳам бу бағритошлик Элёрда қаёқдан пайдо бўлди? Нега ўйинни бунчалар шиддат билан бошлади ва рақибининг кўзини очиршига қўймапти?

Аслида бунинг ўзига яраша сабаби бор эди. Ўйин бошланиши олдидан нима бўлдию олдинги қаторда ўтирган Алишер акага ногоҳ кўзи тушиб қолди. Элёрнинг қараганини кўрган собиқ мураббий дарҳол бармоқларини букди, бошмалдогини эса тик қилди. Элёрнинг юзида пайдо бўлган илиқ табассум шу ондаёқ йўқолди, негаки Алишер ака энди қўлини бирдан қайилтириб, бошмалдогини пастга қаратган эди.

Бунга аҳамият бермаслик мумкин эмасди. Собиқ мураббий унинг ор-номусини, йигитлик гурурини топтаган эди. Масхараомуз тиржайиши, ерга қаратилган озгин бошмалдоғи кўз унғидан сираям кетмади. Ўйин бошланганда эса бирдан атрофда ўтирганлар кўринмай қолди. Залда фақат афти бужмайган, ҳамон қўлини пастга қилиб турган Алишер акагина қолганди, холос. Йўқ, йўқ, анча тепароқда яна кимдир ўтирибди-ку? Ким бўлдийкин? Ним қоронғу залда у одамни зўрга таниди. Ахир бу марҳум Ботир-ку! У нима деб ишора қияпти? Аввал кўрсаткич бармогини тепага кўтариб, сўнгра билакларини айри қилиб нимани уқтиряпти? Бир раунд ўйна ва нуқта қўй, демоқчими? Ийе, мана бу томондаги ёлғиз ўтирган аёл яна ким бўлди? Нега у юзларини яшириб олган? Тим қора узун сочлари, нозик елкалари, бежирим нимчаси кимни эслатяпти? Наҳот бу аёл Зулфия бўлса? Элёрнинг нигоҳи яна собиқ мураббийига қайтади. У боягидай гердайиб ўтирар, совуқ қарашини ундан узмасди.

Шундан кейин эр йигитнинг қони қайнамай, кимнинг қони қайнасин?! Билакдаги томирларга сиғмай бутун вужудини тамомила агдар-тўнтар қилиб юборди. Бу ғалаёнга дош беролмаган юрак зўриқиб-зўриқиб икки муштга жам бўлди. Элёр биринчи дақиқаданоқ рақибига шердай

ташланганининг боиси ана шу эди. У марҳум Ботир ишора қилганидай жангни шу раунднинг ўзидаёқ тугатишга аҳд қилганди. Шундай бўлди ҳам, ўйин тугашига уттиз сониялар қолганида Фарҳод рингга қулади. Ёнбошлаб қолган Фарҳод тезда ўрнидан турди, аммо мусобақани давом эттирадиган аҳволда эмасди: сал гандираклаб кетди. Буни сезган рефере ўйинни тўхтатди.

Элёр олқишлар, ҳайқириқ ва табриклар қуршовида қолди. Айниқса, Темур Якубовнинг қувончи ичига сизмасди.

— Эпладинг! Яшавор, чемпион! — деганича гоҳ Элёрни, гоҳ ассистентни бағрига босар, худди меҳрибон оталардай икковининг ҳам пешанасидан ўпиб кўяди.

Кутловчи ва суратта олувчилардан ринг анчагача бўшамади. Атрофдан эшитилаётган овозлар эса кайфиятини кўтарадиган даражада ёқимли эди.

Мусобақа якунида — мухлислар қуршовида Элёр чемпионлик камарини ҳамон ўша жойда кўз ёшларини яширолмайд жимгина ўтирган Зулфия опага тутқазди. Зулфия уни беихтиёр бағрига босаркан, Элёрнинг юзларидан ўпиб табриклади. Кейин камарни Нодир акага узатди. Кўзни қамаштиргудек олтин камарни қўлга олган Нодир ака худди уз укаси чемпион бўлгандай янаям хурсанд бўлиб кетди ва унинг кўзларида ҳам ёш пайдо бўлди.

— Баракалла! Ботирнинг руҳи шод бўлди.

Бу гапни эшитиб, Элёрнинг бутун чарчоқлари чиқиб кетди. Одамлар орасидан дадасини излади. Камтар, камсуқум Тошпўлат ака ҳамон бир чеккада турар, ўглига яқинлашолмас эди.

Эй, фазилатли инсон, ахир ўглинг чемпион бўлди-ку! Тез келиб уни бағринга босмайсанми? Эришган катта галабаси билан қутламайсанми? Ахир бу ютуқ, бу омад ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Нечун тортиниб турибсан? Ахир у сенинг зурриётинг бўлади! Бошқа одам бўлганида аллақачон рингга чиқиб табриклаган, белидан маҳкам ушлаб

кўтариб қўйган буларди. Сен эса ҳатто одамларни “нари туринглар-чи” дейишга ҳам ботинолмаяпсан. Эҳ, ота, ота-жон, қани дадилроқ бўл. Ана ўглинг сен томон келяпти. Қадамларини қара, қандай залворли, қарашлари-чи, қандай ишончли! У бу алп юришда ҳали жаҳонни ҳам забот этса ажаб эрмас. Қани, бағрингни оч, фарзанди аржумандингни муносиб кутиб ол! Анаву ёнингда турган қариндош-уруғларингга, ҳамшаҳарларингга ҳам айт, қаддиларини баланд тутсинлар. Шодланиб байрам қилсинлар.

— Раҳмат ўғлим. Мартабанг бундан ҳам улуғ бўлсин!

Ота севинчи!

Фарзанд учун буни кўришдан ортиқ қувонч борми, бу кўҳна заминда?!

Ота дуоси!

Фарзанд учун буни эшитишдан ортиқ бахт борми, бу фаровон ҳаётда?!

— Ғалаба муборак! — бу Зулфиянинг табриги эди.

Ҳаммалари биргалашиб залдан чиқа бошладилар.

XXVII. БИРИНЧИ ХАВФ-ХАТАР

Олти ойлик муддат тугаб, гуруҳ аъзолари турли йўналишлар бўйича ишга жойландилар. Раҳбарият Элёрни яқинда ташкил этилган уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш бўлимига тавсия қилди. Аввалида ҳамма қатори унга ҳам ўзи қизиққан соҳани танлаши мумкинлигини айтишди. Бироқ Элёр ўйланиб ўтирмади, қисқа ва аниқ жавоб қилди:

— Ҳар қандай хизматга тайёрман!

Бўлимга олиб келишганда уни бу ердагиларга таништиришга ҳам ҳожат қолмади. Купчилик “ў-ў, чемпион-ку!” деб қарсак чалиб юборишди. Шу билан орадаги бегонасираш, тортиниш ўз-ўзидан барҳам топди. Элёр бўлимда ишлаётган ходимларнинг бирортасини аввал кўрмаган эди. Ҳатто исми-фамилияларини ҳам эшитмаганди. Шунинг учунми у

янги ходим сифатида илк дақиқаларданоқ ҳамкасбларининг ташқи қиёфаларини яхшилаб эслаб қолишга ҳаракат қилди. Юз-кўзига ва бошқа аъзоларининг ҳолати ва жойлашувига нигоҳ ташлаб, кимнинг ёши нечада, қандай характерга эга, оиласи борми, нималарга қизиқади, бу соҳада қанчадан бери ишлайди сингари саволларга жавоб топмоқчи, шулар ҳақида ўзича тахмин қилмоқчи бўлди. Лекин бунга вақт қолдиришмади.

Миллий хавфсизлик хизмати кадрлар бўлимининг бош мутахассиси Матонат Отажонова қисқа тавсифдан сўнг Элёрни бўлим бошлиғи Жалил Очиллов иштиёрига қолдирди ва ҳамманинг ишига омад тилаб хонани тарк этди. Қирқ беш-эллик ёшлар чамасидаги Жалил Очиллов меҳмоннинг ҳурматини қилиб йўлаккача кузатиб қўйди.

— Турғиси, сени бўлим ходимларига таништиришнинг ҳожати йўқ, — дея гап бошлади Жалил Очиллов хонасига қайтиб киргач, тик турган ҳолда йиғилганларга юзланиб. — Чемпионлигинг ҳаммага маълум. Бундан ташқари сен ҳақингдаги барча маълумотлар бир неча кун олдин бўлимга тақдим этилган ва мен улар билан барчани таништириб бўлганман. Демак, бу ердагиларга ҳаммаси кундай равшан. Ходимларни сенга бирма-бир таништиришга эса вақтимиз кам. Улар билан иш давомида танишиб олаверасан. Тушунарлими?

— Худди шундай!

— Ҳеч кимда савол йўқми? Унда ҳаммага рухсат. Элёр қани юр, иш жойингни кўрсатай, — бошлиқ чемпионнинг ҳам ҳурматини жойига қўйди: сафга қушилгани билан яна бир бор самимий қутлади.

Элёрга хонасини ва иш жойини кўрсатишганда юраги тўлқинланиб кетди. Шахсий қурол ва махсус код рақами билан таъминланганда эса ҳақиқатан ҳам катта ишонч билдирилганини ҳис этди.

— Ҳамхонанг Мақсуд Зафаров бўлади. Мана, танишиб қўй. Компьютер бўйича мутахассис, — деди Жалил Очиллов

орқароқда турган йигитта юзланиб, сўнг уни ёнига имлади. — Чемпион бу соҳада янги. Унга ишлаш принцимиз ҳақида тушунча берасан. Саволлар бўлса, Марат Бошбековга муурожаат қиласизлар. У ярим соатлардан кейин бўлади. Тушунарлими?

— Тушунарли, уртоқ майор!

— Сизларга омад!

— Чемпион билан бирга ўтирарканман-да, — деди Мақсуд бошлиқ кетгач, хурсандлигини яширолмади.

— Бу ном лақаб бўлиб қолади, шекилли, — деди Элёр ўзидан бир оз ёшроқ, озгиндан келган, аммо чайирлиги шундоқ кўзга ташланиб турган жингалак сочли йигит билан кадрдонлардек кўришаркан.

— Чемпион бўлиш фахр-ку, Элёр ака, — деди Мақсуд ҳам бўш келмай. — Қанийди, менам чемпион бўлсам.

— Сиз менга компьютерни ўргатасиз, мен эса боксни!

— Келишдик?

— Ҳа, айтгандай, Марат Бошбеков ким? — деди Элёр хонага зимдан нигоҳ ташлаб.

— Бошлиқ ўринбосари. Лекин жуда қаттиққўл одам, — иш жойига ўтирган Мақсуд тез-тез тушунтира бошлади. — Топшириқни ўз вақтида бажармаганларни ёмон кўради. Тартиб-интизомни мана бундай ушлайди, — Мақсуд қўлини мушт қилиб кўрсатди. — Агар танбеҳ эшитмай десангиз, режимга қатъий амал қиласиз. Истаган пайтда чақириб қолишлари мумкин. Ана шу пайтда қаерда бўлишингиздан қатъи назар, етиб келишингиз шарт.

— Иш вақти...

— Иш вақти деган нарсани унутинг. Сиз энди халқ посбонига айландингиз. Посбон эса ухламайди.

— Тушунарли. Ўтирсам бўладими? — сўради Элёр уриндиқни айлантириб кўраркан.

— Бемалол. Бу жой энди сизники. Истасангиз компьютерингизга пароль қўйиб бераман. Ёки ўзингиз биласизми?

— Унчалик эмас. Ҳали кўп нарсани ўрганишим керак.
— Сенлаб гапирсангиз ҳам майли. Ҳар ҳолда сиздан бир оз кичик эканман.

— Хафа булиш йўқми?

— Куникиб кетганман.

— Унда, ака-ука бўламиз.

— Келишдик. Бирортаси гиди-биди деса, акам чемпион деб мақтанарканман-да.

— Агар кучинг етмаса, қочишни ҳам унутма.

— Бизга мушглашиш мумкин эмас, — деди Мақсуд бошини тебратиб. — Ташвиш келтирадиган вазиятлардан иложи борича жимгина чиқиб кетишга ҳаракат қилинг. Бу сизнинг қўрқоқ эканлигингизни билдирмайди, аксинча, эҳтиёткор, манманликни билмайдиган, бошқаларда шубҳа уйғотмайдиган эпчил ходимлигингиздан далолат беради. Айниқса, бир-икки йил ишлаганингиздан кейин шундай қимматли кадрга айланасизки, буни ўзингиз ҳам тасаввур қилолмайсиз.

— Чет эл агентларига ўхшаб-а?

— Улардан кам еримиз йўқ.

— Анчадан бери ишлайсанми? — деди Элёр ниҳоят Мақсудни санлашга ўтиб. Аммо гапидан бир оз хижолат тортгани сезилиб турарди.

— Шу соҳадами? Бир йилдан ошди.

— Ҳа, анча тажриба тўплаганинг кўриниб турибди. Демак, терроризм, контрабанда, уюшган жиноятчиликка оид барча маълумотлар компьютерингда бор. Улар билан танишиб боришим мумкин. Шундайми?

— Албатта.

Элёр иш жойига кўникма ҳосил қиларкан, ўзини қизиқтирган саволларни беришдан истеҳола қилмас, Мақсуднинг жавобларини эса диққат билан тингларди. Иродаси тобланган, қатъиятли йигит билан суҳбатлашиш қанчалар мароқли бўлмасин, бўлим иши ва бошқа ходимлар билан танишиш ундан-да муҳимроқ эди.

У энди анча ўзгарган, гап-сўзларни шошилмай, мулоҳаза билан баён этар, юришлари дадил ва мағрур эди. Бу ўзини катта олиш ёки керилиш эмас, аксинча, шу юртга керакли инсон эканлигини юракдан ҳис этганида пайдо бўладиган ифтихор, гурур ва фахр эди.

* * *

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматига:

— Бизда Интерпол томонидан қидириладиган ашаддий террорчи Абу Жаллоб Жигархун яқин кунларда Ўзбекистонга боришни режалаштирмоқда деган маълумот бор.

Туркия махфий хизмати.

* * *

Кейинги ойнинг бошларида олинган ушбу хабар бўлимнинг ун тўрт кишилик ходимини тезликда бошлиқ хонасига йигилишига сабаб булди. Жалил Очилов бундай жиддий маълумотни биринчи марта эшитиб туриши эди. Кўнглидан нималар кечганини ўзига аён. Аммо полковник Буронов тайинлаганида ўзини қўлга олди ва босиқлик билан қўл остидагиларга Туркия Махфий хизмат ташкилоти томонидан махсус хабар олингани, унда интерпол томондан қидириладиган Абу Жаллоб Жигархун деган шахс Ўзбекистонга боришни режалаштирадигани ҳақида огоҳлантирилганини маълум қилди. Аммо хабарда унинг қандай исм-шариф остида, қайси мамлакатнинг фуқароси ва паспорти билан бориши айтилмаган эди. Бир неча мамлакатларда, жумладан, Англия ва Америкада портлашлар содир этишда гумон қилинадиган Жигархун тўрт йилдан буён тутқич бермай, турли сохта паспортлар билан дунё кезиб юрарди. Шунданми интерпол унга Шарпа деган лақаб ҳам қўйиб улгурган эди. Хабардан кўринадики, Абу Жаллоб Жигархун Туркия давлатига кириши кўзда тутилмаган, у Марказий Осиё давлатлари бирига, балки айнан Ўзбекистонга боришни режалаштиришган бўлиши ҳам мумкин.

— Жосуснинг юртимизга қачон келиши аниқ эмас, — тушунтиришда давом этди Жалил Очилов ходимларига юзланиб. — Бироқ биз ҳар қачонгидан ҳам хушёр бўлишимиз керак. Мана бу эса Жигархуннинг ҳақиқий сурати, — бошлиқ қулидаги қалин жилдли кўк папкани очди-да, келиши кутилаётган Шарпанинг бундан уч-тўрт йил олдин олинган суратини кўрсатди. Факс орқали қабул қилинган сурат оқ-қора бўлиб, худди чизилганга ҳам ўхшаб кетарди. Етарлича нусха олинган суратни Марат Бошбеков ходимларга тарқатиб чиқди.

— Суратга диққат қилинг, уни шундай эслаб қолингки, терминалдан ўтиб келаётган ҳар бир шахсни кўрганда расм ҳам кўз ўнгингизда турсин. Биз энди уни қачон келишини кутиб ўтирмаймиз. Шу бугунданоқ халқаро ва маҳаллий аэропортларда доимий кузатув ишларини бошлаймиз. Бунинг учун иккита гуруҳ тузамиз ва ҳар бир гуруҳга алоҳида вазифа топширилади. Биринчи гуруҳга кирадиганлар диққатига, сизлар аэропорт ичкарасида бўласизлар. Божхона ёки аэропорт ходими кийимида бўласиз. Барча ҳаракатларингиз табиий чиқиши керак. Мабодо бирортасидан гумон қилсангиз, бировга сездирмасдан дарҳол менга хабар беринг. Махсус жиҳозланган машина аэропорт яқинида бўлади. Лекин яна бир марта қайтариб айтаман, ушбу суратни қўлингизга асло ола кўрманг. Тушунарлими?

— Тушундик, — дейишди ўтирганлар.

— Иккинчи гуруҳ кутиш зали ва аэропорт ташқарисида бўлади. Улар менинг буйруғим билан шубҳа остида олинган йўловчини қўлга олиш билан шугулланади.

Майор Жалил Очилов бир зум ходимларига назар ташлади, сўнг гапини давом эттирди.

— Келиши тахмин қилинаётган шахс оддий жиноятчи эмас, узоқ муддатдан бери қидирувда бўлган, дунёдаги энг хавфли террористлардан бири. Интерпол рўйхатига тушганидан ва шу пайтгача тутқич бермаётганидан ҳам билса

бўлади, унинг кимлигини. Бизга эса Жигархуннинг нима учун юртимизга келаётгани, кўзлаган мақсад ва режалари қоронғу. Балки у бизда ҳам қолмас, транзит сифатида бошқа давлатга ўтиб кетар. Аммо бу ҳам номаълум. Баъзи маълумотларга қараганда, у жиноят содир этишни мўлжаллаган мамлакатларга шахсан ўзи ташриф буюраркан. Қаерда ва қай ҳолатда портлаш уюштириш мумкинлигини режа қиларкан. Агар мана шу фактлар тўғри бўлса, демак, Жигархуннинг келиши бежиз эмас: қандайдир ғаразли мақсади бор.

— Жалил Норбекович тўғри айтдилар, шошқалоқлик қилинмасин, — дея бошлиқнинг сўзини давом эттирди Марат Бошбеков. — Орамизда ишга янги келганлар бор, — у шундай деб, Элёрга кўз қирини ташлаб қўйди. — Ута айёр ва хавфли жиноятчининг изига тушишнинг ўзи бўлмайди. Аммо бу — ута масъулиятли ишни биз ҳам уддалай олмаймиз дегани эмас. Ҳамжиҳат, якдил бўлсак, ҳамма ишни бажариш мумкин. Ўзбекларда ажойиб бир мақол бор: кўпдан қуён қочиб қутулмас. Тўғрими? Энди саволлар бўлса, марҳамат!

— Дейлик, бирор йўловчидан гумон қилдик, кейинги ишимиз ўша шахс ҳақида “Марказ”га хабар бериш билан чекланамизми ёки вазиятга қараб кузатишни давом эттирамизми? — сўради ходимлардан бири ўрнидан туриб.

Элёр ўзидан икки киши нарида турган, ўрта ёшлардаги Содиқ Меъморовга қараб қўйди. Ишхонада кам бўладиган бу ҳамкасби билан бор-йўғи бир мартагина гаплашишган эди, холос.

— Аввало алоқага чиқаётганда жуда эҳтиёт бўлинг, — деб саволга жавоб бера бошлади Жалил Очиллов. — Агарда шубҳаланган шахсга сездирмасликнинг иложи бўлса, кузатуви давом эттиришингиз мумкин. Аммо бундан аввал вазият тўғрисида “Марказ”га хабар бериш ёдингиздан чиқмаслиги керак. Полковник Бўронов ва мен машинада бўламиз. Аэропорт назорат пункти ва чиқиш йўлагига қўшимча кузатув камералари

қўйилади. Сиз гумон қилган шахсни “Марказ”даги компьютер орқали зудлик билан текшириб чиқамиз. Мавжуд барча маълумотлар ўрганиб чиқилгач, кейинги ҳаракат учун топшириқ olasiz. Яна саволлар борми?

— Душман тузоқ борлигини пайқаб қочишга уринса ёки одамлар ҳаётига хавф солувчи бирор ҳаракат қилишни бошлаб қолса, қуролдан фойдаланишга рухсат борми? — сўради гуруҳларнинг бирига киришига умид боғлаган Мақсуд .

— Иложи борича шовқин-сурон кўтармасдан ҳаракат қиламиз. Қурол масаласига келсак, бу вазиятдан келиб чиқиб, ўша онда ҳал қиламиз. Тушунарлими? Ундай бўлса, командани кутинг!

Ходимлар ўзаро гаплашиб, қўлларидаги суратга тикилиб хонани тарк эта бошладилар. Майор Жалил Очилов ўринбосари Марат Бошбеков, Мақсуд ва Элёрни хонада қолишларини буюрди. Элёр ҳамхонасига нигоҳ ташлаб, қошини учуриб қўйди, Мақсуд елкасини учирди.

Марат Бошбеков рухсат сўраб деразани қия очиб қўйди, сўнг ўша жойда туриб сигарет тутатди.

— Рассомликдан хабаринг борлигини, айнан шу соҳада ўқиганингни биламан. Қани, айт-чи, гриммда одамнинг юз қиёфаси неча фоизга ўзгариб кетади? — деди Жалил Очилов ходимларни утиришга таклиф этгандан сўнг Элёрга юзланиб. Айни пайтда у қўлидаги папкадан Жигархуннинг суратини чиқариб олдиға қўйишға ҳам улгурган эди.

Элёр бундай жиддий саволға биринчи марта дуч келиши эди. Табиатдаги мавжуд объектларға қараб ёки бирор нарсани хаёлға келтириб чиройли расмлар чизиб юраверган экан. Тайёр суратларни сотиш-чи? Бундан осони борми? Лекин бу ерда... Ҳақиқий ижод мана қаерда?

— Бутунлай танимайдиган ҳолға келиши мумкин, — деди Элёр бошлиқнинг саволини жавобсиз қолдирмаслик учун. У залдаёқ Жигархун шу маҳалгача интерполғаки чап бериб келаётган бўлса, юз тузилишини бутунлай ўзгартириб юборган

булса керак, деб узича тахмин қилганди. Агар танийдиган даражада юрганида аллақачон қўлга тушмасмиди?

— Майли, шундай дейлик. Лекин инсоннинг бирор аъзоси ўзгармай қолиши мумкинми? Масалан, кўзи, қулоғи, лаблари. Ёки гриммда буларнинг ҳаммаси аслидан бошқача бўлиб кетадими?

— Ҳозир бу ишлар унчалик қийин эмас. Кўзнинг қорачигини линза билан ўзгартириш, қулоқ ва лабларга тиртиқ тушириб, диққатни чалғитиш мумкин. Оддий ясама соқол ва мўйлов ҳам одамнинг юз тузилишини бошқачароқ кўрсатади, — деди Элёр амалиётда ўқиганларини эслаб.

Бу пайтда столга келиб ўтирган Марат Бошбеков сигарет кукунини кулдонга тўкаркан, Элёрнинг жавобига таажжублангандай сўз қотди:

— Сенинг гапингга қараганда, “Шарпа”ни биз ҳам кўздан қочиришимиз мумкин экан-да?

— Мен бундай демоқчи эмасман.

— Аслида бу иш унчалар мураккаб эмасдек, назаримда, — деб фикрини билдирди Марат Бошбеков Элёрга ортиқча эътибор қилмай.

— Қайси маънода? — муовиннинг гапини бўлди бошлиқ.

— Жигархун ҳозир эллик олти ёшда экан. Демак, эллик ва олтмиш ёшлар атрофидаги эркак йўловчиларни ажратиб оламиз. Улардан эса мана шу суратга бир оз ўхшаб кетадиганларини саралаймиз. Шунда ишимиз анча осонлашади.

— Яхши, кейин?

— Кейин гумон қилганларимизни кузата бошлаймиз. Унгача интерполдан оладиган махфий маълумотлардан бирор муҳим белгилари ҳақида билиб олармиз.

— Маъқул. Лекин менимча одамнинг қайсидир аъзоси барибир асл ҳолини сақлаб қолса керак? — деди бошлиқ яна суратга тикилиб. — Наҳот, буни билиш шунчалар мушкул?

Жалил Очилов ҳамон ўйининг тагига етолмай диққати ошганди. Ичида ҳали кўп нарсаларни ўрганиши кераклигини

тан оларкан, тиббиётни яхши биладиган кадрларни ҳам жалб қилишни режалаштира бошлади. Инсоннинг тана тузилиши, психологияси, хатти-ҳаракатини ва ҳоказоларни билиш нақадар зарур экан ишида.

— Одамларда кўпинча гапириш оҳанги, сўзлаётганда оғзини очиш, лабларини қимирлатиш ритми сақланиб қолади. Вазиятга қараб маълум муддат овоз оҳангини ўзгартириши мумкин, лекин беихтиёр яна асл ҳолатига қайтганини ўзи ҳам сезмай қолади, — деди Элёр Эльмирадан ўрганган нарсаларини ёдга оларкан.

— Лекин биз Жигархуннинг гапирганини кўрмаганмиз. Қулимизда бирор видео тасма ҳам йўқ, — дея эътироз билдирди Марат Бошбеков.

— Балки интерполда бордир? — деди Элёр.

— Хуш, рассом, яна нималарни биласан?

— Яна одам қадам ташлашида кўпинча йигирма-йигирма беш ёшгача кўниккан хатти-ҳаракатини сақлаб қоларкан. Бир оз олдинга энкайиб юришга ўрганган киши минг қаддини тик тутмасин, кейинроқ барибир яна эгилиб юра бошлайди. Саҳна артистлари бундан мустасно экан. Улар ўзларини мажбур қилиб бўлса-да, қадди-қоматлари устида жиддий ишлашаркан.

— Бизга Жигархуннинг юриш-туриши ҳам маълум эмас, — деди бошлиқ ўринбосари қўлларини мушт қилиб. — Бу аблаҳ, сайёҳ бўлиб келяптими ўзи?

— Шундай булиши керак, — жавоб қилди бошлиқ.

— Қизиқ, юртимизда нима борийкин унга? Наҳот, бирор ваҳшийлик қилишни режалаштирган бўлса? Туркия махфий хизмати ходимларига яна нималар маълум экан? — Марат Бошбеков шундай деб суратни кафтига урди.

— Улар бирор янги маълумотта эга бўлишлари билан бизга маълум қилишларини билдиришган, — деди майор.

— Бу террорчи ҳойнаҳой, бизларни назарига илмаган, — кўзларини бир оз қисиб гапирган Марат Бошбековнинг ро- стакамига жаҳли чиққандай бўлди.

— Шунинг учун уни тузоққа туширишимиз керак. Шарпа бўлса ўзига. Бизнинг ўтқир кўзларимиз ҳар қандай шарпани ҳам илғашга қодир, — дея Жалил Очилов қулидаги суратни тап этиб столга ташлади ва уни кўрсаткич бармоғи билан эзди.

— Қанийди, уни қўлга тушира олсак? Қадами нопок бошқа кимсалар ҳам юртимизга уйлаб қадам босадиган бўларди, — деди бошлиқ ўринбосари сўзлаш оҳангини ўзгартириб. Кейин Элёрга юзланиб гапини давом эттирди: — Сен чемпион, боксёрлик эмас, рассомлик қобилиятингни ишга сол. Инсон руҳиятини илғай олганинг учун ҳам шу касбни танлаган бўлишинг керак. Суратга яхшилаб қара, юзи, кўзи, қошқовоғи, ҳар бир тукини ўрган.

Бошлиқнинг гапида жон бор, биз ўтқир нигоҳларимизни ва алқ-фаросатимизни ишга соламиз. Иложи бўлса Шарпани аэропортнинг ўзидаёқ таниб, бирор кимса билан учрашганда шартта қўлга олишимиз лозим. Агар бу ишни эплосак, бутун дунёга нималарга қодир эканлигимизни яна бир карра кўрсатиб қўйган бўлардик.

— Ҳа, шунга ҳаракат қилишимиз керак. Бошқа гапингиз бўлмаса, булар ишга киришсин, сиз билан эса баъзи режалар устида гаплашиб олишимиз керак, — деди бошлиқ.

Марат Бошбеков гапи йўқлигини айтди.

— Сизларга рухсат! — суҳбатта якун ясади майор.

Элёр хонасига киргач, шаҳар ички ишлар бошқармасининг тарбияси оғир болалар билан ишлаш бўлимига жойлашган Эльмирага қўнгироқ қилиб, баъзи нарсаларни сўрамоқчи бўлди. Аммо “Бу ердаги гап-сўзлар сир сақланиши керак эмасми? Топшириқ махфий бўлса-чи?” деган уй уни бу фикрдан қайтарди.

Мақсуд олинган маълумотларни бошлиққа етказиш учун кетди. Элёр компьютерга тикилди. Аниқ булмаган хабарларга қараганда келиб чиқиши месхети турклардан деб тахмин қилинган Абу Жаллоб Жигархун ҳақида деярли

маълумот йўқ эди. Афғонистондаги лагерларнинг бирида махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтгани, портловчи моддалар тайёрлаш ва ишлатиш бўйича билимга эга эканлиги, қайси давлатларда хунрезликлар уюштиргани хусусида ёзилган эди, холос.

Элёрнинг Туркияга ҳурмати ўзгача эди. Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакат сифатида эҳтиромга лойиқ деб ҳисобларди. Бугунги махфий маълумоти ҳам дўст давлат эканлигининг белгиси эди. Аммо Жигархунга нисбатан бирон-бир чора кўрмаганлигини Марат Бошбеков сингари тушунолмаётган турарди.

“Наҳот йўловчилар орасидан ажратиб ололмаган бўлса? Ёки у Туркия орқали эмас, бошқа давлатдан келармикин-а? — ҳа-ёлга ботди Элёр қоғоздаги суратга тикиларкан. — Демак, ташқи қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборган? Балки семириб ёки озиб кетгандир? Булиши мумкин. Лекин Жалил Очилов ҳақ бўлиши ҳам мумкин, одам барибир бутунлай ўзгариб кетмайди-ку. Истайдими-йўқми, асл ҳолатидан нимадир қолади. Ҳа, ана шу нозик нуқтани топиш керак. Аммо қандай? Бутун дунё полицияси қидириб тополмаётган бўлса, биз қўлга тушира олармикинми? Эҳ, қанийди, у аблаҳни биринчи бўлиб мен таниб қолсам!”

* * *

Полковник Бўронов хонасида телефон жиринглади. Гушакка қулоқ тутган полковник шу сўзларни англади.

— Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматиغا. Халқаро террорчи Абу Жаллоб Жигархуннинг мамлакатингизга кетаётгани ҳақидаги хабар ҳозиргина тасдиқланди. Жосус Туркия орқали кетаётган бўлиши ҳам мумкин. Яқин рейсларнинг бирида кутиб олинг.

Полковник Бўронов миннатдорчилик билдиргач, майор Жалил Очиловга тузилган гуруҳ билан зудлик билан аэропортга етиб келишини тайинлади.

XXVIII. ҚУВИШ

Тошкент халқаро аэропорт биноси. Бу ерга ўз вақтида етиб келган махсус гуруҳ аэропорт раҳбарининг хонасида қисқагина йиғилиш ўтказди ва бу ернинг тегишли ходимлари ҳам Туркиядан келиши кутилаётган жиноятчининг сура-ти билан таништирилди. Айниқса, паспорт назорат пунк-ти малакали ходимлар билан алмаштирилди. Аэропортдаги ички ишлар органи ходимларидан ҳам ўта ҳушёр бўлиши талаб этилди. Жиноятчининг қайси авиакомпанияга қарашли самолётда келиши аниқ айтилмаган бўлмаса-да, бу иш зим-масига юклатилган махсус гуруҳ вакиллари ҳар ҳолда ярим соатлардан сўнг қўнадиган Ўзбекистон Ҳаво йўлларига те-гишли самолётида учиб келишини тахмин қилишаётган эди.

Бирор мамлакатта биринчи марта учиб бораётган ҳар қандай сайёҳ у диёр билан танишишни аввало самолётдан, экипаж аъзоларининг маҳоратини ўрганишдан бошларкан. Мутахассисларнинг бу фикри махсус хизмат гуруҳини ҳам бефарқ қолдирмади: Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиакомпа-ниясига тегишли самолётларда шу пайтгача ҳалокат рўй бермаган, йўловчиларни хавотирга қўядиган кўнгилсиз ҳодисалар ҳам қайд этилмаган. Шунинг учунми асосий диққат-эътиборни келаётган рейсга қаратишди.

Кечаси билан ўйланиб чиққан Элёр тонг саҳарда аэро-портта келган ва юк ташувчи йигитларнинг ичкарига бема-лол кириб юрганларини кузатиб, уларнинг кукрагига тақил-ган, кимлигини билдириб турувчи “рухсатнома”ни яхшилаб кўриб олди-да, ҳар эҳтимолга қарши деб Мақсуд ёрдамида дарҳол ўзига шундай ёрлиқ тайёрлади. Кейин бу ерга кел-ганларида гуруҳ раҳбарининг рухсати билан “юк ташувчи”га айланди-қўйди.

Элёр асида паспорт назорат пункти ёнида турмоқчи ҳам бўлди. Бир жойда жимгина кузатиш қулайроқ туюлди назарида, лекин негадир фикридан қайтиб, келувчиларнинг,

айниқса, гумон остига олинган шахснинг ёнига яқинроқ бо-ришнинг бирдан-бир йўли арава етаклаш эканлигига иқрор бўлди. Чунки бошқа аравакашлар ҳам талашиб-тортишиб ҳаракат қилишаётган эди. Бу эса Элёрнинг кўнглидагидай иш эди. Ишқилиб қўлида юки бўлсин-да! Жиноятчилар одатда жамадон кўтаришни ёқтиришмайди, елкасига осадиган халта ёки қўлда кўтарадиган ихчам портфель билан чекланишади. Агар шундай бўлса, гумондорнинг олдига қандай яқинлашади? Кечадан бери русча-инглизча сўзлашув китобидан уч-тўртта жумла ёдлаб, кези келганда қўллашни мўлжаллаб қўйганди, демак, уларни ҳам ишлатолмас экан-да. Лекин унинг кўнглига таскин бераётган нарса ҳам йўқ эмасди. Қидирувда эканлигини билган жиноятчилар тез-тез қиёфасини ўзгартириб турса, демак, ёнида жуда катта бўлмаса-да, ўзига яраша жамадони бўлади. Шундай экан, жуда тушкунликка тушиши ҳам тўғри эмас. Ҳали бу рейс-да келадими-йўқми? Келса ҳам шаҳарга кирадими-кирмайдими? Транзит сифатида билет олган бўлса, бирор давлатга ўтиб кетиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда, эҳтимоли юз фоизли тахмин билан иш тутилди, холос. Бўлмаса, Шарпани қўлга олиш операцияси тўхтатилади. Шов-шувга сабаб бўладиган таваккалга борилмайди.

Элёр юкларини олиб назорат пунктидан ўтаётган элик-олтмиш ёшлар чамасидаги хорижлик кишиларга разм соларкан, гоҳ арава тутқичига суянар, гоҳ у ёқдан-бу ёққа юриб келувчиларнинг диққатини тортмасликка ҳаракат қиларди. Аслида шундоқ ҳам кўзга ташланмаётган эди: эскироқ кийингани, бошидаги қийшайган қалпоқ, оёғидаги ипи йўқ красовка уни бошқа йигитлардан фарқ қилмайдиган ҳолатга келтирган эди.

Элёр бу операцияга ҳисса қўшишни жуда истаётган эди. Биринчи жиддий топшириқни удалай олсам, қандай саз бўларди. Балки бу кечагина чемпионлик камарини қўлга киритгандан ҳам муҳимроқ иш бўлармиди. Ҳа-да, ҳозир

уни биргина республикада бокс чемпиони сифатида билишса, агар шарпани биринчи бўлиб таниб қолса, бутун дунёга номи машҳур бўларди-да. Биргина у эмас, гуруҳ аъзолари, қолаверса, Ўзбекистон давлатининг номи дунё матбуот саҳифаларида, телевидение орқали бериладиган янгиликларда қайта-қайта жаранглаб, бу ерда жиноятнинг ҳар қандай кўринишига муросасиз кураш олиб боришга қодир халқ яшаётганини намоён қилган бўларди. Шуларни кўнглидан ўтказаетган Элёрнинг нигоҳлари диққат билан разм солишни давом эттирар эди.

Жиноятчи ташқи кўринишини ўзгартириш учун аллақачон семирган ёки озган бўлиши мумкин. Юз тузилишини эса шунга мослаб гримм қилдирган. Расмдаги соқол-мўйлабини қирдирган бўлса, узун сочларини бутунлай олиб ташлаган ёки қисқартирган, демак, бир қарашда илғаб олиш қийин. Суратда кўзлари бир оз қисилган ҳолатда, тепа лаби мутлақо кўринмайди, қалин қора мўйлабининг остида қолган. Пастки лабида айтарли бирор белги йўқ, ҳамма жонсарақ эркалар қатори қуруқшаб турибди. Ҳали йиғилишда айтганларидай, кўз ва қошни ўзгартиришнинг юз бир усули бор. Ҳатто бурунни ҳам танимайдиган ҳолга келтириш мумкин. Унда чўзиш ёки қисқартириш анча мушкул бўлган биргина бўйига қараб, жиноятчини таниш мумкинми? Йўқ, албатта. Бир метру етмиш беш сантиметр чиқадиған қанча эрка бор йўловчилар орасида.

Ярим соатлар ичида чиқувчилар бир оз камайиб қолди. Икки назорат пунктидаги аёллар ҳамон жим. Улар йўловчиларнинг ҳужжатларини шошилмасдан кўриб, махсус гуруҳга бемалол кузатишлари учун имкон яратиб беришаётган бўлса-да, шу пайтгача бирор шахс гумон остига олинмаган эди. Гуруҳ раҳбари Жалил Очилов Туркиядан келган рейснинг охириги йўловчиси ўтмагунча кутиш кераклигини англаса-да, умидини уза бошлаган эди. Демак, кейинги самолётда келади. Шу нарсагина уни бир оз тинчлантириб турарди, холос.

Гуруҳ ходимларининг ҳамон алоқага чиқмагани, сал бўлса ҳам шубҳали кўринган бирорта шахс ҳақида хабар қилмаётгани эса кўнглидаги шу озгина хотиржамликни ҳам чилпарчин қилиб юборар, ўрнини дарҳол, наҳот қўлдан чиқарган бўлсак, деган гумон билан тўлдириб ташларди. У раҳбариятга нима деб ҳисобот бериш ҳақида қайгура бошлади. Ҳали келмаган бўлса, хўп-хўп, бироқ осонгина ўтиб кетган бўлса-чи? Унда, қўлдан чиқарилган имкониятни, янада қалтислашган вазиятни қандай изоҳлайди? Изоҳлай оладими ўзи? Бўлимни бошқараётганига ярим йил бўлмай, “эплогмади”га чиқадими? Органдан ҳайдаладими ёки енгилроқ ишга ўтказиб юборишадими?

Гуруҳ раҳбари жойида ўтиролмай қолди. Кетма-кет сигарет тутатаркан, камера орқали кузатишдан қониқмай, юраги сиқилиб кетди, у шу тобда залга чиқиб йўловчиларни шахсан ўзи бирма-бир кўздан ўтказишни истарди.

Назорат пунктига кўзи ожиз аёлни етаклаган эркак киши яқинлашди ва бирданига иккита паспорт ва чиптани оппоқ юзли, қош-кўзлари чиройли, аммо нигоҳлари жиддий тортган аёлга узатди.

Ўттиз ёшлар атрофидаги назоратчи аёл сал жилмайган хорижлик меҳмоннинг суқланиб қараётганини пайқаган эди. У чипталарни қайтиб бергач, аёلнинг кўзойнагини олишини сўради. Инглиз тилини тушунадиган эркак ёнидаги ожизага арабчалаб нимадир деганди, елкасига ва бошига қалинроқ оқ мато ташлаб олган қорамағиз аёл титраган ўнг қўли билан кўзойнагини қидириб топди ва қора кўзойнакни олди. Дарҳақиқат, паспортида Индонезия фуқароси деб кўрсатилган бу аёлнинг очиқ кўрлиги шундоқ билиниб турарди. Кўз қорачиқлари худди кўр одамникидай ғалати ўйнаб, киши раҳмини келтирарди.

— Келишингиздан мақсад? — сўради назоратчи аёл бу сафар иккинчи пастортни қўлга олиб. Унинг нигоҳлари аввал паспортдаги, сўнг рўпарасида турган суратга қадалди.

Индонезиялик эркакларга хос кийинган чўққи соқол киши сайёҳ эканлигини, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини кўриш, шу ташриф давомида Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиб, тупроғини аёлининг кўзларига суртмоқчилиги, қисқаси шифо излаб келганини тушунтирди. Кейин ўзбек аёлини биринчи марта кўриб турганлигини, уларнинг бунчалар гўзал ва ёқимли бўлишини кўриб, ҳайратда қолганини ҳам қистириб ўтди. Ўзининг чиройли ва жозибадор эканидан дили чоғ бўлган аёл бирор нарсадан шубҳа қилмай, иккала паспортга ҳам шарақлатиб штамп босди-да, Ўзбекистонга ҳуш келганини, сафари бехатар бўлишини тилади. Чўққи соқол миннатдорчилик билдириб, ожизасини етаклади.

Бу ҳолатни кузатиб турган Элёр негадир қимирлаб қолди. Бошига бантиги осилган жигарранг қалпоқ кийган чўққи соқол унда айтарли шубҳа уйғотмаса-да, юраги нимадир сезгандай бўлди. Тўғриси кўзи ожиз аёлни етаклаб юрган сайёҳни биринчи марта кўраётгани учун ҳайратга тушди. Наҳот дунёда шундай мусулмон эркаклар бўлса? Ўзбекистонни кўриш учун атай бошлаб келдимикин? Ёки бу ерда қариндош-уруғлари бормикин? Ахир уч йилдан буён бу жаннатмакон, бу азизу мукаррам тупроққа қанчадан-қанча хорижлик ватандошлар, сайёҳлар қадам ранжида қилишмоқда. Ҳа рост, ҳаммалари бу муқаддас юртни кўришга орзуманд, имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий ва яна кўплаб буюк зотлар яшаган заминни кўзларига тўтиё қилишга ошиққан.

Элёр индонезиялик меҳмонларни кузатиб қўйишга қарор қилди. Битта каттароқ жамадони божхона ходимларининг назоратидан ўтиши билан Элёр "Mister, help" деб кечқурун ёдлаган, айни пайтда дилидан такрорлаб турган сўзларни баралла талаффуз қилди.

Ўзбек ўғлонига хос қатъият, очиққўнгилик ва хушмуомалалик акс этиб турган йигитга тезда нигоҳ ташлаб олган чўққи соқол "Okey, help" деб жилмайди. Элёр бошқалардан

чаққонроқ ҳаракат қилиб, унча оғир бўлмаган юкни аравага жойлаштираркан, яна билагонлик қилди:

— Mister, taxi.

— Yes, yes!

— Please, lets gov.

Элёр меҳмонларни ҳар эҳтимолга қарши тўхташ жойида кутаётган гуруҳга қарашли “такси”га жойлаштирмоқчи бўлди. Йул-йўлакай “My name is Elyor” деди чўққи соқолнинг юзларига қарашга баҳона изларкан.

— Elyor, good, good, — деди ҳамроҳини оҳиста етаклаб бораётган хорижлик сайёҳ маҳмадона йигитга қарамай.

— I am uzbek, — деди Элёр юришини бир оз секинлатиб.

— Uzbek, Uzbekiston, veri good!

Бу сўзларни тушунган Элёр гурурланиб қўйди. Кейин бундай ажойиб таърифга бефарқ эмаслигини билдириб фахр билан деди:

— Thank you, mister.

Йулдаги кичик тўсиқдан кўзи ожиз аёл бемалол утгандай бўлди. Ёки Элёрга шундай туюлдимикин? Худди соғ одамдай беихтиёр оёғини кўтарди-я? Наҳот, бу чет эллик аёлнинг қалб кўзи очик бўлса, ахир билагига илиб олган махсус ҳассасини бир марта ҳам қўлига олгани йўқ-ку? Бунинг устига шериги олдинда бетон тўсиқ борлигини ўз тилида бўлса-да огоҳлантирмади. Агар пичирлаб гапирганидаям эшитган бўларди. Қизиқ. Элёр энди ожизага зехн сола бошлади. Бироқ автобус бекатидан утишганида қаердандир сариқ такси — “Газ-24” автомашинаси пайдо бўлди ва шундоқ сайёҳларнинг ёнгинасида тўхтади.

— Такси для Самарканда и Бухари, — деди кабинадан отилиб чиққан Элёр тенги йигит оқ дўпписини тўғриларкан, шаҳарларнинг номига алоҳида урғу бериб. Афтидан унинг бир оёғи ерда, бошқаси эса кабинада турарди.

— Samarkand, Samarkand! — деди чўққи соқол қўлини силкиб. Шу тобда унинг сохта жилмайган, бир оз хавотирли

кўринган юзларида негадир росмана табассум нишонлари пайдо бўлди.

Кенг пешанали, юзи озгин бўлса-да, кўзлари сал ичига ботган, эътиқодини билдираётган аксари ёшлардек соқол ўстира бошлаган ҳайдовчи машинадан тушди-да, орқа юкхонани очиб, Элёрга “қани, жойлаштир!” дегандай ишора қилди. Жамадонни жойлаштирган Элёр хизмат ҳақи сўраш кераклигини эслаб сайёҳга тикилди. Нимадир эсига тушгандай чўққи соқол чўнтагидан беш доллар олиб юк ташувчига узатди. Кейин долларга тикилиб қолган йигитнинг елкасига қоқиб кўйди ва ҳамроҳини негадир олди ўриндиққа жойлаштира бошлади.

Элёр хорижлик кишининг бу ҳаракатини тушунмади, кўзи ожиз инсонни, бунинг устига аёл кишини ҳайдовчининг ёнига ўтқазishi галати туюлди. Индонезиялик меҳмонлар афтидан мусулмон эди. Бироқ, сайёҳ кишининг шу тобдаги қарори рафиқасини бегонадан рашк қилмайдиган эркакларнинг иши эди. Ажабланарли, тўғрими?

Ийе, бу нимаси бўлди? Сайёҳларнинг кейинги ҳаракати Элёрни баттар ҳайрон қолдирди: олди ўриндиққа жойлашган ожизанинг кўзойнак остидан пастта нигоҳ ташлагани ва осилиб қолган узун юбқасини эшик қисиб қолмаслиги учун кўтарганини аниқ кўрди. Бўлмаса, чўққи соқол ҳеч нима дегани йўқ. Бу нарса беихтиёр рўй бердики, Элёр нима гаплигини англаб етгунча, машина жойидан қўзгалди.

* * *

Шундагина Элёрнинг юраги сезган бояги нимадир, шубҳага асос бўлди ва машинанинг рақамини эслаб қолишга уринди. Бироқ ҳаш-паш дегунча такси чапта бурилди ва рақамни кўриш имконияти йўққа чиқди. Элёрнинг юраги ҳовлиқиб кетди. У сал нарида кутиб турган махсус таксига қараб чопаркан, орқа чўнтагидан рақияни олиб “Марказ”га хабар бера бошлади.

— Диққат, Марказ! Мен Элёрман. Ҳозиргина аэропортнинг машиналар тўхташ жойидан сариқ такси машинаси Бобур кўчаси бўйлаб йўлига тушди. Ичида шубҳали йўловчилар бор. Маркаси “Газ— 24”. Давлат рақамини кўра олмадим. Ортидан қувишга рухсат беринг!

— Шубҳаландингми?

— Ҳа, уртоқ, майор.

— Рухсат!

Янги такси машинаси жойидан шиддат билан кўзгалди ва тўсиқни бир уриб ўтиб кетди. Бутка ичида ўтирган рус аёли ойначадан калласини чиқариб бақирганича қолаверди. Унча узоқ бўлмаган чорраҳанинг четида турган ДАН ходимининг бунга ногоҳ кўзи тушибми ёки жон-жаҳди билан бақирган хотиннинг овозини эшитиб шу томонга қараганда кўриб қолдимиз, шошиб катта йўлга чиқа бошлади ва ҳуштагини чуриллатиб, тўхташга ишора қилди. Элёр нима қилишни билмай Содиқ Меъморовга юзланди. Бунақа ҳодисаларга кўп марта дуч келган, шекилли, Содиқ Меъморов пинагиниям бузмади, аксинча, анча илгарилаб кетган таксига етиб олиш учун машинага газ берди.

— Шу етмай турувди, — деди Элёр тепага ўрнатилган қизил чирогини ёқиб, орқадан қувишга тушган ДАН машинасига кўзи тушиб. — Ишнинг белига тепадиган бўлди.

Содиқ Меъморов дарҳол “Марказ”га хабар қилиб, ортидан келаётган ДАН машинасини йўлдан олишларини, ўзлари эса шубҳа остига олинган хорижлик сайёҳлар ўтирган такси машинаси кетидан Бобур кўчаси бўйлаб кетаётганини айтди. Лекин Шота Руставели кўчаси билан кесишган чорраҳада уларнинг йўлига яна бир ДАН ходими рупара бўлди, афтидан қувишга тушганлар олдинда турган ҳамкасбига хабар берган кўринади. Содиқ Меъморовнинг жаҳли чиқиб кетди, ҳовлиққан сержант йўлнинг ўртасигача чиқиб келди, аммо чапдастлик қилиб ўзини четга олмаганда қаттиқ жароҳат олиши мумкин эди: машина уни туртиб юбори-

шига бир бахя қолди, холос. Светофорнинг қизил чироғига ҳам қараб ўтирмади, кўзга ташланмаётган таксини таъқиб этишда давом этди. Бу пайтда орқадан келаётган ДАН машинаси ҳам худди ўчакишгандай тўхтаб ўтирмади. Унг томондан келаётган сариқ “Москвич” эгаси, устига анчагина тахта ортиб олган қария буни кутмаган чоғи, бирдан тормоз берди. Светофорнинг яшил чироғи ёниб тургани учун олдиндаги машинанинг бундай тарзда тўхташини хаёлига келтирмаган машиналарнинг учтаси бир-бирларига тарақлаб урилди. Тўртинчи машинагина тўқнашувга чап бериб қолди. Ҳайдовчилар аҳволни кўриб бир-бирига ўдагайлай бошлади. Лекин сиз бунга аҳамият бериб ўтирманг, қочиб бораётган таксига қаранг, эҳ-ҳе, анча нарига кетиб қопти-ку.

Дарҳақиқат, шубҳали такси Муқимий кўчаси билан кесишган чорраҳада ҳам тезликни камайтирмади, ўнг томондан келаётган трамвайнинг шундоқ олдидан кесиб ўтди. Трамвай ҳайдовчиси қўрқиб кетдими, бирдан тормоз берганини ўзи ҳам сезмай қолди: ичкаридаги йўловчилар бир-бирларининг устига қулади, эпчиллик қилганларгина тутқични қўлдан чиқаришмади. Бақир-чақир бошланиб, ҳамма трамвай ҳайдовчисини сўка бошлади. Бу пайтда орқадан келаётган ДАН машинаси утиб кетишга улгурмади: тарақлаб трамвайнинг олдига урилди. Радиатор ёрилди чоғи машинанинг олдидан буг кўтарилди. Олди чироқлар чил-чил синган, бампер ўртасидан қийшайган, ҳимоя учун ўрнатилган темир тўсиқ пастга осилиб ётарди. Кукрагини рул чамбарагига уриб олган, лейтенант формасидаги киши энгашиб тушиб келди ва аҳволни кўриб, машинанинг олди гилдирагига жаҳл билан бир тепди. Трамвай ойнасидан бу ҳолни кузатиб турган йўловчилар шундан кейингина тинчишди. Булмаса, қалқиб кетиб бошқаларнинг оёғи остида қолганлар ҳайдовчининг ёқасидан олишга хезланаётган эди.

Бу вақтда олдиндаги такси жанубий вокзалга етиб қолган эди. Элёр тобора тезлаётган машина уннга бурил-

ганини аранг илғаб қолди. Шунда у сайёҳларни Тошкент— Самарқанд йўлига тушиб олиш учун ошиқаётганини англади. Меъморовни тезроқ юришга қистаркан, “Марказ”га йўналиш ўзгарганини тушунтирди.

— Такси ҳайдовчиси уларнинг одамига ўхшайди, ҳайдашини қаранг, — деди Элёр тебранаётганига аҳамият бермай.

— Ҳечқиси йўқ, бузоқнинг югургани сомонхонагача, ипподромнинг постидан утолмайди. Марказ у ердагиларни хабардор қилган бўлиши керак, — дея босиқлик билан жавоб қилди Содиқ Меъморов. Ҳа, унинг кўзларидан, машинани моҳирлик билан бошқаришга тиришаётганидан бундай қувиш операциясида биринчи марта иштирок этмаётгани сезилиб турарди.

— Марказдан сўрасаммикин?

— Шошма, оз қолди.

Халқлар дўстлиги кўчасига бурилиб, олдиндаги таксига деярли етиб олганларида миллий хавфсизлик ходимларининг ранглари оқариб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди. Огзилари очилиб бир-бирига қараркан, нима қилишларини билмай қолдилар. Такси машинасини кўзи ожиз аёл бошқариб борарди: рулдаги ҳайдовчи ҳам, орқа ўриндиқдаги чўққи соқол ҳам кўринмасди.

Содиқ Меъморов хаёлини йигди-да, олдиндаги машинага яқин келиб орқа ўриндиққа нигоҳ ташлади: бўш! Бунга кўриб Элёр баттар ҳайрон бўлди: қаерда тушиб қолдйкин? Вокзалга етмай ўнгга бурилганда улгуришдимиз? Ҳа, ўша ерда бўлиши керак! Бошқа ерда тўхтаганларида кўрган бўлардим.

— “Марказ”га хабар қил, ортимиздан келишнинг ўрнига жанубий вокзал атрофини кўздан кечиришсин! — дея бақирди Содиқ Меъморов олдиндаги машинанинг йўлини тўсишга уринаркан.

Элёр рақияни ишга солди. Кўрганларини бир амаллаб тушунтирганди, гўшакдан бошлиқнинг “Вой, падарингга лаънатлар-ей!” дегани эшитилди.

— Аниқ кўрмадингларми, қаерда тушиб қолганини? — рация орқали сўради бошлиқ.

— Машинани ўша бурилишдагина бир дақиқага кўздан йўқотдик, холос. Бошқа ерда тўхтаганда кўрган бўлардик, — вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилди Элёр. Бироқ ўқ овозини эшитиб, бошини эгиб олди.

Бошлиқ нима гаплагини сўради.

— Шубҳали шахс қуролланган экан, бизлардан қутулиш учун ўқ отяпти. Машинамизнинг олди ойнаси синиб, сочи-либ кетди, — деди бошини сал-пал кўтариб қўяётган Элёр юзидан оқаётган қонга аҳамият бермай.

— Меъморов тирикми?

— Тирикман ўртоқ майор, тирикман!

— Изидан қолманглар! Қандай қилиб бўлса ҳам қўлга олишимиз шарт! Топшириқ тушунарлими?!

— Тушунарли, — деди Меъморов ва таксининг ортига тушиб олди.

— Одилов!

— Эшитаман, ўртоқ... полковник!

— Тириклайин қўлга олинсин, тириклайин!

— Ҳаракат қиламиз...

— Ҳаракатингни йиғиштир! У менга тириклайин керак!

Тушундингми?

— Худди шундай!

Элёр полковникка муносиб жавоб қайтарди. Энди ҳаракат қилишлари керак эди. Қўлга тушишни истамай қочаётган аёлни қанчалар хавfli эканлигига қарамай, агарда тириклайин қўлга олинса, шериклари ҳақида билиб олишлари мумкинлигини уйлаб Содиқ акани қистай бошлади. Аммо асирга тушишни истамаса-чи, ўзини-ўзи қурбон қилса нима бўлади?

Элёр ўйини тутатмаган ҳам эдики, яна бир ўқ овози янграб, олдиндаги машинанинг орқа ойнаси тутдай тўкилди, Содиқ Меъморов эса “аҳ!” деганича ўнг биллагини чангал-

лади. Машина қаттиқ силкиниб ўртадаги бетоннинг устига чиқиб ағдарилиб кетишига оз қолди. Элёр рулни ўнг томонга буриб қолмаганда, улар машинанинг тагида қолишлари аниқ эди. Аммо бирдан қалқиб кетган такси йўл бўйида тўхтаб турган оқ “Жигули”ни туртиб юборди. Зарб қаттиқ бўлгани шундоқ билинди, машина трасса четидаги бетон ариққа тушиб, бир оз ёнбошлаб қолди.

— Яна нима бўлди? — бақирди Жалил Очилов шовқинни эшитиб.

— Содик ака яралади! — деди машинани бир қўллаб бошқариб бораётган Меъморовнинг тобора тиришаётган юзига қараб вазият жиддийлигини ҳис этган Элёр. — Тез ёрдам керак!

— Постгача неча километр бор, амаллаб етиб бора ола-сизларми?

— Борамиз, ўртоқ бошлиқ, борамиз! — деди ингранганича Содик Меъморов.

— Тахминан икки-уч чақирим, — ҳисобот берди Элёр қон оқаётган ярани нима билан боғлашга боши қотиб.

— Бардам бўл, Содик!

Машиналарни бир-бир қувиб ўтиб, аста узоқлашиб бораётган таксини кўргач, Элёрнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Балонига отишга рухсат беринг! У кетиб қоляпти!

— Постдан утолмайди, сабр қил!

— Постга етиб борма йўлга бурилса-чи? Агар бозор ичига кириб кетса...

— Унда, вазиятга қараб иш тут!

Элёрнинг хавотири чекинди: такси тўғри ДАН постига қараб юрди. Бироқ бу ерда шаҳардан ташқарига чиқиб кетаётган машиналар деярли тўхтатиб қўйилган, жиддий текширувдан кейингина битта-битталаб ўтказилаётган эди. Биргина ўтиш йўлига келиш учун машиналар уч-тўрт қатор бўлиб кетганди. Олдиндаги такси ён томондан — бешинчи қатор бўлиб постга яқинлашди ва бошқа ўтиш йўлаги авто-

буслар билан беркитилгани учун навбат кутиб турган беш-олтита машинадан сўнг тўхтади.

Салдан сўнг ундан тор қора шим, чарм куртка кийган, озгин, сарғиш сочлари калта, қорамағиз аёл отилиб чиқди ва бир сакраб олдинда турган машинанинг орқа капотида пайдо бўлди. Кейин у шундай тез югуришни бошладики, навбатда турган машиналарнинг устидан оёғи тегар-тегмас ўтиб, кўз очиб юмгунча бир сакраб ерга тушди.

Тўсиқ олдида турган семиз ДАН ходими худди шу пайт-ни пойлаб тургандай аёлга ташланган эди, ногоҳ кўкрагига келиб тушган тепкидан орқасига гурсиллаб йиқилди. Сал нарида турган яна бир назорат инспектори бу ҳолни кўриб анграйиб қолди. Аммо тезда ўзини қўлга олиб олдинга югурганди, бир сальто ташлаган аёлнинг қўшалоқ тепкисидан анча нарига бориб тушди. Йўлнинг нариги томонида турган икки ДАН ходими ёрдамга шошилди. Афсуски, уларнинг бирортасида ўқланмаган бўлса-да, қурол йўқ эди. Оддий қўл ёки ола-була таёқнинг ўзи билан аёлнинг йўлини тўсиб бўлмаслигини ҳамон ўзига келолмаган икки ҳамкасбининг аҳволдан тушуниб етган эдилар. Шундай бўлса-да, улар олдинга ташланишди.

Навбат келишини кутиб турган ҳайдовчилар эса бу ердаги вазиятдан беҳабар эдилар. Улар жимгина машинада ўтиришганди, бироқ тепадаги тарақ-туруқдан хавотирланиб ташқарига чиқишдию, худди чет элнинг жангари фильмларида бўладиган гаройиб ҳодисанинг гувоҳига айланишди.

Бу пайтда Элёр бир қўлида рация орқали гапирганича, бир қўлида эса тўппонча билан машиналарни оралаб тўсиқ олдига етиб қолган эди.

Аммо кўпчиликни ҳайратта солган аёл постдан ўтиб тўхтаб турган “Икарус” русумли автобуснинг олди эшигига яқинлашиб улгурган эди. Элёр автобус юрадиган бўлса, унга илиниб олишга зўр берди. Автобус ёнидан утаркан, ҳайдовчининг ҳужжатларини қайтиб бераётган, аммо каф-

тидаги пулни чўнтагига яширишга шошаётган назорат пости инспекторининг гайритабий ҳаракатларини ҳам иллаган эди. Айни сонияларда эса бунга эътибор қиладиган ҳолат эмасди. У ҳар қанча интилмасин, автобусга чиқа олмади. Узини рулга ташлаган аёл, эшикни ёпишга улгуриб қолди.

Элёр эшикни уриш бефойдалигини сезди ва бирдан анча нарига бориб энди жойидан қўзгалган автобуснинг олдини тўсиб, тўппончани рулни бошқариб келаётган аёлга ўқтади. Қочоқ аёл эса автобусни тўхтатиш ниятида эмас эди: тобора тезлаган баҳайбат машина тўғри йигитнинг устига бостириб кела бошлади.

Тўппончани қўшқўллаб ушлаган Элёр автобусни қўлдан чиқаришни истамади: бирин-кетин отилган ўқ аввал чап, сўнгра ўнг балонни ишдан чиқарди. Олдинга энкайиб қолган автобус беш метрлардан сўнг жойида тақатақ тўхтади. Бундан фиғони чиққан аёл рулни муштлади ва тезликда яширишиш пайига тушди.

XXIX. ГАРОВГА ОЛИНГАН АВТОБУС

Сакина Пула ибн Сайис — ҳозирда Тошкент—Термиз йўналишида ҳаракат қилиш учун назорат инспекторидан шаҳарни тарк этишга эндигина “рухсат” олган автобусни тўла йўловчилари билан гаровга олган, аэропортдан кўзи ожиз сайёҳ сифатида ўтишни ууддалаган аёлнинг паспортдаги исми-фамилияси эди. Узоққа кетолмаслигига кўзи етган Сакина Пула ниҳоят автобусни тўхтатганда тақдирга тан берди, деганлар янглишган эди.

У тўпигидан сал тепароққа қистирилган тўппончани қўлга олиб улгурган ва одамларни орқароққа ўтишга ундаётган эди. Чиқиши билан ўзини ҳайдовчининг ўрнига ташлаган ва шу заҳоти эшикни ёпиб жойида юриб турган автобусга газ берган нотаниш аёлнинг хатти-ҳаракати ҳеч кимда шубҳа уйғотмаган эди. Ҳатто орқадагилар ўқ овозини эшитмагунча

ҳам ўзлари билан ўзлари овора эди: рулни эркак ҳайдовчи эмас, аёл киши бошқаришига умуман аҳамият беришмаган, аксинча, йўлга тушганларидан ўзларича севиниб, ҳамон валақлашда давом этишарди. Хўп, улар-ку, кўришмади, билишмади. Аммо олдинда ўтирганлар-чи? Майли, ёшу қари аёллар минг бир ўйдадир, унда, эркакларнинг хаёли қаерда эди?

Рости бу нарса кўз очиб юмгунча содир бўлдики, бозор-ма-бозор юриб толиққан эркакларнинг кўнглига бирор ёмон фикр келмаган ёки келиб улгурмаган эди. Ҳамма ташқаридан эшитилган ўқ овозини ва бирдан бўшаган балонларнинг пишиллаб ёхуд тарсиллаб отилишидан чиққан шовқиндангина хушёр тортишган, эс-хушларини йигиб олгунларича эса автобус тўхтаб, рулдаги газабкор аёл йўловчиларга қурол ўқталишга улгурган эди. Ташқаридаги шовқин-сурон ва пешаналарига қаратилган тўппончадан барчанинг дами ичига тушиб кетди. Аммо кимнингдир қўрқа-писа бандит деган овози эшитилди, яна бир йўловчи эса ўзининг билагонлигини кўрсатмоқчи бўлдими, “Балки террористдир”, деб қўшиб қўйди.

Ўзбек тилини тушунмаса-да, террор деган сўзнинг нима учун айтилганини англаган Сакина Пула вазиятни тўла қўлига олди, инглизчалаб террорист эканлигини жар солди, кейин тўппончани шарақ-шуруқ этказиб отишга шай қилди, эркакларни орқа томонга ўтишга ва пардаларни ёпишга мажбурлади. Одамлар бир-бирининг устига чиқиб кетаёзди. Ўтирган ёшлар катталарга жой бермоқчи бўлди, аммо ўринларидан турганлари билан алмашишнинг иложи йўқ эди. Гала-говур кўтарилди. Баъзи аёллар орқага ўтиб олган эркакларга ўқрайишиб, уялтира бошлади. Кимдир эрининг тарафини олиб, хотинларга ўшқирди. Эндигина касалхонадан чиқиб, уйига қайтаётган ҳарбий йигит хезланиб қўярдию, бироқ онасининг қўлидан чиқиб кетолмай турарди. Буни назаридан қочирмаган Сакина Пула тўппонча ушлаган қўлини

силкиб, аскарга яқинлаша кўрма дегандай ишора қилди. Одамлар бир оз тинчигандай бўлди.

Автобуснинг олди тўрт-беш қатор бўшагач, Сакина Пула парданинг ортига ўтиб музокара бошланишини кута бошлади.

Бу пайтда назоратчилар барча машиналарни зудлик билан ўтказиб юборишар, тўхтамоқчи бўлганларни ҳам қувиб солаётган эди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари бирин-кетин етиб келишди, вазиятнинг ниҳоятда қалтислиги, улар ишида бундай босқинчилик ҳаракати — одамларни гаровга олиш жинояти содир бўлмагани учун ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида баҳслаша бошладилар. Подполковник Машарипов бу ишга Миллий хавфсизлик хизмати томонидан ким масъул этиб тайинлангани билан қизиқди. Жалил Очиллов ўзини таништирди.

— Ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида ҳам кўрсатма олганмисиз? — сўради вазир ўринбосари осилган қовоғини баттар уюб.

— Биз гумон қилинган шахсларнинг бирини қўлга туширдик, ўртоқ подполковник, — деди Жалил Очиллов босиқлик билан. — Энди раҳбарият келишини ва кейинги кўрсатмани кутяпман.

— Қўлга туширдик дейишга ҳали эрта эмасмикин? — дея автобуста нигоҳ ташлаб қўйди вазир ўринбосари.

— Ҳар қандай шароитда ҳам уни қўлдан чиқармаймиз!

— Унда нимани кутиб турибсиз, ҳар бир дақиқа ғанимат. Боринг олдига, сўранг нима кераклигини. Одамлар саросимага тушмасларидан олдин уларни озод қилишни ўйлашимиз керак. Бу гап юқорига етиб борса нима бўлишини биласизми, ўзи? — бирдан қошлари туташди вазир ўринбосарининг.

— Туркия махсус хизмати берган хабар Президентга етказилган, — анча босиқлик билан жавоб бера бошлади майор Жалил Очиллов. — Интерполдан олинган маълумотлар-

дан ҳам хабарлари бор. Шунинг учун махсус гуруҳ тузилиб, кузатув олиб бораётганимизни билсангиз керак?

— Булмасам-чи! — вазир ўринбосарининг қошлари тепага кўтарилди. — Аммо автобусни бир амаллаб кўздан нари қилиш керак. Биласизми, ипподромда қанча одам борлигини? Бу гап уларнинг қулогига етиб борса бўлди, ҳали-замон юзлаб, минглаб одамлар атрофни ўраб олишади. Текин томоша-да!

— Полковник Бўронов ҳозир етиб келади.

— Унгача бирорта “КамАЗ” топинг-да, автобусни тортиб анави автобазага олиб кириш! Ҳар қанча музокара бўлса, ана ўша ерда давом эттираверасиз.

Вақт ганимат эди. Вазият кўлдан чиққанига асабийлашиб тургани боисми бу гап Жалил Очиловга маъқул келди. Раҳбарият келгунча шу ишни амалга ошириш учун кўрсатма берди: бир ҳисобда гаровдаги автобуснинг база ичида бўлгани яхши. Ҳадемай, чет элик журналистлар келишни бошласа, сўраб ўтирмай суратга олишга тушиб кетишади. Қарабсизки...

— Автобусни ким тўхтатди? — сўради вазир ўринбосари вазиятни бошқараётганидан руҳланиб.

Элёр Одиров ўзини таништирди.

— Шаҳардан четроқда тўхтатсанг ҳам бўларди.

Элёр жавоб қайтаришга улгурмади, автобус ойнасидан аёл кишининг — Сакина Пуланинг бақирган овози эшитилди. Афтидан у автобусни қум ортилган “КамАЗ” машинасига улаётганига изоҳ талаб қила бошлаган эди. Вазир ўринбосари унинг олдига ҳозиргина етиб келган таржимонни юборди. Ранги оқарган таржимон аёлнинг қадами ердан узилиши жуда қийин бўлди.

— Сизни автобустга чиқинг деганим йўқ-ку, — даргазаб бўлди подполковник. — Бориб нима гаплигини билиб келинг, деяпман!

Кўринишидан қирқ ёшлар атрофидаги, оқ кофта, қора юбка кийган аёлнинг тик қадди эгилгандай бўлди, қўрқибгина автобус томонга нигоҳ ташларкан, атиги бир қадамгина юра олди, холос.

— Вазирликда таржимонлик қилиш фақат кабинетда ўтиришдан ёки чиройли тадбирларда иштирок этишдан иборат эмас ўртоқ Зийнатхон Азимхонова, шунга ўхшаш қийин вазиятларда ҳам биз билан бирга бўлишингиз керак. Ўзингизни қўлга олиб, буйруқни бажаринг!

Таржимон аёл подполковникни танимай қолди. У ёқда — ишхонада гаплари жуда ёқимли, қарашлари эса бошқача эди, шекилли. Қизиқ, оғзидан чиққан бир оғиз гапига қараб турардию? Бу дўқ-пўписаси нимаси? Бошқалар олдида ўзини кўрсатиб қўймоқчимиз? Хаёлида ял этган фикр аёлни ориятини қўзғатиб юборди: жеркиб ташламоқчи бўлди, лекин вазият оғирлигини англадимиз ёки ўзига қараб турган шунча одамдан уялдими, газабини ичига ютиб автобус томон юриб кетди. Жалил Очиллов аёлни ортидан юрди.

Элёр шу пайт инглиз тилида бемалол гаплаша оладиган Эльмирани — тайёрлов курсида бирга амалиёт утаган шаддод қизини эслади. Уям бўлимга ишга келганда зўр бўларди, деб ўйлади ичида. Бундай пайтларда довюрраклик қандай юксак фазилат эканлиги дарров билинаркан. Мард йулида гов бўлмас, деб бекорга айтишмас экан-да. Элёр гаровга олинган автобусга тикиларкан, ҳозироқ унинг ичига ёриб кириб, бегуноҳ одамларга қурол ўқталиб турган жиноятчини тилка-пора қилишни ўйлар, аммо бунинг уддасидан чиқиш йўллари билолмай боши қотганди. У мардлик намунасини ўз кўзи билан кўрган ва ҳозир эслаган мақоли нақадар ҳақиқат эканлигини чуқур ҳис этганди.

Сакина Пула қора парданинг ортида туриб таржимон аёлни автобусга чиқаришни, бунинг эвазига бир кишини озод қилишини билдирди. Таржимон аёл ўзининг гапларидан ўзи қўрқиб кетди. Элёр инглиз тилини ўрганмаганига қаттиқ афсусланди: “Аттанг! Тезроқ ўрганмасам бўлмайди!”.

Жалил Очиллов гапи оғзидан тўкилиб кетаётган таржимонни қайтариб юбормоқчи бўлди. Бироқ, Сакина Пула ёнида худди шу аёл бўлишини талаб қила бошлади.

— Биттага учта! — деди Жалил Очиллов шарт қўйиб.

Автобусда одам кўп эди. Жиноятчи тортишиб ўтирмади.

Бир оздан кейин иккита ёш боласини етаклаган йигирма беш-уттиз ёшлар атрофидаги озгингина аёл тушиб келди. Духтирлар уларни дарҳол тез ёрдам машинага чиқаришга ундади, бироқ эри автобусда қолган аёл ҳеч қаяққа боришни истамади. Аскарлар ноилож болали аёлни анча нарига олиб кетишди.

Жалил Очиллов таржимон билан ўзи ҳам чиқишини маълум қилди. Қулидаги тўппончани Элёрга бериб, бошқа қурол йўқлигини айтди.

— Аввал автобусни ичкарига олиб киришмайдимиз? — деди жаҳл билан Ички ишлар вазирининг ўринбосари қўлини силтаб.

— Мен автобус ичига киришим керак, — тушунтирди Жалил Очиллов. — Ахир одамлар камайгани яхши эмасми?

— Автобусда нечта йўловчи бор экан? — сўради вазирликнинг жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи Эрмат Шохназаров майор Жалил Очилловга юзланиб.

Ҳайдовчини топиб келдилар. У белгилангандан олтига одам кўп олганлигини амаллаб тушунтирди. Шу бир оғиз гапни айтгунча ўзиям қора терга ботиб кетди.

— Еб тўймас, — деди бирдан кўзлари олайиб кетган майор Шохназаров бошини эгиб турган семиз ҳайдовчининг кўкрагига ниқтаб.

Ҳайдовчи нимадир деб мингирлади. Аммо унинг тушуниб бўлмас гулдурashiга аҳамият бериб ўтиришмади. Чунки бу пайтда Сакина Пула Элёрни кўрсатиб, уни автобусга чиқишини талаб қилди.

— Нега энди, у? — бирдан сўраб қолди вазир ўринбосари қошларини туташтириб.

Аввалига ўзи ҳам ҳайрон бўлган Майор Жалил Очиллов жиноятчининг газабли нигоҳи ва сўз оҳангидан гап нимада эканлигини англади.

— Аэропортда бу аёлдан биринчи бўлиб шубҳаланган киши шу ходимимиз бўлади. Жиноятчиларнинг ортидан

тушган ҳам у. Энди аламини олмоқчига ўхшайди, — тушунтирди Жалил Очилов ходимига хавотир билан қараб қўяркан.

— Қачондан бери ишлайди? Тажрибаси борми?

— Бир ой бўлди ишга қабул қилинганига.

— Нима? Бир ой?! — кўзлари катталашган вазир ўринбосарининг овози жаранглаб чиқди. — Йўқ, бўлмайди, ўзингиз чиқинг. Шунча одамнинг тақдирини кечагина ишга келган шу мишиқига ишониб бўларканми? Агар қўрқаётган бўлсангиз, ўрнингизга Эрматни жўнатаман!

— Уртоқ подполковник, сираям қўрқаётганим йўқ. Сиздан илтимос, одамнинг нафсониятига тегадиган гап қилманг! Мен Элёр Одировга ишонаман!

— Ҳозир нафсониятни бир чеккага йиғиштириб туринг! — бу гапдан вазир ўринбосарининг баттар жаҳди чиқди. Қўлини пеш қилганича гапини давом эттирди. — Одамларнинг тақдирини уйлаш керак. Тушуняпсиэми, одамларнинг! У ярамас автобусни портлатиб юборадиган бўлса, қанча одам нобуд бўлишини тасаввур қиляпсизми?! Агар вазиятни бошқаришга ожизлик қилаётган бўлсангиз, уни очиқ тан олинг! Сиздан унвони катта офицер сифатида ўзим команда бераман! Тушунарлими?

— Уртоқ подполковник...

— Тушунарлими, дедим сизга!

Жалил Очиловнинг жавоб беришига ҳожат қолмади. Қора “Мерседес” да МХХнинг ўта масъул ходими полковник Бўронов етиб келди. Қўлга олиш гуруҳининг етакчиси Жалил Очилов вазиятни тушунтирди.

— Жиноятчи Элёрни автобусга чиқишини сўраяпти. Унга рухсат беринг, — деди Жалил Очилов гапининг охирида.

— Одировга ишонасанми? — сўради узун бўйли, кенг гавдали Бўронов майорнинг кўзларига жиддий боқиб.

— Ишонаман, ўртоқ полковник! — деб дадил жавоб қилди Жалил Очилов.

— Бирор жойида портловчи модда бор-йўқлигига аҳамият берсин. Агар битта қуролнинг ўзи бўлса, вазият унчалик мураккаб эмас. Шу ернинг ўзида қўлга олишга уриниб кўрамиз. Уни иложи борича очиқроқ жойга олиб чиқишга уринсин, снайперлар тайёр туради.

— Тириклайин қўлга олмаймиэми?

— Шундай имконият борми?

— Усиэ шерикларини тополмаслигимиз мумкин.

— Ундан бирор нарса билишга умид қиялпсанми?

— Сайратардик, ўртоқ полковник.

— Хомтама бўлма.

— Илтимос, снайперларга тайинланг, фақат ярадор қилишга уринишсин. Элёр уни тирик тутишга ҳаракат қиламан, деяпти. У буни уддалайди, ўртоқ полковник.

— Яхши. Қани бошла, унда!

Жалил Очиллов бир нималарни тушунтирганича Элёрни автобус томон етаклади. Шундан кейин полковник Буронов Ички ишлар вазири ўринбосарига юзланди.

— Сиз эса ўртоқ подполковник автобусни ичкарига олишдан кўра, анави кўприкнинг олдидан йўлни ёпиб, ҳаракатни бутунлай тўхтатиш чорасини кўринг! Шаҳарга келаётган транспорт воситаларини эса, бошқа айлана йўлдан ўтишини таъминланг!

Полковник вазиятни ўз назоратига олди.

* * *

— Мен сенга ишонаман, — деди майор Жалил Очиллов автобусга яқинлашганда Элёрнинг елкасига уриб қўярган.

Бироқ йигитнинг ичкарига кириши оддий бўлмади: жиноятчининг қатъий талаби билан ярим ялангоч ечинди ва автобусга ҳам шу ҳолида чиқди.

Автобусга узатилган шим ва қўйлакни Сакина Пула қайтадан текшириб чиқди: бирор нима яшириш мумкин бўлган жойи қолмади. Шундан кейингина Элёрга кийиниб олишга рухсат тегди.

Ёши катталардан яна уч киши — икки аёл ва бир қари чол автобусни тарк этди. Одамлар шовқин сола бошладилар, Элёр уларни тинчитгунча эси кетди. Иссиқдан тери қуйилиб келаётган одамлар йўлга олган муздек сувларини ичиб баттар терлашар, ичкарида қолган жувонлар бизни қачон озод қиласизлар, деб жавварди.

Сакина Пула Элёр билан таржимон аёлни учинчи қаторга ёнма-ён ўтқазди. Шунда ҳам аввал Элёрни, сўнг Зийнатни жойлади. Кейин тўппончани йигитнинг пешанасига тўғрилаб, негадир унинг кўзларига тикилди. Элёр қирра бурунли, бодом кўзли, ингичка қошли, қарашлари жиддий жиноятчидан нигоҳларини олиб қочмади. Уларнинг бундай ҳолати гўё жанг бошланиши олдидан рингда бир-бирларининг кўзларига тик қараб, ҳозироқ ер билан битта қилишга тайёр турган рақибларни эслатар эди.

— Қаерда ва қандай ҳолатда шубҳа туғдирганини сўра-япти, — дея таржима қилди жиноятчининг тапини Зийнат Азимхонова.

Элёрнинг жавобидан қониққан Сакина Пула аэропорт биносидан чиққанидан кейин ўзини бемалол сезиб, баъзи нарсаларга эътибор бермаганини ичидагина тан олди. Кейин Ўзбекистондан чиқиб кетиш учун зарур бўладиган нарсаларнинг номини айтди:

— Битта автомат, учта ўқдони билан, ўқ ўтказмайдиган нимча, рация, икки миллион доллар, аэропортга бориш учун бошқа автобус, учиб кетишим учун эса самолёт! Самолёт ичида парашют бўлиши шарт.

Зийнат Азимхонованинг қўрқуви ҳали босилмаган эди. Суянчиқни қанчалар маҳкам ушлагани, сўзларни титроқ билан ифодалаши Элёрнинг диққатини тортиб, жуда ноқулай аҳволга солаётган эди.

— Илтимос, ўзингизни қўлга олинг, сизга ҳеч қандай эиён етмайди, — тушунтира бошлади йигит. — Агар ундан қўрқаётганимизни сездирсак, бундан бошқа нарсаларни

ҳам талаб қилиши мумкин. Сиз унинг кўзларига боя вазир ўринбосарига қарагандай тикилинг.

Таржимон бу гапни эшитиб, Элёрга ялт этиб қаради.

— Ҳа, ана, худди шундай. Энди менинг гапларимни таржима қилинг: автобусдаги барча одамларни тушуриб фақат мени гаровга олсин. Шундагина айтилган талабингни бошлиққа етказаркан, денг.

— Бу ерда буйруқни мен бераман! — деб тўппончасини Элёрнинг пешанасига тўғрилади Сакина Пула. — Ҳеч ким тушмайди, автобусдан!

— Унда айтилган ҳар бир предметта учтадан одам пастга тушиши керак, — деди таржимон ҳартугул бу сафар сал дадилроқ гапириб.

— Битта! — дея тўппончани бирдан таржимонга қаратди жиноятчи.

— Биз ўзбекларда шарт бир марта қўйилади, — деди Элёр жим туролмай.

— Қайтариб айтаман, ҳозир шарт қўядиган ҳолатда эмасан! — газабланди ўзини панада турганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилган жосус. У назарида сурбетлик қилаётган йигитни жазолашни хаёлига келтирди. Аммо бир нимага аниқлик киритиб олишни уйлагани учун ҳам фикридан қайтди.

— Қурол ва самолётсиз ҳеч қаерга кетиб бўлмайди, — дея совуққонлик билан жавоб қилди Элёр.

— Мен зиммамдаги вазифани бажардим, керакли одамнинг мамлакат ичкарисига кириб олишига ёрдам бердим. Шу билан миссиям тугади. Қайтиб борсам балки ўлдириб юборишлари ҳам мумкин. Шунинг учун бошқа давлатга кетаман ва ўша ерда тинчгина яшайман.

— Орзуга айб йўқ.

— Бошлигингга тайинла, айтганларимни бажаришни бошласин. Бир соат вақти бор. Бўлмаса, ҳар бир ўтган ўн дақиқа учун битта мурдани қабул қилиб олади.

— Ўлиб кетишингни биларкансан, нега бу ишга қўл урдинг? — сўради айтилган муддатни раҳбариятга етказган Элёр қайтиб жойига ўтираркан.

— Улишимни биламан, аммо осонликча жон беришни истамайман. Улар шохида юрса, мен баргида юришга ўрганганман. Қолган умримни Канада ёки Бразилияда ўтказмоқчиман.

— Агар бу ердан кетиш nasib қилса, — деди Элёр жуда бамайлихотирлик билан.

— Нега бундай деяпсан? Мен кетишимга аниқ ишонаман. Сизлар янги давлатсиз, шов-шувдан қўрқасиз, шунинг учун айтганимни бажаришга мажбурсиз. Ёки мана бу одамларнинг қадри йўқми?

— Биэда одамларнинг бегонаси йўқ. Мажбурсиз, деган гапингга келсак, аксинча, сенга таслим бўлишни таклиф қиламан. Ўзинг айтгандай, Австралияга етиб бориб, у ерда тинч ҳаёт кечиришинг учун...

— Мен Австралияга демадим. Канада ёки Бразилияга дедим, — бир оз қизишди Сакина Пула.

Элёр жиноятчини уридан туришга мажбур қилишни ууддалаши керак экан, аммо у жойидан қимирлашни хаёлига ҳам келтирмаётган кўринади. Балки атрофда снайперлар борлигини аллақачон сезиб улгургандир?

— Сен Ўзбекистонда қоласан, барча айбингга иқроор бўлиб, жазо муддатингни ўтаб бўлганингдан кейин ўзим кузатиб қўяман.

— Ҳм, — дея совуқ иржайиб қўйди Сакина Пула. — Балки ўзинг мен билан кетарсан?

— Қаёққа? Афғонистонгами?

— Афғонистонни бошимга ураманми?

— Сен билан келган шеригинг — Жаллоб Жигархун Кобул шаҳридан шекилли?

— Мен уни умуман танймайман. Бизни Берлин аэропортида таништиришди. Туркияда эса эр-хотин сайёҳга айландик.

— Шунинг учун Туркияда сезиб қолишибди-да.

— Улар маълумот олганда биз самолётда эдик. Қаёққа кетганимизни тахмин қилишган бўлса керак. Балки сизларга ҳам хабар беришгандир?

— Бундан ажабланмасанг ҳам бўлади. Ахир сизларни интерпол қидиряпти. Лекин Жигархунни танимайман, деган гапингга ишонмайман.

— Ихтиёринг.

— Балки уни нима мақсадда юртимизга келганини ҳам билмассан?

— Албатта.

— Яна бирор соатда у ҳам сенга ўхшаб қўлга тушади.

— Мен ҳали асиринг эмасман!

— Бузоқнинг югургани самонхонагача!

Бу гапдан кейин жаҳли чиққан Сакина Пула таржимонга Элёрнинг овозини ўчиришини, бўлмаса пешанасидан дарча очиб қўйишини тушунтиришни сўради ва бехосдан олдинга қадам ташлади. Жосус ўрnidан қўзғалмаслигини қадами ерга тушгандагина англаб қолди. Аммо бу пайтда кеч бўлганди: қаердандир учиб келган ўқ аввал автобуснинг олди ойнасини тешиб ўтди, сўнгра жиноятчининг чап елкасини яралаб, ён томондаги ойнани ҳам чил-чил қилди. Сакина Пула елкасини ушлаб ўзини яна олди ўриндиққа ташлади. Бу ҳамладан унинг фигони фалакка кўтарилди. Ачишаётган елкасини унутиб, гоҳ инглизчалаб, гоҳ форсчалаб бақира бошлади. Кейин бирдан тўхтаб, кулишга тушди. У фақат ярадор қилиш учун ўқ узилганини англаган кўринади.

— Сенга ўқ ўтмайдиган нимча кийиб олишни тавсия қиламан. Снайпер кейинги сафар адашмаслиги мумкин, — деди Элёр белидан қандайдир юпқа материал олиб елкасини боғлашга уринган жиноятчига ўзини атай раҳмдил кўрсатишга уриниб.

Сакина Пула таржимонни ёнига имлади, пешанасига тўппонча тираб, ярасини боғлатди. Кейин орқадаги одам-

ларга тикилди. Бундан хавотирга тушган Элёр ўрнидан туриб Сакинага юзланди.

— Нима қилмоқчисан?

— Қонга қон! Улар шуни ишташди.

— Лекин сени ўлдиришмади.

— Ўлдириша олмайди ҳам. Айт, вақт ярим соатга қисқарди. Қурол ва автобусни ҳозирласин! Энди менга таржимоннинг кераги йўқ, — Сакина Пула шундай деб тўппончани Зийнат Азимхонованинг кўксига тўгрилади.

— Йўқ, уни отма! — Элёр олдинга ўтмоқчи бўлди.

— Узингни қурбон қилмоқчимисан? Утир жойингга!

— Мени ота қол!

— Балки ўрнингга анави йўловчилардан бирортасини ўлдирарман. Нима дейсан?

— Мени танладингми, фикрингдан қайтма!

Шу пайт автобус эшиги олдида узун бўйли, юзи ниқобланган аскар пайдо булди. Унинг бир қўлида ўқ ўтказмайдиган нимча, бир қўлида эса ўқдонсиз автомат бор эди.

— Ўқлари қани? — сўради пешанаси тиришган жосус таржимонни эшикка рўпара қилгандан сўнг.

— Олтита йўловчи пастга тушгач, оларкансан.

— Бештасини тушир, битта ўлик билан олтита бўлади.

Ичкарида шовқин бошланиб кетди. Мен, мен деганлар олдинга ўта бошлади. Ўрнидан туриб олган Элёр шошиб қолди. Тўхтанглар деганига ҳеч ким қулоқ солмади. Сакина Пуланинг ҳам кўзалари қинидан чиқиб кетаёзди, одамлар у томон бостириб келаётган эди. У оломонни тўхтатишининг охирги усулини қўлади — тепага ўқ узди. Бироқ, ваҳимага тушган хотин-халаж орқага қайтишни хаёлига ҳам келтирмай, бир-бирини туртиб, босиб олдинга интилаверди. Сал ортда келаётган семиз аёлнинг қилиги ҳамманикидан ўтиб тушди. У олдидаги озгин хотинни шартта суриб ўриндиққа ётқизиб қўйди. Сумкасини қўлтиқлаб ҳалитдан бери олифталик қилаётган аёлни илкис итариб юборганди, “Вой!” дега-

нича ўртадаги торгина йўлакка узаласига йиқилди. Туришга уринган эди, пишқирган семиз бозорчи хотиннинг бўрсиллаган оёқлари остида полга қапишди. У шу туришда йўлида учраган ҳар қандай зотни янчиб ўтадиган даражада эди.

Ҳосус бекорга хавотирга тушмаган эди. У шу тобда қуюндай бостириб келаётган, бирор нарсани англамаётган, фақат ташқарига чиқиш керак деган фикрга ёпишиб олган аёлнинг қурбонига айланишига кўзи етдими, тўппончани бирдан унинг у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган куксига туғрилади. Яқин атрофда эмас, шундоқ қаршисида ажал борлигини унутган, аммо энди уни юрагига чанг солиб улгурганини сезган аёл “иҳ!” деб орқага шундай йиқилдики, ундан кейин келаётган икки-учта хотинлар ҳам улкан гавданинг тагида қолиб кетди.

Кўзалари қинидан чиқиб кетгудек бўлган аёл қаттиқ бир тўлғандию жон таслим қилди.

Шундагина халойиқ бирдан жимиб қолди. Ҳозиргина бўлаётган тартибсизликдан, қий-чувдан асар ҳам қолмади. Элёр бошини чангаллади. Узини қотилнинг устига отмоқчи бўлди, бироқ ўйлаган режасини шундай бажаришни истардики, ўзи ҳам, жиноятчи ҳам тирик қолиши керак эди.

Мурдани бир амаллаб пастга туширишди. Элёр ҳам бошқа аёллар ҳам сув бўлиб оқиб кетди, кийимларни сиқса челақ тўладиган ҳолга келган эди.

Сакина Пула ўзи айтганидай бешта аёлни ва бир ўликни автобусдан туширди. Бу тасодифми ёки айтганини қилишини кўрсатиб қўймоқчи бўлган жиноятчининг дастлабки қотиллигими?

Ташқарида аҳвол бундан ҳам ташвишли эди. Уқ овозидан саросимага тушган МХХ ва ИИБ масъул раҳбарлари шошиб қолдилар.

— Одамлар орқада экан, автобуснинг олдини штурм қилиш керак! — деди биринчи қурбонни кўриб тепа сочлари тикка бўлган вазир ўринбосари.



— У жимгина қараб туради, деб ўйлаяпсизми? Автобусдаги оддий жинойтчи эмас, ахир. Одамларни ота бошласачи? — деди бунга жавобан полковник Бўронов. У қанчалар босиқлик билан гапиришга ҳаракат қилмасин, барибир гап оҳангларида алам, зарда, бўғилиш сезилиб турарди. Айниқса, ҳозиргина жинойтчининг қурбонига айланган аёлнинг бақрайган кўзларини юмаркан, нигоҳларида ачиниш ҳисси, сўнгра нафрат туйғуси намоён бўлди.

— Шундоқ ҳам одамларни отишни бошлади. Ҳадемай, иккинчи мурдани олдингизга ташлайди. У ёқда нима деб жавоб беришни ўйлаяпсизми, ўзи?

— Масъулият менинг зиммамда.

— Мен нима қилиб турибман унда, бу ерда? Ёки мендан ҳеч нимани сўрашмайдими? Ёрдам берсанг ўласанми, деган саволга нима деб жавоб бераман!

— Ўзингизни қўлга олинг!

Полковник Бўронов шундай дедию, аммо унинг ҳам сабри тугаб борарди. Шунда Жалил Очиловни нари олди-да, нимани кутаётганини сўради.

— Элёр сигнал бериши керак.

— Балки танг ҳолатда қолгандир? — деди полковник Бўронов пешанасини тириштириб.

— Снайпер мўлжални сал енгил олган кўринади. Ҳозир ўзим бораман.

Жалил Очилов шундай деб, автобус томон юрди. Олди ойна томонга ўтиб автобус ичига кўз ташлади. Элёр қўлини кўтариб, вазиятни тушунтирган бўлди.

— Нимани кутяпсан? — бақирди майор Очилов.

— Уқ ўтказмайдиган камзулни узатсин, — деди Элёр эшик олдида тураркан. У семиз аёлнинг жасадини автобусдан бир амаллаб туширгандан кейин жойига ўтмай, эшик олдида қолганди.

Майор Очилов аскарга ишора қилди. Элёр камзулни Сакина Пўлага узатди.

— Шошма, уни кўкрагингга тут-чи, — жосус шундай деб тўппончани йигитга тўғрилади.

Элёр нима гаплигини тушунди. Ишқилиб, ҳақиқий-симиди дегандай бошлигига нигоҳ ташлаб қўйди.

Сакина Пула ўйлаб утирмай йигит кийган желетга — Элёрнинг нақ юрагини нишонга олиб ўқ узди.

* * *

Ўқ камзулни тешиб ўтмади, аммо унинг зарбидан Элёр ортига қулаб, эшикка қапишиб қолди: агар тирсакларини автобус эшигига тираб қолмаганда пастга йиқилиши аниқ эди. Элёр пайтдан фойдаланиб ўзини ҳушидан кетган ҳолатга солмоқчи ҳам бўлди. Шунда жиноятчи устига келиб энгашмоқчи бўлганда... Йўқ, у рақибининг ўлик-тириклигини текшириб ўтирадиган аҳволда эмас. Буни англаган Элёр фикридан қайтди, аввалдан ўйлаб турган режаси маъқулга ўхшади.

У сарф бўлган ўқларни яна бир бор ҳисоблаб чиқди: иккитаси йўлда — Меъморовга қарши ишлатилди, битта ўқ ҳавога, яна бири семиз аёлнинг жонини олди, кейингиси синов учун кетди. Демак, агар ўқдонни алмаштирмаган бўлса, ҳозир тўппончада учта ўқ қолган бўлиши керак. Учта ўқ. Бу ялтироқ ажал ўқлари яна кимнинг юрагига санчилади? Яна ким жонидан айрилиб, бу ёруғ дунёни тарк этади? Яна ким онаси ёки маҳбубаси ёхуд азият боласидан жудо бўлиб, бир умр қайғуга ботиб яшайди?

“Бўлди, вақт етиб келди!” Элёр ичида шундай деб ортига қаради, аскардан автоматни олиш баҳонасида тайёр туришини таъкидлади. Кейин камзулни бериш ўрнига магазинсиз автоматни биринчи қаторга ўрнашиб олган жиноятчига узатди.

— Пастга қўй. Қани, ўқдонни ҳам беришсин!

Элёр ортга ўтирилиб аскардан учта ўқдонни оларкан “ичи бўшми?” деб сўради. Тасдиқ ишорасини кўргач, бир қўлига

автоматни олишга улгурган Сакина Пўланинг қаршисидаги ўриндиққа ўқдонларни ташлади.

— Энди камзулни ҳам қўй-да, жойингга утир! — буюрди ўриндиқдан туриб олган қотил. — Аввал эшикни ёп!

Элёр эгнидан камзулни ечаркан, йўлакка кўтарилди. Вазият қалтислашди. У камзул билан жосуста ташланганида, очиқ эшик ёнида турган аскар ичкарига чиқиб улгуришини мўлжаллаган эди. Аммо ўйлагани чиппакка чиқди. Энди тўппончадаги ўқни ўзига қабул қилишдан бошқа чораси қолмади.

— Қуларингни баланд кўтар, мен кўриб турай! — бақирди жиноятчи.

Элёр камзулнинг четини маҳкам ушлади, чап томонидаги биринчи ўриндиққа қўймоқчи бўлиб, жосус аёлга орқасини бир оз ўтирди. Аммо шундай тез ҳаракат билан қаддини ростлаб, камзулни бошига ташлади ва ўзини жиноятчига отди.

Тепкини босишга тайёр турса-да, йигитнинг бу ҳаракатини кутмаган Сакина Пўла аслида доғда қолмади: икки ўқни Элёрнинг бошига “жойлади”. Бири автобус томини тешиб ўтди. Отилган ўқлар камзулнинг ичида қолганлигини англаган Сакина Пўла баттар шошиб қолди. Икки ўртада кескин олишув бошланди. Аёлнинг оёқларидан маҳкам қучган Элёр уни пастга ағдаришга ҳаракат қилди. Йигитнинг устидаги камзулни олиб ташлашга улгурган аёл, энди унинг бошига тўппончанинг кети билан қарсиллатиб ура бошлади, тиззаларини ишга солиб тепишга уринди. Бироқ занжирдай маҳкам билакларни бўшата олмади, бунга хуноби чиқиб йигитнинг бошига бор кучи билан ура кетди. Унинг охириги умиди мана шу зарбаларга жамланган эди.

Буни кўрган одамлар олдинга интилишди: кимдир бир нималар деб бақираётган жосуснинг сачига, кимдир қўлига ёпишди. Қайсидир эркак автобуснинг эшикларини очди. Аскар йигит билан Жалил Очилов ўзларини ичкарига уришди. Аммо уларга иш қолмаган эди.

Жалил Очилов одамларни орқа эшикдан тушишга ундади. Хавф-хатардан қутулганини билган йўловчилар хурсанд бўлганликларидан бир зумда автобусни тарк этишди. Хатар орта қолганди.

— Булди, сиз ҳам тушаверинг, раҳмат, келинойи, — деди Жалил Очилов ўриндиққа чиқиб олганича ҳамон жосуснинг сарғиш калта сочларини чангалида ушлаб турган ўрта ёшдаги, қорамағиз аёлнинг қўлларини бўшатишга ҳаракат қилиб.

— Улдириб қўя қолайми, бу жувонмаргни! — ҳамон қўллари қалтираб турган аёлнинг газабнок кўзларидан нафрат сўнмаган эди. — Ким ўзи бу чиллашир? Қардан келиб қолди?

— Улдиришнинг ҳожати йўқ. У бизга тириклайин керак! — деди майор Жалил Очилов қассобнинг қўлига тушган кўйдек типирчилашга уринаётган жиноятчининг қўлидан қуролини оларкан.

Бошқа хавф йўқлигини сезган йўловчи аёл ниҳоят бармоқларини ёзди, аммо пастга тушишдан олдин кўзлари жовдираётган босқинчининг башарасига туфлаб юборди.

— Ҳе, огзингдан қонинг келсин, сени!

Бироқ Элёрни айириб олиш қийин бўлди, у бошидаги жароҳатларни, улардан оқаётган қонни унутган кўйи утириб қолса-да, ҳамон типирчилашини қўймаётган жосусга бор кучи билан чирмашиб турарди. Бу ҳолатга автобусга чиқиб келган икки ташкилотнинг раҳбарлари ҳам гувоҳ бўлишди.

— Қўллари кишанланди, булди қўйиб юбор энди, — деди Жалил Очилов Элёрнинг елкасидан ушлаб. — Элёр, гапимни эшитдингми?

Шундан кейингина Элёр қаддини кўтарди. Унинг юзи ва бўйнидан қон оқаётгани кўзга ташланарди.

— Духтирни чақиринг! — деб юборди беихтиёр полковник Буронов.

Юзлари ниқобланган аскарлар қўлга олинган жосусни махсус машинага олишди. Элёрга автобуснинг ўзидаёқ би-

ринчи ёрдам кўрсатилди. У боши боғланган ҳолда автобусдан тушиб келганда оёқлари қийшайиб кетди. Духтирлар бошдаги жароҳатнинг дастлабки нохуш белгилари намоён бўла бошлаганини сезиб ҳаракатга тушиб қолишди: дарров носилкага ётқизишди. Бу орада душманни қўлга туширган йигитга миннатдорчилик билдириш учун ҳеч қасққа кетмай турган йўловчилар гув этиб Элёрни ураб олишди.

— Отангга раҳмат! — деди кимдир баланд овозда.

— Молодес, мард йигит экансан, — деди жиноятчининг бир тутам сочини юлган хотин ҳаммага эшиттириб.

— Илоё, тезроқ тузалиб кетгин! — деди яна кимдир ачинганидан кўзларига ёш олиб.

— Ота-онанг роҳатингни кўрсин, — дея дуо қилди кўпчилик омон қолганидан севинчини ичларига сигдиrolмай.

Кейин Элёрни “Тез ёрдам” машинасига чиқаришди. Одамлар анчагача машина ортидан қараб қолишди.

XXX. КАСАЛХОНАДА

Касалхонага келувчиларнинг кети узилмасди. Ишхонасидаги ҳамкасблари ҳазил-мутойиба қилиб, кўнглини кўтаришди. Биринчи ойдан ажалга чап бердинг, демак, ҳали кўп ишлаймиз, дейишди улар. Бошлиқ унга алоҳида ташаккур билдирди. Кетиш олдидан қуриқчи қолдирсаммикин, деди бошини қашиб.

Элёр бу гапга мийиғида кулиб қўйди. Кейин жиддий тортиб:

— Уйдагиларга нима десам экан, — деди. — Мени бу ҳолда кўриб кўрқиб кетмасмикин?

— Хотинингми? Шуниям уйлаб утирибсанми? Бугун навбатчиликда қолишингни хабар қилиб қўяман. Эртагача эса анча яхши бўлиб қоласан.

— Узим айта қолай.

— Келишдик.

Элёр ҳамкасблари чиқиб кетгач, бошлиқдан қочоқлар ҳақида сўради.

— Сен бунни ўйлама, — деди Жалил Очилов йигитнинг оппоқ дока билан ўраб ташланган, бироқ айрим жойларида қон изи кўриниб турган бошига қараб кўяркан. — Тузалиб олганингдан кейин бирга қидирамиз.

— Демак, изини йўқотибди-да.

— Шунақага ўхшаб турибди.

— Анави аёл ҳам жимми?

— Чурқ этмаяпти, ярамас!

— Наҳот тутолмасак?

— Агар яширин йўллар билан юртимизни тарк этмаган бўлса, барибир қўлга оламиз. Ҳозир бутун куч қидирувга қаратилган.

— Менимча, улар бирор мақсадни кўзлаб келишган. Демак, дарров чиқиб кетмаса керак, — деди Элёр жосус аёлнинг автобусдаги гапларини эслаб.

— Ўзи сен билан жиноятчи ўртасида автобусда бўлиб ўтган суҳбат ҳақида гаплашмоқчи эдим, аммо аҳволингни кўриб...

— Мен яхшиман.

— Толиқиб қолмайсанми? Ҳа, яхши. Аёлдан бирор нарсани аниқлай олдингми? — сўради Жалил Очилов стулни каравотга яқинроқ суриб ўтираркан.

— У миссиям тугади, деб айтди. Асосий иши шеригининг мамлакатимизга кириб олишига ёрдам бериш экан. Агар алдамаётган бўлса, божхона ва назорат пунктларидан ўтишда асосий эътиборни ўзига тортиш бўлган.

— Гапига ишониш қийин. Жосуслар шунчаки ҳамроҳ олиб юришмайди. Уларнинг тили бир. Ҳа, айтгандай, қуроли такси ҳайдовчисидан олдимикин? Демак, қидирувдагилар ҳам қуроланган.

— Рўй берган кўнгилсиз воқеани чет элларда кўрсатишгандир? — Элёр бошлигининг кўзларига тикилди.

— Йуқ.

Шундан кейин бошлиқ хайрлашиб чиқиб кетди. Бир оздан кейин нотаниш киши — кўринишидан хужалик ишлари бўйича масъул ходим хонага телефон аппарати олиб кирди ва уни қандайдир симларга улаб ишлатиб кўрди.

Элёр Муҳаббатга қўнғироқ қилиш учун дарҳол гушакни кўтарди.

XXXI. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ЙИГИН

Вазирлар Маҳкамаси. Бош вазирнинг хонаси. Соат кечки саккиз. Тўртбурчак стол атрофида Мудофаа, Ички ва Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда МХХнинг масъул ходимлари тўпланишган. Ҳамманинг олдида Туркия махсус хизмати ва интерполдан олинган халқаро террорист Абу Жаллоб Жигархуннинг сурати. Энди унга яқинда олинган янги расм — Сакина Пўла ибн Саййснинг тергов бўлимида туширилган сурати ҳам қўшилган эди.

Бугун кундуз соат бирларда содир этилган босқинчилик ҳаракати ҳақида майор Очиловнинг ҳисоботи тингланди. Аэропорт биноси ичига қўшимча ўрнатилган кузатув камераларидан ёзиб олинган тасма намойиш этилди. Паспорт ва божхона назоратидан бир аёлни етаклаб бемалол ўтиб кетган “сайёҳ”ларнинг кўриниши қайта-қайта нигоҳдан ўтказилди.

— Чемпионнинг аҳволи қалай? — сўради Бош вазир Дилшод Аҳмадбеков атрофдагиларнинг кайфияти йўқлигини пайқаб.

Майор Очилов ҳозиргина шифохонадан келганини, Элёр Одиловнинг аҳволи хавфли эмаслигини айтди.

— Бизга мана шундай кўрқув билмайдиган, жасоратли йигитлар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ керак! Бизни кўролмаётган ғаламислар турли йўллар, турли усуллар билан орамизга кириб, ёвуз ниятларини ошириш учун юртимизга келишаверади, энди. Бугунги воқеа гапимга исбот.

Бош вазир гапидан бир зумга тўхтаб, вазирларга нигоҳ ташлади. Ҳамма унинг сўзларини диққат билан тинглаётганига ишонч ҳосил қилди, аммо бу орада ниманидир пайқаб қолди ва фикрини кескинроқ давом эттирди.

— Ҳа, айтгандай, аэропорт бошлиғи нега таклиф қилинмаган? Божхона бошлиғи-чи? Ахир уларнинг ходимлари-ку операция вақтида ҳеч нимани пайқамаган! Чақириш керак эди, мана бу ерга. Кадрлари жуда бўш. Бирортасининг бу соҳада тажрибаси йўқ! Демак, ўқитиш керак, ўргатиш лозим! Агар шуниям хоҳламаса, ўрнига ишлайдиганларини олиш зарур!

Бош вазир яна бир оз сукут қилди. Бироқ бу сафар атрофдагиларга эмас, олдидаги қогозга кўз ташлаб гапини давом эттирди.

— Хўш, жосусларнинг бирини қўлга олганимиз яхши, аммо энг асосийсини қочириб юборганимиз чатоқ бўлибди. Уни тутиш бўйича кимда қандай режа бор? Қани, ким бошлайди? Ҳа, айтгандай, Очиловга саволлар йўқми? Ўтиринг.

Ички ишлар вазири Набижон Тўхтасинов сўзлашга руҳсат сўради.

— Марҳамат!

— Биз ҳаракатни бошлаб юборганимиз, — дея гапини давом эттирди вазир. — Барча нилоятлардаги ички ишлар бошқармаларига Жигархуннинг сурати юборилган. Шаҳарлардаги меҳмонхоналарга махсус одамлар қўйилди. Йўллардаги барча постларда назорат кучайтирилди.

— Кечирасиз, мана бу суратни тарқатдингизми?

— Ҳа, — деди сўзи бўлинган вазир кўзойнагини қўлига оларкан.

— Бу сурат шу бугун юртимизга кириб келишга улгурган айгоқчининг экрандаги кўринишига ўхшайдими?

Ички ишлар вазири бир экрандаги чўққи соқолли кишига, бир қўлидаги суратга тикилди. Қолганлар ҳам худди шундай қилишди. Бу икки суратнинг фарқи шундоқ билиниб турарди.

— Менимча, ухшамайди. Тўғрими?

Йигилганлар бош қимирлатиб қўйишди.

— Демак, экрандаги ҳолат бўйича янги расмини ишлаб қайта жўнатишингизга тўғри келади.

— Шундай қиламиз!

— Балки жиноятчи бу кўринишини ҳам ўзгартириб улгурган бўлиши мумкин, — деди полковник Бўронов ўрнидан туриб.

— Изоҳ ўринли. Аммо террористни қайсидир суратига қараб қидириш керак-ку, — деди Набижон Тўхтасинов вазиятдан чиқиш учун. — Нафақат бизда, балки интерполнинг ўзида ҳам мана шу эски суратдан бошқа ҳеч нима йўқ! Улар Жигархуннинг янги кўринишини жўнатишимизни сўрашган.

— Тасмадан кўчирма олиб жўнатиш керак.

— Хўп, — деди Набижон Тўхтасинов Бош вазирдан кўз узмаган ҳолда.

— Лекин бизда Жигархуннинг расмини янада аниқроқ ишлаш имкони бор, — суҳбатни давом эттирди полковник Бўронов. — “Шарпа” лақабини олган жосусни ходимларимиздан фақат Элёр Одиловгина яқиндан кўрган. У жиноятчининг юзини эслаб қолган бўлса, аниқ суратини чизиб бера олади.

— Нима, у рассомми? — сўради Ички ишлар вазири бир оз киноя билан.

— Ҳа, бир кўрган одамани эслаб қоладиган, кейинроқ эса суратини чизиб бера оладиган қобилияти бор экан, — янги ходимга тушунтириш берди полковник.

— Унда сиздан Жигархуннинг янги суратини кутамиз.

— Ҳа, бу ердагилар билса-да, маълумот учун эслатиб қўйишим керак: Абу Жаллоб Жигархун юртимизга Индонезия паспорти билан Малик Шамсир бўлиб кириб келган. Биз қидираётган жиноятчи ҳозирги дамда ўз қиёфасини ўзгартиришга улгурган, яна бир сохта паспорт билан ҳаракат қилаётган бўлиши ҳам мумкин. Буни эътибордан четда қолдирмайсиз, деган умиддаман.

— Тўғри! — полковникнинг гапини маъқуллади Бош вазир таъкид билан. — Жиноятчининг турли кўринишларда пайдо бўлишини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак. Энг аҳамият берадиган томонимиз, у портловчи механизмлар тайёрлаш бўйича устамон экан. Шунинг учун ҳамма жойда назоратни кучайтириш керак. Бу гап кўпроқ Ички ишлар вазирга тегишли. Тушунарлими?

— Тушунарли, албатта.

— Ўтиринглар. Хўш, Ташқи ишлар вазири, бу ҳақда сиз нима дейсиз?

— Биз кўмак беришга тайёرمىз!

— Мудофаа вазири, сиз-чи?

— Ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёرمىз! Бундан ташқари, давлатимиз чегара ҳудудларида назорат кучайтирилган.

— Кучайтирилгани яхши, аммо қандай режа бор?

Орага сукут чўкди.

— Бу йиғилишимиз тўсатдан чақирилгани боис, бирор-тангизда аниқ режа йўқ! — ўртадаги сукунатни Бош вазирнинг ўзи бузди. Унинг таҳликали овозидан атрофдагилар ҳушёр тортди. — Вазиятдан эса Президентни хабардор қилишим керак. Қани, айтинглар, мен нима дейман?

Ўтирганлар бир-бирига қарашди.

Ўртага яна жимлик чўкди.

— Бор гапни очиқ айтиш керак! — деди яна ўрnidан тураркан полковник Бўронов.

— Тўғри, — дейишди йиғилганлар унинг гапини маъқуллаб.

XXXII. МУҲАББАТНИНГ ТАШВИШИ

Бир оз ўзини яхши ҳис қила бошлаган Элёр уйга кетишга рухсат сўради. Бироқ рад жавобини олди. Шунда Муҳаббатга шифохонада эканлигини айтишдан бошқа чора-

си қолмади. Бир маҳал кеч бўлишига қарамай, йиғламоқдан бери бўлиб палатага Муҳаббат кириб келди. У эридан шунчаки ётибман, соппа соғман, хавотирли жойи йўқ, деган илиқ гапларни эшитса-да, юрагига гулгула тушиб, шошиб келаверганди: энига ташлаган оқ халат остидан на ўзини, на ўғилчасини тузук-қуруқ кийинтирмагани билиниб турарди. Бу аёл шу туришида ҳам мафтункор эди. Ундаги жозоба, латофат барибир юзида мавж уриб турарди. У оқ халатда янаям фусункор кўринарди.

Боши боғланган Элёр ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмай, жилмайди, хотинини кулиб қаршилади. Аммо бу ҳаракатлар Муҳаббатнинг назарида сунъийдек кўринди.

— Вой, Элёр ака, сизга нима қилди? Нега бошингизни боғлаб ташлашибди? Бирортаси билан муштлашдингизми?

— Қани бер-чи, менинг полвон ўғлимни, — деди меҳри тобланган Элёр каравотга суянгач, қучоғини очиб. У хотинининг сўзларига атай эътибор қилмади.

— Аввал мен билан кўришмайсизми? — деди Муҳаббат гапларига қулоқ солмаган эридан аразлагандай.

— Аввал полвон бола билан сўрашиб оламиз, йиғлоқилар билан эса кейин кўришамиз, — бошдаги оғриқни унутган Элёр лабларини чўччайтириб ўғлининг лўпчи юзларидан ўпа бошлади.

— Гапирсангиз-чи, нима қилди, Элёр ака?

Эрини кўриб бир оз тинчланса-да, Муҳаббатнинг кўнглидаги хавотир қуюқ туман каби барибир тарқамаган эди. У ўғилчасини суйиб бағрига босган турмуш ўртоғига тикиларкан, унинг нигоҳларида соғинч ва айни пайтда безовталиқни ҳам пайқаганди.

“Гапиришдан ўзини олиб қочяпти, — хаёлидан утказди Муҳаббат. — Нимадир бўлгану айтолмаяпти, менинг сиқилишимни истамаяпти, сезиб турибман. Болани атай ўйнатиб турибди, аммо кўзларидаги қайғуни, саросимани яширолмаяпти. Уддасидан чиққанидай, ҳозир алдашим мумкин. Қани эштай-чи, нима деркин?”

— Элёр ака, сизга гапиряпман? — эрини туртди Муҳаббат.

— Шу ер яқинроқ экан кира қолдим, — деди Элёр кулимсирашни билиб олган зурриётининг қилиқларидан завқланаркан. — Уйга кетсам ҳам бўларди, аммо... дўхтирлар жавоб беришмади. Эртага чиқарканман.

— Бошингизга нима қилди?

— Қайсидир домнинг тагидан кетаётгандим... тепадан бировнинг гултуваги тушиб... бошимни ёришга сал қолди. Яхшики, гул томони тушди, бўлмаса...

— Бегона домларнинг тагида камроқ юриш керак-да.

— Меҳмонга кетаётган бўлганимда алам қилмасди...

— Бўлди, ўзингизни оқламай қўя қолинг. Қанақадир курсда ўқияпман деб, фақат якшанба кўринардингиз. Энди битирди, ишга жойлашди десам...

— Ойингиз жуда рашкчи бўлиб кетяптими, ўғлим, — деди Элёр бу аразга жавобан ўғилчасига юзланиб.

— Улибманми, рашк қилиб. Фақат Жалололдин ичикиб қолмасин, дейман-да.

— Ҳа, шуни айтгин.

— Шошиб бирор нарса... ололмадим ҳам, — деди Муҳаббат тумбочка устидаги, дераза рафидаги ҳар хил мева-чева, сок ва елим пакетдаги нон, сомса, яна бир нималарга зимдан қараб қўяркан. У шу тобда кенг палатадаги битта беморга келган шунча нарсаларни кўриб ҳам ҳайрон бўлар, ҳам ўзининг қуруқ келганидан уялиб турарди.

— Ташвишланма, ҳамма нарса етарли.

— Бунча нарсаларни ким олиб келди, Элёр ака? — Муҳаббат хаёлига келган фикрдан барибир воз кеча олмади.

— Чемпионлигимни биласан-ку. Мухлисларим қаердан эшитди, кечадан бери келишяпти. Телевизорда кўрсатишмаган, радиода гапирмаган бўлса, ким айта қолдийкин, уларга, ҳайронман.

— Ҳм, кечаси шу ерда навбатчилик қилибсизда-а?

— Сени хижолатга қўйгим келмади, — деди сири ошкор бўлган Элёр ўзини оқлаган бўлиб.

— Мухлисларингиз орасида қизлар ҳам борми?

— Ҳаммаси аёллар.

— Мен сиздан жиддий сўраяпман!

— Бир пас турсанг, яна беш-олтитаси келади. Баҳонада таништириб қўяман. Тўғрими, ўғлим?

— Элёр ака, — деди Муҳаббат чўзиб.

Хотини аччиқландими ёки эркаландими, Элёр билолмай қолди. Ўғилчасини эркалаб ўйнатаркан, жажжи қўлларини бокс тушгандай машқ қилдира бошлади. Муҳаббат, бола-нинг қўлини чиқариб қўясиз, деб уришиб берди. Аммо болага бу ҳаракатлари ёққандай жилмаярди.

— Уйга телефон қилишаётгани ҳам етар.

— Ийе, ҳали уйгаям телефон қилишяптими? Оббо, ишлар чатоқ-ку, Жалолиддин. Нега дадам уйланганлар, деб айтмаяпсиз? Айтиш керак, бўлмасам, онажонийиз рашкдан адоёи тамом бўлиши мумкин.

— Бекорларни айтибсиз. Лекин сиз хурсанд бўлмай қўя қолинг, мен хотинлари бўламан, нима гапингиз бўлса, менга айтаверинг деб, жа боплаб жавоб қилиб турибман.

— Тўппа-тўғри! Уларнинг адабини бериш керак.

— Эртага жавоб беришаркан-да, Элёр ака?

— Ҳа. Ўзинг яхшимисан, ишқилиб?

— Раҳмат.

— Полвоннинг иштаҳаси қалай?

— Худди ўзингиз, — деди Муҳаббат ўғилчасини қўлига олиб, бурнини юзларига аста ишқаркан. — Қаранг, ким айтади буни етти ойлик чақалоқ деб.

— Майли, қўявер, тўйиб овқатлангани яхши. Илиги бақувват бўлади.

— Нима, ўзингизга ухшаб боксёр қилмоқчимисиз?

— Пенсияга чиққанимда кимгадир мураббийлик қилишим керак-ку.

— Қош-қовоғи ёрилсинми, йўқ керакмас, — деди Муҳаббат.

— Бош-кўзи демоқчи эдинг-а? — дея дока билан ўраб ташланган бошига ишора қилди Элёр. — Бўпти, кечга қолмай кетақолинглар.

— Жавоб беришса, яна ишга ўтиб кетмай, тўғри уйга боринг!

— Хўп бўлади, ўртоқ командир!

Муҳаббат эри билан хайрлашиб энди эшикдан чиққанди, йўлакда палата рақамига қараб туришган икки эркакка кўзи тушиб, дарров уларга салом берди.

— Ий-е, кичкина Элёр-ку, — деди Мақсуд Муҳаббат билан саломлашгач. — Дадасини кўргани келибди-да.

— У-у, катта йигит бўлиб қолибди-ку, — дея кичкин-тойнинг юзларидан ўпиб қўйди Содиқ Меъморов жилмай-ганича. Кейин жиддий тортиб деди: — Дарров чақириб ол-дими сизни? Хавотир олманг, эртагача отдай бўлиб кетади.

Муҳаббатнинг юзига табассум югурди. Кейин эрининг ҳамкасблари билан илиқ хайрлашди.

Элёрни кўргани келганлар ичкарига киришди. Аммо ҳол-аҳвол сўрашнинг ўрнига чақалоқдан сўз очиб, ҳазил-мутойибага тушиб кетишди.

XXXIII. УЛФАТЛАР ГҲЙБАТИ

Алишер аканинг негадир кайфияти бузилиб, шогирд-ларига жавоб бериб юборди. Узи ҳам кийиниб энди кетишга тараддуд кўраётган эди, залда таниш гўнғир-гўнғир овоз эшитилди. Таъби баттар тирриқ бўлди. Шу етмай турувди дегандай, йўлакка туфлади. Пойинтар-сойинтар гаплар аса-бига тегиб, жаҳли чиқса, яна бирортасининг дилини хуфтон қилиб қўйишдан чўчиди.

Эски танишлар қўл ташлашиб саломлашди. Алишер ака кетаётгандим, дейишга юзи чидамади, ноилож ичкари-га таклиф қилди. Аммо кетидан ҳар эҳтимолга қарши “Ё,

чойхонага бора қоламизми-а?" деб қўшиб қўйди. Аслида ҳеч қаерга боргиси йўқ эди. Уйига бориб мириқиб ухлашни ўйлаб турганди. Айтишга осонми, неча кундан бери уйқуси келмайди. Шу бугун бўлиб ўтган кўнгилсизликларни унутиб, дам олишга қасд қилганди. Худо хоҳласа, демаган эканми, режаси чиппакка чиқиб утирибди.

— Чойхонада бемалол гаплашиб бўлармиди? — деди Қопқон мураббийнинг хонаси томон қадам ташларкан.

— Тўғри, олдин сенинг ёнингда бир мириқиб гаплашиб олайлик, оғайни. Бир пиёла аччиққина қора чой дамласанг бўлди, қолгани ўзимизда бор, — дея Завмаг Қўлқопнинг елкасига уриб қўйди.

— Ҳаммаси мана бу ерда, — деди Профессор қўлидаги портфелига имо қилиб.

Худди ўтган сафаргидай ҳамма ўз жойини эгаллади. Бир пайтлар китоб, дафтар ва шунга ухшаш нарсалар таший-вериб, анча уриниб қолган портфелдан аввал тўрт букланган газета, сўнг ярим кило помидор, тахминан шунча бодринг, битта буханка нон, озроқ колбаса, қоғозга ўроглиқ майда туз, сафарда олиб юриладиган пичоқ ва энг охирида бир шиша ароқ чиқди.

— Кичкина кўрингани билан ичига бир дунё нарса кетаркан-у, — дея суҳбатни бошлади Қопқон ястаниб ўтирганча газета устига қўйилган нарсаларга бир-бир кўз югуртириб.

— Ҳақиқатан ичи кенг экан. Битта ошлик бемалол сигаркан, — гапни давом эттирди Завмаг. — Бу портфель кўтарган китоблар билан Эгамназар алақачон ҳақиқий профессор бўлиб кетиши керак эди.

— Э, у кунларни эслатма, — деди оддий ўқитувчиликдан нарига утолмаган Эгамназар Ўтбосаров пичоқни очиб, буханкани ўртасидан бўларкан. — Таниш-билишсиз, олим бўламан деб умримни утказиб юборибман-а. Эссиз, у ёқдан-бу ёққа ташиган китоблардан бу портфелниям, мениям елкам эзилди.

— Сен-ку ҳеч нимага ярамай қолгандирсан, аммо порт-фелинг ҳалиям ишга ярапти, — дея ўзининг гапидан ўзи иршайди Қопқон. Кейин ҳамон жим ўтирган Қўлқопга қараб пичинг қилди. — Намунча қовогингдан қор ёгмаса? Бу йил эплотмаса, кейинги йили бир амаллар. Барибир сен чемпион бўлмаганингдан кейин ачиниб нима қиласан?

— Кетказмасанг бўларкан-а? — деди Қўлқопнинг индамаганини курган Завмаг орадаги жимликни бузиб.

— Ун беш суткага тиқиб қўйганига орқаси шилтамикин, депман-да, — дея ниҳоят ёрилди Алишер ака.

— Ҳа, айтгандай, у йигит милисага ишга ўтиб кетганми, дейман? — ароқни очаётган Завмаг яна Қўлқопга юзланди.

— МВДнинг клубидан қатнашганига айтяпсанми?

— Э, йўқ. Нима, ҳали эшитмадингми?

— Нимани? — ҳайрон бўлди Қўлқоп худди муҳим бир янгиликни эшитмоқчи бўлган одамдай олдинга энгашиб. Алишер ака ҳам, нима экан дегандай, Завмагнинг оғзига тикилди.

— Ипподром постидаги воқеани-да?

— Йўқ! — деди бу сафар мураббий бурнини жийириб.

— Э, сенам юрибсан-да, шу чемпион бўлмаган мишиқилар билан умрингни ўтказиб. Биласан, келинимга ипподром бозоридан жой қилиб берганман. Ундан мол олиб турадиган термизлик мижози ўз кўзи билан кўрибди, ўша сендан кетган йигит... Ҳа, уша Элёр чет эллик бир жиноятчи хотинни автобусда қўлга туширганмиш.

— Э-э, бўлмаган гапни қўйсанг-чи!

— Ростанми? — қулоқларига ишонмади Қопқон ҳам.

— Нимага ишонмайсанлар? Кеча ўша мижози яна бозорга келиб, келинимга гапириб берибди. Автобусдаги эркаклар уни таниб қолишибди. Ахир кўпчилиги чемпионатни кўргандир-да.

— Эшитмадим.

— Ҳеч бўлмаса, шунақа воқеаларни телевизорда кўрса-тишса бўлади-ку! — деди Профессор нарсаларни истеъмолга деярли тайёрлаб бўларкан.

— Энг даҳшатлиси, автобусда қотиллик бўлибди.

— Қотиллик дейсанми? Қанақа қотиллик? Ким ўлибди? — ҳаяжонланиб сўради Қулқоп. Назарида гуё Элёрга бир нима бўлгану эшитмай қолган. Шу тобдаги унинг ҳолати, мабодо Завмагнинг оғзидан чемпион йигит ҳақида бирор нохуш гап чиқса, “Ажаб бўлсин! Кимки мураббийни норози қилса ана шунақа бўлади!” дейишга тайёр турган одамни эслатарди.

— Ким ўларди, ўша автобусни гаровга олган жиноятчи хотин бесўроқ тушмоқчи бўлган бир савдогар аёлни шартта отиб ташлабди.

— Ростанми, Завмаг? — бу гапга қизиқиб қолди Қопқон. — Буни қара-я, шунча гапдан менам беҳабар қолибман-а.

— Эшитганингда нима, муносабат билдирармидинг! — ҳафсаласи пир бўлгандай тутди ўзини Алишер ака, ёнига қўйилган стаканга афтини буриштириб қараркан. Бироқ ундан бутунлай юз ўтиролмади. Аламини нимадандир олгиси келди.

Ҳа, у аттанг қилаётган эди. Шундай оғзидаги ошни олдириб ўтирибди-я. Чемпионат утгунча индамай турса бўларди-ку. Биров унга нега бу йигитни клубингга аъзо қилдинг, деб ёқасидан олгани йўқ эди. Агар яна озгина сабр қилганда унинг номи ҳам бутун республикага таниларди. Клубининг обрўси ошарди, ўзига эса албатта бирор медалми ёки унвонми беришган бўларди. Ана энди — ҳеч нарса йўқ.

Стаканда жилоланаётган ароққа тикилганича шуларни кўнглидан ўтказган Қулқоп бирдан уни шарт ичиб юборди.

Ҳамма аввал Қулқопга, сўнг бир-бирига қарашиб қош учуриб қўйишди.

— Тинчликми, э йўқ, бе йўқ, отвордилар? — сўради Қопқон нима бизнинг ҳурматимиз йўқми, дегандай жаҳл аралаш. — Шошмай турсанг, кейинги йили бошқа бир чемпион чиқаришинг учун ичардик!

— Булди, кесатаверма! Бир стакан ичган бўлсам, ҳозир яримтани стол устига чиқариб қўяман!

— Ростданми? Мана бу зўр гап бўлди! Қани бизам олдик бўлмаса, душманлар келиб бизниям бир ёқлик қилиб кетмасидан олдин, яна қўшилсак, тезроқ қушила қолайлик! — сўзини тугатган Қопқон ҳам бир кўтаришда стаканни бўшатди.

— Тушунмадим, нимага қўшилмоқчисан? — сўради Завмаг қарсиллатиб бодринг чайнарган.

— Чет элликлар бемалол келиб одамларни ўлдираётган бўлса, Ўзбекистонда аҳвол яхшимас. Бу кетишда яна иттифоққа қайтмасак бўлмайди. Урислар борида тинч эдик, ҳеч нимани уйламасдик. Мана, нима бўлди? Битта чегарани эплашолмаяпти!

— Сенинг кечаги гап-сўзлардан хабаринг йўққа ўхшайди, — дея гап бошлаб қолди иккинчи стаканни қўлига олган Профессор.

— Яна қанақа янгилик?

— Президент бир қанча ёзувчи-шоирлар билан суҳбат ўтказиб, бизнинг шиоримиз битта — ортга қайтиш йўқ, дебди. Ўзбекистон келажаги буюк давлат экан.

— Нима? Битта жиноятчини чегарада тугалмаган давлат-а? Болтиқбўйи мамлакатлари қайта бирлашишни таклиф қилаётганмиш. Агар бу нарса амалга ошса бўлди, бизникилар ҳам дарров қўлини кўтаришади. Қанийди, тезроқ шундай бўлса.

— Ёзувчилардан бирор тузукроқ фикр чиқибдими? — сўради Завмаг диққатини жамлаб.

— Ҳаммаси майда-чуйда гаплар. Аммо биттасининг фикри сал маъқул. Ёшларни чет элга юбориш керак, депти. Бу гапга қўшилса бўлади, — дея Профессор худди аудиториядаги талабаларга дарс ўтаётгандай тушунтира бошлади. — Ёшлар хорижга чиқишса...

— Кетганлар қайтиб келармиди? — деди қўлини силтаган Қопқон афтини буриштириб.

— Ўзбек оиласини ташлаб қаергаям борарди. Барибир қайтиб келади, — фикрини давом эттирди Профессор гапи-

ни бўлган Қопқонга аста нигоҳ ташлаб қўяркан. — Келганда чўнтагида пул, калласида эса янги-янги билим бўлади.

— Бўлинганни бўри ер, деган мақол ҳам бор, ўртоқ Профессор, — яна луқма ташлади Қопқон.

— Биз бўлинмадик, мустақил бўлдик.

— Нима фарқи бор.

— Содда қилиб тушунтираман. Аввал қозонимиз алоҳида эди. Улар келиб биздан қозонимизни тортиб олди. Уз масаллигимизга тайёрланган овқатни ўзларининг катта қозонига ағдаришди-да, қўлимиздаги чинни косанинг ўрнига кичкига пиёла тутқазишди. Чўмич уларнинг қўлига ўтгач, эркимиз ҳам қолмади. Бутун маҳсулотни энди уларга етказиб бера бошладик. Бироқ орадан йиллар ўтиб ҳақимизни таниб, қозон-чўмичимизни яна қайтариб олдик. Бор оддий ҳақиқат шу, ҳурматли Қопқонбек!

— Сени билмадим, Профессор жаноблари, аммо мен шундайям роҳат-фароғатда яшадим.

— Шу билан бирга йигадиганингни йигиб олдинг, — деди Завмаг юрагидагини ортиқ яширолмай. — Шаҳардаги ресторан борми, ошхона ёки магазин борми, ҳаммасини қопқонга туширдинг. Тўплаганинг бола-чақангга бемалол етади. Ҳатто менданам олиб турардинг-а, уялмай.

— Менга бўлмаса, бошқасига берардинг икки ҳисса қилиб, — ўйлаб утирмай жавоб қилди Қопқон. — Ушандаям айтардим: “служба служба, а дружба дружба!” деб. Лекин нолима, сенам ёмон яшамардинг.

— Орттирганим ипподромдаги кичиккина дўкон, холос.

— Кумилгани қолмаганми? — Қопқоннинг айёрона нигоҳлари узоқ йиллар катта гастрономда мудирлик қилган улфатига — Завмагга тикилди.

— Ҳаммасини қўшқўллаб топширганман.

— Курдингми, менга берган озгина чой-чақага ҳам норози бўлгансан, — деб бир оз гердайиб қўйди Қопқон стулга суяниб олгач.

— Чой-чақамиш! — гудранди Завмаг Қўлқоп чиқарган шишани қўлга оларкан. Кейин очиб бўлгач, негадир ўзига биринчи бўлиб қўйди, сўнг бошқаларникини тўлдирди. Стаканны қўлга оларкан, ичидагини яшириб ўтирмади. — Уғил дўконга хужжатсиз молларни тиқиб ташлабди экан. Кимдир соттанми... хуллас, йиллаб йиққанини...

— Отасининг ўгли-да.

— Бўлди, кесатаверма, Қопқон, — деди Завмаг бу сафар тишларини гижирлатиб. — Ҳаммамиз ҳам фаришта эмасмиз. Кези келганда бир тишлашнинг ўрнига қучоғимизга сиққанича уйимизга ташиганмиз.

— Туяни ют, аммо думини кўрсатма!

— Ҳа, Қўлқоп воқеанинг давомини сўрамадингу, — деди Қопқоннинг гапини эшитмаганга олган Завмаг ҳамон аламзадалиги тарқалмаган мураббийга юзланиб. — Қайси бўларди, ипподромдаги-да. Уша собиқ шогирдинг ҳам отишмада жабр кўрибди. Эшитишимча, бошидан ўқ еган бўлиши керак. Сразу касалхонага олиб кетишибди-ку.

— Ростданми? — бирдан хушёр тортган мураббийнинг кўзлари катталашди. — Қайси касалхонада экан?

— Билмадим.

— Мелисага ишга кирган бўлса, Қорақамишдаги госпиталда бўлади-да, — дея билагонлик қилди Қопқон янги шишадан қуйилган ароқни қўлига оларкан.

— Мелисадан чиққан одамдан сўрамайсанми? — деди Профессор ятоқланиб.

Қопқон “э, булар нимаям биларди”, дегандай қўл силтади ва стакандагини симирди.

— Нима, бориб кўрмоқчимисан? — сўради Завмаг газак учун оғзига помидор соларкан.

— Борса нима бупти, — деди Профессор бу сафар мураббийнинг тарафини олиб. — балки клубга қайтишга кўндирар. Обру учун баъзида эгилиш ҳам керак экан. Бўлмаса, менга ўхшаб...

— Миясидан ўқ еган бўлса, бошига урадимиз? — эйтироз билдирди Қопқон қўлларини пеш қилиб. — Ундан кўра Рустамни яхшилаб тайёрла. Финалга етиб келдимиз, у ёғига ҳам утади.

— Мен у боланинг ўйинини кўрдим, — деди Завмаг суҳбатга қўшилиб. — Кибр бор экан унда. Кейин... хафа бўлмагину оғайни, сенга ўхшаб нимадандир аламзадага ўхшайди.

— Қўйишни бас қилайми, ё тугатиб қўямизми? — гапни бошқа ёққа бурди Профессор.

— Ўзи яримта бўлса, унинг ярмини қаерга кўтариб бормоқчисан? — деди Қопқон ёнидаги стаканни Профессор томонга суриб.

— Бунақада чойхонага боролмай қоламиз-ку? — деди Профессор бошини ўйнатиб.

— Кучага чиқиб иккита-иккита шашлик олиб келарсан, — деди Завмаг иссиқ жойини совиттиси келмай. У ичиб олгандан кейин юришни ёқтирмасди.

— Етар шунча ноз-неъматлар...

— Бунча қалтирамасанг, қўрқма, мен пул бераман, — деди Қопқон ёнидан бир даста пул чиқариб. — Ма, сен олиб келсанг бўлди.

— Ҳозирми?

— Бўлмаса, қачон?

— Бўпти, кўпчилик нима деса, шу. Дўстлар учун хизмат қилиш биз учун шараф.

Профессор шундай деб, санамай берилган пулни қўлига олди. Чамасидан кўпроққа ўхшади. Қошини учуриб қўяркан, хаёлидан “Бориб келса, арзийди” деган гап ўтди. Кейин: — Ҳозир, бир зумда еш қиламиз-да, — деб шошиб чиқиб кетди.

XXXIV. ЯНА ХИЗМАТТА

Духтирлар бешинчи кун деганда Элёрга рухсат беришди. Аммо яна икки-уч кун ишга чиқмай туришни қаттиқ

тайинлашди. Унга ҳозирча бирдан пастга энгашиш, ортиқча жисмоний эўриқиш ва сиқилиш мумкин эмас деб, тавсия қилинган дори-дармонлар ёзилган рецепт қоғозини қўлига тутқазди. Бу кўрсатмаларнинг ҳаммасига амал қилиш мумкинлигини уйлаган йигит атиги бир кунгина уйда ёта олди, холос.

Элёрни ишхонада кўрган бошлиқ нега бундай қилганини билса-да, ортига қайтариб юбормоқчи бўлди. Бироқ қайсар йигитни кўндира олмади.

— Бош билан ҳазиллашиб бўлмайди, Элёр. Бутунлай тузалиб кетмагунингча топшириқ беролмайман.

— Хўп, бир пас ўтириб кетаман.

Бошлиқдан розилик олиб хонасига кирди. Мақсуд уни кўриб хурсанд бўлиб кетди.

— Қаҳрамонга алангали саломлар!

— Биэга керакли жосусни тута олмадик-ку, қанақасига қаҳрамон бўлай, — деди хомуш тортган Элёр иш жойига ўтирар экан.

— Барибир шериги қўлга тушди-ку.

— Бошлиқдан сўрай оладим, Сакинадан бирор гап чиқдим, хабаринг борми?

— Натижа йўқмиш.

— Демак, жим. Нимани кутяптийкин?

— Ҳайронман.

— Уни нима қилишмоқчилигини биларсан?

— Ҳали муҳокама қилинмади.

— Қидирувдагилар топилдими?

— Йўқ. Изини топишолмаяпти, — деди Мақсуд компьютерга тикилган кўзларини ишқаб. — Худди ер ютгандай гойиб бўлган, ярамаслар.

— Таксини текширдингларми?

— Машина ўша воқеадан бир соатларча олдин угирланган экан. Эгасининг ўлиги эртаси куни Бўрижардан топилди.

— Тушунарли, — дея ўйга толди Элёр. Демак, у касалхонада ётганлиги учун бу ҳақда индашмаган. Ҳойнаҳой, бошлиқнинг кўрсатмаси шундай бўлган. Урнидан турди.

— Кетяпсизми, Элёр ака? — сўради Мақсуд.

— Ҳозир келаман.

— Хуш, ишхона жойида эканми? — деди Жалил Очилов киришга рухсат сўраган Элёрни кўриб.

— Жигархунни топа олмасак, нима бўлади, ўртоқ майор? — Элёр расмий муурожаат қилди.

— Сен қанақа боласан ўзи? Бир-икки кун соғлигингни ўйлаб сабр қила оласанми, йўқми? — пуписа билан жавоб берди Жалил Очилов.

— Биргина савол холос.

— МВДнинг бутун таркиби жалб қилинган. Топамиз!

— Мабодо...

— Мабодо топилмаса, интерполга ўхшаб қидиришни давом эттирамиз.

— Сакина Пуланинг тақдири-чи?

— Буни биз ҳал қилмаймиз.

— У билан гаплашиб кўришимга рухсат беринг.

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўради бошлиқ сигарет тутатаркан. Кейин ўрнидан туриб дераза олдига борди.

— Мени нима учун аввалроқ ўлдирмаганини билмоқчиман.

— Бунинг нима аҳамияти бор энди?

— Назаримда уларни бу ерда кутишган. Демак, аниқ бир мақсад билан келишган.

— Кутишгани менга ҳам маълум. Бироқ, мақсадлари... Сакинадан бирор гап чиқишига кўзим етмаяпти. Ҳатто уни ўзим ҳам сўроқ қилиб кўрдим, фойдаси бўлмади.

— Қийноққа ҳам чидаяптими?

— Улимга рози экан.

— Ҳеч нарса талаб ҳам қилмаяптими?

— Тузоққа тушганича ва ниҳоят амин бўлди шекилли.

— Илтимос, ўртоқ майор, Сакина Пула билан суҳбат ўтказишга рухсат беринг. Автобусда у мендан қаерда хатога йўл қўйганлигини, яъни ўзини сездириб қўйганини сўради. Аэропорт ташқарисида эканлигини айтганимда у тўғри деди. Энди унга ҳам саволларим бор. Балки бир ҳаракат қилиб кўрарман.

— Фақат бутун эмас, эртага. Куринишинг менга ёқмаяпти. Охиригача даволанмай қочиб қолганга ўхшайсан.

Элёр рухсат олганига миннатдорчилик билдириб хонасига қайтди. Мақсуд билан гаплашиб кунни кеч бўлганини сезмай ҳам қолди.

* * *

Сўроқ қилинадиган махсус хона. Элёр атрофни кўздан кечириб чиқди. Салдан кейин эшик очилиб, асирани олиб киришди. Ундан сўнг эшик олдида ёшроқ йигит куринди. Ичкарига қадам қўйишга ҳаяжон босиб турган бу йигитнинг таржимон эканлигини Элёр дарров пайқади.

— Жони қаттиқ йигит экансан? — деди Элёрни кўрган Сакина Пула таржимон орқали. — Мен сени мияси айниб агентликка ярамай қолгандир, деб ўйлагандим.

— Миям айниб қоладиган даражада урганинг йўқ-ку, — деди Элёр ўзининг соппа соғ эканлигини намоён қиларкан. — Агар шу оддий зарбаларга чидай олмасам, йигит бўлиб нима қилиб юрибман.

Сакина Пула мийигида кулиб қўйди. Аслида жон-жаҳди билан урилган зарбалар анча қаттиқ бўлганлигини у билиб турарди. Уша пайтдаги бирдан-бир истаги йигитни ҳолдан тойдириш, ҳушидан айириш ва тезроқ қўлидан чиқиб, вазиятни яна ўзига бўйсундириш эди. Кўзига ҳеч нарса кўринмай қолганди. Бироқ ҳар қанча уринмасин, бор кучини ишга солмасин, бу абжир йигитни ўзидан нари қилолмади. Ундан қутулганида борми...

— Хуш, нима истайсан мендан? — деди Сакина Пула совуқ нигоҳ билан. Афтидан унинг сўроқ беришга тоби йўқ эди.

— Юртимизга биринчи марта келишингми? — сўради Элёр асиранинг рўпарўсидан жой оларкан, нотаниш таржимон йигитга кўз ташлаб.

Ўзини бир оз қўлга олишга улгурган йигит сўроқ қилувчининг қарашини тушуниб, ишга киришди.

— Шуни билиш учун чақиртирдингми, бу ерга?

— Йўқ. Биз Абу Жаллобнинг изига тушганимизни, ҳозир у Наманган шаҳрида эканлигини айтгани кирдим. Яқин кунларда сизларни юзлаштирсак керак.

Сакина Пуланинг тиржайишини Элёр икки хил маънода тушунди: биринчи тахмини бўйича гапига ишонмади, кимни лақиллатяпсан дегандай бўлди; иккинчи фаразига кўра кўнглида қандайдир гумон, шубҳа ёки ҳадикка ўхшаш бир нарса лип этиб ўтди. Негаки йигитнинг кўпчилик рассомларга хос ўткир нигоҳи жосуснинг пастки қабоги сезиларсезилмас учганини пайқаган эди. Бу нарса Наманган шаҳри тилга олинганда кўзга ташланиб қолди.

— Сизлар бизни атай чалғитиш учун Самарқанд томонга борадиган йўлга тушдинглар. Аслида режаларинг у ёққа бориш эмас, Фарғона водийсига етиб олиш эди.

— Янглишдинг йигитча, бизга Наманганда нима бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Термизни жуда қадимий шаҳарлар деб эшитгандик. У жойларни кўргимиз келди.

— Наманган эса ўтган йили ўз ватанини тарк этиб ўзга юртлардан паноҳ излаган Ғолиб Қўлдош ва Бозор Намангонийларнинг шаҳри.

— Ким улар? Тарихий шахсларми ёки миллий қаҳрамонларми? — сўради Сакина безбетлик билан. У бу исмларни эшитиб юз ифодасини ўзгартирмаса-да, негадир оёқларини чалиштириб олди.

Элёр буни ҳам назардан қочирмади.

— Кимга қандай. Масалан, мен учун ўз юртига, халқига қўл кўтарган қонхўр. Кимларнингдир гапига ишониб, ўзича давлат тузумини ўзгартиришга уринган олчоқ кимсалар.

— Олчоқлар ҳокимият учун интилмайдилар.
— Бу дунёда бировларнинг қўлида қўғирчоққа айланган кишилар йўқми?

— Булса бордир?

— Мана масалан, сен худди шундай қўғирчоқларнинг типик вакилисан! Ёки буни рад этасанми?

— Менга пул керак эди, келдим. Агар қўлга тушмаганимда ҳозир айтган шаҳарларни кўриб, у ерда суратга тушиб, яна қайтиб кетган бўлардим.

— Ёлгон!

— Менинг миссиямга одам ўлдириш, портлатиш ёки террор билан шугулланиш кирмасди. Бироқ вазият кескин ўзгариб, қутилмаган ҳолат юзага келди ва улар мени ташлаб кетишди. Жон сақлаш учун автобусдагиларни гаровга олишга мажбур бўлдим.

— Қутулиб кетишга ишонгандингми?

— Юз фоиз!

— Нега, энди юз фоиз?

— Нега бўларди, бутун ривожланган мамлакатларда шундай. Давлат гаровга олинган, ҳаёти хавф остида қолган ўз фуқароларининг жонини сақлаб қолиш учун босқинчиларнинг талабларини бажаришга мажбур бўлади.

— Бизда ҳали тажриба йўқ, шунинг учун таппа босиб қўя қолдик.

— Хурсанд бўлишга ҳали эрта, жаноб агент. Мен билан келган шахс қўлга тушмаган. Мени эса... асирга олдинг нимаю олмадинг нима. Бунинг заррача аҳамияти йўқ. Агар қувламаганингда қотиллик қилишга мажбур бўлмасдим. Хуш, мени қўлга тушириб, лавозиминг ошдими ёки ҳукуматдан каттароқ мукофот олдингми?

— Мен бурчимни бажардим. Менинг ўрнимда бошқа ватандошим бўлганида ҳам тап тортмай шундай қилган бўларди. Лекин сенга ачинаётман, балки каттагина пулга ишлагандирсан, аммо улар сенга насиб қилмаслиги мумкин. Шунини ҳеч тушунолмаётман.

— Ҳали бунга ҳеч ким кафолат бера олмайди. Аммо итдай қийналиб яшаганим рост. Пула сўзининг маъносини биласанми, ўзи? Билмасанг лугатлардан топиб, билиб ол.

— Жигархун таниш сўз, эзилган, қийналган деган маъноларни англатади. Аммо Пулани ростдан ҳам билмас эканман.

— Бошқа саволинг бўлмаса, мен чарчадим, — деди асира ўрнидан турмоқчи бўлиб.

— Ҳа, бояги гапга қайтадиган бўлсак, шу Жигархун билан учрашганда қандай аҳволга тушганингни кўрмоқчиман, — деди Элёр ҳали сўроқ тугамаганини билдириб.

— Биз учрашмаймиз.

— Нега?

— У қўлга тушмайди, — жавоб тез ва қисқа бўлди.

— Дейлик, сенга ўхшаб вазиятдан чиқиб кетолмади.

— Унда ҳар доим охирги имконият бор.

— Фараз қил, сен айтган сўнги чорадан — ўзини портлатиб юбориш имкониятидан фойдалана олмади.

— Натижаси маълум-ку.

— Ўлимми?

— Яна нима?

— Ўзбекистонда қўлга олинбди, деган хабар ичингни тирнамайдими?

— Пешанага ёзилганидан қочиб қутулолмайсан, — деди пинагини бузмаган жиноятчи аёл.

— Тўғри. Бироқ сенларни деб икки бегуноҳ одам бевақт ўлиб кетди.

— Автобусда бир аёл ўлди, шекилли, ёки ёнингдаги такси ҳайдовчисининг ҳам жони узилдими?

— Йўқ, у тирик. Аммо сенлар ўтирган таксининг эгаси ўлдирилган.

— Шулар ҳам қурбонми?

— Нима, кўпроқ одам ўлиши керакмиди? — Элёрнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Жигархун омон бўлсин.

— Тошкентни матомсаройга айлантирмоқчими?
— Нима, Тошкентни?! — Сакина Пула шундай деб афтини буриштирди ва боғланган қўллари билан столни ура бошлади.

Соқчилар киришди.

— Биз яна суҳбатни давом эттирамиз.

— Фойдаси йўқ, — деди жиноятчи аёл хонани тарк этаркан.

— Келгуси сафар Жигархун ҳам ёнингда бўлади.

Сакина Пула эшик олдида тухтади. Элёр тикилди. Кейин:

— Ростданми? — деди қошларини тепага тортиб.

Бироқ гапига жавоб ҳам кутиб ўтирмай, индамай чиқиб кетди. Таржимон жиноятчининг гапини Элёрга етказди.

Элёр Сакинанинг нигоҳи ва охирги сўзидан бир нималарни уқишга ҳаракат қилди. Биринчи бор сўроқ ўтказаетган йигит бу қарашнинг маъносини дарров англаб ололмади. Турли фараз ва тахминлар хаёл уммонида гирдоб ҳосил қилиб, юқорига ўрмалай бошлади. Элёрнинг бу тизгинсиз мулоҳазаларнинг қай бирига изн беришини билмай боши қотди. Аммо хайрлашув сўзини писанд қилмай гапирганини пайқади.

XXXV. СУҲБАТ

Полковник Бўронов тасмага туширилган савол-жавобни кўриб, бу йигитда нимадир бор деб қўйди. Майор Очилов ҳозирги мураккаб шароитда шундай йигитларни сафимизга тезроқ қушишимиз керак, дея олдинги сўроқ натижаларини ҳам кўрсатди. Асирга тушган Сакина Пула аввалги барча саволларга жавоб бериш ўрнига мен адвокат талаб қиламан, деб битта гапни такрорлаган эди. Хуноби ошган терговчилар хорижлик жиноятчини нима қилишни билмай қолди: дўқ қилиб кўришди, бўлмади, енгил усуллар билан қийноққа солди, барибир фойда чиқмади. Майор Очиловнинг Элёрга рухсат берганининг боиси ҳам аслида шундан эди: унга натижа керак; бирор кўрсатмасиз, унинг ҳамроҳини топиш қийин.

— Лекин бир нарсага ҳайронман, нега бу жосус аёл Одилов билан гаплашди. Сабабини ҳеч ўйлаб кўрдингми? — деди полковник бирдан майорга юзланиб.

— Элёр ундан қандай шубҳаланиб қолганига ақли етмаяпти. Автобуста чақириб олганда ҳам шуни сўрабди. Ҳа, у шунча давлатлардан бемалол ўтиб кечагина мустақил бўлган мамлакатда қўлга тушиб ўтиргани учун ўзини кечиролмаётган бўлса керак, — дея ишонч билан жавоб берди майор.

Жалил Очиллов бу тахминга кеча — ўзи ўтказган сўроқдан кейин амин бўлган эди. Негаки, Сакина Пула хонадан чиқиб кетишдан аввал эшик олдида Элёрни буралаб сўккан, қувиб келаётганида йўлда шарт тўхтаб отиб ташламаганига афсусланган эди. “Агар сенларни тинчитганимизда бемалол кутулиб кетган бўлардик ва бизни ҳеч ким, ҳеч қачон топа олмасди”, деди тап тортмай.

— Демак, шунинг учун суҳбатнинг бошида Элёрни кўриб, ҳалиям тирикмисан, деб сўраган экан-да, — деди полковник Буронов мийигида кулиб.

— Алами ичида.

— Балки ростдан ҳам Самарқандга боришмоқчидир? — деб сўраб қолди полковник тасмани қайтадан кўраркан.

— Элёр атай Наманган деб чалғитган дейсизми?

— Сен бу аёлнинг ҳар гапининг маъини чақ. У шунчаки гапирмаяпти. Элёр кўнглидагини билиш учун ҳар турли саволлар берапти, кўряпсанми? Энди аёлнинг гапларига аҳамият қил. Бу жавобларнинг ичида нимадир бор. Нимагадир ишора бўлиши керак. Гап фақат уни топа олишимизда. Қайта-қайта кўриб яхшилаб таҳлил қилсак, излаган нарсамизни топишимиз мумкин.

— Менимча, у профессионалга ўхшаяпти, ўртоқ полковник. Осонликча таслим бўлмаса керак, — дея бу гапга гумон билдирди Жалил Очиллов.

— Профессионал бўлса, қўлга тушиб ўтирибди-ку? — деди полковник Буронов экрандан кўз узмай. — Сен Американинг жангари фильмларидаги дунёни қутқариб қолувчи

ижобий қаҳрамонларга ёки ҳар қандай вазиятдан баъзида ҳийла, баъзида ваҳшиёна қотиллик қилиб қутулиб қоладиган ёвуз кучларга қараб баҳо берма. Киноларда улар тенгсиз, аммо реал ҳаётдаги жиноятчиларнинг биз билган ва билмаган ожиз томонлари ҳам бўлади. Қара, аэропортдан чиқишда сездириб қўйибди-ку. Бунга нима дейсан?

— Ҳа, тугри. Ташқарига чиқиб олдик деб бир оз хотир-жамликка берилган. Элёрни эса оддий юк ташувчи йигит деб уйлаган, — деди Жалил Очиллов мулоҳаза билдириб.

— Ана, кўрдингми, жиноятчининг ожиз томонини! — дея экранга нигоҳ ташлаганича гапира бошлади полковник. — Ҳар қандай учига чиққаниям қачондир билиб-билмай хатога йўл қўяди. Бизнинг вазифамиз ана шу хатони ўз вақтида пайқаш ва унга қарши чора кўриш. Элёрнинг синчковлигига қойил қолган бўлса, демак, яна бир марта синаб кўриш учун ўйин қилаётган бўлиши мумкин. Биз буни назардан қочирмаслигимиз керак.

— Қандайдир эксперт гуруҳи ташкил қилиб, фикрларини ўрганиб кўрайми? — сўради Жалил Очиллов полковникка юзланиб.

— Кучли психолог, нафақага чиққан жиноят қидирув ходимлари, одамнинг гап-сўзини эшитиб нима демоқчи эканлигини англашга қодир инсонларнинг фикрларини ҳам эшитиб кўриш фойдадан холи эмас. Жигархунни қидирув ўз йўлига, уни бутун дунёда излашяпти. Аммо бизда имконият бор. Сакинани ҳар куни — гапирса-гапирмаса сўроқ қилавериш керак. Барибир нимадир дейди. Мана, кўрдингми, Элёр билан бир яхши гаплашган.

— Яна чақирсинми?

— Шошма. Дастлабки сўроқ ҳақида ўзи нима деди?

— Ҳозир бориб фикрини эшитаман.

— Ишга чиқдимми?

— Уйда ўтиролмаяпти. Бир-икки кун дам олгин десам, кўнмаяпти.

— Ташаккурномага рапорт тайёрладингми?

— Ишга қайтгандан кейин ёзсаммикин...

— Сен раҳбариятга топшириб қўявермайсанми? — майорнинг гапини бўлди полковник Бўронов. — Узини кўрсатиб ишлаётганларга хасислик қилма!

— Биринчи ойдан...

— Биринчи, иккинчиси борми? Топширилган вазифани жасорат кўрсатиб бажардим, дарҳол муносабат билдир! Торлик қилма! Ундан кура топ, яна шунақа йигитлардан!

— Синовдан ўтказяпман.

— Билиб қўй: худди мана шунақа йигитлар ватан учун жонини беришга тайёр! Мустақилликни сақлаб қолишнинг ўзи бўлмайди. Мана бунга ўхшаган жосуслар, — полковник шу чоғда экранда пайдо бўлган Сакина Пуланинг башарасига қараб қўлини бигиз қилиб кўрсатди, — газандалар бекордан-бекорга келишяпти, деб ўйлайсанми? Мақсадлари битта бу ярамас олчоқларни — оёғимиздан чалиб йиқитиш! Қара, диёримизга тап тортмай келишяптими, демак, орамизда сотқинлар, давлат сиёсатига қарши одамлар бор. Уларнинг раҳнаmolари чет элга чиқиб кетди, энди қўлларидан ҳеч нарса келмайди деб ҳушёрликни йўқотсак, бехосдан бошимизга катта ташвиш келтиришлари аниқ. Президент хавфсизлик ишларини бизга ишониб топширган, буни асло ёдингдан чиқарма. Сен билан мени ухлаш тугул, мудроқ босишга ҳаққимиз йўқ. Тушундингми?

— Тушундим.

— Элёрнинг соғлиги яхши бўлса, эртага чақир, у билан шахсан гаплашиб кўрмоқчиман.

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник!

— МВДда нима гаплар?

— Қидиришяпти.

— Отни қамчила!

— Тушундим, ўртоқ полковник!

— Бўпти, сенга рухсат. Мен яна бир марта кўрмоқчиман.

Жалил Очиллов дик этиб ўрnidан турди-да, кўриш хонасини тарк эди. Полковникнинг жиддий нигоҳлари экранга қадалди.

XXXVI. КАЛАВАНИНГ УЧИ

Элёрнинг кўзига уйку келмади. Булиб ўтган суҳбатни ўзича таҳлил қиларкан, мана бу ерда бундай деб сўрасам бўларкан, бу жойда эса саволни бошқачароқ беришим керакмиди, деб ўйга толди. Кейин нимага ишониб келгуси сафар ёнимда Жигархун бўлади, деб катта кетганига ўзи ҳам ҳайрон бўла бошлади. Қаердан топади? Наманганданми? Шундоқ ҳам бутун республикада уни қидиришяпти-ку? Балки аллақачон қушни давлатларнинг бирига утиб кетган бўлиши мумкин. Балки ўтмагандир? Унда, қаерга яширинди экан?

“Жанубий вокзал яқинида тушиб қолган бўлса, юриб кетаётган бирор поездга чиқиб олишдимикин? Ёки олдиндан тайёрлаб қўйилган хонадонга кириб беркиниб ётибдимикин-а? — Элёр хаёлга бериларкан, бўлиб ўтган воқеани бир чеккадан — шошмасдан ўйлаб кўришга аҳд қилди. — Демак, “Сайёҳ”ни кимдир кутиб олди. Қизиқ, бу номаълум киши ким экан? Тўхта, ахир унинг башарасини эслаб қолдим-ку. Суратини чизиб кўрсам-чи?”

Элёр расм чизишни эсдан чиқариб юбордим, деб ўйлаганди. Йўқ, қўли чиқиб кетмаган экан. Таксининг эшигини очиб, “Самарқанд — Бухоро” деб баланд овозда гапирган ҳайдовчининг башарасини кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди. Бошига оғриқ кирса-да, анчадан бери ўйланавериб, толиққан бўлса-да, уринаверди. Охири удалади шекилли, қўлидаги суратга анча тикилиб қолди. Қаеридир ўхшамагандек туюлди, ўчирди, қайта чизди. Яна ўчирди, тагин чизди. Узун юзи ва чақчайган кўзларини иложи борича ўхшатишга тиришди. Баланд бўйли ҳайдовчининг иссиқ кунда шапкани бекорга бостириб кийиб олмаганига унинг ақли етганди. Айниқса, анчагача қора кўзойнакни ечмай тургани ҳам маълум. Аммо беш-олти сонияга ечиб — кўзойнакни машинанинг тепа капотига тақ-тақ этиб уриб яна тезда тақиб олганида — Элёр унинг кўзларига нигоҳ ташлашга

улгурган эди. “Ҳм, — деди энди бу вазиятни хотирида тиклаб, — кўзойнакни ечиб, капотга уч марта уриши, бу — парол бўлган. Бирданига келиб шартта Самарқанд—Бухоро дейиши ҳам бир нимага ишора бўлиши мумкин. Наҳот буларни эшлашга вақтим бўлмади? Энг муҳим нарсаларни унутиб қўйишимга сал қолибди-ку. Лекин унданам қизиги, таксист “сайёҳлар” келишини қаердан билдийкин? Демак, ташрифдан хабари борки, бу ишда ўзимиздан чиққан биронта сотқиннинг қўли бўлса керак? Номтаълум ҳайдовчининг аэропортга ўз вақтида келиши, машинага ўтирган Сакина Пуланинг қўлида қурол пайдо бўлиши, асосий жиноятчи Жаллоб Жигархунни яширишга уриниш, буларнинг бариси олдиндан режа қилинган ишлар. Ҳа, таксистни топиш керак! Агар у қўлга тушса, деярли барча мавҳум саволларга жавоб топилади. Бироқ, уни қаердан излаш керак?”

— Элёр ака, ярим кечаси нима қилиб утирибсиз? — деди меҳмонхона эшигини очган Муҳаббат уйқусираган кўзларини уқалаб. — Яна сурат чизишга қайтдингизми?

Юзларига ним табассум югурган аёл чизган расмига тикилиб ўтирган эрининг ёнига келиб аста сўради. Кейин унинг қўлидан суратни олди-да, кимнинг сурати эканлиги билан қизиқди.

— Бегона киши. Қаердадир кўрганман. Хотирам жойидамикин, деб чизиб кўраётган эди.

— Қуни-қўшнилари хўжайинингиз милисада ишлайдими, деб сўрашяпти? Элёр ака нима иш билан шуғулланыпсиз, узи? — эркаланиб эрининг елкасига бош қўйди Муҳаббат.

— Биласан-ку, менинг ниятимни.

— Илтимос, милисада ишламанг, хўпми? — Муҳаббатнинг уйқуси қочган кўзлари хавотирли боқди.

— Нега бунақа деяпсан?

— Замон нотинч-ку, Элёр ака. Бу хавфли иш. Келинг, тинчгина юрайлик. Майли рассомлик қилмасангиз, бокс билан шуғулланиб юраверинг.

— Сен билан менинг тинчгина ухлашим учун кимлардир бедорлигини биласанми, Муҳаббат?! Уша одамлар ҳам бировнинг суюкли фарзанди, эри, отаси. Ҳамма тинчини ўйлайверса, ким ўзидан кечиб халқнинг тинчлигини ҳимоя қилади. Уша сен хавотирланаётган нотинч вазиятни ким бартараф этади? Мана бунга ўхшаган газандалар эса одамлар кўнглига баттар қўрқув ва ваҳима солмоқчи. Қани айтчи, ким бу кимсаларнинг йўлига тўғаноқ бўлиб, тухтатиши керак? — Элёр суратни тап этиб столга қўйди-да, илк бор Муҳаббатга ўзининг иши ҳақида оғиз очди.

— Сиз ўзингизни баттар хатарга қўйибсиз?

— Биласан, мен хатардан чўчимайман.

— Унда, мен-чи? Эрим қачон келаркин, деб юрагимни ҳовучлаб ўтираманми? — Муҳаббатнинг гам чўккан кўзларига ёш келди. — Бизни ҳам ўйласангиз бўларди.

— Бошқалар ҳам ўтирибди-ку. Уларга раҳминг келмайдими, Муҳаббат?

— Келади, аммо ўзлари хоҳлаб...

— Ҳа, тўғри, инсон ўзи истамаса, мажбурлаб ишлатиб бўлмайди. Ана шу ўзи хоҳлаганлар билсанг, ҳақиқий ватанпарвар кишилар. Менам энди тушуниб етдим, ростдан ҳам ватан ҳимоясидан кўра юксакроқ вазифа йўқ экан.

— Қушиларнинг гумони тўғри чиқди, Элёр ака.

— Фарзандимизнинг исмини нечун Жалолиддин қуйганимнинг сабабини биласан-а?

— Биламан! — деди Муҳаббат эрининг ёниб турган кўзларига тикилиб.

— У фақат ўтмишдаги боболаридан эмас, мендан ҳам ибрат олсин! Келажакда фарзандларим билан фахрланишни истайман!

— Элёр ака, ростданам боксни ташлаб...

— Ҳа, энди сен ростини билишинг керак. Аммо бировга бу ҳақида оғиз очма. Осони, иши тўғрисида менга гапирмайдилар, дегин. Жуда қўйишмаса, МВДнинг спорт базасида бокс билан шугулланиб юрибди, деб қўя қол. Тамом-вассалом!

Элёр шундай деб, Муҳаббатга бор ҳақиқатни айтди. Уйқуси тамомила ўчган аёлнинг бу гапларга ишонгиси келмади. Эрининг ҳали бутунлай жароҳати битиб кетмаган бошига тез-тез нигоҳ ташлаб қўяркан, бирдан ўзини унинг бағрига ташлади. Қўрқиб кетяпман, деб қучоқлаб ҳам олди.

Элёр суюкли ёрининг тим қора сочларидан силаркан, киши ўз ватанида туриб ҳам қўрқадими, деди жиддий тортиб. Кейин:

— Мана бунга ўхшаган галамислар қўрқсин! — деди муштини суратнинг устига гурс этиб ураркан.

Эр-хотиннинг суҳбати яна анчагача давом этди.

* * *

Элёр янги қурилаётган иншоотларга, кенгайтирилаётган кўчаларга, узоқни яқин қилувчи, транспорт ҳаракатини осонлаштирувчи кўприкларга ҳавас билан тикилиб бораркан, қандай қилиб ишхонага етиб келганини ҳам сезмай қолди. Дарҳақиқат, азим пойтахт чирой очиб борарди. Кундан-кун кўркига кўрк қўшилаётганини кўрган тоза қалбли, пок юракли инсон бу ўзгаришу бунёдкорлик ишларидан ифтихор туйғусини ҳис этмасдан қолмасди.

Айниқса, мустақиллик байрамини кутиб олишга зўр иштиёқ билан ҳаракат бошланганди. Бу шодиёна икки йилдан буён ўзбек халқининг энг азиз, энг муқаддас байрамига айланиб улгурган эди.

Хуш кайфиятда хонасига кириб келган Элёр Мақсуддан бошлиққа учрашиш кераклигини эшитди. Жалил Очиллов уни илиқ қарши олди. Полковник Бўроновнинг суҳбатига олиб боришдан аввал кеча бир ўзи ўтказган сўроғи юзасидан олган таассуротлари билан қизиқди. Элёр жавоб қилишдан бурун костюмининг ички чўнтагидан тўрт букланган қоғоз чиқарди-да, Жалил Очилловга узатди.

— Таксистнинг суратими? — сўради майор қоғозга тикилиб. — Сендан айнан мана шу нарса ҳақида сўрамоқчи

бўлиб тургандим. Қаердан билдинг? Кечқурун ухлолмай, у ҳақида ўйладингми, дейман? Қойил, фикримиз бир жойдан чиққанини қара! Телефон қилиб эслатмоқчи бўлдим, ярим кечаси эканлигини билиб... Ҳа, таксистни топсак, кўп нарсалар ўз-ўзидан ойдинлашади. У бизни тўғри Жигархунга олиб чиқади.

— Лекин топа олармиканмиз?

— Таксистними? Асло иккиланма! Биз уни албатта топамиз. МВДнинг учарлари жарима майдонига қўйилган таксидан бармоқ изларини олиб, қидиришни бошлаб юборишган. Сени кечаёқ суҳбатга чақиришмоқчийди. Ҳали ишга чиққани йўқ, деб зўрға кўндирдим. Мана бу суратни олишса бўлди, ишлари янаям тезлашади. Таксистнинг кўриниши аниқ шунақами? — деб майор Элёрга кўз қирини ташлаб қўйди.

— Ухшайди, — деди Элёр стол устига тирсагини қўйиб, кафти билан муштини сиқаркан.

— Сакина ҳақида нима дейсан? Сен билан бемалол савол-жавоб қилгани мени таажжубга соляпти. Ҳойнаҳой, ёқтириб қолмадимикан? — майор Жалил Очиловнинг кўзлари айёрон қисилди. — Баъзи фильмларда кўрганман, жиноятчи аёл изқуварни ёқтириб қолади ва...

— Аксинча, аламини қандай олишни билмай хуноб бўляпти, — деди Элёр ҳазилга эътибор қилмай.

— Йўқ-йўқ. Менимча, у бирор нарсадан хавфсирамаяпти. Ё, ўзини атай шундай тутяптими? — бирдан жиддий тортди майор.

— Балки кимдир қутқариб олишига умид боғлаётгандир? — деди Элёр кеча хаёлига келган тахминни ортиқ сир тутолмай.

— Билмадим, билмадим. Лекин ўзини тутиши менга ёқмаяпти. Ё бизни менсимаяти ёки айтганиндай қутқариб олишларига ишониб турибди.

— Жуда безлигини айтмайсизми? Бокс тушиб кўрсаммикин? — шу тобда Элёрнинг ҳам қитмирлиги тутди.

— Эсингни едингми? Иккита ГАИ ходимини қанақа қилиб думалатганини эшитдим.

— Ундан чўчиётганим йўқ!

— Барибир мумкин эмас!

— Кунфуни ўрганишим керак.

— Инглиз тилини ўрганаётган эдинг шекилли.

— Униям ўрганишим керак!

— Мана бу бошлаган ишингни охирига етказсанг, бема-лол шуғулланаверасан. Узим сенга шароит яратиб бераман.

— Унда менга нима топшириқ бор, ўртоқ майор.

— Бизни полковник Бўронов йўқлаган. Қани, кетдик!

Улар бирин-кетин хонадан чиқишди.

* * *

Суратга диққат билан тикилиб ўтирган полковникдан анчагача садо чиқмади. Томоғига нимадир тиқилиб, бўғила бошлаган Элёр майорга тез-тез кўз қирини ташларкан, гапириб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди. Жалил Очилов худди келишиб олгандай жим эди.

— Ҳм, — деди ниҳоят полковник диққати ошиб, тўлиб турган ййигитга юзланиб.

— Жиноятчиларни кутиб олишга чиққан таксистнинг қиёфасини... қоғозга туширгандим, — жавоб қилди Элёр.

— Нима бўпти? — деб баттар совуққонлик билан муомала қилди полковник.

Элёр “ял” этиб бошлиғига қаради. Майор билмадим дегандай елкасини учирди. Нафаси ичига тушиб кетган Элёрнинг ранги ўзгара бошлади. Кўз қирини яна майорга ташлади, бу сафар гапир дегандай ишорани кўрди. Бироқ басавлат раҳбарнинг саловати босдими ёки бундай галати муомалани кутмаганмиди, саросимага тушганидан аранг гап бошлади:

— Қидирувга фойдаси тегиши мумкин деб... Юз фоиз ухшамасаям... саксон-туқсон фоиз... ҳаракат қилдим.

— Кейин.

— Майор Жалил Очилов тугри айтдилар, таксистни топсак... Жигархуннинг изига тушган бўлардик.

Ниҳоят полковник ўтиришга ишора қилди. Кейин хаёлидаги фикрни ўртага ташлади ва сейфдан қандайдир видеокассета олиб майорга узатди. Телевизор экранида Наманган вилоятининг ҳокимият биносида тасвирга туширилган воқеа намоён бўла бошлади.

— Қани, диққат билан қара-чи, оломон ичида таксистга ўхшаш кимса бормикин? Аслида сени шунинг учун чақиртиргандим. Ҳайдовчини яқиндан курган ягона киши сенсан. Шундайми?

— Худди шундай! — уридан туриб жавоб қилди Элёр.

— Утир.

Элёр қайтиб жойига ўтиргач, ўзи бевосита иштирок этган воқеани энди хотиржам суратда — биринчи маротаба томоша қила бошлади.

— Ийе, ана мен! — Элёр беихтиёр гапириб юборди.

— Узингга эмас, мана бу чизган суратингдаги совуқ ба-шарага қара, — деди полковник Элёрга қарамасдан туриб. — Ниҳоятда синчковлик билан зеҳн ташла. Ҳар бир одамга эътибор бер.

Элёр бу дақиқалар бутун қобилиятини ишга соладиган ўта муҳим пайт эканлигини ҳис қилди. Жиноятчи, айниқса, хориждан келган жосус юрт тупроғини бемалол босиб юришига қандай чидаш мумкин? Йўқ, бунақаси кетмайди? Топиш керак, вассалом!

У энди оломонни кузата бошлади. Баъзида жим, баъзида эса жазавага тушгандай бақириб-чақираётган одамларнинг юз-кўзларига аҳамият қиларкан, полковник билан майорнинг ҳар замонда унга қараб-қараб қўйишаётганини ҳам сезиб турарди. Аммо диққатини бўлмаёй экранга тикиларкан, бу иш ўйлаганидан анча қийин эканлигини тушуниб етди.

— Тўхтатса бўладими? — сўради бирдан Элёр майорга юзланиб. — Бундан сал олдинги кадрни яна бир марта кўрай-да.

Жалил Очиллов шу заҳоти пулт билан паузани босди. Тасмани бир оз орқага қайтарди ва Элёр ишора қилиши билан кадрни тўхтатди. Иккинчи қаватда қўлларини кутариб бақираётган кишилар орасида кимдирнинг кўриниши Элёрнинг диққатини тортган эди. Паузада оғзини очиб, қўлларини мушт қилганича қотиб турган йигитга бир у эмас, энди полковник билан майор ҳам тикилиб қолган эди. Элёр кўзларини юмиб, аэропорт олдидаги бекатда рўй берган учрашувни эслашга ҳаракат қилди. Ҳайдовчи машинани шундоқ сайёҳлар яқинида тухтатди. Кейин тезгина тушиб, Самарқанд-Бухоро деб бақирди. Бақирди... бақирди... Шунда оғзи... лабининг кўриниш ва жойлашиши... Экранда-чи? Ухшайдими? Умуман олганда... лекин йигинда нега бошига ҳеч нарса киймаган? Кўзларини яқиндан кўриш керак. Кўзларини эслаб қолган.

Полковник йигитни махсус кўриш хонасига таклиф қилди. Уттиз-қирқ кишига мўлжалланган хона худди кичикроқ кино кўриладиган зални эслатарди. Уртадаги узун хонтахтадан сал баланд столни айтмаса, ўхшаб ҳам кетарди. Фақат бу хонанинг ўриндиқлари анча юмшоқ ва бир оз кенгроқ эди. Элёр тасмани қайтадан охиригача, кейин боя эътибор қилган ҳолатни ҳар томонлама кўргач, аниқ қарорга келди:

— Ухшайди.

— Ухшайдими, худди ўзимми?

— Ухшатапман.

— Шошилма, керак бўлса, яна қайтадан қараб чиқ. Ҳар бир ўтган дақиқа бизнинг зараримизга ишляпти. Ким билади, бандитлар нима ишларни режалаштирган. Сал кундан кейин Мустақиллик байрами? Кўнглим безовта, кўзимга уйқу келмаяпти. Наврўздагидай мишмишлар йўқ бўлса-да, Туркия берган хабарнинг тўғри чиқиши мени қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Ҳар қандай шароитда ҳам байрам тинч ўтишини таъминлашимиз керак. Тушунарлими?

— Тушунарли, ўртоқ полковник!

— Демак, Жалил, видеодан кўчирма сурат олиб зудлик билан Наманганга жўнайсан. МВДни жалб қил, туну кун изланглар. Бу қаллоб яшаш жойини ўзгартирган бўлиши мумкин. Аммо сен шубҳали кимсалардан қандай маълумот олишни биласан. Истасанг, ёнингга бирорта ходимингни олиб кет. Э, йўқ, Элёрга тегма. Чемпион анави аёл билан шуғулланади. Менга қара, лейтенант...

— Кичик лейтенант Элёр Одиров! — деб унвонини тўғрилади Элёр полковникнинг гапини бўлиш одобдан булмаса-да.

— Лейтенант унвонига имзо чекилди. Табриклайман!

— Ватанимга хизмат қиламан!

— Омад тилайман! Энди Сакина Пула билан жиддий шуғулланасан! Унда бирор маълумот олишга ҳаракат қил. Душман аёвсиз экан, биз ҳам уларга раҳм-шафқат қилиб утирмаймиз, тушундингми? Бошқа қотиллик қилишларига йўл қўймаслигимиз керак.

— Тушунарли, ўртоқ полковник!

— Яхши. Қани, унда ишга киришинглар!

Полковник эшик олдида Элёрни тўхтатди. Яна бир қанча кўрсатмалар берди.

* * *

Тергов хонасига етиб келган Элёр полковник Буроновнинг гапларини эслади:

— Хонамга кирганингда сенга қандай муомала қилганимни кўз олдинга келтир. Буни атай қилдим, қани гапни нимадан бошлар экан деб. Бу ҳам қаршингдаги одамдан гап олишга, унинг хаёлидан нималар кечаётганини билишга бир уриниш. Балки бу нарсаларни биларсан, аммо ёдингга солиб қўйсам, фойдадан холи бўлмайди. Бизнинг ишимизда ҳар бир имо-ишора, ҳаракат, айтилган ҳар қандай сўз жуда муҳим. Бу ер гувоҳномани чўнтакка солиб керилиб юрадиган жой эмаслигини ўзинг ҳам бошингдан ўтказдинг. Наманган

воқеасидан кейин сенга аҳамият берганимизни энди тушунгандирсан? Биз бу лавҳаларни кўп марта кўрганимиздан кейин, сенга ишонч билдирилди. Ана энди шарафли ва айни пайтда ўта масъулиятли ишга таклиф қилганимизнинг боисини тушундингми?

Энди тергов жараёни юзасидан гапирадиган бўлсам, худди мен кўллаган усулни ҳам ишлатиб кўр. Сўроққа олиб келишгач, ўн-ўн беш дақиқа шундоқ тикилиб ўтир. Кейин кўлингга қоғоз ва қалам олиб суратини чиз. Ярим соатларда суратни тамомлаб ўзига кўрсат. Шунда ҳам бир оғиз гапирма. Бу сўроқ қилишнинг бир усули. Жиноятчининг қитиғига тегиб кўрамиз. Қани, уям сабр қилармикин ёки сендан бирор нарса сўрармикин? Балки қандайдир талаби бордир? Қисқаси, гап олишнинг урдасидан чиқишинг керак.

- Сакинага таксистнинг суратини кўрсатмоқчиман?
- Бўлади. Бироқ таржимон керакмас.
- Нега? — аранг сўрашга журъат қилди Элёр.
- Унинг гапларини кейин таҳлил қиламиз...

Сўроқ қилишнинг, гап олишнинг минг бир усулини ҳақиқатда ўз бошидан утказган, ўша кунлари ростдан ҳам ваҳимага тушган, қамалиб кетишига тўлиқ ишониб, бутунлай умидсизликка тушган Элёр вақти келиб ўзи савол-жавоб ўтказиши ҳақида ўйлабдими? Уйлаш тугул бунақа касбда ишлашни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Етти уҳлаб тушига кирмаган ишлар рўй берганди. Бошида чет элнинг жангари фильмлари таъсири ҳам қизиқишини кучайтирган эди. Ўз мамлакати тақдирига ёки миллатининг ҳаётига жиддий хавф тугдирган жосус, террорчи ёки қандайдир яширин жиноий ташкилотнинг кетидан тушган махсус агентларнинг ақл бовар қилмас хатти-ҳаракати, кучқудрати, ҳар қандай қалтис вазиятлардан ҳам усталик билан чиқиб кетиши ва охир-оқибат душманни қўлга олиши жуда ҳавасини келтирган дамлар ҳам бўлган. Бироқ у рассомликни, кейинроқ эса боксни танлаган эди. Тамом, боксчи бўлишга қарор қилганди!

Энди эса... ҳаётда душман билан юзма-юз келиш, ажалга чап бериш кинолардагидан анча мушкул экан. Қаҳрамон образини яратаётган актёр минг машҳур ва тажрибали бўлмасин, роль уйнаётганини барибир билинтириб қуяди. Ёки зеҳни ўткир томошабин буни сезиб қолади. Реал ҳаётда ажал билан тўқнаш келган кишининг нигоҳларига қаранг! Ҳолатига, гапирган сўзларига эътибор беринг! Тамомила бошқа нарсанинг гувоҳи бўласиз! Бундай ўта мураккаб вазиятда — ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган паллада киши юрагидаги жамики ҳис туйғулар унинг юзига, нигоҳларига чиқаркан. Мард инсоннинг кўриниши унинг вужудидаги жасоратини намоён этса, қўрқоқ одамнинг тани бўшашиб, титроқ босиб номардлигини ифода этаркан. Айниқса, ўз киндик қони тўкилган ватанига, яқинларига хиёнат қилган кишининг ҳолати жуда ачинарли бўлса керак.

Элёр такси ҳайдовчисини тезроқ тузоққа тушириб, кўзларига тикилишни, унда нималар акс этаётганини кўргиси, билгиси, ҳис этгиси келди. Ўзбек миллатига мансуб бу номаълум йигитнинг сўров пайтидаги ҳолатини кўришга — ҳозир кириб келадиган хорижлик жосуснинг юзига тикилишдан кўра минг чандон ташна эди. Юрт, миллат, имон-эътиқод, ор-номус, қадр-қиммат нима эканлигини билмайдиган, билсада, жоҳиллар таъсирида вояга етиб, уларнинг тутган йўлида юришга мажбур бўлган ва муқаддас туйғу, юксак тушунчаларнинг барини пулга алмаштирган чет эллик кимсанинг ўзга бир мамлакатта келиб амалга оширган ёвузлигини тушунтириш мумкинлиги. Бироқ шу азиз заминда тугилиб, ота-онасининг иссиқ бағрида ўсиб-улғайган, ўзга юртга қарамлик, эндиликда эса эркин ҳаёт, озод Ватан нима эканлигини тушунган, шу ернинг нон-тузини еб, тузлигига тупурган шу миллат вакилининг хиёнатини қандай англамоқ керак?..

Элёрнинг хаёли бўлинди. Кўзлари бир оз киртайган Сакина Пула истамайгина йигитнинг қаршисидан жой олди.

Таржимоннинг йўқлигига парво қилмади, аммо келавермагач, ҳайронлиги юз-кўзларида билина бошлади. Орадан анчагина вақт ўтди. Бетоқатлиги ҳаракатларига ўтди. Кирганидан буён жимгина ўтирган йигитнинг тикилиши кўнглида бирор шубҳа уйғотмаса-да, қоғозга нимадир чизаётгани бир оз ҳайратга солди. Лекин миқ этмади. Элёрга ўчакишгандай сабр қила бошлади. Оппоқ қоғоздаги ўзига ўхшаш чеҳрани кўрганда эса инглизчалаб "рассоммисан?" деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Ухшатибсан? Эсдалик учун олиб қўймоқчимисан ёки менга ҳадя этасанми? — гап мазмуни худди шундай эди.

Элёр узатилган қўлларни қуруқ қайтарди.

— Берсанг, жон деб олган бўлардим, — деган маънода гапирди Сакина Пула.

Элёр индамади, фақат тушунмадим дегандай елкаларини кисиб қўйди.

— Яхшигина истеъдодинг бор экан. Сен шу ишингни давом эттирсанг яхши бўларди, — деди жиноятчи стол устидаги суратига яна кўз ташлаб. — Жиноятчилар билан курашиш сенинг ишинг эмас экан. Маҳоратингга қараб шуни айтишим мумкин, сен ҳеч кимга ўқ узолмайсан. Ҳатто ашаддий жиноятчига қарши ҳам. Бу сўзларимни яхшилаб таржима қилдириб ол.

Элёр хатжилд орасидан такси ҳайдовчининг сурати чизилган қоғозни олиб, асирага кўрсатди. Билинар-билимас ингичка қошларини учириб, лабларини қимтиган Сакина Пула бир оздан кейин бошини маъноли қимирлатди:

— Ухшайди. Лекин бунинг башарасини чиябўрига ўхшатсанг ҳам булаверарди. Аслида менга ҳам хоинлар ёқмайди. Агар мен ватанимни, миллатимни билганимда... умуман бошқача яшаган бўлармидим. Ҳаётни орқага қайтариб бўлмаганидай, бу гапларнинг ҳам фойдаси йўқ, энди.

Элёр аёлнинг афти буришганидан гапнинг маъносини тушунгандай бирдан суратнинг устига бошдан-оёқ чизик — икс тортди. Шунда бирдан нигоҳлар тўқнаш келди.

— Қўлга тушдимиз? — сўради Сакина Пула. Кейин яна ачинган қиёфага кирди ва гапани давом эттирди. — Ёки отишмада ўлдирилдимиз? — сўроқ берувчи қўлларини туппонча қилиб кўрсатди.

Элёр билаклари билан яна икс ишорасини қилди.

— Жаллоб Жигархун-чи?

Бу гапни тушуниш яқиндан бошлаб қўлига сўзлашув китоби ва лугат олиб унча-мунча гапларни ёдлаб қўйган Элёрга деярли қийинчилик тугдирмади. Кейин бармоқларини стол устида югуртирди.

Буни қандай тушунди жосус аёл? Қочиб юрибди дебми? Шунинг учун бошини маъноли қимирлатиб қўйдими?

— У вазифасини бажармагунча қўлга тушадиганлардан эмас, — деди пичирлаган Сакина Пула негадир енгил тин олиб. Кейин бирдан ўйлаганини сўраб қолди:

— Are you married?

Элёр тасдиқ ишорасини қилди.

— Have you children?

— Yes.

Йигит беихтиёр чўнтагидан оиласининг расмини чиқарди ва жиноятчига кўрсатди. Тутқун аёл маҳзун қиёфага кирди. Кейин бир нималар деди, афсуслангандай. Элёр бир-иккита сўзларини аранг илғаб қолди ва шундан билдики, у хотини чиройли экани, ўгли ўзига ўхшаши ҳақида гапирди. Балки яна меҳрибон ва вафоли эри бўлишини, бир ўғил, бир қиз фарзанд кўришни исташини айтгандир. Аммо Элёр қолган жумлаларни тушунолмади. Англагани шу бўлдики, афсунадомат, ҳасрат ва қайғунинг таржимаси бўлмас экан. У қайси тилда айтилмасин, қандай оҳангда ифодаланмасин, бирдай тушунарли экан. Элёр айни пайтда мана шу нарсага амин бўлган эди.

Элёр юртига ёвуз ниятда қадам босган жиноятчи аёлинг миллатини билишни истади ва ёдида қолган инглизча сўзлардан ўзича гап тузди:

— I am uzbek. You...

— I dont now. I dont now, mister Elyor.

Сакина Пула ўзининг тушкун кайфияти ва ҳолатини кўрсатишни хоҳламади чоги, илкис ўрнидан турди. Қулидаги соатга нигоҳ ташлаган Элёр назоратчини чақиршига мажбур бўлди.

* * *

Полковник Бўроновни эксперт гуруҳи аъзоларининг таҳлили қониқтирмади.

— Хуш, сен нима дейсан?

Элёр бу таржимонсиз ўтказилган суҳбатидан деярли биргина хулоса чиқарганди: Сакина Пула ашаддий жиноятчи, аммо шу билан бирга аёл, ожиза! Жигархун қўлга тушмагунча ҳеч нима айтмаслиги мумкин, аммо асир олинганини кўрса, ёки отишма пайтида ҳалок бўлганини эшитса, сирини айтиши мумкин. У ўз ҳолича ўлишни истамайди. Яшашни хоҳлайди.

Полковник ҳаммага рухсат берди. Фақат таржимонни олиб қолди. Қаердадир изғиб юрган душман хаёлидан кетмаса-да, тасмани қайта кўра бошлади.

XXXVII. ҲИЙЛА

Майор Жалил Очилов ишнинг кўзини биладиган махсус ходим эканлигини исботлади. Утган йили ҳокимият биносида қатнашган кишиларнинг айблари кечириб юборилиб, бирортаси сиқувга олинмаган бўлса-да, ашаддийлари ҳақида барча маълумот тўпланган ва архивга ташлаб қўйилган эди. Майор ишни ўша пайтда кўзи қонга тўлиб, босар-тусарини билмай қолган, ҳайқиравериш томоғи йиртилган тўрттасини топтириб келди-да, такси ҳайдовчининг шахсини аниқлади-қўйди. Албатта, осонгина эмас. Кейин бир соатта танаффуслар қилди: бу муддатда қидирилаётган шахсни ё қаердалигини

айтишади ёки жосусларни яширишда гумон қилиниб, вилоят ички ишлар бошқармасида шубҳага аниқлик киритилгунча сақланади. Биратўла нима учун бирор ерда ишламаётгани, ниманинг ҳисобига кун кечираётгани аниқланади. Уйлари тинтув қилинади. Агар бирортасиникидан қурол ёки гиёҳванд моддага ўхшаш нимадир топилиб қолса, бу ўтирганлари ҳолва бўлиб қолади.

Бир пайтлар кимларнингдир ваъдасига учиб кўксини керган, қўлларини мушт қилиб дағдага билан шаҳар кўчаларида истаган ишини қилган, аммо айни пайтда пана-панада тинч юрса-да, ҳамон нимадандир умидвордай таассурот уйғотадиган бу кимсалар қурол, наркотик модда, босқинчилик руҳдаги китоблар нима эканлигини жуда яхши билишадими, бирдан дамлари ичига тушиб кетди. Уларнинг ҳар бири бу саналган ноқонуний нарсаларни уйдан “чиқиб қолиши” мумкинлигига ақли ҳам етаркан. Майорни сарсон қилиб ўтиришмади, “Ҳоким” лақабли Маматқул Болғаевнинг анчадан бери Тошкентга кетиб қолганини айтиб беришди. Аммо қаерда яшашини билишмас экан. Бу ердаги ота-онасининг олдига ойда бир марта келиб кетаркан, холос.

Майор Очиллов анча нарсани ойдинлаштирган бўлса-да, боши қотди. Нима, энди қачон келишини пойлаб ўтирадими? Ёки пойтахтдан излайдими? У аллақачон фақат ўзи биладиган бирор кавакка беркиниб олган бўлса-чи? Унда қаердан топади?

Полковник Бўроновга қилинган ишлар ва юзага келган вазият ҳақида ҳисобот берди.

— Улар билмаса, бошқа бирортаси у қаерда бўлиши мумкинлигидан албатта хабардор. “Ҳоким” у ердагилар билан алоқани узмаган. Битта-битта сўроқ қил! Ҳеч кимга ишонма! Ернинг тагидан бўлса ҳам топишимиз керак!

— Тушундим, уртоқ полковник!

— Ёдингда тут, уни Тошкентдан қидириш бефойда. Наманганга келишга мажбур бўладиган йулини топ. Ҳа, айт-

гандай, бу масалада ҳийла, яъни ишонадиган вазиятларни ўйлаб топадиган терговчи Бектемиров билан бир маслаҳатлашсанг ҳам бўлади. У бунақа нарсаларни уюштиришга устаси фаранг. Албатта бирор нарса ўйлаб топади. Аммо сен алоқачининг ким эканлигини аниқлаштиришинг керак. Топ уни! Сен буни уддалайсан!

Майор бошқатдан ишга киришди. Тўртта гумондорнинг бири қийнашларини ҳам, охир-оқибат қамалишни ҳам истамади: “Ҳоким”нинг кечалари тунаши мумкин бўлган манзилнинг иккитасини айтди. Қўлга киритилган маълумот зудлик билан полковник Бўроновга узатилди.

Бектемировнинг фантазияси ишга тушганидан кейин Наманганда бўлаётган воқеанинг бу ёғи тезлашиб кетди.

* * *

Наманган шаҳри.

Соат ўнларда Пичоқчи маҳалласидаги уйларнинг бири олдида тўсатдан “Тез ёрдам” машинаси келиб тўхтади. Ундан оқ халатли иккита барваста киши тушди. Улар бу уйни аввалдан биладигандай дарвоза олдида тўхтаб ўтиришмади, одам кириб-чиқишига мўлжалланган кичикроқ ёғоч эшикни бир-икки тақиллатиб, илдам ичкарига киришди. Кейин ҳовлининг чап томонидаги даҳлизи бор уйга қараб юришди.

— Норқул ота, уйда мисиз? — овоз берди олдиндаги дўхтир оёқ кийимини ечатуриб.

— Киму? — ўринда ётган чол бир оз бошини кўтарди.

Ана шундан кейин дўхтирлар кейинги пайтларда юрагидан нолиб-нолиб қўяётган Норқул отани ётган жойида кўриқдан ўтказиша бошлашди. Дўхтирларнинг кутилмаган ташрифи чолни ҳайрон қолдирса-да, ичида инсоф бергани рост бўлсин, дея дарров текширишга розилик берди. Кейин касалхонага бориши кераклигини эшитиб, тарвузи қўлтигидан тушди. Дўхтирлар куймаланиб қолган чолнинг “ҳеч бўлмаса қўшниникига чиққан келинни чақирай”, дейишига қараб ўтиришмади.

— Ҳозироқ бормасангиз бўлмайди, юрак билан ҳазиллашманг!

— Ахир келиним...

— Анави тирмизакларга айтиб қўямиз, ўзи топиб борди! — деди “дўхтир”лар чолни машина томон етакларкан. — Ҳамма қариялар даволанаман деса, сиз қайсарлик қилишингизни қаранг.

— Индамай кетиб қолсам... хавотир олмасин дейман-да, — деди Норқул ота бўлаётган ишларга ҳамон таажжубланишини қўймай.

— Хавотир оладиган кампир ўтиб кетибди-ку, ота.

— Ҳа, бир ҳисобда гапингиз тўғри, болам. Кампир тушмагур, ёлғиз қолдириб кетган.

— Ё ўғилга айтиб қўясизми?

— Э, уям қаерлардадир юрибди. Ишқилиб, ўлигимга етиб келармикин, деб қайғуга тушганман.

— Бўпти-да. Қани, илдам-илдам юринг. Узоққа кетганими, дейман?

— Ким?

— Уғил-да

— Ким билади, дейсиз. Болалар катта бўлиб қолгандан кейин... ўз билганича иш тутадиган бўлиб қоларкан. Бўлмаса, қўлида бир чиройли хунари бор эди. Пичоқ ясашда унинг олдида тушадигани йўқ, маҳалламизда. Аммо... Ташлади-кетди.

— Ташвиш қилманг, сиздан ўзимиз хабар олиб турамиз. Қани, кетдик.

Элакка чиққан аёл эллик оғиз гапирибди, деган мақол қанчалар тўғри. Тунов куни чекичини олган қўшнисиникига бирровга кирган келин гапга тушиб утириб қолди-да. Бўлмаса, унақа кўпам вақт ўтмади, эндигина бир соатдан сал ошди, холос. Қаранг, бир пас йўқ бўлса, шунча гап-сўз: қайнатасини дўхтирлар олиб кетганини кўчада ўйнаб юрган болалардан эшитган келин, ҳовлиққанича уйига чиққанида

машина аллақачон кетиб бўлган эди. Чолга жин ҳам урмайди, бирор гап бўлса хабар қилишар, деб хотиржам бўлган келин қотиб қолай деган хамирига уннаб кетди. Болаларни тополмай, тандирга ўзи ўт ёқди, бу орада қўрадаги учта қўйга сув тутди, шу ишларига овора бўлиб, орадан қанча вақт ўтганини сезмай қолди.

Бир пайт кимдир касалхонадан совуқ хабар келтирди. Келин қайгуга ботмади: яна битта ташвишдан қутулганига ичида хурсанд бўлди шекилли, қариндош-уруғларга хабар беришга ошиқди. “Норқул ота касалхонада жон берибди”, деган гап бир зумда бутун маҳаллага тарқади. Мархумни асрга чиқариш тараддуди кўрила бошланди. Иккита дўхтир “ўлик”ни ичкарига олиб кирди. Ювиб таралган, деб ҳеч кимни яқинлаштиришмади. Кутадиган одамлар келиб хайрлашиб олгач, кейин кафанланади дейишди оқ халатли, қўлига томир уришини текширадиган асбоб кўтарган “дўхтир”лардан бири — бўйнига фонендоскоп ташлаб олган киши. Асрга эса роппа-роса олти соат вақт бор эди...

Операция худди кутилгандек тугалланди, ўглининг нафасини сезган мархум бирдан ўқчиб-ўқчиб йўталди ва ўзига келиб кўзларини “очди”. Ичкаридагилар ҳайратдан ёқа ушлади ва беихтиёр “Ё алҳазар!”, “Ё, қудратингдан!” деб юборди.

Жанозага кеч қолмай етиб келганидан кўнгли энди хотиржам бўлган ўғил эса серрайиб қотиб қолди.

— Ўғлини кутиб жон беролмай ётган экан-да, бечора, — деди кимдир бу мўъжизадан ақли шошиб.

— Комага тушган бўлса, ўглининг овозини эшитиб, ўзига келдимикин? — ўз тахминини билдирди бошқа биров.

— Ажали етмаган экан, — деди кекса қариндошлардан бири.

— Аллоҳнинг марҳамати кенг, — дея соқолини силади таъзия ўқишга айтилган домла.

“Дўхтир”лар кетишга шошилмаётган одамларнинг гап-сўзларига бир пас қулоқ солиб туришгач:

— Сизда “ўлик”ларни ҳаётга қайтаришдек ноёб фазилат борга ўхшаяпти, буни бир текшириб кўришимиз керак, — деб “Ҳоким”нинг қўлларидан тутиб қаергадир олиб кетишди. Жанозага йиғилганлар яна ярим соатларча билганларини гапириб туришди, сўнг бошларини сарак-сарак қилганларича аста тарқала бошлади.

XXXVIII. ҲИЙЛА УСТИГА ҲИЙЛА

Сакина Пула аввалги суҳбатда “Ҳоким”нинг қўлга тушганига рост ишонмаган эди. Гап олмоқчи, шунинг учун атай айтди, агар асир олинганда албатта кўрсатган ёки юзлаштирган бўларди, деган шубҳага борган ва деярли муносабат билдирмаган эди. Бу сафар “Ҳоким”ни кўриб ранглари ўзгарди.

— Шунчалар ношудмисан? Ким айтади сени бўлажак ҳоким деб, — дея бақириб берди Сакина Пула.

Унинг жаҳли чиққанича ҳам бор эди. Наҳот, Жигархун ёлғизланиб қолган бўлса? Ёки у ҳам қўлга тушдимикин? Шеригининг аҳволини билиш учун Ҳокимнинг кўзларига разм солди. Сувга тушган мушукдай қўнишиб ўтирган Маматқулнинг безрайган нигоҳларидан бир нимани англаш амримаҳол эди.

— Бир ўзингмисан? — сўради тоқати тоқ бўлган Сакина Пула бу гал мулойимлик билан.

Майор Жалил Очилов саволнинг маъносини тушунди чоғи, тайёрлаб қўйган “ҳужум”га ўтди:

— Жигархунни тирик қўлга ололмадик, аввалига ярадор қилиб асир олмоқчи эдик, аммо у ўзини-ўзи отиб ташлади, — деди шартта.

Бу гапнинг таржимасини эшитган Сакина Пула олдин мийғида кулди, бироқ Элёрнинг ўтган сафарги гапи тўғри чиққанлигини кўриб, сал ўтмай ҳушёр тортди ва кўз қирини яна “Ҳоким”га ташлади. Яхшилаб ролга “ўргатилган” Маматқул боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

— Ишонмайман!

— Унинг ўлигини Тошкентга олиб келишди, — деди Маматқул бу гапга жавобан афтини буриштириб. — Самарқанд атрофида бизни баъзи одамлар курган экан. Ушалардан сўраб-суриштириб изимизни топиб олишди. Жигархун таслим бўлишни истамай...

— Гапинг ёлғон! У осонлик билан жон берадиганлардан эмас!

Маматқулга уларнинг қандай қўлга тушгани ҳақида гапириш ман қилинганди. Ҳар қандай шубҳали имо-ишора ҳам кечирилмаслиги қаттиқ огоҳлантирилган эди. Бу ерга келишдан олдин махсус стул атай кўрсатиб қўйилди: дами ичига тушган “Ҳоким” бўлажак ҳокимлигини унутди. Шундоқ айби тулиб-тошиб ётган қотилга — такси ҳайдовчисини тинчитган, хорижлик жосусларни қурол билан таъминлаган, қўлга олинганча қидирувда бўлган ашаддий жиноятчига аэропортдагидай актёрлик маҳоратини ишга солишдан узга чора қолмаганди.

— Уни сақлаб қололмадим, мени кечир, — деди Маматқул безрайганича.

— Жасадини кўришни истайман!

— Маматқулга ҳам ишонмайсанми? — сўради майор Очиллов.

— Мен умуман ҳеч кимга ишонмайман!

— Яхши, унда, сўроқдан кейин ўликхонага олиб бораман, — қатъий гапирди майор. — Эртага эса сени интерполнинг ихтиёрига юборамиз. Ҳа, айтгандай, Американинг махсус разведка хизмати ҳам сени уларга беришимизни сўраяпти. Ҳатто келиб олиб кетишга ҳам тайёр. Розилик беришимизни кутиб туришибди.

Сакинанинг чаккалари билинар-билинемас уча бошлади. Бармоқ учлари титраганини билдиргиси келмай, стол четини ушлади. Лекин буни Элёр назардан қочирмади.

— Жигархун ва унинг шериклари иши бўйича дастлаб америкаликлар қидирув эълон қилган, шунинг учун Сакина

Пулани АҚШ ихтиёрига юборсак тугри бўлади, — деди Элёр энди аланга олай деб турган чўққа керосин пуркагандай.

— Мен Жигархуннинг жасадини кўришни истайман!

— Яхши, ундан аввал бир саволимга жавоб бер. Аэропортда таксига ўтиргач, қўлингга қурол қаердан тушиб қолди?

Таржимадан сўнг Сакина Пула кўз қирини “Ҳоким”га ташлади. Маматқул терговда бу ҳақда гапириб, айбини тан олган бўлса-да, бошини ҳам қиларкан, аёлнинг осонгина сотиб қўйганига ҳайратланмади, жаҳли ҳам чиқмади. Иложсизликка йўйди чоғи, индамади.

— Маматқул берди, шундайми?

— Yes!

Бу гап таржимага мужтоҳ эмасди.

— Балки энди юртимизга нима мақсадда келганингни айтарсан? — кетишга шошилмади майор.

— Менга Жигархуннинг ўлигини кўрсатинг!

— Қани юр, унда!

Майор шундай деб, шарт ўрнидан турди ва йўл бошлади.

Шаҳарни тузук-қуруқ кўришга улгурмаган Сакина Пуланинг қорайтирилган ойнага пешанасини тираб кетаётган ҳолатини тушуниш мумкин эди. Дунё харитасида бирдан шундай мамлакат пайдо бўлиб қолганига таажжублангани, мустақил бўлиб олгандан кейин эса бировга қулоқ солмай ўз йўлини ўзи белгилаб олган давлатни назар-писанд қилмагани сезилиб турарди. Бирор жиддий топшириқ олишган бўлса, осонгина бажариб қайтамиз, деб ўйладимикин? Жазм қилиб келишибдики, шундай ўйлашган.

Жосусни кўз қири билан кузатиб кетаётган Элёр шулар ҳақида ўйларди. Аммо қўнглининг бир чети қоронгу эди: нега бу аёл келишининг сабабини айтмаяпти? Қўлга тушган “Ҳоким” ҳам Жигархуннинг режасидан хабарим йўқ деяпти. Бу иккисининг ростдан ҳам хабари йўқми ёки билганларини айтишни исташмаяптими?

Аслида бу нарса, бутун МХХ ва ИИВни ташвишга солаётган саволлар эди. Вазирликни кўпроқ ўйлантираётган муаммо уз терговчиларини Сакина Пуладан тайинли жавоб ололмаётгани эди. Бу жиноятчининг Элёр Одилов билан анчагина ошкора суҳбат ўтказаетгани эса уларнинг гашига тега бошлаганди.

* * *

Ўликхонага қадам босишлари билан ҳаво ўзгарди. Йўлак ҳам унча эмас экан, мурдалар сақланаётган хонанинг ҳавоси кўнгилни айнитадиган даражада эди. Ичкарига қадам босган Сакина Пула дарҳол қўллари билан бурнини беркитди. Бироқ нафас олмай туриб бўлармиди?

Жиноятчининг келишига атай шундай оғир ва кўримсиз шароит “яратилган” эди. Унинг бу ерда иложи борича кам туришига ҳаракат қилинганди. Элёр устига оқиш бўз ташланган “мурда”нинг юзини очди. Чўққи соқол, рангида ранг қолмаган, кўзлари юмиқ, шундоқ чаккасида ўқнинг изи қолган “жасад” дарҳақиқат, Жигархунга жуда ўхшаб кетарди. Қуланса ҳиддан Элёрнинг кўнгли “оэди”. Жалил Очиллов аранг “чидарди”. Сакина ҳам афтидан зўрға турарди, бироқ “ўлик”нинг яқинига келди-да, негадир қулогининг тепа қисмини қайтариб кўрди. Жалил Очиллов сўроқ пайтида “Ҳоким”ни исканжага олгани яхши бўлган экан, танасининг бирор жойида татировками, холми ёки шунга ўхшаш алоҳида кўзга ташланиб-ташланмай турадиган белгиси борми деб. Жигархуннинг одам назари унчалик тушмайдиган чап қулогининг тепасида холга ўхшаш нимадир борлигини эшитган пардоз устаси ясама соқолни ўхшатгани каби бунинг ҳам кифтини келтирди. Фақат Жигархунга ўхшаш қиёфани топгунларича анча тер тўкишга тўғри келди. Топилган кишини энди “тирик мурда”га айлантириш ҳам осон булмади. Тарихдан мисоллар келтирилди: қулоқ-бурнияти кесган ва душманни доғда қолдирган ватанпарвар Широқнинг мард-

лиги қайта-қайта ёдга олинди. Ноилож қолган киши беш дақиқага “мурда”га айланишга рози бўлди.

Сакина Пула холга узоқ тикилмади, шундоқ ҳам боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлиб аранг турганди. Бунинг устига ён камерага қўйилган “маст аёл” кечаси билан шанғиллаб ухлатишга қўймади. Театр актрисаси бу ролни қойилмақом қилиб ўйнашга ўйнадию, тонгга яқин қаттиқ ухлаб қолди. У эрталаб Сакина Пулани сўроққа олиб кетишганини ҳам сезмаган эди. Буларнинг бари жиноятчи аёлни ҳолдан тойдириш, “жасад” олдида кўп қолмаслиги учун ўйлаб топилган ва амалга оширилган ҳийла эди.

Ишқилиб, сезиб қолмадимикин?

XXXIX. ЖОСУС ИЗИДАН

Марат Бошбеков қуролланган махсус гуруҳ билан тонг саҳарда “Ҳоким” айтган манзилни — Бектемир туманининг шаҳардан бир оз ичкарироқда жойлашган маҳалласидаги кўримсиз бир уйни қуршаб олди. Етти кишидан иборат жанговар гуруҳ бир қаватли ёғоч эшикнинг очиқлигини кўриб ҳайрон бўлса-да, ичкарига бостириб киришди. Бир зумда учта хонани, ҳовли этагидаги молхона ва унинг нариги ёнида жойлашган ҳожатхонани кўздан кечириб чиқишди. Лекин бирор кимсани топиша олмади.

Ҳафсалиси пир бўлган Марат Бошбековнинг Маматқулдан қаттиқ жаҳли чиқди. Наҳот алдаган бўлса? Бироқ бу ерда одам яшагани билиниб турарди. Қайтадан ошхонага кирди. Жигархун бу уйдан кетиб, манзилни ўзгартирган тақдирда ҳам қандайдир хабар қолдирган бўлса керак. Индамай, чиқиб кетиши мумкинми? Ёки мен келгунча бошқа жойда яшаб тур деб, Маматқулнинг ўзи уни кўчириб кетдимикин? Унда нега бу манзилни айтди? Бизни боши берк кўчага тикиш учунми?

Марат Бошбеков ҳовлига чиқадиган эшикка суянганича хаёлидан шуларни ўтказди. Энди нима қилади, индамай

қайтиб кетаверадими? Ортидан бошқа гуруҳ келиб бирор нарса топиб олса, нима деган одам бўлади? Яхшиси, яна бир марта кўздан кечириб чиқади. Бутунлай ишонч ҳосил қилганидан сўнггина “Марказ”га хабар қилиб, ортига қайтади. Шошмагани маъқул. Жосуснинг изига тушдими, энди қўймайди, охиригача олиб боради: Маматқулни ўзи сўроқ қилади, ёнига олиб бирга излайди. Топади! Тамом-вассалом!

Совуткични, эски газ плитасини ва бурчакдаги ранги кўчиб, ойналари хиралашиб кетган жавонни кўздан кечирди. Йўқ. Ётоқ учун танланган каттароқ хонага ўтди ва икки каравотнинг тагини, кўрпа ва ёстиқнинг ораларини титкилади. Йўқ. Қайтиб яна ошхонага кирди, худди шу ерда нимадир борлигини кўнгли сезгандай атрофга синчков нигоҳ ташлади. Унча катта бўлмаган думалоқ стол овқатланиш учун ўртага қўйилган. Атрофида тўртта ёғоч стул, бирининг оёғи қийшайган, бирининг эса суянчиги кўчган. Қолган иккитаси сал тузукроқ эди. Ўтирди, ранги ўнгиб кетган клеёнка шира экан, қўлга чиппа ёпишди. Бу нимадандир дарак берарди. “Демак, шу ерда овқатланишган. Маматқул келавермагач...” Марат Бошбеков ўйларкан беихтиёр оёғи билан полни ура бошлади. Бирдан сергак тортди. Назарида овоз сал ғалатироқ эшитиларди. Шарт ўрнидан турди, пастта энгашиб столнинг тагига қаради. “Текшириб кўрсам-чи”. Шундан кейин дарҳол столни кўтариб сал нарига қўйди ва эски шолчани полдан сидириб олди.

Бу хонада нимадир борлигини кўнгли сезгани рост чиқди: шолча олинганда ертўлага тушиладиган жойнинг ўрни кўринди. Учта пол қирқилиб, қопқоқ қилинганди, ҳатто қалин чилвирдан ушлагичи ҳам бор эди. “Топдим! — деб ўйлади Марат Бошбеков ичида. — Жосус худди шу ерда! Ҳм, тополмайди деб ўйладимикин? Тентак! Яширинган жойини қара? Келиб-келиб подвалга ҳам беркинасаними? Тухта. Балки бу ерда эмасдир? У беркитиб ётадиган жиноятчига ўхшамаяпти. Қизиқ, унда бу ертўлада нима борийкин? Текшириб кўрмасам бўлмайди”.

Йигитлардан бирини чақирди. Қопқоқни очишни буюрди. Чилвирдан ушлаб қопқоқни кўтарган ниқобли аскар ертўла борлигини, ҳатто нарвон қуйилганини айтаркан, қопқоққа ёпиштирилган бир парча қоғозга кўзи тушди.

— Қани, ол-чи!

Аскар йигит қоғозни пистондан кўчириб олди ва бошлиққа узатди. Унда инглизчалаб нимадир деб ёзилган эди. Марат Бошбеков ёзувнинг маъносини тушунмаса-да, худди муҳим бир маълумотни топгандай кўнгли ёришди ва хатни чўнтагига солди. Аммо шу пайт қаттиқ портлаш содир бўлди ва хонадаги жамики нарсалар атрофга сочилиб кетди. Марат Бошбеков билан аскар йигитнинг танаси ҳам тилка-пора бўлди. Дарвоза олдидаги ва ҳояли этагини яна бир бор кўздан кечираётган уч аскар йигитгина омон қолди, холос...

* * *

Сўроққа “Ҳоким”ни олиб келишди. Биринчидан, ёлгон гапиргани, иккинчидан, портлашда қурбон бўлганлар учун таъзирини беришди. Марат Бошбековнинг чўнтагидан топилган хат томнинг шўр тупроғи остида қолгани учунми ёниб кетмаган экан. Тинкаси қуриган жиноятчига шуни кўрсатиб сўроқни бошлади майор Жалил Очилов. У бундан бир соатлар олдин рўй берган портлаш ва унинг оқибатларини ўз кўзи билан кўриб келгани боис ҳамон булоқ каби отилаётган газабини босиб ололмаган эди.

— Бу нима дегани? — сўради майор икки букланган қоғозни “Ҳоким”га кўрсатар экан.

— Тушунмадим, — деди афт-башарасининг моматалоғи чиқиб кетган Маматқул аранг бир кўзини очиб. У шишиб кетган иккинчи кўзини қимирлата олмади ҳам. Биқинидаги оғриқдан эса гавдани кўтаролмай, икки букилиб қолганди.

— Тушунмаган бўлсанг, тушунтираман. Бу ерда “Ҳеч кимга ишонмагин деб айтгандим-ку! Бум!” дейилган. Энди англадингми, маъносини? Хуш, бу қандай пароль?

— Бу ҳеч қандай пароль эмас.

— Нима бўлмаса? Бекордан-бекорга ёзиб қолдирма-гандир? — майор столни муштлади.

— Унга отам вафот этганлигини айтганимда, борма, бу тузоқ бўлиши мумкин, деб огоҳлантирганди, — деб гап бошлади ёрилган лабларини бир-бирига теккиза олмаган Маматқул. — Бизда улим билан ҳазил қилинмайди, ишончли одамлардан сўраб ҳам билдим, рост экан, отамни чиқармасдан мени кутиб туришибди экан, деб гапига қулоқ солмай кетавергандим... Ғирт аҳмоқ ва лақма экансан деб гудранганича қолаверди. Гумони тўғри чиқди. Ростдан ҳам аҳмоқ эканман. Ўша пайтда буни сезмабман.

Сўроқ берувчи ингради, афти буришди. Жим турса бошида ёнгоқ чақилишидан қўрқиб, яна гудранганича гапини давом эттирди:

— Рости, кўнглимга келди, аммо мени аэропортда кўришган бўлса-да, айнан ўша манзилда яшашимни қаердан билиб ўтирибди, деб ўйлабман. Ундан кейин отамнинг юраги ростдан ҳам хаста эди.

— Довондаги постлардан қандай ўтдинг? Ҳеч ким шубҳаланмадимми? Ахир ҳар битта ДАН ходимининг қўлида, йўлдаги ҳар бир назорат постида суратинг турибди-ку? — кўзларидан нафрат сачради майорнинг. — Ёки яширин йўллар билан бордингми? Балки Хўжакент орқали ўтгандирсан?

— Қанақа яширин йўл? Эски йўл икки ҳисса хавфли-ку. Мен довондан ўтдим.

— Ёлгон гапирма. Довондан ўтганингда сени пайқашган бўларди.

— Э, довондан ўтиш ҳам ишми, — мийигида кулди сўроқ берувчи.

— Паспортингни сўраб ҳам ўтирмадимми? — майорнинг ҳамон бу гапларга ишонмагани афтидан шундоқ сезилиб турарди. Рост-да, жиноятчи катта трассада бемалол юрса-я?

ДАН ходимларининг кўзи қаёқда? Бунинг устига асосий назорат пунктларида махсус хизмат вакилларимиз ҳам бор-ку? Қизиқ.

— Командир кулгили гапларни гапиряпсиз-ку. Уйимдан нечта паспорт топдингиз?

— Иккита.

— Яна нима дейсиз?

— Шунақа дегин? Тушунарли! Аммо охири қандай яқунланди? Сени тувоқ кутиб турган эканми? Бизни аҳмоқ қила олмадингми?

— Отамни қабрга қўймасам, узимни кечиролмайман деб уйлабман, — афсус билан бош силкиди “Ҳоким”.

— Нима? Сен-а? Сен ҳам бировни уйлайсанми?

— Отам биров эмас-ку.

— Бундан чиқди, отангни яхши кўрадинг, шундайми? — ижирганиб сўради майор.

— Фарзандлик бурчи деган гап ҳам бор-да, командир.

— Фарзандлик бурчи нима эканлигини ҳам биласанми? Гапир, шунақа нарсаларни биласанми, номард?! — майор бу гапларни эшитиб тутоқиб кетди.

— Ахир... мусулмонман?

— Сен-а? Сен мусулмонмисан? Агар мусулмон булсанг, ҳадисда нима дейилган, ҳар бир мўмин мусулмон бир-бирига дўст, биродар деб айтилмаганми? Мусулмон мусулмонга қурол кўтарадими? Улимга етаклаб борадими? Бегона шахснинг қўлига қурол бериб, ўз миллатдошини оттирадими, аблаҳ!

— Уйга портловчи модда қўйилганидан мутлақо хабарим йўқ. Гапим рост. Билмаганман. Жигархун мен қайтмаганимга изини йўқотиш учун шундай қилиб кетган бўлса керак.

— Агар қопқоқни сен очганингда нима бўларди?! Тил тортмай улармидинг?!

— Ҳа.

— Демак, жосус Жигархун учун сенинг ҳам бир чақалик қадринг йўқ экан-да!

— Сотиб қўймасин деб қутулмоқчи бўлгандир, — деди минғиллаган Маматқул бошини эгиб.

— Ҳали юртингни, миллатингни юзига оёқ қўйиб шу — сени ҳам истаган вақтида итдек отиб ташлашга тайёр турган душманларга малайлик қиляпсанми? Сени ким дунёга келтирди, ким оқ сут бериб боқди, вояга етказди? Ота-онангми? Улар қаерда яшайди? Шу азиз тупроқдами? Бу муқаддас тупроқ нима деб аталади? Биласанми, нима деб аталишини? Ўзбекистон дейилади. Тушундингми, эй, ювиндихўр! Сен яна фарзандлик бурчи ҳақида фалсафа сўқийсанми? Мусулмонман, деб даъво ҳам қиласанми? Туғишганлари, халқи ва мамлакатини сотганларни, душманларга хизмат қилаётганларни нима дейди, биласанми? Биласанми деяпман, лаънати, оқпадар?! Сен хоинсан?! Хоинларнинг жойи эса жаҳаннам!

— Қизишманг, командир.

— Вой, ярамас-ей! — Жалил Очилов бу гапга чидай олмай муштини ишга солди. — Сени деб тўрт киши портлаб кетсаю қизишмайми? А?! Қизишмайми?!

Майор Очиловни чақириб олишди.

Хонага полковник Бўроновнинг ўзи кирди.

— Айбингни енгиллаштириб олишингга имкон бераман. Гапир, Жигархун қаерга яширинган?

— Билмайман. У мени кутиши керак эди.

— Ёнида яна одам борми?

— Бизга озиқ-овқат етказиб турадиган ҳайдовчи борийди.

Полковник унинг исм-фамилияси ва манзилни сўради.

— Исми Пудрат. Фамилиясини билмайман. Уша Тошқўрғон маҳалласида туради.

— Машинаси қанақа? Рақами ёдингдами?

— “Москвич”! Қизил “Москвич”. Аммо номерига эътибор қилмабман. Тез-тез ўзгартириб туради, шекилли.

— Нега бу ҳақида биратула айтмадинг?

— Ҳеч ким сўрагани йўқ-ку.

— Жигархуннинг юртимизга келишдан мақсади нима экан? — сўради полковник қотиллик ва хоинликда айбланаётган йигитнинг кўзларига жиддий тикилиб.

— Менга айтмаган.

— Айтмаганми ёки сен гапиришни истамаяпсанми?

— Улай агар айтмаган. У ҳеч кимга ишонмайди.

— Ҳатто сенга ҳамми?

Маматқул калласини силкиди. Полковник ишонмаса, нима қилиб унга хизмат қилиб юрибсан, ярамас, деб баттар жаҳли чиқиб кетди. Аммо тезда ўзини қўлга олди.

— Сен Жигархун билан қайси тилда гаплашяпсан?

— У форсчани ҳам биларкан. Мен эса тожикчани сал-пал тушунаман.

— Келганидан буён қаерларга борди?

— Эртага байрамга чиқмоқчи эдик. Кейин Самарқандни зиёрат қилишим керак дегандай бўлувди.

— Нега энди, Самарқандга?

— Билмадим. Ниятини ошкор қилмайди, дедим-ку.

— Демак, мана бу хат ҳеч қандай пароль эмас, шундайми? — деди полковник Жалил Очиловдан олиб қолган қогозни Маматқулга кўрсатиб.

Маматқул бошини салгина қимирлатди.

Полковник Бўронов ўрnidан турди. Сўроқни юраги газаб ва нафратдан отилиб кетай деб турган майор Очилов давом эттирди. Маматқулнинг шўри қуриди: агар Ўзбекистонда давлат тунтариши амалга оширилса, Наманган шаҳрига ҳоким бўлиши, такси ҳайдовчини нима мақсадда ўлдиргани, Сакина Пуланинг қўлига берилган қуролни қаердан олгани, кимлар билан алоқа қилиб туришигача айтиб беришга мажбур бўлди.

Терговни кузатиб турган Элёр душманга шафқат йўқ принципида иш кўрувчи майор Очиловдан ҳали кўп нарсаларни ўрганиши кераклигини ҳис қилди. Сакина Пула билан бўладиган навбатдаги сўроқни энди анча жиддий ўтказишни кўнглига тугиб қўйди.

Ишхонага қайтишда майор хатти-ҳаракатларига изоҳ бераркан, шундай деди:

— Эркакми, аёлми душман барибир душман! Чаённи чақмайди деб бўлмаганидай, душманни ҳам ёвузлик қилмайди дейиш нотўғри, албатта. Инсонийликни йўқотган кимсага қандай қилиб яхши муомала қилиб бўлади? Улар ўз ҳаёт йўлларини ўзлари танлаган. Энди шунга яраша савол-жавоб қилмасак, бизни менсимай, яна оёқости қилишаверади. Аслида эртақларда ботирлар аждаҳонинг бошини танидан жудо қилиб тўғри қилишган. Бўлмаса, одамхўр махлуқ уларни ямламай ютган, юртини вайрон қилиб, кулини кўкка совурган. Қани айт, аждар яхши гапни ёки ширин муомалани тушунадими? Тушунмайди! Маматқул, Пудрат, Сакина Пула, Жигархунлар шу куннинг кичик бир аждаҳолари аслида. Юртимизни бундай қабих ниятли махлуқлардан ҳимоя қилиш учун улардан устун булишимиз шарт. Бошқача бўлиши мумкин эмас!

Бу гапларни жимгина туриб эшитган Элёрнинг қалбида душманларга нисбатан қаҳр уйғонди. Айниқса, терговдан чиқиб, Марат Бошбековнинг уйига таъзияга борганда, унинг етим қолган уч фарзандига кўзи тушганда, йиглай-вериб, адойи-тамом бўлган рафиқасидан кўнгил сўрагани кирганда юрагидаги қаҳру ғазаб чин маънодаги нафратга айланди. Кейин бошқа аскарларнинг уйларига ҳам ўтишди. У ерларда ҳам юраги зирқираб кетди. Беихтиёр кўзларидан ёш тўкилди. Эндигина набирасига суннат тўй қилишга тайёргарлик кўриб турган, аммо мана бу бахтсиз воқеа оқибатида ўғлидан жудо бўлган, эртанги тўй ўрнига аза очган отанинг ҳолатини кўриб дили вайрон бўлди.

У шу кечаси, кейинги кунлари ҳам ухлолмади. Кўзини юмди дегунча Марат аканинг учта фарзандини бағрига босганича бева қолган хотини; набирасининг тўйига меҳмон кутиш ўрнига, қайгу ва ғамга ботганича ўғлининг азасига одам кутаётган Зокиржон отанинг эгилган қадди; яна икки она-

изорнинг дарду ҳасратлари кўз олдидан кетмас, бу мунгли, юракни ўртовчи, оғриқли манзараларни асло унутолмас эди.

Аммо ҳаёт давом этарди.

Элёр энди бу нарсаларга кўникиши кераклигини ҳис этди. Тинчлик, осойишталик, бахт-саодат осонлик билан қўлга киритилмаслигини ниҳоят теранроқ англай бошлади.

XL. ДУШМАН ҲИЙЛАНИ ФОШ ҚИЛДИ

Мустақиллик байрами ниҳоятда чиройли ўтди. Шодиёнани бутун халқ нишонлади. Ҳамма бир-бирини қутлаган, муборақбод этган, қувонч ҳады этган. Айниқса, Президент табригини нафақат мамлакат аҳолиси, балки бу тантанани кўриш учун келган юзлаб хорижликлар ҳам катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тингладилар. Азия меҳмонларнинг табриги, қутлови ўзбек халқининг гурурини, ифтихорини оширди, танлаган йўллари тўғри ва порлоқ эканлигини юракдан ҳис қилдилар. Янада буюк ишларни амалга ошириш учун белдаги белбоғни маҳкамроқ боғладилар.

Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари байрамдан сўнг бир оз енгил тортган бўлсалар-да, елкасидан тоғ тушмаганлигини англаб туришарди. Жигархунни қидириш ҳамон самара бермаётгани, манзилни тез-тез ўзгартириб тургани уларнинг ташвишига ташвиш қўшаётган эди. Куну тун қидираётган ИИВда ҳам айтарли натижа йўқ эди.

Юраги сиқилган Элёр отиш машқини бажаришга чалғиб кўрди. У ердан спорт залига ўтиб, қум тўлдирилган қопни муштлади. Кейин бошлиқдан рухсат олиб, Сакина Пулани сўроққа чақиртирди.

— Бугун сен билан хайрлашсак керак, — деди Элёр ҳаёлида ўйлаб қўйган режасига кўра.

Бироқ Сакина Пуладан садо чиқмади.

— Нимага индамайсан? — Таржимон ҳам худди жаҳл билан савол бергандай гапирди.

— Мен миллатимни, ватанимни билмаганимдан кейин қаерда суд қилишларининг нима аҳамияти бор. Америкада умрбод қамоққа сургун қилинганимдан кўра, шу ерда суд қилиб ўлим жазоси беришлари маъқул эмасми? — деди жиноятчи негадир дадиллик билан. Аслида унинг сохта дадиллигининг ортида кетишни, бошқа жойга кўчиришларини истамаётгани яширин эди.

— Масала ҳал қилинган, — деди Элёр ўзини ғалати сезаётган маҳбуснинг фикрини уққандай.

— Жиноятимга иқрор бўлишим айбимни енгиллаштирмайдими? — бирдан Элёрга умид билан тикилди асира.

— Бунга ҳожат йўқ. Одамлар кўз ўнгида содир этган қотиллигинг учун иқрор бўлишинг шарт эмас. Интерпол рўйхатида бўлмасанг-да, Англия ва Америкада портлаш содир этганликда қидирилаётган Жигархуннинг шериги сифатида талаб қилаётган давлат ихтиёрига беришга қарор қилдик.

— Жигархуннинг асл мақсадини айтсам-чи?

— У аллақачон бандаликни бажо келтирган. Энди бунинг аҳамияти йўқ.

— Мен ҳақиқий жасад билан вақтинча тирик мурдага айлантириш учун гримм қилинган сохта “улик”нинг фарқига бораман.

— Бу нима деганинг? — деди ўзини тушунмаганга солган Элёр. Аслида таржимондан бу гапни эшитиши билан унинг юраги ғалати бўлиб кетганди.

— Мени гўл деб ўйладингларми? — совуққонлик билан гапини давом эттирди тутқин. — Сизлар кўрсатган жасаднинг қулоғи ортидаги холни текшириш баҳонасида унинг бўйнига ҳам қўлимни текказиб, томир уришини текширганман. Уша пайтда ўзимни атай бунга билмагандай тутдим. Ҳийланинг давомини кўрмоқчи бўлдим. Демак, Абу Жаллоб ҳамон қўлга тушмаган. Ўлмаган одамни ўлдига чиқариб, маълумот тарқата олмайсан. Чунки у бундай ёлгон хабар-

дан жазавага тушиб, бирин-кетин даҳшатли жиноятлар со-
дир қилиши мумкин. Ахир бундай бўлишини истамасала-
ринг керак? Шундай экан, жаноб Абу Жаллоб туғрисидаги
ҳар қандай сир, маълумот ёки хабар сизларни албатта
қизиқтиради, деб ўйлайман.

— Буни АҚШга юбормаслик учун туқиб чиқардингми? — сир
бой бергиси келмади Элёрнинг. У Сакинанинг сўзларини
тингларкан, “Бу гапларга нима дейсиз, ўртоқ бошлиқлар?”
деган маънода қорайтирилган ойнага нигоҳ ташлаб ҳам ул-
гурган эди.

— Бу уммондан қутулиб кетишнинг имкони йўқ экан,
қолган умримни азобга қўйишни истамайман. Майдон-
га тушган ўйинчи мағлубиятни ҳам тан ола билиши керак.
Хўш, раҳбарларинг билан маслаҳатлашиб кўрасанми?

— Бошлиқлар сени эшитади, — дея ичкарига кириб кел-
ди майор Очилов.

— Сенда мени олиб қолишга ваколат борми?

— Буни фақат Президент ҳал қилади. Мамлакат раҳбари
ёса сени олдинга келмайди. Биз таклифни етказишимиз
мумкин, холос.

— Унда кафолат берсин ва мен Жигархуннинг режасини
айтай.

— Сенинг маълумотинг бундай кафолатга арзиса, биз
албатта илтимосингни юқорига хабар қиламиз. Тош босмай-
диган фактнинг кимга кераги бор?

Сакина Пўла ўйга толди. Майор Очилов билан Элёр
унга тикилганларича сукутга чўмди.

— У... Президент ҳаётига суиқасд қилади!

— Бу вариант бизда бор! — дарҳол жавоб қилди майор.

— Эҳтимол. Бироқ қачон ва қаерда амалга ошириши-чи?
Буни ҳам биласизларми?

— Бу уриниши ҳеч қачон ва ҳеч қаерда амалга ошмайди! —
деди Элёр ишонч билан.

Майор Очиллов Элёрнинг нигоҳидаги қатъият ва дадилликни пайқаб, “ҳа, мана бу бошқа гап!” деб қўйди ичида.

— Бу ерга келишдан аввал юртингиз тарихи билан қизиққанман. Зеҳни уткир, катта салоҳият, билим ва тафаккурга эга бобокалонларингиз ўтган экан. Оддий куз билан мингдан ортиқ юлдузларни текшириб чиққан ва ҳозирги энг замонавий асбоб-ускунлардан олинган натижага деярли бир хулоса чиқарган султон Улуғбек мени лол қолдирди. Тиб илимининг султони Авицинна ҳам юртдошингиз экан. Амир Темур ҳақида ҳам кўп нарсалардан хабарим бор. Яна куп аллома ва саркардаларнинг ҳаёти билан танишдим. Утмингиз буюк, аммо келажагингиз...

— Келажагимиз ҳам буюк! Бунга шубҳа қилмасанг ҳам бўлади! — бу сафар дангал жавоб қилди майор Очиллов.

— Бу... Президентни асраб билишингизга боғлиқ.

— Ватанни қандай ҳимоя қилсак, юртбошимизни ҳам худди шундай асраймиз. Қайтариб айтаман, миянгадги шак-шубҳани тамомила чиқариб ташла! Агар Америка ҳибсхоналарида ўлиб кетмасанг, албатта бу ҳақида эшитасан. Ёки ўзим сенга ёзиб юбораман!

— Майли, ихтиёр сизларда, — деди тарвузи қўлтигидан тушган асира. — Лекин бошқа сафар бундай имконият бўлмаслиги мумкин.

* * *

Бу тергов натижасидан МХХ ходимлари росмана шошиб қолдилар. Сакина Пўланинг жавоби уларнинг юрагига ҳадик солганди: Жигархун наҳот Президент ҳаётига суиқасд қилиш учун келган бўлса?

Дарҳол Президент девонхонасидаги масъул кишилар билан келгусида режалаштирилган сафарлар кўриб чиқилди. Кечқурун эса шошилинич мажлис чақирилди.

— Сентябрь ойининг бошларида Президентнинг Бухоро вилоятига, охириги ўн кунлигида эса БМТнинг Бош ас-

самблеясига бориши ва бу нуфузли ташкилотда нутқ сўзлаши режалаштирилган, — деди раис ўринбосари охирги хабарлардан хавотирга тушганини билдирмаса-да, бир оз гамгин оҳангда.

— Демак, жосус шу икки тадбирнинг бирини мўлжал қилган, шундайми? — уз фикрини ўртага ташлади Ички ишлар вазири.

— Эҳтимол, — деди полковник Бўронов.

— Бутун кучни шунга қаратамиз. Ёнимиздан пашша ҳам учиб ўтолмайди!

— Уртоқ вазир кафолат билан гапиряпсизми? — сўради раис ўринбосари. Унинг салмоқдор гапидан кейин хонага сукут чўкди. Аммо бу жимлик узоқ давом этиши мумкин эмасди. Томоқ қирган вазир ўрнидан туришга мажбур бўлди:

— Кафолатки, бутун эътиборимизни хавфсизликни таъминлашга қаратамиз.

— Душман битта бўлса ҳам душман. Неча кундан бери ортидан қувасиз, аммо ҳалигача тутолганингиз йўқ! У эса шунча одамнинг юрагига раҳна солиб, бемалол юрибди. Ким экан, унинг бу ердаги шайкалари? Эшитдингизми, ҳамон илондек писиб юришганини?

— Хабарим бор.

— Назоратни бўшаштириб юборгансиз! Участка инспекторлари аҳоли билан мутлақо ишламайди! Ўғри, муштумзўр, хоин ва бандитлардан қўрқадиган ходимлар асло сафимизда бўлмаслиги керак! Вилоятларними десам, пойтахтдаям бўйи бир қарич, қовургаси кўриниб турган мелиса ходимлари кўзга ташланиб қоляпти. Албатта улардан бандитлар чўчимайди-да! Чет эл полициясида ишлайдиганларни кўряпсиз-ку, танланг, сиз ҳам. Одамлар гавдали, билагидан куч ёгилиб турган ходимларингизни кўрганда ҳавас қилишсин, кўнгли тўқ бўлсин тинчлигидан, оиласидан. Асосий темадан чалгиганим учун узр. Аммо бу нарсалар ҳам шу қилаётган ишимизнинг қандай самара беришига жуда боғлиқ. Кучадаги оддий кисавур мелиса ходимини кўрганда илиги қалтираб қолиши

керак. Ана шунда ишимизда унум бўлади. Танқиддан эса тўғри хулоса чиқаришни ўрганиш керак. Орадан қанча вақт ўтди, жосусларнинг юртимизга келганига? Хуш, қани у? Қаерда? Ерга кириб кетдимми ёки осмонга учиб кетдимми? Милиса ходимлари ҳар битта уйни текшириб чиқишмай, нима қилиб юришибди? Наҳот шу пайтгача бирорта маълумотга эга бўлмасангиз?! Агар анаву қўлга тушган аёл айтмаса, юраверасизларми... қидиряпмиз деб! Балки у чалгитиш учун айтгандир, сизларни боши берк кўчага тикиш учун!

— Барибир текшириб кўришимиз керак, — деди ИИВ вазири атрофга нигоҳ ташлаб қўяркан.

— Текширинг, топинг!

— Жигархун қўлга тушмаганини биларкан, Сакина Пула нега сирини фош қилдийкин? — фикрини билдирди полковник Бўронов сўзлашга рухсат олганидан кейин.

— Балки бу ростдан ҳам чалгитиш бўлса-чи? — деди ИИВ вазири ниҳоят ўзини қўлга олиб. — Биз унинг гапига ишониб, асосий эътиборимизни Бухорога қаратамиз, Жигархун эса водийда ишини бажариб олади. Шундайми?

— Агар алдамаган бўлса-чи? — полковник Бўронов вазира юзланди.

— Рост гапиришдан нима манфаат бор? Шу ерда суд қилишимиз учунми? Бу кулгили. Ахир ўлимини буйнига олиб турибди-ку.

— Жигархун — балки ёлланган қотилдир?

— Шундай деб ҳам ўйлайлик, аммо кимни ўлдиради? Оддий халқними ёки анави ярамас айтгандай... Нима биз қотилни Президентга яқинлаштириб қўярканмизми? Бу бўлмагур гап! — Ички ишлар вазири энди дадил гапира бошлади.

— Балки вақтни чўзиш учун атай шундай дегандир?

— Мана бу гапингизга қўшилса бўлади, полковник.

Таклиф ва мулоҳаза узоққа чўзилмади. Икки махсус гуруҳ тузилиши ва тез кунларда уларни Бухоро ва Самарқандга юборишга келишиб олинди.

XLII. ҚАРШИ ҲУЖУМ

Сентябрнинг ўрталарида содир этилган мудҳиш ҳодиса Элёрнинг юрагига тиг бўлиб санчилди. Тиг зарбига чидай олмаган юрак вулқон мисол шундай қаттиқ портладики, ундан чиққан оташ бутун вужудини куйдириб адоий тамом қилди. Ҳа, у ўзини йўқотиб қўйди...

Эндигина Мақсуд билан тушликдан қайтиб, ишга берилганди ҳамки, телефон жиринглаб қолди. Нотаниш киши ўзини таништирмади, йўгон овозда дарҳол мақсаддан гап бошлади:

— Яхшилаб қулоқ сол, чемпион. Агар ҳибсда сақланаётган Сакина Пула билан Маматқул озод қилиниб, уч соат ичида Бухоро аэропортига соғ-омон етказилмаса, хотининг ва ўглингдан умидингни узавер! Тушундингми?

— Ким бу?

— Гапни бўлма! Қолганини эшит: Бухорода алоҳида самолёт учишга тайёр туриши керак. Кейин меҳмонимиз Сакина хонимнинг автобусда талаб қилган нарсалар ҳам эсдан чиқмасин! Уларни ўзинг кузатиб келасан! Аэропорт диспетчерининг хонасида телефонимни кут. Вақт кетди!

Нафаси ичига тушиб, ранги бўздай оқарган ҳамкасбини кўрган Мақсуд шошиб қолди. Бир амаллаб нима бўлганини билгач, бошлиқнинг хонасига чопди. Афсуски, майор Очилов икки гуруҳни олиб кеча сафарга кетган эди. Кимга айтади энди?

Полковник Бурунов бу кутилмаган хабардан довдираб қолмаса-да, мушти билан столни урди. Элёрни йўқлаган эди, уйига кетганини айтишди.

Вазирлар Маҳкамаси биносидан ўқдай отилиб чиққан қора "Волга" Элёрнинг ижарадаги уйига етиб келганда ордан ҳеч қанча вақт ўтмаган эди. Ичкарига кирган полковник рангида ранг қолмаган, тиззалаган кўйи ўғилчасининг полда ётган кичкина оёқ кийимига тикилганича анграйиб қолган

йигитга кўзи тушиб гапни нимадан бошлашни билмай останада туриб қолди. Кейин аста келиб залворли қўлини Элёрнинг елкасига қўйди. Шунда бирдан йигитнинг елкалари титраб, силкина бошлади.

— Биз уларни топамиз! Соғ-саломат бағрингга қайтарамиз. Бардам бўл, Элёр!

Элёр фарзандининг жажжи туфличасини титроқ босган бармоқлари билан аста полдан оларкан, энди росмана овоз чиқариб йиглаб юборди! Полковник, бўлди, ўзингни қўлга ол, деган сари юз-кўзларига босиб анчагача ўзини тўхтатолмади.

— Уларни ўзи билан олиб кетса-чи?!

— Ҳеч қаёққа олиб кетолмайди!

— Муҳаббат тамом бўлгандир.

— Қани, кетдик, шошилмасак бўлмайди! Улар истаган пайтда сенга телефон қилиб қолишлари мумкин. Қаердан қўнғироқ қилаётганини аниқлашимиз керак. Тур, турақол.

Элёр ётоқхонага кирди ва томбочка устидаги суратга тикилди. Эр-хотин ўғилчаларини ўртага олиб расмга тушишган эди. Суратда митти қўлларини олдинга узатганича жилмайган Жалолиддиннинг ажойиб ҳолати акс этган эди. Бу расмга доим нигоҳи тушганда мийигида кулиб кўядиган Элёр бу сафар жилмая олмади, эндигина йигидан тўхтаган қалбини баттар ўртаб, кўзларини яна ёшга тўлдирди. “Ярамас, итваччалар! Кучларинг келиб-келиб шуларга етдими? Мард бўлсанг майдонга чиқмайсанми? Йўқ, сенлар мард эмассан, пана-панада писиб иш кўрадиган номардсанлар! Энди сенларга шафқат йўқ. Энди соғ қўймайман!”

Ишхонага қайтишди.

— Ижарада турасанми? — сўради полковник Бўронов ҳайдовчи олдида жимгина келаётган Элёрдан.

Кўнгли алғов-далғов бўлиб турган йигит гапиролмади. Бошини аста қимирлатиб қўйди, холос.

— Нега шу пайтгача уй сотиб олмадинг?

- Энди ҳаракат қилаётгандим.
- Жалил билармиди, ижарада туришингни?
- Ҳа.
- Уғлинг неча ёшда?
- Ҳали бирга ҳам кирмаганди.

Полковник бир зум ўйланиб қолди. Ён дафтарчасига нимадир деб ёзиб қўйди. Бу пайтда машина МХХ биноси олдига етиб келганди.

- Сафардан қайтгач, ёдимга сол.
- Нимани? — ҳайрон бўлиб сўради Элёр шумшайиб машинадан тушаркан.

— Уй масаласини ҳал қиламиз. Ҳозир эса хонангда бўлиб тур. Бухорога бирга кетамиз. Хабар беришим билан айтилган жойга етиб борасан, тушундингми?

- Тушундим, ўртоқ полковник.
- Қаддингни кўтар, чолларга ўхшамай. Оилангни топамиз дедим-ку сенга!

Элёр гавдасини ростлади. Бироқ сал юргандан кейин елкалари яна беихтиёр осилиб қолди.

Ишхонада эса унинг атрофини ўраб олишди. Шундоқ ҳам куни кеча содир булган айрилиқ — бўлим бошлигининг уринбосари Марат Бошбековнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши, террорнинг қурбонига айланишини бу ердагилар ҳазм қилолмай, қайғуга ботган эди. Бир сўз билан айтганда бўлимда мотам ҳукмрон эди. Энди Элёрнинг оиласи билан содир бўлган кўнгилсиз ҳодиса, эзилган қалбларни баттар титратиб, зирқиратиб юборди. Булимда тўртта ходим қолган эди, қолганлар майор Жалил Очилов билан хизмат сафарига кетганди. Хонага бирин-кетин кириб келган капитан Мирзааҳмад Носиров, лейтенант Ўринбой Деҳқонов ва сержант Валентина Кабировалар Элёр билан қучоқлашиб, қулини сиқиб кўришган бўлсалар-да, гапни нимадан бошлашни билмай қолишди.

— Уйда бирор хабар қолдирмабдими? — ҳамхона сифатида гап бошлади Мақсуд.

Элёр бошини тебратди.

— Қандай содир бўлганини ҳам билмайсанми? — сўради ёши Элёрдан бир оз каттароқ бўлган капитан Носиров. Қирра бурунли, оқ-сарикдан келган, баланд бўйли бу кишини баъзилар озарбайжонликларга ўхшатса, айримлар қалин мўйлабидан грузинларга ҳам ўхшатарди.

— Қушни хотиннинг айтиши бўйича Муҳаббат ўғлимни кўтариб кетаётганда қора “Волга”дан бир формали киши тушиб, машинага таклиф қилибди. Муҳаббат эса бир пас чиқмай турибди, аммо...

— Бирор ерга бормоқчи эдими? — деди аёлларга хос безовталик билан Валентина Кабирова.

— Эрталаб... поликлиникага чиқамиз дегандай бўлувди, ўша ёққа кетаётган бўлишса керак, — Элёрнинг ичидан қиринди утди. — Аттанг, бормагин десам бўларкан.

— Демак, хотининг бегона кишилар формада бўлгани учун шубҳа қилмаган, — деб дарҳол фикр билдирди капитан Носиров.

— Балки улар... сизни қўриқлашни менга топширишган деб... Муҳаббатни аврагандир, ёлгон гап билан, — Валентина Кабированинг ичи ачишиб тургани шундоқ юз-кўзларидан билиниб турарди.

— Бўлим бошлиғига хабар берамизми? — сўради тоқатсизланган лейтенант Деҳқонов.

— Полковникдан нима кўрсатма олдинг? — деб қўлини Элёрнинг елкасига ташлади капитан Носиров.

— Бухорога кетишга тайёрланиб тур, дедилар.

— Демак, жосусларни Бухорога олиб борасизлар!

— Ярамаслар!

— Ташвиш тортма, оилангни жиноятчилар қўлидан озод қиламиз!

— Ҳа, биз сен билан биргамиз!

Капитан Носиров унвони катта офицер сифатида вази-фаларни тақсимлашга киришди. Дарҳол хизмат телефонига

эшитиш мосламалар ўрнатилди. Кўнғироқни қайси худуддан бўлганини аниқловчи аппаратлар ишга туширилди. Бироқ вақт ўтиб борарди. Бунга сари Элёр жойида ўтира олмас, хона бўйлаб юргани юрган эди. Полковник юзага келган кўнгилсиз ҳодисани юқорига хабар беришга кетган эди. Нималар бўляпти? Қандай чора кўриляпти? Оиласини қачон ва қандай йўл билан қутқариб олишади? Жиноятчиларнинг талаби қондирилмаса, нима бўлади? Муҳаббат билан ўғлининг тақдири...

Ваҳимадан даҳшатга тушиб бораётган Элёр бу саволларга ҳозироқ жавоб топишни истарди. Ҳамма жим. Сукут ичра ўтаётган ҳар бир дақиқа эса унинг оғриқдан тўлғанаётган юрагини баттар эзар, эзгилар эди. Муҳаббатга ҳеч нима қилмадимикин? Уғлига-чи? Уларни қаерга олиб кетишди, қандай шароитда ушлаб турибди? Ишқилиб, азоб бериш-маяптимикин?

Ўйлаган сари вақт имиллаб ўтганга ўхшарди. Полковник Бўронов юқоридан нима кўрсатма олдийкин? Асирга олинганларни Бухорога олиб боришга розилик берилдими ёки... Ёқидан кейин ўйлаш жуда оғир эди. У ёғини ҳатто тасаввурига ҳам келтира олмасди. Хавфли икки қотил, самолёт, анчагина пул, қуро-яроғни унинг хотини ва ўғлига алмаштириш керак! Бу амалга ошадиган ишми ёки...

Яна ёки... Элёр сабри чидамай қолди. Наҳот, бу масала ҳал қилинмаса? Полковник нима қиляпти ўзи? Балки у содир этилган одам ўғирлашни юқорига ҳамон қандай етказишни билолмай бошини чангаллаб ўтиргандир? Агар бирор кўрсатма олганда дарҳол телефон қилиб айтган бўлмасмиди?

Энди нима қилади? Ўзи излашга киришсинми? Бироқ қаердан излайди? Балки Бухорога борар? Терговдагиларни озод қилиб самолёт орқали мамлакатдан олиб кетишни режалаштирган экан, уларнинг ҳаммаси ўша атрофда бўлиши керак. Элёр сейфдан қуролини олди. Ҳимоя камзулини ҳам унутмади. Ниятини Мақсудга айтди.

— Бухорода нима қиласиз? — ҳайрон бўлди Мақсуд.
— Оиламни қидириб топишим керак!
— Уларни шунча йўл босдириб Бухорога олиб боради деб уйлайсизми? Йўлда дарҳол тутиб олишади-ку. Менимча, оилангиз шу ерда. Жиноятчилар самолётга чиқиши билан манзилени айтишса керак.

— Менимча эса уларни алақачон Бухорога олиб кетишган, — деди қўллари мушт бўлиб сиқилган Элёр алам билан. — Самолётга бирга олиб чиқишлари ҳам мумкин. Қўзлаган манзилларига етиб боргунча гаровда ушлаб туришса-чи? Қўйиб юборишмаса, нима қиламан? Мен кетишим керак. Ҳозироқ йўлга тушмасам бўлмайди.

— Топшириқни кутмайсизми?
— Полковник масалани ҳал қилолмаганга ўхшайди.
— Ахир Президент Бухорога учиб кетган-ку.
— Э-ҳа, Нақшбандийнинг юбилейини ўтказишга кетганлар-а? Қара, ёдимдан кўтарилибди.

— Полковник шунинг учун боғлана олмаётгандир?
— Балки.

Шу пайт ногоҳ телефон жиринглаб қолди.

— Бўйруқни эшит: тезда халқаро аэропорт биноси олди-га етиб бор! Уша ерда кўришамиз, — гўшакдан полковникнинг овози эшитилди.

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник!

Бир оз енгил тортган Элёр хонадагилар билан апил-тапил хайрлашиб, аэропортга йўл олди...

ХЛІ. ЖИНОЯТЧИНИНГ ТАЛАБИ

Бухоро аэропорти. Диспетчер хонаси.

Улар ҳали нафасларини ростлаб олишга ҳам улгуришмаган эди. Бирдан телефон жиринглади.

— Етиб келдингми, чемпион? — деган овоз келди гўшакдан.

Диспетчер хонасидаги эшитиш мосламалари полковник Бўроновнинг ишораси билан ишга тушди.

— Шу ердан, — жавоб қилди Элёр газабини аранг босиб. Бироқ тишлари беихтиёр гижирлаб кетганини узи ҳам сезмай қолди.

— Меҳмонлар қаерда?

— Ёнимда, — деди Элёр берилган кўрсатмага мувофиқ.

— Трубкани бер, Сакина хонимга! — номаълум шахс буйруқ берди. Унинг овози жуда хотиржам эди. Элёр қўлида туз кўзир қартаси бўлгани учун бемалол сайраяпти, деган хаёлга борди. Безбетларча, назар-писанд қилмай айтилган гап унинг юрагини нафратга тўлдирди: “Агарда қўлимга тушсанг, шу буйруқ қилган тилингни сугуриб оламан!”

Элёр гўшакни сиқиб ушларкан, дағдагага муносиб жавоб кайтарди:

— Шошма! Аввал хотинимнинг қаердалигини билмоқчиман! Қани, улар?

— Ужарлигинг рост экан, чемпион. Улар ҳам менинг олдимда.

— Гаплашмоқчиман!

— Мана, эшит, хонимчангинг овозини.

— Алло, алло, Муҳаббат. Яхшимисан? Жалолиддин қалай? Сизларга ҳеч нима қилишмадимми? Йиғлама! Йиғламай, бирор нарса десанг-чи? Қаердасизлар? Жалолиддин олдингдами? Қулоқ сол, йиғламай гапимни эшит деяпман! Қўрқма, эшитяпсанми? Асло чўчима! Мен сизларни... Алло, Муҳаббат! Алло! Трубкани унга бер, ярамас! Ҳали овозини эшитмадим.

— Бас, қил ўкиришни! Хотинингга жин ҳам ургани йўқ, ўтирибди сувга тушган мушукдай қунишиб. Энди трубкани меҳмонимизга бер! Вақтни чўзма, деяпман сенга!

Элёр полковникка нигоҳ ташлади, имодан сўнг гўшакни қўли кишандаги Сакина Пулага узатди. Энди гердайишни бошлаган жосус совуқ тиржайиб шу ердалигини билдирди. Кейин “Ҳоким” ҳам келганини маълум қилди.

Элёр бурро-бурро жавоб қилаётган жинойтчига тикиларкан, унинг самолётдаги гапини эслади.

... — “Ҳоқим”нинг қўлга тушганини кўриб қутулиб кетиш ҳақидаги умидим пучга чиққанди. Бироқ ўликхонада сохта Жигархуннинг “мурда”сини кўриб, ҳали ҳаммаси тугамаганига ишондим, — дея Сакина Пуланинг гапларини Элёрга етказди таржимон йигит.

Элёр полковникка юзланиб, гаплашишга изн сўради.

— Агар томирини ушлаб кўрмаганингда ишонарминдиг? — сўради Элёр мункайиб утирган Сакина Пуладан. Қадди доллигига сабаб у ҳамон шерикларини шундай қалтис ишга қўл урганига унчалар ишонқирамаган эди.

— Балки ишонардим. Чунки гриммни жуда ўхшатган эди. Бунинг устига кўнглим беҳузур бўлиб зўрга чидаб тургандим. Кейин ўйладим, бу аянчли шароитни ҳам атай қилишгандир деб. Кўп ишларинг мени ҳайрон қолдиргани рост. Инглиз ва форс тилини яхшилаб ўрганиб олсанг, сендан яхшигина агент чиқади. Агар чинданам қутулиб кетсам, балки мен билан кетиб ҳамкорлик қиларсан. Истаган давлат фуқаросининг паспорти, етарлича маблағ ва уй-жой билан таъминлашга кафолат бераман.

— Сен кимсан? Ўзинг бошқаларнинг қўлидаги қўғирчоқ бўлсанг, қандай кафолат ҳақида гапиряпсан?

— Сен ҳали кимлигимни, нималарга қодир эканлигимни билмайсан-ку?

— Аввал ким бўлганингни билмадиму ҳозир икки бегуноҳ одамнинг ўлимига сабабчи бўлган қотилсан!

— Жигархун айёр одам. У оилангни гаровга олибдими режасини амалга оширмагунча қўймайди.

— Қанақа режасини?

— Сабр қил. Бухорога боргач, ҳаммасини уз кўзинг билан кўрасан.

— Нима қилмоқчи?!

— Сен яхшиси ҳозир айтган таклифимни уйлаб кур. Оилангни ҳам олиб кетишинг мумкин. Айтгандай, улар тайёр турибди, — деди Сакина Пула сурбетларча. Кейин сохта жилмайиб қўшиб қўйди. — Энг муҳими, кўнглинг тусаганидай яшайсан.

Бу гапни эшитган Элёр ўрнидан туриб кетди ва ёнида ўтирган Маматқулнинг чаккасига мушт туширди, олдинги ўриндиқдаги Сакинани эса ўнг қўли билан бўға бошлади. Полковник уни аранг тўхтатиб қолди...

Сакина Пула гаплашиб бўлди чоғи, телефон гушагини Элёрнинг олдига ташлади. Асиранинг бу қилигидан қони қайнаган йигит ўзини аранг босди, агар ёнида полковник бўлмаганда аяб ўтирмаган бўларди. Ноилож гўшакдан келатган дағал овозга қулоқ сола бошлади.

— Ярим соат вақтинг қолди чемпион! Агар биз талаб қилган самолёт учиш йўлагига қўйилмаса, аввал ўғлингни, кейин хонимчангнинг мурдасини олдингга жўнатаман!

— Шошма, аввал гапни эшит. Бухоро аэропортида фақат яқин вилоятларга учадиган самолётлар бўлади, холос. Сенга шунақа кичик самолётлар ҳам бўлаверадими?

— Энг ками “ТУ-134” бўлиши керак.

— Хотиним билан яна гаплашмоқчиман...

Алоқа узилди. Диспетчер хонасидаги мутахассислар қаердан кўнгироқ бўлганини аниқлай олишмади. Уларга яна бир неча сониялар керак эди.

— Яхши, яна кўнгироқ бўлса, боя тайинлаган гапларимни айтиб, вақтни чўз. Қўрқма, улар пул, қурол ва самолётсиз ҳеч қаерга кетолмайди. Шундай экан, оилангдан кўнглинг тўқ бўлсин!

Полковник Бўронов гапини тугатмаган ҳам эдики, ичкарига майор Жалил Очилов кириб келди. Элёр бошлигини кўриб, томоғига тиқилган нарсани аранг ютди.

— Бутун шаҳарни оёққа турғиздим. Нақшбандийнинг юбилей тадбири ўтаётган жойнинг уч километр радиусида

бирорта шубҳали зот йўқ. Президент ўта сергаклик билан қўриқланыпти, ўртоқ полковник, — аввал ҳисобот берди майор.

— Балли, азамат! Хўш, Жигархуннинг изига тушолдингми-йўқми?

— Қидиряпмиз, ўртоқ полковник.

— Ҳечқиси йўқ, у туллакни барибир топамиз. Энди буйруқни эшит! Гаровга олинган Элёрнинг оиласини топишимиз ва уларни душман қўлидан қутқариб олишимиз керак! Аэропорт атрофидаги кўз тушмаган бирор тешик қолмасин! Ҳозир ихтиёрингга вилоятдаги ҳарбий қисмларнинг аскарлари ҳам етиб келади.

Майор Элёрнинг ёнига келиб, кўзларига тикиларкан, елкасидан ушлаб “Бардам, бўл!” деди. Элёрнинг кўзларига ёш тўлди. Майор аста Сакина Пула томон қадам ташлади, жосуснинг безрайиб турган кўзларига қаради, сўнг унинг нигоҳлари Маматқулга кўчди.

— Ҳа, итвачча! Кимларнинг итялогини ялаб юрибсан? Гапир, гаровдагилар қаерда?

— Билмайман.

— Бу жавоб эмас! Уларни қаерда ушлаб туришибди, деб сўрадим?

— Улай агар, хабарим йўқ!

— Ўртоқ полковник, рухсат этинг, уни шу ернинг ўзида итдай отиб ташлай!

— Қочишга урингани учунми? — полковник Бўронов бўлим бошлиғининг фикрини уқиб, Маматқулнинг кўнглига баттар ғулгула солди. Майор туппончани ўқлаб, кўзлари ола-кула бўла бошлаган “Ҳоким”нинг терга ботган пешанасига тиради.

— Сен итялоққа ўқ ҳам ҳайф. Аслида Маратнинг ўрнида сен бўлишинг керак эди. Ушанда ўлиб кетганигда йўқ, ўлмай майиб-мажруҳ бўлиб қолганигда жуда кўнгилдагидай иш бўларди!

Шу пайт телефон жиринглади.

— Йигирма дақиқа вақтинг қолди, чемпион! Агарда шу муддат ичида йулакка самолёт кўйилмаса, Президент самолётини гаровга оламиз. Агар вазият шу даражага етиб келса, сенга телефон қилиб ўтирмайман! Демак, бола-чақангни тирик кўрмайсан!

— Сен ҳам Сакина билан “Ҳоким”ни ололмайсан!

— Тушунаман, жонга жон!

Алоқа яна тўхтади.

— Тадбир тугашига қанча қолди? — бирдан иргиб ўрнидан турган полковник майорга юзланди.

— Йигирма минут!

Айтилган муддатнинг бир-бирига мос келиши полковник Буроновни шошириб қўйди.

— Кетдик, — дедию, ташқарига отилди.

Кетидан Жалил Очилов билан Элёр Одиров югурди.

XLIII. ҚАМАЛ

Қўнғироқдан аввал, яъни ўн дақиқалар олдин — нотаниш киши Элёрга ярим соат вақтинг қолди, деб огоҳлантирган пайтда аэропортга “Тез ёрдам” машинаси кириб келди ва Тошкентдан учиб келган самолётда борт инженерининг аҳволи оғирлашиб қолган экан, ҳозиргина диспетчер хонасидан қўнғироқ қилишди, уни тезда касалхонага олиб кетишимиз керак, деган ваз жўрсатиб ичкарига киришмоқчи бўлди. Постда турган назоратчилар энди бунга аниқлик киритмоқчи эди, бирдан қўнғироқ бўлиб, “Тез ёрдам” машинаси келса, қўниш майдонининг бир четида пойлаб туришини айтишди. Шундоқ бўлса-да, назоратчи йигит машинанинг ичига — бир эркак ва бир аёлга, сўнг ҳайдовчи ўтирган жойга диққат билан назар ташлагандан кейингина катта темир дарвозанинг бир қанотини очди. Ичкарига кириб олган машина бир оз олдин Тошкентдан келган самолёт томон эмас, негадир

тўғри Президент самолёти турган тарафга йўл олди. Трап олдида турган икки махсус хизмат вакили машинадан тушиб келган дўхтирларни тўхтатишди.

— Борт инженерининг юраги ёмон бўлиб қолибди-ку, — деди ўрта ёшлардаги дўхтир жиддий оҳангда.

— Бизда бундай маълумот йўқ.

— Унда, сўра, бил. Нега қаққайиб турибсан? Бу самолёт яна ярим соатдан кейин учиб кетишини биласанми ўзи.

— Илтимос, носилкани олишиб юборинг, — чиройли жилмайди “ҳамшира қиз” чап томонда турган йигитга қараб.

Самолёт гаровга олиниши мумкинлигини умуман ўйлаб кўрмаган, буни ҳатто тасаввурига сигдиролмаган соқчининг бири гўзал ҳамширага ёрдамга шошилди. Ёши сал каттароқ иккинчи соқчи — хаёлни чалғитадиган паривашга эътибор бермай самолёт ичидаги аҳволни билиш учун рақияни энди қўлига олганди овози чиқмайдиган тўппончадан орқа миясига ўқ еди ва шилқ этиб ерга қулади. Машинанинг орқа эшигидан носилкага қўл узатган иккинчи соқчи ҳам шу тарзда ўққа учради, олдинга энгашиб қолган йигитни ичкарига олиш қийин бўлмади. Дўхтир унинг оёқларидан, ҳамшира эса қўлларидан тортиб, бир зумда ўртага жойлади. Бу пайтда ҳайдовчи ерда ётган соқчини судраб келиб, ичкарига олишга тайёр қилиб турган эди.

Тепага кўтарилган дўхтирлар самолёт ичидаги хизматчиларни аяб ўтиришмади. Бу самолётга бегона одамнинг яқинлашишга юраги дов бермаслигига ишонган яна икки соқчи ва стюардесса аёл доғда қолди. Оқ халатнинг ичига яширинган автомат уларнинг ҳаётига зомин бўлди. Сал орқароқдаги соқчи қурол чиқаришга улгурди, аммо отишга фурсат етмади.

“Тез ёрдам” машинасини шундай ёнилги бакининг тагига қўйиб, тепага чиққан ҳайдовчи самолёт эшигини маҳкам ёпди.

МХХ ходимлари самолёт ёнига етиб келгунча шундай воқеа бўлиб ўтган эди. Полковник "Тез ёрдам" машинасига кўзи тушгандаёқ кўнглига ёмон фикр келди. Машина ичига назар ташлашди, бироқ бўялган ойнадан ҳеч нимани кўриб бўлмади.

— Эшик очиқ экан, — деди Элёр кабина ичини текшириб, — калит ҳам жойида турибди. Нарироқ олиб бориб қўяйми?

— Тегма, калитга! — трап олдидаги қонни бармоқлари билан ишқаб кўраётган полковник бирдан бақириб юборди. У самолёт қўлга олинганини сезиб, юраги орқасига тортиб кетди. — Калитни бурасанг, машина портлаб кетиши мумкин!

— Йўғ-е? — бу гапга Жалил Очиловнинг умуман ишонгиси келмади.

— Ички ишлар бошқармасига кўнгироқ қил. Махсус отрядни бу ерга юборсин! Қани, кетдик!

— Қаерга?

— Ёрдам келгунча таваккал қилиб кўрамай, — деди полковник трапдан тепага кўтарилар экан. — Вақт йўқ, ҳадемай тадбир тугайди. Кутиб ўтиролмаймиз! Қани, ортимдан! Эшик очилиши билан менинг ортимдан ичкарига огилиб кирасизлар! Сен орқани, сен эса олд томонни нишонга оласан. Уйлаб ўтиришга фурсат йўқ! Тушунарлими?

Полковник эшикни муштлиди. Анчадан кейин оқ халатли нотаниш йигит эшикни очди. У кўринишидан дўхтирга ўхшамасди.

— Кимсан? Бу ерда нима қиляпсан? — деди полковник безрайиб турган кишига.

— Узинг-чи? — яна совуқ муомалада бўлди "дўхтир".

— Полковник Буронов! Миллий хавфсизлик хизмати.

— Хуш, нима керак сенга?

— Қани, ҳужжатингни кўрсат-чи?

— Хужжатми? Мана, марҳамат! — Нотаниш духтир шундай деб халатининг олдини очди ва белига айлантриб боғланган портловчи мосламани кўрсатди.

Полковник худди шундай вазиятга дуч келишини ўйлаган эди, шунинг учун фурсатни қўлдан бермади: қўлини мослама тугмасига юбораётган йигитнинг устига ўзини ташлади. Мосламани кўриб полковник ўзини орқага олади, қўрқиб кетганидан шартимизга кўнади ва уни ҳам гаровга оламиз, деб ўйлаган бандит вақтни бой берган эди: устига отилган гавдани кўтаролмай ортига йиқилди. Элёр билан Жалил бирдан ҳаракат қилишди ва келишилгандай бири самолётнинг орқа, бириси олд томонига нигоҳ ташлади: Элёр автомат кўтариб турган оқ халатли бандитнинг башарасини нишонга олди. Майор тўппонча ўқталган аёлни тириклайин қўлга туширишни ўйлаб, унинг елкасини мўлжал қилди. Ўқ ўнг қўлини силаб ўтган жиноятчи аёл оғриқни сезса-да, жавоб қайтаришга улгурди: Жалил Очиллов сонидан ярадор бўлди. Яхшики, иккинчи ўқ нишонга тегмади, бўлмаса, тиззасининг кўзи ёрилиб кетарди. Жиноятчи аёл ўзини учувчилар хонасига урди. Элёр полковникка ёрдамга ошиқди, типирчилаб портлагични ишга туширмоқчи бўлган йигитнинг бошига кетма-кет мушт солди.

Ҳушини йўқотган йигитнинг қўллари орқага қайрилиб, кишан солинди.

— Элёр самолётни текшириб чиқ! — буюрди полковник учувчилар хонаси томон отиларкан. — Қизни ўзим қўлга оламан. — Жалил, бир пас чида!

Учувчилар хонаси ичидан беркитилган эди. Гап-сўзлар қор қилмади. Самолёт атрофи қуролланган аскарлар билан ўраб олинганини кўрган жиноятчи тўппончани чаккасига тўғрилади. Эшикни бор кучи билан тепган полковник сал бўлмаса кечикарди...

Самолёт ҳожатхонасидан оғзи, қўллари ва оёқлари боғланган борт инженерини топишди. Унинг лаблари ёрил-

ган, юзи қонталаш ва кўкарган эди. Мутахассис учиш вақтида керак бўлиши мумкинлигини ўйлаган бандитлар уни ўлдиришмаган эди.

Полковник Буронов “Тез ёрдам” машинасини юк кўтаришга мўлжалланган кара билан кўтариб, хавфсиз жойга олиб кетишни буюрди. Унинг ўрнига худди шундай бошқа машина қўйдиртирди. Қуроолланган соқчиларни самолёт ичига яширди, майдондаги аскарларни эса йўловчиларни ташийдиган махсус автобусга беркиниб, командани кутишни тайинлади. Элёрни дарҳол диспетчер хонасига, Жалилни эса шифохонага жўнатди. Ҳамма нарса табиий кўриниши керак эди. У самолёт гаровга олингандаёқ Жаллоб Жигархун унда қочиб кетишни режа қилганини, ҳали замон келиб қолиши мумкинлигини пайқаган эди. Тажрибали офицер янглишмаган экан, орадан ҳеч қанча ўтмай рақиядан “Бургут учишга шайми?” деган овоз келди.

Бу Жигархуннинг эмас, уни қўриқлаб юрган Маматқулнинг ўрнига тайинланган янги “Ҳоким”нинг овози эди.

— Бунинг учун бургутнинг бағри тўлиши керак, — жавоб қилди айбини енгиллаштириш имконига эга бўлган “Ҳамшира”.

— Учиш йўлагига утилсин!

— Бажарамиз! — жавоб қилди “Ҳамшира”. — Бироқ самолёт ёнида “Тухум” ортилган машина турибди. Уни нима қилишсин?

— Учарга айтсанг, тухумни синдирмасдан аэропорт биносининг олдига олиб боради. У машина ҳали одамларни ваҳимага солиш ва чалгитиш учун керак бўлади. Тушундингми?

— Ҳа.

— Эшон қани?

Эшон деганлари автомат кўтарган дўхтир — Элёрнинг туппончасидан кўзидан ўқ еб улган жиноятчи эди.

— Учиш хонасида, — жавоб қилди “Ҳамшира” полковникнинг турткисидан сўнг.

- Унга тайинла, бирор хавф-хатар сезса зудлик билан хабар берсин.
- Тушундим.
- Робия.
- Эштаман.
- Ҳаммаси жойидами ўзи?
- Ҳа. Қачон келасизлар? Хужайин сиз биланми?
- Озгина сабр қил.

Ҳамшира кийимидаги аёлнинг исми Робия бўлиб, Жигархун келган куниёқ уни никоҳига олган эди. Аслида бу ҳоким бўлиш илинжида юрган Маматқулнинг ҳадяси эди, никоҳни ҳам унинг ўзи ўқиганди. Аёлнинг бу ерга келганининг боиси, Жигархун уни ўзи билан олиб кетишга ваъда берганди.

Робия қўлга тушганидан кейин ҳеч қаерга кета олмаслигини билди шекилли, полковникнинг шартига кўниб, айтганларини бажараётган эди. У елкасидаги оғриқнинг кучини энди-энди сезиб, пешанасини тириштирди. Полковникнинг ишораси билан унга ёрдам кўрсатилди. Ҳамма нарса жинойий гуруҳнинг бошқа — ҳозирча аэропорт ташқарисида пайт пойлаб турган энг хавфли аъзоларини кутиб олишга шай эди.

— Буйругимсиз отилмасин! — яна бир марта такрорлади полковник Буронов. — Уларнинг қўлида гаровга олинганлар бўлиши мумкин.

Снайперлар бирин-кетин ҳужумга тайёр эканлигини билдириб, тасдиқдан ўтишди.

XLIV. БАРБОД БЎЛГАН РЕЖА

Ўзбекистонга келган замониёқ ҳаловатини йўқотган Абу Жаллоб Жигархуннинг жигари ростдан ҳам хун бўлган эди. Сакина қўлга тушиб, кайфиятини йўқотган бўлса, Маматқулнинг осонгина тузоққа тушиши бутун режаларини алғов-далғов қилиб юборди. Энди у кимга ишонишни бил-

май қолди. Бу ерда тайёрлаган портловчи механизмларини Маматқул билан яширинган уйда синаб кўрганидан кейин Робия билан иш кура бошлаган ва у тавсия қилган кишиларнигина ёнига олганди. Кечалари манзилени ўзгартириб-ўзгартириб Бухорога етиб келгунча она сути оғзига келди. Маматқул ва Сакинасиз бирор иш чиқаришга кўзи етмай, ҳар эҳтимолга қарши деб ҳамроҳини қўлга туширган Элёрнинг оиласини гаровга олганди. Бу унинг режасида йўқ эди. Аммо шундай қилишга мажбур бўлди. Шу йўл билан Сакинани қутқариб оламан, деб ўйлаганди.

Шунча пайтгача қочиб юришдан бошқа иш қилолмаган Жигархун барча аламини Бухорода олишга қасд қилганди. Бу ерга тадбирдан анча аввал етиб келса-да, портловчи механизмларини тайинли жойга яширишнинг эпини қилолмади. Вилоят ҳокимлигининг биноси қаттиқ қўриқланар, ичкарига шубҳали юк олиб киришнинг иложи йўқ эди. Ташқарига — бино атрофига қўйишдан эса у наф йўқлигини билар, шунинг учун хуноби ошган эди. Охири қўлига снайперчиларнинг милтигини олди. Бироқ йўллар, тадбир ўтадиган бино атрофига қурол билан яқинлашишининг имкони йўқ. Унинг бу ўйлаган режаси ҳам барбод бўлганди.

Энди охириги умиди гаровга олинган самолётда эди. Қўлга тушмай самолётга чиқиб олса бас, у ёғи бир гап бўлар. Аслида Жигархун шу бугун мўлжаллаган ишини тугатиб, гаровга олинган самолётда Австралияга учиб кетмоқчи эди. Бироқ, энг асосий ишни удалай олмай чунонам бўғилардики, Сакина Пулани қутқариш учун Бухорога олиб келтирганига энди афсуслана бошлади. Аслида режадаги ишни бажаргач, мамлакатда саросима ва тартибсизлик бошланганда шундай қилсам бўларкан, деб ўзини айблади. “Ана ўшанда иш осон кўчарди, эгаси йўқ пода ҳар томонга тарқалганидай, вазиятдан фойдаланиб, Ўзбекистондан силлиқина чиқиб кетардим”, дея хаёлига келган кейинги фикрини маъқуллаш бошлади.

Зиммага олинган топшириқни бажармасдан қайтиш ўлим билан баробар эди. Бу нарса муҳокама қилинмасди. Айтилган сўз, отилган ўқ! Дарҳақиқат, у илондай тўлғона бошлади. Оддий, ҳали унчалик тараққий этмаган, мустақилликка ҳам эндигина эришган давлатда ягона режанинг йўққа чиқарилиши тажрибали киллер, халқаро жинойтчилар орасида “Шарпа” деган лақабга сазовор бўлган террорчи учун жуда аламли ҳол эди. У буюртмачиларнинг ҳар эҳтимолга қарши захира режасини тузиб ол, деганларига гаши келиб қараган ва менсимай қўл силтаган эди. Энди уларга нима дейди? Эпломладим, деб борадими? Бўгила бошлаган Жигархуннинг хаёлига шу тобда мудҳиш уй келди: “Э, ҳали бу ердан чиқиб кета оламанми, йўқми? Ишқилиб, ёлланган одамлар бошлаган ишни охирига еткази олишсин-да”.

Жаллоб Жигархун шунча машмаша ва кўнгилсизликка сабаб бўлган “юк ташувчи” қиёфасидаги — МХХ ходими Элёр Одиловнинг оиласини ўлдириб юбормоқчи ҳам бўлди. Бироқ учиб кетмасдан туриб буни ҳам қилолмаслигини пайқади: вазият янада мушкуллашади ва сўнгги қочиш режасини ҳам амалга оширолмаслиги мумкин.

* * *

Хотини ва ўгли ўғирлаб кетилгандан кейин Элёрнинг юрган-турганида ҳаловат, еган-ичганида маза-матра йўқолди. Бухорога кетишда киргиси келмаса-да, бирровга уйга бош суқди. Кечагинда ҳам ичкарига кириши билан ўглининг қиқирлаган ёки йиғлаган овозини эшитарди. Ҳар икки оҳанг ҳам бирдай ёқимли эди унга. Меҳрибон аёли-чи? Олдига дастурхон ёзгунча шошиб қоларди. Кейин жамулжам бўлиб, овқат ейилар, чой ичилар, ширин суҳбат қуриларди. Суҳбат асосан фарзандининг ёқимли қилиқлари ва ҳар хил овоз чиқаришлари ҳақида бўларди. Қани энди, бу оромбахш онлар?! Лаззатли дақиқалар?!

Ичкарига кирган сари Муҳаббатнинг яна сурат чизишга қайтдингизми, дея жилмайгани, бокс билан шуғулланиб

юраверсангиз бўлмайдими, ахир бу ишингиз жуда хавфлику, деган хавотири ёдига тушар, шунда ўзини қаерга қўйишни билан тўлганар эди. Хувиллаб қолган уй уни ютиб юбораман дерди назарида. Хоналарнинг чироқларини ёқди, аммо қалби ёришмади — гуё зимистон. У зим-зиё кўчаларда адашиб, тентираб юргандай сездди ўзини.

Бир томондан бу машъум хабарни уйдагиларга айтолмай жуда қийналарди. Айтай деса, яна икки оиланинг, бутун қариндош-уруғларнинг ҳузур-ҳаловати йўқолади. Бирин-кетин бу ерга келиб олиб, шундоқ ҳам эзилиб адои тамом бўлган юрагини баттар сиқиши мумкин. Ёки далда бўлиб, кўнглини кўтаришармикин? Азоб-уқубатнинг бир қисмини елкаларига олишармикин? Нима қилишни, нима дейишни билмай боши қотганди.

Уғирлаганларнинг кимлиги, мақсади аён бўлгач, баттар хавотирга тушди. Бунинг устига Сакина Пуланинг агар битта сочимнинг тўкилганини Жигархун билса, хотинчангнинг ҳам шунча сочи кетади, деб юрагига рахна солиши уни жиддий ўйга толдирган эди: мабодо ўзи билан олиб кетиб қолса, нима қилади? Бегона юртларда хотини ва ўглини қаердан излайди. Йўлда отиб ташласа-чи?

Элёр жиноятчиларни қўлдан чиқармаслик учун ҳам гаровга олинган самолётни қутқаришда жонини жабборга берди. У ўлими тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмади: самолёт қўлга киритилса, оиласини қутқаришга умид тугилишини яхши биларди. Шундагина музокарага ўрин қолмаслиги мумкин. Жигархуннинг бошқа найранги йўқмикин? Агарда тузоқни сезиб қолиб самолётга келмаса-чи? Унда нима бўлади? Қочиш режаси ҳам барбод бўлганини билиб, оиласини ўлдириб юборса-я?

Уйлар гирдоб сингари уни ўз домига тортаркан, Маматқулни ҳам, сурбетларча тиржайиб ўтирган Сакина Пулани ҳам янчиб ташлагиси келарди. Дақиқа сайин кўзларига қон тўлиб борарди: алмаштириш жараёни қандай утаркин? Жи-

гархун тутқинларни олиб кел, самолётта чиқсин дермикин ёки аввал Муҳаббатни қўйиб юборармикин? Аслида унинг учун олдин оиласини жиноятчилар чангалидан қутқариб олиб, хавфсиз жойга олиб келгандан кейин гаровдагиларни “топширгани” маъқул эди. Чунки бирдан отишма бошланиб қолиши мумкин эди-да. Бунга ҳеч ким кафолат беролмасди. Шунинг учун агарда ҳозир қўнгироқ қилиб қолишса, ўз шартини айтишни ичида такрор ва такрор қайтариб турганди.

Телефон овози уни чўчитиб юборди.

— Чемпион меҳмонимизни самолётга олиб кел! — буйруқ келди гўшакдан. — Огоҳлантириб қўяй, шумлик қилсанг, аяб ўтирмайман.

— Олдин оиламни кўришни истайман! — ҳеч иккиланмай жавоб қилди Элёр.

— Ҳозир сен шарт қўядиган вазиятда эмассан! Кейин аэропорт бошлиғига айт, самолётни тезда учувчи билан таъминласин. Сен эса айтганимни қил!

— Хотиним ва ўғлимни кўрмасдан туриб, бирорта талабингни бажармайман!

— Яхши унда, алмаштириш йўқ. Тутқиндагилар бири сенга хотин, иккинчиси ўғил бўлади. Бизга уларнинг кераги йўқ! Қабристонга бориб гўрковдан илтимос қил, хотининг билан ўғлингга гўр қазийверсин!

Алоқа узилганди, Элёрнинг тепа сочлари тикка бўлди. Қўллари қалтираб, оёқларидан мадор кетди, ҳолсизланиб стулга ўтириб қолди.

Диспетчер полковник билан боғланиб маслаҳат сўрашни таклиф қилди. Элёр ўзини қўлга олиш кераклигини англади. Жосус аёлнинг олдида ожизлигини билдириб қўйганлиги учун хиложат тортди. Номус ўлимдан кучли. У газандалар қаршисида ўзини нотавон тутишни бас қилиб, диспетчернинг гапига қулоқ тутди.

— Майли, олиб кел. Фақат тепага кўтарилма. Пастда, трап олдида кут! Жиноятчилар келгач, вазиятга қараб

иш тутарсан. Учувчилар талаб қилгани бизнинг фойдамизга бўпти. Жалилнинг гуруҳидан икки кишини чақиртиб ол-да, учувчилар формасини кийинтириб, сендан беш дақиқадан кейин етиб боришларини тайинла. Уларни текшириб кўрганда ёнларидан қурол чиқмасин! Сен эса қаерга берки-тишни биласан!

Элёр полковник тайинлагандай иш тутди. Асирдагилар-ни аэропорт бошлигининг хизмат машинасига солиб, само-лётнинг олдига олиб борди. Бир оздан кейин икки учувчи келиб, самолётни учиш йўлагига қўйди.

Аэропорт дарвозаси олдида яна “Тез ёрдам” машинаси пайдо бўлди. Полковник томонидан огоҳлантирилган назоратчилар ва махсус хизмат вакили “Президент самолётига меҳмонлар бор” деган ҳайдовчини узоқ куттирмади. Дарво-за очилди, машина ордидан соқчининг рацияси ишга тушди.

— Қушча инга кирди.

— Ичида болали аёл борми?

— Йўқ!

— Демак, бошқа машинада. Ҳайдовчи билан неча киши?

— Тўртта.

— Яхши. Кутинглар!

Полковник Жигархуннинг ҳийласини англагандай бўлди. Биринчи машинани разведка учун киритган. Агар ҳаммаси жойида бўлса, ташқарига хабар беришади: иккинчи машина ичкарига киради. Мабодо тузоқ бўлса, кириб ўтиришмайди: шаҳар ичида куздан гойиб булишади.

Тахмини тўғрилигига ишонган полковник Бўронов дис-петчер билан боғланди ва дарҳол буйруқни ички ишлар бош-қармасига етказишни, аэропортдан беш километр атрофида барча йўлларга ДАН ва ИИБ ходимлари қўйилиши зарур-лигини тайинлади.

“Тез ёрдам” машинасидан икки киши тушди ва рация орқали самолёт ичидагилар билан боғланди. Бир оздан ке-йин люк очилиб, “Ҳамшира” кўринди. У бошини силкиб,

ҳаммаси жойида эканлигини билдиргач, машинадан тушганлар аввал Элёрнинг олдига келишди. Уни яхшилаб текшириб кўришди, қурол йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сунг Сакина Пуланинг қўлидан кишанни ечишни сўради.

Элёр индамай жосуснинг қўлини бўшатди. Билакларини силаган Сакина Пула бирдан Элёрнинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Афтидан, у бошига тушган барча кўргуликларнинг хуморидан чиқмоқчи бўлди, шекилли. Кейин йигитнинг афтига туфлади. Бунга ҳам қониқмадимми, бир нималар деб бақирди. Элёр шайтоннинг гапига қулоқ солмай, тишини-тишига босди. Сакинанинг оғзидан ҳақорат сўзлари чиққанини билса-да, эътиборни тортмаслик учун чурқ этмади.

Уч киши тепага кўтарилди. Улар вазиятни билишгач, пастдагиларга хабар бериши керак эди. Элёр бирдан отишма бошланиб қолса, машинадагилар қочиб кетиши мумкинлигини уйлаб, Маматқулни машина ёнига етаклади.

Мақсади машина ичида кимлар қолганини билиш эди. У Жигархун балки шу ердадир, деган гумонга ҳам борган эди. Дарвоза олдигаги соқчиларнинг полковникка етказган хабарини эса у ҳали билмасди.

— Балки ўтириб турармиз, — деди Элёр атай эшикдан ичкарига нигоҳ ташлаб.

— Машинадан нари тур! — дағдага қилди қалин соқол қўйган киши тўппончани Элёрга тўғрилаб.

Элёр Маматқулнинг ортига ўтди.

— Балки “Ҳоким” ўтириб турар? — деди Элёр Маматқулнинг елкасига қўл ташлаб.

Оғзи боғланган “Ҳоким” бир нималар деб гудранди. Олайган кўзлари билан бир нарсага ишора қила бошлади.

— Нима деяпти у? Қани оғзини еч-чи? — буюрди соқолли киши.

Шу пайт тепага кўтарилган жинойтчилардан бири трапдан пастга қараб думалаб туша бошлади. Буни биринчи булиб илғаган Элёр Маматқулнинг орқасига яширган

тўппончани чапдастлик билан олди-да, аввал соқоллини тинчитди, кейин тиззасидаги автоматни ишга тушишга уринган йигитга тўғрилади.

— Қуролни ерга ташла! Яхши, энди ўзинг ҳам аста пастга туш. Машинага ўгирил! Қўлингни бошингга қўй!

Жиноятчи Элёрнинг айтганларини қилишга мажбур бўлди. Шу пайт тепадан полковникнинг овози келгандай бўлди. Таниш овоз самолётнинг шовқинида аранг эшитилди. Бунга чалғиган Элёр чакагига келиб тушган муштдан гандираклаб кетди. Ўзини ўнглаб олишга ҳаракат қилгунча устига жиноятчи йигит ёпирилди. Элёр ўзи каби бақувват йигитнинг тагида қолиб кетди. Юзи, боши аралаш тушаётган муштнинг зарбига чидаркан, оёғи билан йигитни мувозанатдан чиқарди ва бир сакраб ўрнидан турди. Икки ўртада олишув бошланди. Анчадан буён муштлашмаган Элёрнинг иштаҳаси очилиб кетди. Аммо номаълум бандит ҳам анойилардан эмас экан, Элёрнинг зарбаларига чидаб, узун оёқларини ишга сола бошлади. Маматқул пайт пойлаб елкаси билан Элёрни туртиб йиқитмоқчи бўлди, аммо трапдан тушиб яқинлашиб қолган полковникни кўриб фикридан қайтди. Аввалроқ тепиб йиқитганида шериги ерда ётган қуролини олишга улгурармиди. Аммо имкон қўлдан бой берилган эди.

— Уни менга қўйиб беринг, ўртоқ полковник, — деди душманнинг оёғини ушлаб олишга эришган Элёр. Кейин айланиб келиб тирсаги билан жиноятчининг чакагига шунақанги зарба бердики, энди оёқни ушлаб туришга ҳам ҳожат қолмади.

— Тириклайин қўлга олганимиз яхши бўлди. Ташқарига қандай хабар бераркинмиз деб бошим қотиб турган эди.

Полковник шундай деб ердан автоматни олди-да, елкасига ташлади. Элёр ҳушига келиб-келмаган бандитнинг қўлига дарҳол кишан солди.

— Тепадагилар тинчидими, ўртоқ полковник?

— Улар ўлимни афзал кўришди, — деди полковник ерда ётган жиноятчининг олдига келиб.

— Сакина ҳамми?

— У тирик. — Полковник жиноятчини шарт ердан тургазди ва газаб билан деди: — Мараз, ўз юртингни сотиб, бегоналарга хизмат қилиб юрибсанми? Гапир, Жигархун деганлари қаерда?

— Билмайман!

— Билмайсанми?!

— Йўқ.

Биқинига келиб тулган залворли муштдан икки букчайган жиноятчи жагига еган тизза зарбидан ерга қулади. Элёр уни аяб ўтирмаган эди. Полковник яна ўша оҳангда саволини қайтарди.

— Ташқарида, — лаблари ёрилиб қон оқаётган бандит аранг жавоб қилди.

— Ким унга хабар қилиши керак?

— Хабар берадиган одам машинада ётибди.

Полковник Элёрга қаради. Элёр шунақа бўлиб қолди дегандай қўлларини ёйди.

— Унда, ўзинг хабар берасан?

— Эски “Ҳоким” айтгани ишончлироқ.

— Шундайми? У эски ҳоким булса, сен кимсан? Янгисимисан? Гапир, шаҳар ҳокимлигини сенга беришадиган бўлишдимми? Итдай ўлим топасан, уларнинг қўлида. Ана эски ҳокимдан сўра, уни қанақа қилиб йўқ қилмоқчи бўлганини. Ҳм, янги ҳокиммиш! Ўргилдим, сендақа ювиндихўрдан. Қани ўрнингдан тур-чи, — полковник янги ҳокимни яна оёққа тургазди. Сўнг туппончани пешанасига тираганичча деди: — Мени лақиллатолмайсан. Маматқул ишончдан чиқиб бўлган. Агар у гапирса, шерикларинг Жигархунни қочириб юборишлари мумкин. Шунинг учун ўзинг гаплашасан. Билдингми?

— Ҳа.

— Унда, паролни айт! Жигархунга нима дейиш керак?

— Парол йўқ, Лочин учишга шай, дейилса бўлди.

— Қани, янги “Ҳоким” жаноблари, “Шарпа”га айтинг булмаса! Келаверсин! — деди полковник атрофга бир назар ташлаб қўйгач.

— Гаровга олинганлар қаерда? — сўради Элёр муштини жиноятчининг жагига тираб.

— “Авлиё” билан бирга.

— “Авлиё” деганинг ким? — сўради Элёр муштини ниқтаб.

— Сен излаган одам-да!

— Жигархунми? У бу ерга келиб авлиё бўлиб олдим, сенларга.

Полковник Бүронов янги лақабни эшитиб, “ҳм” деди-да мийгида кулиб қўйди. Кейин бирдан жиддийлашиб “Авлиё”ни кутишга ҳозирланди. Машинанинг эшигини ёпаркан, снайперларга буйруқ қилиб, тайёр туришларини тайинлади. Кейин жиноятчиларга юзланди.

— Менга қаранглар, Жигархун бу ердан тирик чиқиб кетолмайди. Сенларга ҳам ўлим жазоси тайин. Аммо буни енгилроқ жазога алмаштиришим мумкин. Бунинг учун икковинг “Шарпа”ни яхшилаб кутиб оласан. У машинадан пастга тушгунча ҳаммаси табиий чиқиши керак. Хўш, розимисанлар?

— Жигархун ўлса, бизнинг ҳам кунимиз битади.

— Нега?

— Уни сақлай олмаганимиз учун бизни ўлдириб юборишади, — деди Элёр билан олишувда енгилган жиноятчи эзилган жагини ушлаганича.

— Ким ўлдиради?

— Бизга шунақа дейилган.

— Балки қўрқитишгандир?

— Улар қўрқитиб ўтиришмайди.

— Шунинг учун “Шарпа”ни тириклай қўлга оламиз.

Сенлар уни кутиб олиш учун шу ерда турсаларинг бўлди. Қани, тур. Элёр уларнинг қўлини еч.

Полковник ўқлари олинган қуролларни жиноятчиларнинг қўлига тутқазди.

— Инсон баъзида адашиши мумкин, аммо уни тан олиб тавба қилса, хоинлигини ювишни истаса, кечириш ҳақида ўйлаб кўришимиз мумкин. Аммо яна нодонлик қилмоқчи бўлсаларинг, снайперчиларнинг ўқидан тил тортмай ўласан! Улар ҳар бир ҳаракатингни кузатиб туришибди. Қани, “Ҳоким” нимани кутяпсан?

Тақдирга тан берган “Ҳоким” ортиқча мурувват кутиб ўтирмади.

— Балки менинг ҳам ташқарида турганим маъқулдир, ўртоқ полковник, — деди оиласини кўришга ошиққан Элёр.

— Гапинг тўғри, — деб қолди бирдан полковник. — Сен ахир Сакинани кузатиб келгансан, тўғрими? Ҳа, яширинмасанг ҳам бўлади. “Ҳоким” Элёрнинг ортига ўтиб ёқасидан ушлаб, тўппончани бошига тираб тур. Гўё уни қўлга олгансан. Тушундингми? Агарда Жигархун Сакина Пуланинг қаердалигини сўраса, самолётга ишора қил. У эшик олдида турибди. Аммо ортиқча ҳаракат қила кўрма. Снайпер нишонидан турганинг эсингдан чиқмасин. Элёр сандан икки қадам олдинда тураман. Белимда иккита тўппонча бўлади. Вазиятга қараб иш тут. Аммо шошилма. Жигархуннинг кутилмаган найранги бўлиши мумкин. Ҳар нарсага тайёр туришимиз керак. Диққат, снайперчилар, мен чап қўлимни туширишим билан отишни бошлайсизлар. Тушунарлими, чап қўлимни! Алоқа тамом!

Полковник рақияни ўчириб, ерга ташлади. Ўзи эса қўлини кўтариб, Элёрнинг олдидан жой эгаллади. Кейин автомат кўтарган йигитга қуролни менга қаратиб тур, деб буюрди.

* * *

Орадан беш дақиқалар ўтиб, учиш йўлагига қоп-қора “Мерседес” машинаси яқинлаша бошлади. Элёрнинг юрак уриши тезлашгандай бўлди. “Ишқилиб шу машинада-

микин?” деган уй бутун фикрини чулғаб олди. Нигоҳлари машинани тешиб юбораман дерди. Аммо “Йуқ бўлса-чи?” деган қарши уй ҳам хаёлида тинимсиз чарх урарди. Элёр қалбини ўртаётган ҳар икки акс-садонинг қай бирига қулоқ тутишни билмай қолди. Вужудига титроқ тушди. Аксига олиб машина имиллаб келаётгандай туюлди. Юрак шу даражага келдики, унга салгина тегинса ёки ортиқча бир оғиз гап айтилса, портлаб кетиши мумкин эди.

Машина сал нарида тўхтаганида Элёр ўзига келди. Эшик ҳадеганда очилавермади. Люк очилиб, Сакина Пула кўриниш берди. Шундан кейингина ҳайдовчи машинадан тушди. У орқа эшикни очиб кимгадир йўл бўшатди.

— Хайрият! — деб юборди Элёр пичирлаб, машинадан тушаётган Муҳаббатга кўзи тушиши билан. Кейин рангида ранг қолмаган хотини билан нигоҳлари тўқнашганда дув этиб ҳар иккисининг ҳам кўзларидан ёш қуйилди. Улар бир-бирларига қараб қолдилар. Сўзлар ўрнида отилиб чиқаётган ёш бир дам тўхтамай демасди. Муҳаббатини, унинг бағридаги фарзандини кўрганда яратганга ҳисобсиз шукрлар қилди. Уларни соғ-саломат кўришнинг ўзи қанчалар бахт эди. Майли йиғласин, майли гапира олмасин, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Энг муҳими, уларнинг жони омон экан, шундоқ ўн-ўн беш метрлар нарида турибди, холос. Икки сакраса етади, маҳкам бағрига босади, кейин биргалашиб йиғлайдилар. Майли, ким нима деб ўйласа ўйлайверсин, улар шу ернинг ўзида тўйиб-тўйиб йиғлаб оладилар.

Элёрнинг нигоҳи тўсатдан Жигархунга тушди. У қўлига қандайдир мосламани ушлаб олганича Муҳаббатни турган жойида айлантириб, унинг орқасига боғланган махсус бомбага ишора қилди. Элёр шундагина хотинига портловчи мослама осилганини пайқади. Юраги орқасига тортиб кетди. Снайперлар буни кўрдимикин? Уларга буйруқ берилса, мўлжални аниқ ололмай... Элёр у ёгини ўйлашга қўрқиб кетди: бир сакраб полковникнинг шимига қистирилган

туппончани олди-да, хотинини самолёт томонга судраган, пулт ушлаган қўлини афтидан снайперчиларга яна бир бор кўрсатиш учун кўтарган “Шарпа”нинг билagini нишонга олди ва магазиндаги ўқлар тутагунча отишдан тўхтамади. Биринчи ўқ овозини эшитгандаёқ ҳайдовчи Элёрга даҳшат билан қараган ва автоматини унинг пешанасига тўғрилаган эди, ammo отишга улгурмади, ўзининг бошига кетма-кет қадалган ўқдан миясининг қатиғи чиқиб кетди. Бу орада Жигархуннинг билaги осилиб қолди. Портлаткични ишга туширувчи пулт ерга тушди. Осонгина жон беришни истамаган жосус бор кучини йигиб уни эзмокчи бўлди. Бироқ полковник унинг оёқларини аллақачон мўлжалга олиб улгурган эди. Жигархун бақирганича ерга ағдарилди. Полковник дарҳол пултни қўлига олди.

Элёр қўрқувдан дағ-дағ титраётган Муҳаббатнинг юз-кўзларидан упди, кейин углини аста қучоғига оларкан, “ҳам-маси яхши бўлади”, деди пичирлаб.

Портловчи мосламаларни зарарсизлантирувчи гуруҳ ҳам етиб келди. Улар бир зумда Муҳаббатни ўраб олишди.

— Болани олиб кетинг! — деди Муҳаббат ниҳоят тилга келиб.

— Яхши, яхши. Фақат сен қўрқма, ҳозир устингдагини ечиб олишади. Кейин... кейин уйга қайтамин.

— Илтимос, болани олиб кетинг, — дея Муҳаббат ўкириб йиғлаб юборди.

Полковник ҳаммани бу ерни дарҳол тарк этишга буйруқ берди. Ҳатто самолётни ҳам узоқроққа олиб кетишни тайинлади. Тозалов ишларига ўн дақиқа, деди. Кейин Муҳаббатнинг олдига келди.

— Қўрқма, қизим, мен ёнингда бўламан.

Элёр угилчасини бағрига босаркан, нари кетишни истамади. Муҳаббат йиғлаганича, кетинг, кетинг, деганидан сўнггина кимдир унинг қўлтигидан олди. Бу авзои бада-ни терга ботган аэропорт бошлиғи Аминжон Санаев эди.

Элёр ноилож унга буйсунди, бироқ кўнгли бўлмади, болани Аминжон акага тутқазиб, яна Муҳаббатнинг олдига чопиб келди.

— Нега келдингиз? — деди Муҳаббат овози титраб.

— Мен ҳам ёнингда бўламан!

— Йўқ! Сиз фарзандимизни эҳтиёт қилинг.

— Сенсиз ҳеч қасққа кетмайман! Эшитяпсанми, кетмайман! — Элёр титроқ қўллари билан хотинининг рангпар юзини оҳиста силади. У гапираркан, кўзлари ёшга тўлди, агарда салгина киприк қоқса ҳам дув этиб оқиб тушгудек ҳолатда эди.

— Мабодо мана бу савил... сиз тирик қолишингиз керак, Элёр ака.

— Нималар деяпсан, Муҳаббат?!

— Илтмос, кетинг!

— Бу нарсани зарарсизлантириш ҳам ишми? Сен бир оз жим турсанг бўлди. Хўпми, жоним!

— Агар бу ердан кетмасангиз...

— Муҳаббат!

— Кетинг, Элёр ака!

— Майли, борақол, Элёр, — полковник шундай, деб Элёрни олиб кетишларини сўради.

Энди кўзларидан ёш оқа бошлаган Элёр Муҳаббатдан нигоҳини узолмай қолди.

— Менга бундай қараманг. Сиз яхшиси, Жалолиддинни эҳтиёт қилинг!

Бу гап ҳаммасидан ортиб тушди. Элёрнинг ич-ичидан ўтиб кетди. Бир пайтлар сеvimли ёрининг хавотир тўла нигоҳ билан “Бу ишингиз хавфли-ку”, деган гапи лоп этиб хаёлига келди. “Э, Худо, уни ўз паноҳингда асра, бўлмаса, ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман! — Элёр ичидан портлаб чиққан нидога ҳамоҳанг тарзда ерга муштлай бошлади. — Сендан ўтиниб сўрайман, уни бағримга қайтар! Фарзандимизни ҳам зор қақшатма! Ахир унда нима гуноҳ!”

Алангаси кўкка ўрлаган юрак типирчилай бошлади.

— Муҳаббат, ёнингда қолишимга розилик бер, жоним!

Муҳаббат юзини терс бурди. Полковникнинг ишорасидан кейин Элёрни судраб олиб кетишди.

Элик ёшлар чамасидаги ички ишлар вазирлиги ходими, портловчи моддалар билан ишлаш лабораториясининг бошлиги, майор Сиддиқ Латипов аввало мосламани аёлинг эгнидан ечишга уриниб кўрди, бироқ уни зарарсизланмасдан туриб ололмаслигини билгач, пешанасида реза-реза тер пайдо бўлди. Буни кўрган Муҳаббат ҳушини йўқотди. Полковник Бўронов аёлни аранг ушлаб қолишга улгурди. Сал ҳушёрликни йўқотганда Муҳаббатнинг йиқилиши аниқ эди. Шу тобда полковникнинг ҳам ранги ўчиб, қўлларига титроқ тушди. Анча наридаги Элёрни икки киши елкасидан аранг босиб қолишди.

— Нима гап? — сўради полковник ўйланиб қолган Латиповга юзланиб.

Бу хилдаги портлаш мосламасини биринчи бор учратиб турган майор Латипов ростдан ҳам саросимада эди. У тинмай бир қўли билан пешанасини артар, жавдираган нигоҳлари эса аёлнинг белига айлантриб ўраб ташланган рангли симларда эди.

— Бу мураккаб коммутация системаси экан, — очигини тан олди майор Латипов минг бир хижолат тортиб.

— Барибир бирор чораси бўлиши керак! — дея умидсизланмади полковник. Бироқ, унинг кенг пешанаси ажинга тўлиб кетди.

— Бундай ушлаб туришингиз ноқулай, ўртоқ полковник, аёлни аста ерга ётқизишга тўғри келади.

Лекин бунга ҳожат қолмади. Қаердандир етиб келган дўхтир Муҳаббатта нашатир ҳидлаттан эди, аёл ўзига келиб кўзларини очди. Кейин қадини ростлади. Ҳамон қалтис вазиятдан қутулмаганини кўриб ҳушёр тортди. Лекин энди тақдирга тан бергандай жим тураверди.

Полковник нимадир демоқчи бўлди, аммо аёлни яна ваҳимага ботирмаслик учун индай олмади. Фақат соатига кўз ташлаб қўйиш билан чекланди. Кўпни кўрган майор Латипов вақт кам қолаётганини, ҳадемай бу ерга Президент келиб қолиши мумкинлигини тушуниб турарди. Аёлни аэропортдан хавфсизроқ жойга олиб кетишни ҳам ўйлади. Айни пайтда бир сониядан кейин нима бўлишини ақлига сигди-ролмай, фикридан қайтиб турарди.

— Таваккал қиламиз, ўртоқ полковник, — чуқур хўрсинди майор Латипов.

— Ақлингиз етмадими?

— Бу ерда одатдагидан икки сим кўп экан. Қўшимча уланган симлар фикримни чалғитяпти.

— Бошқа мутахассис чақирайликми?

— Қолганларнинг бари шогирдим.

— Унда, бошланг!

— Мени кечиринг, ўртоқ полковник. Сенам қизим...

Муҳаббат кўзларини юмди. Угилчаси, эри кўз ўнгидан ўтди. Кейин талабалик йилларида — туғилган кунида Элёрнинг совғасини — катта қилиб чизилган портретини эслади, сўнг поездда келаётганда чиптангиз эртанги кунга экан-ку, деб қўрқитгани ва ярим кечага бориб севги изҳор қилганини, туйлари, аразлаб кетиб қолгани, кейин яна эрининг олдига қайтгани, ҳомиладорлигини билиб қувонгани, туғуруқхонада эса дўхтирга ўхшаб хоналарига кириб қиз кўрибсиз-да, дея қилган ҳазили кўз ўнгидан ўтди. Маъюс жилмайди. Наҳот ширин ҳаёти шу ерда якун топса? Хайрлашув қиёматга қолдими? Ёки бир зумга чақириб видолашиб олсамикин?

“Йўқ, уларни қийнамай қўя қолай, — хаёлидан ўтказди тишини тишига босиб турган Муҳаббат. — Агар ҳозир чақирсам, асло ёнимдан кетмайди. Кейин ҳеч бир куч у кишини ажратолмай қолади. Элёр ака тирик қолсалар фарзандимдан кўнглим тўқ бўлади. Оталик меҳрини аямай кат-

та қиладилар. Ахир ўтилчасини қанчалар яхши кўришини биламан-ку. Ҳа, айтгандай, уйланармикин ёки... Уйлансалар керак? Ҳали ёш-ку. Лекин кимга? Уғлимга ким оналик қиларкин? Синглим эри билан ярашмаган бўлса... тегармикин? Балки Элёр акам бошқа аёлни топар”.

Полковник аранг ютиниб қўяркан, атрофга аланглади. Худди охирги марта тўйиб қараб олгиси келган одамдай, суқланиб назар ташлади. Самолётга кўзи тушди: у жосуслар қўлига ўтмаганига, бегона юртларга учиб кетмаганига, ўз соҳибини мағрур кутиб турганини кўриб, кўзидан бир томчи ёш думалаб тушди. Қалби тинчланди, у вазифасини бажарди, улса ҳам армони йўқ. Оила аъзолари, ёр-биродарлари, ҳамкасблари эсласа фақат яхши ном билан ёдга олишади. Уюшган жиноятчиларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлганини фахр билан гапириб юришади. Балки кимдир бу ҳақда ёзиб ҳам қолдирар. Жасорати келажак авлодга ўрнак бўлса, уларни ватанни севишга, ардоқлашга ва ёмон кўз ва қабиҳ ниятли душманлардан омон сақлашга ундаса, жажжи юракларида ифтихор туйғусини уйғота олса, демак, ҳаёти бесамар ўтмабди — бевақт жон берса, изсиэ кетмайди. Ахир инсонга бундан ортиқ бахт борми? “Алвидо, она юрт! Алвидо, жондан севганларим! Сизлар билан хайрлаша олмадим. Мени кечиринглар!” дея аста пичирлаб кўзларини юмди.

Майор Латипов механизмни яна бир бор кўздан кечирди, ҳар бир рангли симни қаердан келиб нимага уланганига диққат қилди. Аслида учта сим бўлиши ва уларнинг биттаси узилса, милтиллаб ёниб турган митти қизил чироқча учиси керак. Бу ерда эса...

Терлаб кетди. Билагини билан пешанасини сидирди.

— Ҳозир ўзимни ташлаб юбораман, — деди Муҳаббат тоқати тугаётганини зўрға билдириб. — Илтимос, бир нарса қилинг!

— Аллоҳга таваккал қилаверинг!

— Ҳа, бу ерда Худога таваккалдан бошқа чора йўқ!

Майор Латипов шундай деб гоҳ қизил, гоҳ сариқ, гоҳ эса яшил симни ушлашдан бирдан тўхтади ва сариқ симни шартта узиб ташлади.

Ва бирдан...

Ва бирдан... милтилаб турган чироқ ўчмади. Нафасини ичига тутиб, бутун вужуди қулоққа айланган полковник “чирт” этган товушни эшитди ва кўзларини маҳкам юмди. Қараса... портлаш овозини эшитмади. Кўзлари ярақлаб очилди ва:

— Уддаладингизми? — дея олди пичирлаб.

— Энди биттасидан қутулдим, — чуқур нафас олган майор билаги билан пешанасини сидираркан.

— Яна нечта қолди?

— Иккита, ўртоқ полковник.

— Жигархун ўлмаганди, олиб келишсинми?

— Халақит беради, холос.

— Қайси симни кесдингиз?

— Сариқ.

— Энди-чи?

— Ҳайронман...

Орага сукут чўмди.

— Яна сариқни кесиб кўрсаммикин? — Латипов сукутни бузиб полковникка юзланди.

— Қизил-чи?

— Тўрт хил ранг қолди.

— Қора ҳам борми?

— Ҳа. Фикримни чалгитаётганиям шу қора сим-да.

Одатда бу рангда сим уланмасди.

— Унда тегманг!

— Менам шуни ўйлаб турибман. Ё қизил, ё сариқ.

Иккитадан бири.

— Юрагингиз нима деяпти?

— Юрагимни урганини эшитмаяпман, ўртоқ полковник.

— Унда, яна сариқ!

— Кесяпман! — Латипов омбирни сариқ симга қўйди.

Учала инсоннинг дилидан “Аллоҳ ўзинг асра!” деган илтижо ўтди. Аслида атрофдаги барча одамларнинг айни тобдаги ягона тилаги, хаёлидан ўтиб турган ва қайта-қайта ёд этилаётган бирдан-бир утинчи ҳам шу эди: эй, Худо уларни ўзинг асра!

Муҳаббатнинг оёгидан мадор кета бошлади. Бир пайт Элёр турган жойда шовқин овози эшитилди. У сабри тугаб Муҳаббат томон интилаётган эди. Полковник нима қилишни билмай қолди. Латиповга нигоҳ ташлаганди, тирс этган овоз қулогига чалингандай бўлди. Қўзларини юмди.

Ва бирдан...

Ва бирдан қулоқни қоматга келтирувчи, атрофни зир титратган даҳшатли овоз... эшитилмади.

— Гапиринг, уддасидан чиқдингизми?

— Ҳа, Худога шукр, уддаладим, — деди майор Латипов қўлидаги омбирни зарб билан ерга улоқтираркан, полковник Бўроновга қучогини очиб.

— Қизим, қани кўзингни оч! — деди энди жарангдор оҳангда полковник Бўронов Муҳаббатни елкаларидан қучоқлаб. Худди шуни кутиб тургандай Муҳаббат яна шилқ этиб полковникнинг қучогига йиқилди. Ҳа, у ҳам симнинг узилганини эшитган ва шу заҳотиёқ борлиқ мадоридан айрилган эди.

Элёр қанақа қилиб юз метрлар чамаси масофани босиб ўтганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳали ҳушига келиб улгурмаган Муҳаббатни бағрига оларкан, майор Латиповга миннатдор термилар, астойдил нимадир демоқчи булар, бироқ гапира олмас, қўзларида эса ёш, ҳозиргина пайдо бўлган севинч, ҳали тарк этиб улгурмаган қўрқув, бари-бариси намоён эди, унинг нигоҳларида. Полковник Бўронов Муҳаббатни Элёрнинг қулига топширгандан кейин майор Латиповни чинакам қучоқлади ва анчагача бағридан қўйиб юбормади.

Тозалов ишлари шу даража тез бажарилдики, айтилган муддат ичида ҳамма нарса табиий кўриниш олди. Яна ун беш дақиқадан сўнг Президент ўтирган самолёт Тошкентга парвоз қилди.

XLVI. СЎЗ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ...

Унг қўлининг тирсакдан пастки қисмидан айрилган, оёғидан ярадор бўлган Абу Жаллоб Жигархун қандай аҳволга тушганини ҳис қиларкан, тирик қолганига афсус чека бошлади. Ундан бу ҳақда сўрашганда негадир гапиргиси келмади. Бироқ, Ўзбекистонга нима мақсадда келганини сир сақлашнинг иложини қилолмади:

— Биринчи галда юртингизнинг обрўсини тўкиш учун Президентингизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48 сессиясига боришига тўсқинлик қилишим керак эди. Бунинг учун у кишини ўлдириш ёки жуда бўлмаса қаттиқ ярадор қилиш топширигини олганман. Минг асфуски, иккаласини ҳам... бажара олмадим. Шунда ҳам қўлга тушмаслигим лозим эди. Надоматлар бўлсинки, бу ерда омадим чопмади. Асирга тушганим камлик қилгандай, бир қўлимдан ҳам айрилиб турибман.

— Нечта одамнинг ёстигини қуритдинг, аблаҳ? — полковник жосуснинг башарасига тушироқчи бўлган муштини столга йўллади. Ёғоч стол худди қовургасидан айрилгандай қарсиллаб кетди. — Уларнинг жони жон эмас, сенинг қонга ботган қўлинг қўлми?

— Уруш қурбонсиз бўлмайди, полковник!

— Шундай экан, айрилган қўлингга ҳам ачинма! Биз уни она тупроғимизга ташламаймиз. Бир парча ер ҳам булганмасин. Бўйнингга осиб бериб юборамиз.

— Сақлаб турибсизми?

— Сен нима деб ўйловдинг? Хуш, жиноятингни тан оласанми?

— Мен киллерман! — деди жосус тишининг орасида. — Рост бу сафар омад мендан юз ўгирди.

— Буюртмачи ким?

— Сизларда яхши бир мақол бор экан: ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога деган. Ажойиб, топиб айтилганини-чи? — жилмайишга ҳаракат қилди жосус.

— Нимага шама қилганингни англадим, аммо исм-фамилияларини айт! — дағдаға қилди полковник Бўронов.

— Ёш бола бўлма, полковник. Мен асирингман, хоҳла улдир, хоҳла қамоққа тиқ!

— Сени анчадан бери излаб юрганлар бор. Улар бу хабарни эшитиб, қанчалар хурсанд бўлганини ва Ўзбекистонга миннатдорчилик изҳор қилганини айтмайсанми? Аввалига хабаримизга ишонишмади. Бухоро аэропортида суратта олинган тасмани уларга юборганимизда эса сўз тополмай қолишди.

— У ёғини сўрасанг, келиб-келиб Ўзбекистонда қўлга тушганимга узим ҳам ишонмай турибман, — деди жосус.

— Рухсат этинг, ўртоқ полковник, — деди чидай олмаган Элёр ичкарига отилиб кириб. — Яна эшитиб қўй, эй, бадбахт! Бу муқаддас диёрни сенга ўхшаганларга бериб қўймаймиз! Эшитдингми?! Эшитдингми, деяпман, эй, қонхўр махлуқ?!

Таржимон йигит ҳам жўшиб кетди. Элёр қандай оҳангда гапирган бўлса, у ҳам беихтиёр шундай руҳда етказди ва столни муштлаганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Сен ҳалиям тирикмисан? — дея афтини буриштирди Жигархун.

— Тирикман! Сени жаҳаннамга жўнатмагунча тинчимайман! — Элёр юзини Жигархуннинг совуқ башарасига тиради. Шу тобда унинг қатъий нигоҳларидан ут чақнарди. — Куриб ҳайрон бўляпсанми?

— Оилангни улдириб, белингни сингдирмоқчийдим. Шунда юрагингдаги жасоратдан асар ҳам қолмаган бўлар-

ди. Менга қарши чиққанингга афсус чекиб, бир умр қайғуга ботардинг, ўзингни сираям кечиролмай яшардинг!..

— Қулингдан ҳеч нима келмадимиз? Энди сен бу ерга келганингга афсус чекаётган булсанг керак! — Элёр умуман киприк қоқмай сўзлади.

Жигархун йигитнинг наърасини эшитмагандай, бўлиниб қолган гапини давом эттирди:

— Мени бу ерда қанча ушлаб турмоқчисизлар?

— Қанча керак бўлса, шунча!

— Интерпол ихтиёрига топширасизларми? — сўради Элёрнинг гапини эшитмаганга олган жосус.

— Сеними? — деди бирдан полковник Буронов қаддини ростлаб, — Сен Президентнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясида қатнашиш бахтига муяссар бўлганини шу ердан томоша қиласан!

— Ушанда олдингга мен ҳам ўтираман! — қўшиб қўйди Элёр қатъийлик билан.

Жигархуннинг дами ичига тушиб кетди.

Полковник Элёрни ташқарига кузатиб қўйди. Кейин юзлаштириш учун Сакина Пулани олиб киришларини сўради. Абу Жаллоб Жигархун рўпарасидан жой олган Сакина Пулага нигоҳ ташлади. Бир оздан кейингина аёл бошини кўтариб Жигархунга қаради. Улар миқ этмасдан анчагача шу ҳолатда туриб қолдилар.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қароргоҳи. Муҳташам бинонинг олдида юзлаб мустақил давлатларнинг байроқлари ҳилпираб турибди. Улар орасида шундай ажиб, шундай бегубор бир байроқ ўзгача нур сочиб турибдики, таровати дилларни хушнуд этади, ранглари нигоҳларни тиниқлаштириб, юракка қувват беради; томирлардаги миллат қонини мавжлантириб, гурур, ифтихор уйғотади. Буни кўриш, ҳис этиш керак. Бу оддий байроқ эмас, ўзбек

халқининг байроғи: ор-номуси, виждони! Бу Ўзбекистон давлатининг тенглар ўртасида тенглигини, намоён этиб турган азиз хилқатдир! Уни бу кўркем кошона олдида мағрур хилпираб туриши миллатнинг фахридир!

Бино ичидаги йиғилишни кўриш, кузатиш ҳам жуда завқли эди. Ана, экранда Ўзбекистон давлатининг раҳбари кўрсатила бошлади. Бутун дунё нигоҳи у кишининг қиёфасида Ўзбекистон деган мамалакат борлигини, бу озод юртда ўзбек деб аталмиш улуг миллат яшашини, энди бу халқ билан ҳам ҳисоблашиш кераклигини англаган бўлсалар, не ажаб!

Юраги ҳаққириб кетган Элёр бирдан жосустга юзланди. Рангида ранг қолмаган кимса экрандаги манзарага қараб ичидан зил кетди ва дош беролмай бошини қуйи соларкан, столнинг тагига кириб кетгандай бўлди.

Қалби гурурга тўлган полковник Элёрнинг елкасига қўлини қўйди. Кузлари порлаган Элёр полковник Буроновни қутлади. Полковник Буронов аҳиллик, яқдиллик ва мустаҳкам иродани намоён этиб, шогирдига қучогини очди. Элёр нопок кимсаларга, ёзув ниятли душманларга аёвсиз эканлигини, бу азиз диёрни кўз қорачиғидай асрашини билдириб, қўлни қўлга ташлади, юракка юракни босди.

Шу пайт Бош котибнинг қуйидаги сўзлари баралла жананглади:

— Эндиги сўз навбатини Ўзбекистон Республикаси Президенти...

Бу сўздан кейин қутлуг кошонанинг муътабар минбари томон мустақил Ўзбекистон давлатининг биринчи Президенти дадил қадам ташлади...

*Иккинчи китоб тамом.
Учинчи китоб саҳифалари орқали
дийдорлашгунча омон бўлинг!*

МУНДАРИЖА

Нашриётдан	3
Муқаддима	5

БИРИНЧИ ҚИСМ

I. Мақсад сари йул	7
II. Ва ниҳоят ринг	18
III. Офисдаги можаро	30
IV. Ажал билан юзма-юз	41
V. Рақиб	58
VI. Даствлабки тергов	67
VII. Шаҳлонинг ташвиши	73
VIII. Шундайлар ҳам бор эди	81
IX. Уйда	87
X. Улим ва Ҳаёт	93
XI. Ота йигламасин дунёда	97
XII. Азизнинг қотили ким?	102
XIII. Оталик бахти	106
XIV. Тугуруқхонада	109
XV. Ҳибсга олиш	115
XVI. Ертўладаги биринчи кун	119
XVII. Тергов давом этади	127
XVIII. Амалга ошмаган орзу	133
XIX. Пичоқ кимники?	135
XX. Синовдан утган йигит	140
XXI. Оталик бахти	148
XXII. Биринчи қадам	153
XXII. "Ҳалокат" операцияси	160

ИККИНЧИ ҚИСМ

XXIV. Уч тонфа одамлар	171
XXV. Боксни ташлолмаган йигит	180
XXVI. Элёр — чемпион!	184
XXVII. Биринчи хавф-хатар	192
XXVIII. Қувин	204
XXIX. Гаровга олинган автобус	217
XXX. Касалхонада	236
XXXI. Вазирлар Маҳкамасида йигин	238
XXXII. Муҳаббатнинг ташвиши	241
XXXIII. Улфатлар гийбати	245
XXXIV. Яна хизматга	252
XXXV. Сухбат	259
XXXVI. Калаванинг учи	263
XXXVII. Ҳийла	276
XXXVIII. Ҳийла устига ҳийла	281
XXXIX. Жосус изидан	285
XL. Душман ҳийлани фош қилди	293
XLI. Қарши ҳужум	299
XLII. Жиноятчининг талаби	304
XLIII. Қамал	309
XLIV. Барбод булган режа	314
XLV. Суз Ўзбекистон Президенти	333

АКБАР МИРЗО
(Нурматов Акбарали Мирзо Қосим ҳожи ўгли)

АЖАЛ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Роман

Муҳаррир *Илҳом Зойир*
Мусаввир *Шавкат Музаффар*
Бадий муҳаррир *Шухрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Корректор *Ҳалима Ходжаева*
Компьютерда саҳифаловчи *Акмал Сулаймонов*

Нашриёт лицензияси А1 № 154. 14.08.2009.

2013 йил 18 мартда босишга руҳсат этилди. Бичими: 84x108 ¹/₃₂.
AcademyTAD гарнитураси. Офсет босма, 17,85 шартли босма табоқ,
15,56 нашр табоғи. Адади 5000 (1-заавод 2000) нусха.
138-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Нашринг оригинал макети "Mitti Yulduz" МСНҶда
тайёрланди. 100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz

Мирзо, Акбар

**Ажал билан юзма-юз: роман/А.Мирзо; масъул муҳаррир
Л.Тангриев. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа
иждодий уйи, 2013. – 340 бет.**

ISBN 978-9943-03-492-1

**УЎК 821.512.133-3
КБК 84(59)6**